В статье рассматриваются отношение разума человека, как основа развития и внимания приводящее к счастью путём народного воспитания ума с древних времён на основе всестронне развитой личности, о самородков и дополнительных свойствах ума, научных книг и жизненного опыта. В статье приводятся мысли великих учёных о свойствах ума.

**RESUME**

The article examines the attitude of the human mind, as the basis of development and attention leading to happiness through the public education of the mind since anclent times based on the most fully developed personality, on the native and additional properties of the mind, scientific books and life experience. The article presents the thoughts of great scientists about the properties of the mind


## КОМИЛ ИНСОН – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШ МАҚСАДИ


**Т.Матибаев** - *социология фанлари доктори*
*Ташкент*



**Таянч сузлар:** ижтимоий ҳамкорлик, жамиятнинг демократлашуви, ижтимоий адолат, барқарор тараққиёт, эркинлик, қонун устуворлиги, фуқаролик жамияти.

**Ключевые слова:** социальное сотрудничество, демократическое общество, социальная справедливость, устойчивое развитие, свобода, верховенство закона, гражданское общество.

**Key words:** social cooperation, democratic society, social justice, sustainable development, freedom, supremacy of law, civil society.


Инсон мавжуд сиёсий институтлар гаровига айланган, жамиятнинг итоатгўй, аммо шу пайтнинг ўзида унинг бегоналашган субъектига, давлат машинасининг бир оддий винтига айланиб қолган эски тузумнинг заҳри аста-секин руҳимизни тарк этмоқда. Аммо у бирданига тумандай тарқалиб кетгани йўқ. Ҳозирда ривожла-нишимизнинг асосий йўналишидан бири – бу жамиятни эркинлаштиришдир. Бу, аввало, инсонни эркинлаш-тиришни англатади. Жамият тараққиётию камолотининг асосий мезони инсон бўлган тақдирдагина барқарор давлат барпо этиш мумкин.

Ўзбекистон инсонпарвар жамият қуриш йўлида маълум натижаларга эришмоқда. Инсоннинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролининг миллий ва умуминсоний мезонларини ижтимоий-фалсафий, сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан англаш ҳозирги пайтда нафақат назарий, балки долзарб амалий аҳамият касб этмоқда. Бунинг яна бир жиҳати шундаки, демократик тараққиёт йўлига ўтган ва айниқса демократия соҳасида катта тажриба тўплаган мамлакатларда ҳозирда инсоннинг жамиятдаги ўрни масалаларига қарашда туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Инсон тараққиёти, Шахс, Комил Инсон тўғрисида сифат жиҳатдан янги концепциялар ҳам қарор топдики, бу жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътиборига сазовор бўлди, БМТ ҳужжатларида ўз аксини топди [4].

Юртимизда эркин, озод инсоннинг демократик жамиятдаги ўрни ва роли масалалари том маънода мустақилликдан сўнг ўрганила бошланди. Муаммонинг турли жиҳатлари, хусусан инсон руҳи эркинлиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, инсонлараро

муносабатларнинг “жамият – давлат – цивилизация” тизимидаги ўзига хосликлари охирги йилларда анча теран таҳлил қилинмоқда.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, иқтисодий юксалиш ва инсоний тараққиёт ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Одамларга сарфланадиган инвестициялар одамларнинг ўзига керакдир. Ўзига тўқ, соғлом аҳоли, яхши таълим олган ва малакали ишчи кучи бир вақтнинг ўзида иқтисодий юксалишга эришишда асосий ишлаб чиқариш кучи, инсон капиталининг мақсади ҳисобланади. Халқаро экспертларнинг ҳисобларига кўра, иқтисодий самарадорликнинг 60 фоизи инсон омили воситасида ва қолган 40 фоизи табиий капитал аталмиш заҳиралар (ер ости бойликлари ва бошқалар) ва техник капитал – машиналар, жиҳозлар ва ҳоказолар эвазига таъминланади. XXI асрда инсон омилини сафарбар қилмай туриб, ижтимоий тараққиётга эришиб бўлмайди. Инсон тараққиёти муаммоларини сиёсат марказига қўйиш механизмлари йирик мутахассисларни ўйлантирмокда. Бу соҳада йирик ўзгаришлар юз бериши керак. Янги аср учун тараққиёт стратегиясини танлашда инсон учун, унинг имкониятларини очиш учун, яъни инсонни ривожлантиришга мамлакатимизда алоҳида эътибор берилмоқда.

Бу ҳақда фикр юритганда, айни пайтда жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бормокда, барча сохаларда чукур ислохотлар амалга оширилмокда. Улардан кузланган максад «Инсон манфаатлари хамма нарсадан устун» деган оддий ва аник-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамият касб этишини таъкидлаш лозим. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилгани ва 2017 йилдан буён амалга татбиқ этилаётгани бу борада алоҳида ўрин тутади [1].

Ҳаракатлар стратегияси негизида юртимизда давлат ва жамиятнинг тараққиётида стратегик режалаштириш тизими яратилиб, аҳоли турмуш тарзи сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда. Эътиборли томони шундаки, жамоатчилик назорати бир неча йўналишларда ташкил этилган.

Бу борадаги муайян омилларга алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Авваламбор, мамлакатда харакатлар стратегияси асосида давлат ва жамиятни ривожлантиришни стратегик режалаштириш тизими сифат жихатидан янги боскичга чикди. Харакатлар стратегиясининг узига хос жихати шундаки, мамлакатимиз тарихида биринчи марта бундай макомдаги хужжат умумхалк мухокамасидан утди. Эътиборлиси, жамоатчилик мухокамаси халкимиз, экспертлар доиралари, халкаро ташкилотлар учун хам очиқ булди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат органлари ўз фаолиятидан жамоатчиликни доимий равишда хабардор қилиб туриши, фуқароларнинг турли сўров ва мурожаатларига ўз вақтида, аниқ жавоб қайтариши белгилаб қўйилди. Шу билан бирга, жамоатчилик назорати йўлга қўйилди. Ҳудудларда фуқаролар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, турли йиғинлар, учрашувларда, жамоатчилик эшитувлари орқали мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида дахлдорлик туйғусини ҳис этиб, ўз таклифи ва танқидий фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилмоқдалар. Натижада жойларда турли даражадаги муаммолар очиқ-ошкора ўрганилиб, аниқланган камчилик ва нуқсонлар самарали бартараф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йуналиши буйича харакатлар стратегиясини ишлаб чикишда фукароларимиз юксак фаоллик, уз гражданлик позициясини намойиш этгани боиси хам аслида шунда. Бинобарин, Ҳаракатлар стратегиясининг 4-Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлариниянада ислоҳ қилиш вазифаларини ўз ичига олиб, унинг 4-бандида Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш:узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматларига имкониятларни ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш вазифалари белгилаб ўтилган.

Албатта, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан кучли жамоатчилик назоратини амалга ошириш фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Чунки, айнан фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга бефарқ ёки лоқайд эмаслиги ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолиятининг жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиб бориши демократик-ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг муҳим шартидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон жадал ривожланмоқда. Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз.

Буюк файласуф Абу Наср Фаробий ўз асарида: “Раҳбарлик—одамларни бахт-саодатга етаклаш санъати”, - деб айтади. Бахт-саодатга ўз-ўзидан эришиб бўлмаслигини уқтиради. Демак, раҳбар чин маънодаги муаллим каби бўлмоғи зарур. Сўнгра мутафаккир: “Раҳбарларнинг фаолияти мақсадга сазовор бўлмаса ва бу иш унинг қўлидан келмаса, у ҳолда бошлиқ, деб аталишга лойиқ эмас. Агар у ўзи буюрган нарсани жорий эта олмаса, агар бошқалар бўйсунган нарсага ўзи амал қилмаса, у ҳолда унинг кўрсатмалари қонуний кучга эга бўлмайди”, деб фикр юритади.

Дарҳақиқат, агар раҳбар баъзи бир оддий одамлар каби бўш-баёв ва жоҳил бўлса, у одамларга наф келтирадиган қонунни жорий эта олмаслиги аниқ. Ўзи қонунни менсимайдиган ва шу билан бирга қўли остидагиларни ҳам қонунга итоат эттира олмайдиган раҳбар нафақат жамиятдаги муносабатларга зарар келтиради, балки жамиятда катта кўнгилсизликларни ҳам келтириб чиқаради. Мутафакирнинг юқорида баён этилган фикрлари ҳозирги давримиз учун ҳам ибратлидир.

Айниқса, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар адолатли, мамлакат тақдири учун қайғурадиган, ҳалол, пок, салоҳиятли кадрларни тарбиялашни тақозо этмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳар бир чиқишида бежиз бу масалага тўхталаётгани йўқ. Бошқарувнинг маълум қатламларида, айниқса, ишлаб чиқариш соҳасида янгиликка интилиш, янгиликни жорий этишга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар бор. Лекин айрим бўғинлардаги идораларда ўтирган, эскича фикрлайдиган, раҳбарликни юксак масъулият деб эмас, балки мартаба деб қарайдиган, тадбиркорлик ва ташаббускорликка йўл бермайдиган таъмагир кимсалар бу интилишларга тўсиқ бўлаётгани аччиқ ҳақиқат.

Бугун дунёда шиддат билан кечаётган янгиланишлар, тараққиёт биздан ҳам новатор бўлишни талаб қилмоқда. Бошқарув тизимининг айрим бўғинларидаги мавжуд тўрачилик бошқарув усулларини бартараф этиб, демократик, халқчил тамойилларни қарор топтирмас эканмиз, ривожланган, демократик жамиятни барпо этиш борасидаги уринишларимиз сароб бўлиб қолади.

Бунинг учун ҳар биримиз бепарволик, лоқайдликни йиғиштиришимиз, жамиятдаги иллатларга қарши кураш олиб боришимиз шарт. Машҳур файласуфлардан бири ана шу ҳаётий ҳақиқатни чуқур таҳлил этган: “Душманлардан қўрқма-нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан қўрқма- нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ - улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади”.

Агар ҳаётий тажрибамизга назар солсак, айрим бюрократ ва консерватив, яъни догма раҳбарлар билимсизлиги, савиясизлигини яшириш учун, лавозимдан манфаат бойлик, шуҳрат орттириш учун билимсиз, саводсиз кадрларни ишга олишга уринади. Ташаббускор кадрлар яна сояда қолиб кетаверади. Бундай жойда ўсиш, тараққиёт бўлмайди. Элим, юртим деб яшайдиган, нафақат жамоаси орасида, балки мамлакат доирасида катта обрў-эътиборга эга ўрта бўғиндаги малакали кадрларнинг ташаббусини ундан юқорироқда ўтирган раҳбар ўзининг ташаббуси қилиб кўрсатади, турли баҳона ва туҳматлар билан етук кадрнинг бошига етади, бундай раҳбарлар шахсий адоватини давлат манфаатидан юқори қўяди. Ваҳоланки, курсидан фойдаланган ҳолда рақибдан алам олиш Ватанга ҳиёнат қилиш, демакдир.

Бу борада ҳаммамизга давлатимиз раҳбари олиб бораётган жўшқин сиёсат ва фаолият ибрат бўлиши лозим. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз чиқишларида суръатли замон талабини бот-бот такрорлаши бежиз эмас: “Аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, унинг қонуний талаблари, сўров ва таклифларини амалга ошириш учун аниқ чоралар кўришни мен ўзим учун энг муҳим ва устувор вазифа, деб ҳисоблайман.

Энди нафақат ҳукумат, балки мутасадди вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, шунингдек, ҳокимларнинг ҳам бу борадаги фаолияти якунлари бўйича ҳисобот бериш тизими жорий этилади ва шунга қараб уларнинг ишига баҳо берилади. Шу сабабдан ҳар бир раҳбар ва мансабдор шахсдан айни шу асосда тизимли ва самарали иш олиб боришни талаб этаман”[3:150]. “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишда биз, илгаригидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар, эркин ва холис оммавий ахборот воситалари фаол ўрин эгаллайди, деб ишонамиз”[3:141].

Бу жараёнда ижтимоий адолатсизлик кўринишларини бартараф этиш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллигининг ошиб бориши муҳим. Қолаверса, жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо албатта муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур. Президентимиз таъбири билан айтганда, халқимиз азалдан юксак қадрлаб келадиган, ҳамма нарсадан устун қўядиган адолат туйғусини ҳаётимизда янада кенг қарор топтиришни биз биринчи даражали вазифамиз, деб ҳисоблаймиз [3:140].

Дарҳақиқат, инсон салоҳияти аввалгидан ҳам кўп аҳамиятга эга бўлмоқда. Даромадни аҳоли жон бошига ҳисоблаганда энг юқори даражага эга бўлган дунё давлатлари орасида табиий заҳиралари ниҳоятда кам давлатлар оз эмас (Япония, Швейцария, Дания). Шу вақтнинг ўзида табиий заҳираларга ўта бой бир қатор мамлакатлар (Россия, Бразилия, Аргентина) аҳоли жон бошига ҳисоблаганда паст даромадлар даражасига эга. Демак, мамлакат тараққиёти меҳнат кишисининг яратувчилик кучини сафарбар этишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Ҳар бир жамият аъзосининг меҳнат ҳиссаси эвазига мамлакатнинг юксалиши мумкинлиги Германия ва Япония тажрибасидан маълум.

Узоқ муддатли даврда иқтисодий юксалиш ва инсоний тараққиёт йўналишлари бир-бирига мос келса ҳам, бу алоқа ҳар бир мамлакат учун давлат сиёсатига боғлиқ бўлади. Айрим мамлакатлар пухта ўйланган давлат сиёсати туфайли аҳоли соғлиғини сақлаш, таълим даражасини ошириш ишида иқтисодий юксалишдан олинган самарадан фойдаланишда катта ютуқларга эришмоқда. Масалан, одамлар учун бандликни вужудга келтириш юксалиш ҳисобланадими? Ўзбекистон учун қишлоқни ривожлантириш стратегияси саноат ва хизматларни ривожлантириш ҳисобига қишлоқ хўжалигидаги яширин ишсизлик даражасини пасайтиришга қаратилган. Жойларда фермерлар ўртасида ерни одилона тақсимлаш одам меҳнати натижасини адолатли тақсимлайди. Ўзбекистон ҳукумати бу йўналишдаги кўпгина дастурларни эълон қилди ва уларни амалга оширмоқда.

Мустақиллик шароитида инсон ислоҳотлар учун эмас, ислоҳотлар инсон учун хизмат қилмоқда. Зеро, биз инсоннинг жамиятга муносабати унинг жамиятда ўз ўрнини топишига боғлиқлигини теран англадик. Шундагина инсон ўзини-ўзи, мақсадию манфаатларини, атрофдаги яқинларини, маҳаллаю кўча-кўйини, дўсту биродарларини, миллатини ва ниҳоят жамиятни, унинг муаммоларини тўғри баҳолайди.

Ҳар бир шахс ўз қобилият ва имкониятларини намоён қила олиши учун тўлиқ имкониятлар яратиш, бунда уларнинг фаровон турмуш кечиришларига эришиш айни муддао. Кишиларнинг жамиятдан олаётган улушлари (иш ҳақи, даромадлари, мукофотлари, унвону мансаблари) уларнинг жамият ривожига қўшаётган ҳиссаларига (меҳнати, қобилияти, заковати, алоҳида хизматлари, сармояси каби) мос келиши фақатгина давлат идораларининг назоратига ёки бозор механизмининг талаб ва таклиф каби қонуниятларига эмас, кўпроқ инсон ривожи имкониятларига боғлиқ.

Маълумки, жамиятнинг меҳнат салоҳияти касалликлар ва жароҳатларни камайтириш ҳисобига оширилади. Шу орқали ишчи кучи миқдори оширилади ва меҳнат фаолияти кўлами кенгайтирилади. Айнан шунинг учун Германия, АҚШ, Австрия, Япония каби мамлакатларда аҳолини спорт фаолиятига жалб этиш умуммиллий дастурларининг кўлами кенгайтирилмоқда. Бу дастурлар кенг аҳоли оммасига спортнинг турлари, туризм ва бошқа соғломлаштирувчи чора-тадбирларга дахлдорлиги учун имкониятлар очмоқда. Ўзбекистонда спортнинг оммавий (футбол) ва томошабоп турларига (теннис, кураш, бокс ва бошқалар) алоҳида эътибор берилаётганлиги охир-оқибат жамиятимиз меҳнат фаоллигининг ошишига таъсир кўрсатиши табиий.

Аҳоли соғлигининг яхшиланиши унинг жисмоний ривожи ва меҳнат қобилиятининг ошишига ва пировард маҳсулотлар ва хизматларни яратиш, билимларни ошириш учун муҳим омил ҳисобланади. Хориж олимларининг ҳисобларига кўра, таълим даражаси ва ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик бор экан. Шуниси аниқ бўлдики, таълимга сарфланган ижтимоий ва шахсий сарф-харажатлар ЯИМ ўсишининг 50 фоиздан кўпроғини таъминлар экан.

Таълим даражаси жамиятнинг маънавий бойлиги бўлган умумий билимлар ва кўникмаларнинг биргаликдаги жамғармасини ташкил этувчи таълим, меҳнат, илмий, ақлий ва ижодий салоҳиятни

ифодалайди. Бу сифат авлоддан авлодга ўтади ва инсон тараққиёти ҳамда умуман қайта тиклаш жараёни самарадорлигининг муҳим шарти ҳисобланади.

XXI аср бошида қайта ишлаб чиқаришнинг асосий омили моддий неъматлар ва хизматларни тўплаш эмас, балки аҳоли ҳаёти сифати, билимлари, соғлиғи, жисмоний тараққиёти даражаси ва бошқа кўрсаткичлари ҳисобланади. Аҳоли ҳаёти сифатини қўллаб-қувватлаш учун дунёда ҳар йили 15-20 триллион доллар сарфланмоқда. Мисол учун, тўпланган инсон капитали жон бошига Жанубий Осиё мамлакатларида ўртача 14 000 долларни ташкил этган бўлса, АҚШ ва Канадада 250 000 долларга тенг бўлмоқда. Демак, “инсон капитали” тобора жамият бойлигининг ақлий жиҳатларига, инсон омилига, унинг жамият ҳаётидаги ўрнига ва аҳамиятига эътибор беришни талаб этмоқда.

Мамлакатимиз ҳаётини эркинлаштириш аввало инсонни эркинлаштириш билан боғлиқ. Моддий, ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатдан эркин бўлган инсонгина ҳуқуқий давлат фуқароси ва демократик жамият аъзоси сифатида муносиб фаолият юритиши ва ҳаёт кечириши мумкин. Зеро, инсон фақат ўзи учун эмас, балки оиласи, халқи, давлати, жамияти ва умуман инсоният учун жавобгар мавжудотга айланмоқда. Нафақат энг буюк ютуқлар, балки фожиавий хатолар, юз минглаб ва ҳатто миллионлаб инсонларга зарар етказиши мумкин бўлган фалокатлар ҳам инсон омили таъсирида юз бериши мумкин. Инсоннинг жамиятдаги ўрни аввало унинг салоҳиятининг тўла амалга оширилиши билан боғлиқ. Инсон салоҳиятини амалга ошира олмаган жамиятнинг ўзи тараққиётга эриша олмайди. Шу маънода фақат моддий фаровонликнинг ўзи етарли эмас. Инсон жамият сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши, эркин ҳаёт кечириши зарур. Бир сўз билан айтганда, инсоннинг жамият ҳаётидаги ўрни умуминсоний қадриятларга, халқаро стандартларга мос бўлиши керак. Шу асосдагина инсоннинг барқарор ривожини таъминлаш мумкин.

Социал инфраструктура фаолияти инсоннинг яшаш муҳитининг қулайлигини таъминлашга хизмат қилишини биз ҳозирда англаб етмоқдамиз. Ижтимоий инфраструктура инсон ҳаётида кучли таъсирга эга. Бу каби муаммоларга мамлакатимизда алоҳида ва изчил эътибор бериб келинмоқда. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда турли йилларни ижтимоий мазмунга эга номлар билан аталиб ва бу соҳага оид тегишли махсус ҳукумат дастурлари ишлаб чиқилиб, муттасил тарзда ҳаётга тадбиқ этиб келинмоқда.

Инсон омили маълумот даражасига тўғридан тўғри боғлиқ. Зеро, янги асрда инсоннинг маънавий қиёфасини билим ва қобилиятлар белгилайдики, буни инсонни олий қадрият деб биладиган жамиятдагина таъминлаш мумкин. БМТ нинг ЮНЕСКО ташкилоти таснифига кўра Ўзбекистонга [4:98] аҳолининг юқори маълумот даражаси хос бўлиб, у халқи қарийб мутлақ саводхонликка эга бўлган оз сонли ривожланаётган мамлакатлардан биридир.

Эришилган марраларни сақлаб қолиб, таълим тизимини ислоҳ қилиш ва уни замон талабларига мослаш йўлида мактаб ва ўқув юртлари замонавий жиҳозлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминланмоқда, уларда 11-йиллик қайтатдан жорий қилинди ўқитиш мазмуни тубдан яхшиланмоқда [2].

Инсоннинг барча қобилиятлари жамият учун фойда келтириши кўп жиҳатдан унинг ҳаёти қандай таъминланганлигига боғлиқ. Даставвал ҳар бир оила ўз турар жойининг эгаси бўлиши керак. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, қишлоқ жойларни газлаштириш каби мураккаб муаммоларнинг ҳал қилиб борилиши ҳам инсонга муносиб ҳаётни таъминлашга қаратилгандир.

Баҳоларни эркинлаштириш, савдо тизими ва маиший хизмат соҳасининг бир маромда хусусийлаштириб борилиши савдо тармоғидан аҳолининг фойдаланишини ҳал қилиб бориш имконини беради. Бу масала ҳам кўп жиҳатдан яна инсон омили билан боғлиқ деб ўйлаймиз. Истеъмол молларининг кўпини ўзимизда етиштиришни таъминлаш учун маҳаллий ишбилармонларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, янги иш ўринларини ташкил этиш, қишлоқ жойларда савдо шахобчалари ва маиший хизмат муассасаларини кўплаб барпо этиш ана шу мақсадларга олиб борадиган йўлдир.

Ҳозирги замон кишисининг ҳаётини транспорт ва алоқа тармоғининг фаолиятисиз тасаввур қилиш қийин. Бу соҳалар инсонлар ҳаётида зарур қулайликлар яратади, уларнинг узоғини яқин қилади.

Ҳар бир етук жамият учун Комил Инсон энг олий мақсад ҳисобланади. Инсонни улуғламай, уни ўз ўрнига қўймасдан туриб демократик ва одил жамиятни барпо этиб бўлмайди [4:98].

Маълумки, ижтимоий қониқиш кишилар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий қониқиш ҳосил қилаётган шахс ўзи яшаётган жамиятни адолатли деб билади. Аксинча, ҳаётининг у ёки бу жиҳатидан қониқиш олмаётган инсон жамиятни ҳам шунга мос равишда баҳолайди.

Тарих шундан гувоҳлик берадики, мустақилликка эришган ваислоҳотларни амалга ошираётган мамлакатларда фуқаролар маълум қийинчиликларни бошдан кечиришлари билан бирга, сўзсиз улкан тарихий имкониятга ҳам эга бўладилар. Бу ҳам бўлса, ушбу жамият аъзоларининг ўз ҳаётларини янги саҳифадан бошлаш имкониятидир. Бундай жамиятларда бир томондан шу жамиятни ташкил этувчи одамлар ўртасида ва иккинчи томондан жамият ва давлат ўртасида яқин, истиқболли ва узоқ келажакдаги ривожланишнинг туб асослари, қадриятлари, мақсад ва вазифалари юзасидан келишув, шартнома, бир сўз билан айтганда шартлашув ҳолати бўлмоғи керак. Тараққиётимизнинг муҳим даврларида биз ўз келажагимиз бўйича аҳдимизни қайта-қайта ёд этиб туришимиз муҳим аҳамиятга эга.

Бизга ҳозирда жамиятимиз тараққиёти мазмуни ва эҳтиёжларини теран англаган инсонлар зарур. Илғор инсонларимизнинг фидокорлиги билан омихталанганда у буюк яратувчилик салоҳиятини ташкил этади. Ва бундай яратувчи шахс оддий ижрочи бўлмайди. Чунки у аниқ мақсад ва режаларга эга бўлиши, қонунларга итоат этиши билан бирга эркин фикрловчи шахс ҳам бўлиши керак. Эскича фикрлаш ва ишлаш кайфиятидан қутулган, янгича бунёдкорлик ҳисси уфуриб турган кўплаб фуқароларимиз саъй-ҳаракатлари туфайли миллий истиқлол ғояси камол топмоқда. Бунда жамиятда ҳаққоний ахборот макони ва муҳитининг бўлиши муҳим аҳамият касб этди.

Оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Лекин муаммолар ҳам кам эмас. Мустақил нашрлар сони оз. Танқидий фикрлар йиғинларда кам айтилади. Жойларда очиқ фикрловчиларнинг “оғзини ёпишга” уринувчи раҳбар шахслар йўқ эмас. Аслида ошкоралик – камчиликни ўзимиз аниқлайлик, уларни бартараф этайлик дегани. Бу эса очиқ мулоқот, баҳс орқали руёбга чиқади. Лекин шуни тан олиш зарурки, конструктив баҳслар шунчаки, баҳс учунгина эмас, умумий қарорлар, фикрлар ишлаб чиқиш учун зарур. Умумий қарорлар қабул қилингач эса, ортиқча баҳсларга берилмай, уларни бажариш учун жипслашиш зарур.

Одамларга ҳар доим адолатсизликлар оқибатларини англатиб туриш зарур. Бу вазифани бажаришда ОАВ жамиятга ҳаққоний маълумотларни тақдим этиши – бу демократия талабларидан бири. Бир пайтлар

А.Линкольн “Одамларга фактларни билиш имкониятини беринг, натижада бутун мамлакатда осойишталик ҳукм суради” [5], деган экан. Шу маънода ОАВ ҳозирги замон демократиясининг қуролига айланди. Зеро, халқ ОАВ орқалигина ҳукумат ишларидан хабардор бўлиб туради.

Ижтимоий-руҳий қиёфадаги ортиқча шов-шувлар ва миш-мишлар шароити адолатни амалга оширишни мушкуллаштиради. Тўлақонли жамоатчилик фикри ошкораликни, хабардорликни талаб этади. Немис шоири ва мутафаккири Ф.Шиллер “Кўпчиликнинг овози ҳали адолат ўлчови дегани эмас”[6], деган эди. Жамоатчилик фикри кўпчилик фикридан фарқ қилади, у деярли барчанинг фикр билдиришига имконият беради.

Ҳозирги ислоҳотлар даврида жамоатчилик фикри аҳамиятининг ошиб бориши кишиларнинг ислоҳотлар янада кўпроқ адолатга эришишга ёрдам беришига ишончлари билан боғлиқ.

Аслида сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш механизмида жамоатчилик фикри мавжуд сиёсий институтларга таъсир кўрсатиш омили сифатида ўрин эгаллайди. Гап ундан оқилона фойдалана олишда. Шундагина жамоатчиликнинг ҳокимият механизмига кириб бориши, қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга иширишдаги иштироки тўғрисида сўз юритиш мумкин. Қолаверса, вазиятни холис баҳолаш, ислоҳотларга кенг оммани жалб қилиш ҳам жамоатчиликнинг фикрисиз юз бермайди. Давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг ҳамма босқичларида, режалаштиришда, ижтимоий-сиёсий жараёнларни прогнозлаштириш, моделлаштириш ва бошқаришда жамоатчилик фикри сезиларли таъсирга эга.

Юз минглаб одамлар телевизор кўришади, радио тинглашади, газета-журналлар ўқишади ва шу тариқа муайян руҳий ҳолатга тушадилар, маълум ғояларни ўзлаштирадилар. Шу маънода Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек ОАВ, матбуот жамиятга соғломлаштирувчи таъсир кўрсатишлари керак. Демак, демократик ҳуқуқий давлат қуриш шароитида жамоатчилик фикрини илмий асосда тизимли ва ҳар томонлама ўрганиш ҳамда таҳлил этиш эҳтиёжи тобора ошиб бормоқда.

Ошкоралик ижтимоий адолат учун муҳим иқлим яратишини алоҳида таъкидлаш зарур. Бусиз ижтимоий адолат ғоя сифатида аҳолининг турли қатламлари онгига етиб бормайди. Жамоатчилик фикрида адолат қадриятларининг тўғри шаклланганлиги демократик қадриятларни қарор топтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Давлатнинг жамият ҳаётининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини таъминлаш, давлат бошқарув тизимини демократик тамойиллар ва қонунчилик асосида такомиллаштириш қонунчилик ва меъёрий механизмларни мунтазам жорий этиб бориш, қонунчилик асоси бўлган суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш асосида қонунга ишонч ҳисси, унга ҳурмат туйғуси ошиб боради.

Ҳозирги даврда инсон эркинлиги, ҳаётдан завқ олиши, ўзи ва ўзгалардан, жамиятдан рози бўлиб яшаши фақатгина моддиятга эмас, балки кенг мазмундаги ижтимоий муҳитга, инсон тараққиётини тўла юзага чиқарувчи, ундаги барча салоҳият, имконият ва қобилиятларни рўёбга чиқарувчи омилларнинг таъминланганлиги билан ҳам боғлиқ. Шундай шароитлар жамиятни адолатли деб баҳолашга имкон беради.

Жамият ҳаётининг турли соҳаларида жамоатчилик фикри билан ҳисоблашиш, оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш, ошкоралик ва қонунчилик муҳитини барқарор қилиш – буларнинг барчаси ижтимоий адолатни таъминлашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда охирги икки йил давомида муттасил ўзгаришлар, бунёдкорлик ва изланишлар жараёни кетмоқда. Юздан ортиқ миллатлар вакилларини ўзида бирлаштирган халқимиз умумий ғоя атрофида ўз истиқболини ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишда кўрмоқда. Бу мақсадга эришишда ижтимоий адолат ва демократия асосий йўналишни белгилаб бериб, ўз моҳиятига кўра узвийлик ва уйғунлик касб этмоқда. Дарҳақиқат, демократияни жамиятнинг барқарор ривожисиз тасаввур этиб бўлмагандай, ижтимоий адолат қоидаларисиз фуқаролик жамиятининг муттасил ривожи ҳақида сўз юритиб бўлмайди. Шу маънода ижтимоий адолат демократия учун замин яратади, яъни жамиятда адолат қанча кўп бўлса, демократия ҳам шунча кўп бўлади. Шу билан бирга демократиясиз ижтимоий адолатни тўла барқарор таъминлаб бўлмайди. Жамият демократлашгани сари адолат қоидаларини жамият ҳаётининг турли жабҳаларида қарор топтириш учун замин ҳозирланади.

Жамиятнинг барқарор ривожланиши ижтимоий адолат қоидаларининг нечоғлик амалда тадбиқ этилганига боғлиқ. Аксинча, жамият ҳаётида адолатсизлик кўриниш-ларининг ошиб кетиши кишилар манфаатларига зарар етказади, ижтимоий муносабатларда бегоналашувни чуқурлаштиради, фуқароларнинг ижтимоий бефарқлигини оширади. Ижтимоий адолатсизликнинг боқимандалик, қонунбузарлик, мулкий жиҳатдан ошиб-тошиб кетган бойлару кабағал-қашшоқларга бўлиниб кетиш, иш ҳақининг вақтида тўланмаслиги, коррупция, ўғирлик, таниш-билишлик каби кўринишлари ўтиш даврида бўлган жамиятнинг демократик тараққиётига мислсиз салбий таъсир кўрсатади. Шу маънода адолатсизлик кўринишларини ижтимоий ҳаётдан бартараф қилиш нафақат ижтимоий адолатни қарор топтириш, балки демократияни мустаҳкамлаш, қонунчиликни изчил жорий этиб бориш учун хизмат қилади.

Ижтимоий адолат демократик жамият барпо этишнинг қонунияти сифатида амал қилади. Демак, ижтимоий муносабатлар тизимида адолатни ўрнатишнинг мақбул моделини топиш осон кечмайди. Зеро, жамиятнинг янгиланиши миллий ўзига хослик ва халқнинг миллий менталитетини жаҳон халқлари сиёсий тараққиётининг илғор демократик тажрибалари билан уйғунлаштира олгандагина муваффақиятли кечиши мумкин. Бу соҳада ҳам ўзбек модели юз кўрсатиб, муттасил равишда ҳаётимизга сингиб бормоқда.

Ўтиш даврида давлат мураккаб ижтимоий жараёнлар шароитида қонунлар кучи билан барқарор тартиб ўрнатиш, қонунларнинг адолатлилигини ва адолатнинг қонунийлигини таъминлаш каби мураккаб фаолиятни амалга оширади. Бунинг акси эса аянчли ижтимоий оқибатларни келтириб чиқариши бир қанча мустақил давлатларнинг тажрибасида ўз исботини топди.

Фуқаролик жамиятида инсонларни зарур фаолиятга йўналтирувчи асосий омил – бу манфаатларнинг мувофиқлигидир. Агарда, ижтимоий муносабатларнинг уйғунлигини манфаатлар муштараклиги ташкил этса, унинг аксини ижтимоий зиддиятлар ташкил этади. Ижтимоий муносабатларда зиддиятлар авж олиб кетишининг олдини олишдаги асосий механизм ҳам ижтимоий адолат меъёрлари ҳисобланади. Зеро, қонун, тенг эркинлик, имкониятлар тенглиги асосига қўйилган адолат қоидалари барчани ҳалол “ўйин қоидалари”га бўйсунишга мажбурлайди.

XXI аср бошида жамият тараққиёти ижтимоий адолат ва демократия қоидаларининг қарор топганлигига асосланади. Шу асосда инсон учун муносиб моддий ва маънавий неъматларга йўл очилади,

эркин шахс уларни тенг имкониятлар шароитида меҳнати эвазига ўзи учун ва қолаверса, жамият учун муҳайё қилади. Аммо жамият шунчаки демократик эмас, шу билан бирга адолатли бўлиши учун бу етарли эмас. Жамиятнинг заиф табақалари, ночор қатламлари, шунингдек камдаромадли оилалар, беморлар, ногиронлар, қариялар, ёлғиз оналар, етим ва қаровсиз болалар ҳатто тенг имкониятлар шароитда ҳам ёрдамга муҳтож бўладилар. Уларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш ҳукуматнинг кучли ва инсонпарвар ижтимоий сиёсатини талаб қилади.

Ижтимоий-сиёсий жараёнлар ўзаро чамбарчас муносабатлардан ташкил топади. Иқтисодий ислоҳотлар муваффақияти кўп жиҳатдан сиёсий барқарорикни талаб этади. Сиёсий барқарорлик ўз навбатида мустаҳкам қонунчиликка асосланади. Қонунчилик эса маънавий қадриятлар ва меъёрлар ёрдамида мустаҳкамланади. Жамият ҳаётида ушбу мураккаб боғлиқликларни таъминлашда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилувчи ижтимоий адолат қоидаларисиз барқарор ижтимоий-сиёсий ривожланиш-ни таъминлаш мушкул. Бошқача айтганда, ижтимоий адолат қоидаларига таяниб яшайдиган жамиятгина барқарор ривожланиш йўлига эга бўлиши мумкин.

**Адабиётлар**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947 сонли Фармони. // "Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси" веб-сайти – www/lex/uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда "Шошилинч тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5313 сонли Фармони // "Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси" веб-сайти – www/lex/uz.

3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Т.: "Ўзбекистон", 2017.

4. Матибаев Т.Б. Ижтимоий ҳамкорлик – миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш воситаси. -Т.: «Янги китоб», 2016.

5. http//glosspres.ru/glasnost.php//.

6. http://uaforizm.com/aforizmy-i-citaty-o-spravedlivosti.html/.



**РЕЗЮМЕ**

Маколада ижтимоий ҳамкорлик жамиятнинг демократлашуви ва ижтимоий адолатни амалга ошириш омили сифатида келтирилади. Жамият ижтимоий ҳамкорликсиз мавжуд бўла олмайди. Ижтимоий адолат феномени жамият ҳаётининг туб қонунларидан бири сифатида таҳлил қилиниб, унинг ижтимоий ҳамкорлик тамойиллари билан вобасталигини ва бу боғлиқликнинг жамият барқарор тараққиётидаги ўрни таҳлил қилинади.

**РЕЗЮМЕ**

В статье говорится о социальном сотрудничестве как о факторе создания социальной справедливости и демократизации общества. Общество не может существовать без социального сотрудничества. Феномен социальной справедливости рассматривается в качестве одного из законов общества с его принципами устойчивого развития и социального сотрудничества.

**SUMMARY**

In the article it is told about the social cooperation as a factor of creation of social justice and democratization of society. Society can't exist without social cooperation. The phenomenon of social justice is considered as one of laws of society with the principles of a sustainable development and social cooperation.


## Huqıqtanıw

# УГОЛОВНО-КРИМИНОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ОРГАНИЗОВАННОЙ ПРЕСТУПНОСТИ


**З.Исмаилова** - *магистрант*

*Ташкентский государственный юридический университет*



**Таянч сўзлар:** суд, прокуратура, ички ишлар органи, миллий давлат хизмати, терроризм, диний экстремизм, жазо.

**Ключевые слова:** суд, прокуратура, органы внутренних дел, служба государственной безопасности, терроризм, религиозный экстремизм, наказание.

**Key words:** the court, the prosecutor's office, the internal affairs' bodies, the state security service, terrorism, religious extremism, punishment.


Непринуждение, являющееся основным условием построения правового демократического общества указывает на установление социального правового контроля во всех сферах социального быта, особенно, в политической и экономической деятельности, упорядоченного, прозрачностью с одной стороны, на правовой основе –с другой.

Сегодня в системе правоохранительных органов, проводящих борьбу против деятельности организованных преступных структур в Узбекистане реализуются коренные реформы. Результаты реформ указывают на необходимость создания во всех правоохранительных органах надёжной системы, защищающей граждан и общество от терроризма, экстремизма и организованной преступности во всех формах.

Для реализации задач по обеспечению прав и свобод, безопасности членов общества, защите государственного суверенитета и территориальной целостности, охраны спокойствия и национальной дружбы граждан и в целях правового упорядочения отношений в области предупреждения деятельности организованных преступных структур в судебно-правовой системе проводятся коренные реформы. Ярким примером этого служит принятие законов «О суде», «О прокуратуре» в новой редакции, законов и законодательных актов «Об органах внутренних дел», «О службе государственной безопасности» и «О борьбе с терроризмом».

Несмотря на то, какое преступление совершено преступными группами, абсолютно ясно, какие угрозы они представляют личным, общественным и государственным интересам, наносят материальный и моральный урон, к каким негативным последствиям приводят их действия.

Учёные-правоведы к криминалистическим признакам организованных групп относят следующие признаки:

- устойчивость организованных групп;

- наличие в организованных группах внутренних правил;

-наличие неофициального суда, решающего конфликты, связанные с деятельностью группы;

-увеличение количества преступлений, в большинстве случаев тяжких преступлений, совершаемых преступной группой по мере прохождения времени с момента организации;

- руководство организованной группой предводителем;

- скопление «авторитетов» преступного мира около предводителя;

- предводитель строит взаимоотношения только с

приближенными людьми, в большинстве случаев некоторые члены группы не знают предводителя в лицо;

- своеобразность распределения богатства, нажитого преступным путём, т.е. основная часть полагается предводителю, затем его приближенным (авторитетам), потом всем остальным;
- чёткое распределение обязанностей;
- долгая, тщательная подготовка к совершению преступления;
- разработанность мер, направленных на сокрытие следов преступления;
- секретная организация деятельности преступной группы;
- наличие общего «котла»;
- широкое использование различных технических средств при совершении преступления.

Борьба против организованной преступности требует разработки комплексных мер, в специально организованных, профилактических и правоохранительных формах. Среди них огромное значение имеют уголовно-правовые, уголовно-процессуальное, оперативно-поисковые и другие меры.

Должна быть особая программа по борьбе против организованной преступности, в ней, конечно, должны быть указаны содержание, уровень опасности преступления, правовые основы борьбы против неё.

Подобные законы или определённые правовые нормы сегодня существуют почти во всех развитых государствах. На их основе должны быть чётко обозначены понятие организованной преступности, ответственность каждого члена преступной организации: организатора, руководителя, членов.

Например, усиление влияния организованной преступности на политическую жизнь государства, быт народа в Японии потребовало усиления законодательных мер по борьбе с преступностью. По этой причине, в марте 1992 года был принят специальный закон по борьбе с незаконными действиями преступных организаций.

24-25 мая 1995 года в Польше прошла международная конференция правоохранительных органов бывшего СССР. На этой конференции, в качестве наблюдателей, приняли участие представители полиций ряда Западноевропейских государств. На конференции были предложены организационно-тактические меры борьбы против терроризма и котрабанды оружия.

Этому могут послужить примером заключение ряда договоров, которые составило наше государство с Россией и странами Центральной Азии по борьбе с организованной преступностью.

Условия и причины организованной преступности не создаются вне социальных отношений, они находятся внутри социальных отношений. Поэтому ее условия и причины несколько устойчивы, их нельзя укоренить за короткий срок.

В некоторых развитых государствах, где организованная преступность основана на системе рыночной экономики её объем и уровень намного глубже укоренилась, чем организованная преступность в Узбекистане.

Реализация организованной преступности организованными группами илипреступными организациями отражены во многих статьях Уголовного кодекса Республики Узбекистан. В основном, преступления указаны в 2-3-4- пунктах этих статей и этим преступлениям определены суровые наказания.

Например, статья 97. «Умышленное убийство», абзац-п 2-пункта, Статья 104. «Умышленное тяжкое телесное повреждение», абзац -б 2- пункта, Статья 105. «Умышленное средней тяжести телесное повреждение», абзац -и 2-пункта, Статья 112. «Угроза убийством или применением насилия», абзац- б 2-пункта, Статья 131. «Содержание притонов или сводничество», абзац-б 4-пункта, Статья 135. «Торговля людьми», абзац -г 3-пункта, статья 155 -3. «Финансирование терроризма», абзац- в 2-пункта, Статья 159. «Посягательства на конституционный строй Республики Узбекистан», абзац- б 3-пункта, Статья 164. «Разбой», абзац -в 4-пункта, Статья 165. «Вымогательство», абзац-в 3-пункта, Статья 166. «Грабеж», абзац-в 4-пункта, Статья 167.» Хищение путём присвоения или растраты», абзац-в 3-пункта, Статья 168. «Мошенничество», абзацв 4-пункта, Статья 169. «Кража», абзац-в 4-пункта, Статья 171. «Приобретение или сбыт имущества, добытого преступным путем», абзац-в з-пункта, Статья 173. «Умышленное уничтожение или повреждение имущества», абзац-б 3-пункта, Статья 175. «Заключение сделки вопреки интересам Республики Узбекистан», абзац-б 3-пункта, Статья 176. «Изготовление, сбыт поддельных денег, акцизных марок или ценных бумаг», абзац – б 3-пункта, Статья 177. «Незаконное приобретение или сбыт валютных ценностей», абзац – б 3- пункта, Статья 178. «Сокрытие иностранной валюты», 3-пункт, Статья 182. «Нарушение таможенного законодательства», абзац – в 2-пункта, **Статья** 185-1. «Нарушение правил заготовки, приобретения, использования и сбыта цветных металлов, их лома и отходов», абзац – б 3-пункта, **Статья** 186-1. «Незаконное производство или оборот этилового спирта, алкогольной и табачной продукции», абзац – б 3-пункта, Статья 186-2. «Незаконное производство или оборот продукции, получаемой из семян хлопчатника», абзац – б 3-пункта, Статья 186-3. «Производство, изготовление, приобретение, хранение, перевозка в целях сбыта или сбыт недоброкачественных либо фальсифицированных лекарственных средств или изделий медицинского назначения», абзац – б 3-пункта, Статья 188-1. «Незаконная деятельность, связанная с привлечением денежных средств и другого имущества», абзац – в 3-пункта, Статья 192-1. «Уничтожение личного имущества», абзац – б 3-пункта, Статья 192-2. «Нарушение порядка проверки деятельности предпринимательских субъектов и анализирования финансово-хозяйственной деятельности», абзац – б 3-пункта, Статья 192-3. «Приостановка незаконным образом деятельность предпринимательских субъектов и операций по их банковским счётам», абзац- б 3-пункта, Статья 192-5.«Нарушение законодательных актов о лицензировании и законодательных актов правилах разрешения», абзаца – б 2-пункта, Статья 192-6.«Незаконный отказ от поддержки льгот и преперенций, несодействие или препятствование содействию», абзац – б 2-пункта, Статья 192-9. «xxxxxxxxxx», абзац-б 5-пункта, Статья 192-11 «Незаконное использование должностных полномочий в негосударственной коммерческой организации или другой негосударственной организации», абзац-б 2-пункта, Статья 202. «Нарушение порядка пользования животным или растительным миром», абзац-д 3-пункта, Статья 205. «Злоупотребление властью или должностными полномочиями», абзац-б 2-пункта, Статья 206. «Превышение власти или должностных полномочий», абзац-б 2-пункта, Статья 209. «Должностной подлог», абзац-б 2-пункта, Статья 210. «Получение взятки», абзац-б 3-пункта, Статья 211. «Дача взятки», абзац-б 3-пункта, Статья 212.«Посредничество во взяточничестве», абзац-в 3-пункта, Статья 213. «Подкуп служащего государственного органа, организации при государстве или органов самоуправления граждан», абзац-б 4-пункта, Статья 214. «Вымогательство вознаграждения служащего государственного органа, организации при государстве или органов самоуправления граждан», абзац-б 4-пункта, Статья 237. «Ложный донос»,абзац-в 2-пункта, Статья 242. «Организация преступного сообщества», Статья 247. «Незаконное завладение огнестрельным оружием, боевыми припасами, взрывчатыми веществами или взрывными устройствами»,абзац-в 3-пункта, Статья 250-1. «Незаконный оборот пиротехнических изделий», абзац-б 3-пункта, Статья 251. «Незаконное завладение сильнодействующими или ядовитыми веществами», абзац-в 3-пункта, Статья 252. «Незаконное завладение радиоактивными материалами»,

абзац – а 3-пункта, Статья 267. «Угон транспортного средства», абзац–б 3-пункта, Статья 270. «Культивирование запрещенных к возделыванию культур», абзац – б 3-пункта, Статья 271. «Незаконное завладение наркотическими средствами или психотропными веществами», абзац – б 3-пункта, Статья 273. «Незаконное изготовление, приобретение, хранение и другие действия с наркотическими средствами или психотропными веществами с целью сбыта, а равно их сбыт», абзац – б 4-пункта, Статья 278. «Организация и проведение азартных и других основанных на риске игр», абзац – б 2-пункта, Статья 278-2. «Незаконный (несанкционированный) доступ к компьютерной информации», абзац – г 2-пункта, абзац-г 2-пункта, Статья 278-3. «Изготовление с целью сбыта либо сбыт и распространение специальных средств для получения незаконного (несанкционированного) доступа к компьютерной системе», абзац – г 2-пункта, абзац-г 2-пункта, Статья 278-6. «Создание, использование или распространение вредоносных программ», абзац-г 2-пункта указывают на «группу лиц или члена организованной группы или в интересах данной группы», «членом организованной группы или в интересах данной группы», в них предусматриваются такие виды наказания, как лишение свободы от трёх до двадцати пяти лет или пожизненное заключение, от двух до пяти лет ограничения свободы, штраф от пятидесяти до трёхсот крат минимальной заработной платы или от одного до трех лет трудовых исправительных работ.

В период реализации социально-экономических реформ в стране борьба против организованной преступности, которая представляет угрозу государству и всему обществу, оказывает отрицательное влияние на исполнение политики обеспечения благосостояния народа является одной из безотлагательных задач перед правоохранительными органами.

**Литература**

1. Каримов И.А. Мы будущее построим своими руками. Т.7. -Ташкент: 1999.
2. Конституция Республики Узбекистан. -Т.: “Узбекистан”, 2014.
3. Уголовный кодекс Республики Узбекистан. -Т.: “Адолат”, 2014.
4. Комментарии к Уголовному кодексу Республики Узбекистан.
5. Рустамбаев М. Уголовное право (Общая часть). -Т.: 2006.
6. Быков В.М. Криминалистическая характеристика преступных групп. -Т.: 1986.

**РЕЗЮМЕ**

Уюшган жиноятчиликка қарши кураш бугунги куннинг муҳим ва долзарб масалаларидан бирига айланиб бормоқда. Уюшган жиноятчиликка қарши кураш натижалилигига ижтимоий хавфли ёки энди пайдо бўлган гуруҳларда кенг кўламли огоҳлантирувчи таъсир чораларини кучайтириш йўли билан эришиш мумкин. Бу эса, уюшган жиноятчиликка қарши курашни барқарорлаштириш бўйича ҳуқуқий, уюшқоқлик ва тактик характердаги чора-тадбирлар тизимини белгилаб беради.

**РЕЗЮМЕ**

Сегодня борьба против организованной преступности становится одной из актуальных и проблемных вопросов. Эффективности борьбы против организованной преступности можно достичь путём усиления широкомасштабных предупредительных мер воздействия на социально опасные или только созданные группы. Это, в свою очередь, обозначает совокупность мер по систематизации борьбы против организованной преступности правового, организационного и тактического характера.

**SUMMARY**

Today the fight against organized crime is becoming one of the most urgent and problematic issues. The effectiveness of the fight against organized crime can be achieved by strengthening large-scale preventive measures of influence on socially dangerous or only established groups. This in its turn means a set of measures to systematize crime of a legal, organized and tactical nature.

## Ekonomika

# MӘМЛЕКЕТИМИЗДЕ МАКРО ЭКОНОМИКАЛЫҚ ТУРАҚЛЫЛЫҚ ҲӘМ ИННОВАЦИЯЛЫҚ ӨСИЎ ТЕНДЕНЦИЯЛАРЫ

**П.З.Хожалепесов –** *экономика илимлериниң кандидаты, доцент*
*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*
**Б.П.Зинатдинов –** *1-курс талабасы*
*Ташкент информациялық технологиялар университети Нөкис филиалы*

**Таянч сўзлар:** инновацион, инвестицион, макроиқтисодиёт, ҳаракатлар стратегияси, қишлоқ хўжалиги, техника технологик, лойиҳа, ислоҳот, тенденция.

**Ключевые слова:** инновация, инвестиция, макроэкономика, стратегия действий, сельское хозяйство, техника технологий, проект, реформа, тенденция.

**Key words:** innovation, investment, macroeconomics, strategy actions, agriculture, technology of appliances, project, reform, trend.

Өзбекстан Республикасы Президенти Ш.М.Мирзиёев өз баянатында: «Биз мәмлекет ҳәм жәмийет турмыс тәризиниң барлық тараўларын түптен жаңалаўға қаратылған инновациялық раўажланыў жолынан өтип атырмыз. Бул бийкар емес, себеби заман тез пәт пенен раўажланып атырған ҳәзирги дәўирде ким жеңеди, жаңа пикир, жаңа идея, инновацияға таянған мәмлекет жеңеди.» деп атап өткен еди.

Инновация атамасы - латынша «новация» сөзинен алынған болып «жаңаланыў яки өзгериў», «ин» қосымшасы болып латыншадан «бағдарда» деп аўдармаланады, егер буны тек ғана инновация қурылысында аўдармаласақ, «өзгерислер бағдарында» деп айтылады.

Инновижэн - түсиниги биринши болып XIX әсирдиң илимий изертлениўлеринде пайда болған.

Инновация - ҳәзирги заман көз қарасынан келип шығып қарағанымызда да, ҳәр қандай тараўды өзгертиўге оны улыўма жаңа орынға көтере алатуғын творчестволық жаратыў, креатив активлик есапланады.

Президентимиз әне усы түсиникти жүдә әпиўайы ҳәм түсиникли етип, бунда «инновация бул келешек дегени, биз уллы келешегимизди жаратыўды бүгинги күннен баслаўымыз керек.» - деп атап өткен еди.

Президентимиз түсиниги менен айтқанда, илим-пән ҳәм техникалық жетискенликлерди кең қолланған жағдайда экономика тараўларына, социаллық ҳәм басқа тараўларға заманагөй инновациялық технологияларын енгизиў Өзбекстан Республикасын жедел раўажланыўының зәрүрли шәрти болып есапланады.

Инновация 2017-жылдан баслап Өзбекстан Республикасының барлық тараўларына кирип келмекте. Бүгинги күнде мәмлекетимиздиң көплеген тараўларында усындай жол тутылмақта. Буны «UzEx» орайында өткерилген, шет ел илимий- инновациялық орайлар, инновациялық фондлар, технологиялық агентликлер ҳәм технопарклер, қалаберсе бизнес инкубаторлар қатнасыўында шөлкемлестирилген «InWeek» инновациялық идеялар ҳәптелиги де тастыйықлай алады.

«InWeek - 2018» кешесинде жәми 4257 қатнасыўшы қатнасқан болса, олар «InWeek» ярмаркасында, инно-

вациялық товарлар, усынылып атырған хызметлер, коммерциласқан илимий ҳәм илимий технологиялық исленген жаңалықлар төмендеги атамадағы секторларға бөлинген жағдайда жайластырылды.

• Ауыл хожалығындағы инновациялар- 14

• Мәмлекет басқарыуындағы инновациялар – 11

• Социаллық тараўдағы инновациялар - 14

• Экономиканың реаль секторындағы инновациялар - 11

• Коммерцияланған илимий ҳәм илимий техникалық исленген жаңалықлар - 43

Үш күн даўамында инновациялық раўажланыў министрлиги ҳәм бир қатар шет ел шөлкемлери, компаниялар ортасында шериклик бойынша питимлерге қол қойылды. Олар арасында әҳмийетлилеринен бири АҚШ “UTA City Expo Web” компаниясы менен қол қойылған шериклик есапланады. Соған муўапық, жоқары билимлендириў тараўын улыўма жаңа системаға, дистанциялық тәлимге қәнигелеситирилген келешек университетин шөлкемлестириў режелестирилген. Шет еллик шериклеримиз усы жойбарға 40 млн. АҚШ доллары муғдарында инвестиция киргизеди. Жойбар кесиминде жоқары билим процесинде тәжирийбели педагогикалық ҳәм мәлимлеме технологияларын, илим пәнниң ең соңғы жетискенликлерин енгизиў нәзерде тутылған.

Экономикалық жетискенликлердиң ең тийкарғы бағдары инновациялық процессти жоқары дәрежеде шөлкемлестириў ҳәм системалы тәризде раўажландырыўдан ибарат. Тәжирийбели қәнигелер ҳәм алдыңғы кадрлардан бүгинги күндеги экономикамыздың раўажланыўын халық аралық дәрежеге көтериўди әмелге асыра алатуғынлығынан, ҳәр қандай жағдайда да олардың күши ҳәм өз имканиятларынан ақылға муўапық пайдалана алыўына мәмлекетимиздиң исеними жүдә үлкен.

Ашып берилген есиклер, яғный бул үмит мәмлекетимиздеги барлық тараўларға кең тәризде енгизилип атырған тек ғана технологиялық жетискенликлер емес, ал бәлким социаллық өмирди жақсылаўға мөлшерленген жаңа жойбарлар тийкарында әмелге асырылады.

Til jamiyatning mavjudligi shartlaridan biri. Til milliy madaniyat unsurlaridan hisoblanadi. Uni moddiy vositalardan ayri holda tasavvur qilib bo lmaydi. Bundan xulosa shuki, til madaniyatning ajralmas qismidir. Har bir millat va xalqning noyobligi uning tilida va bu uning ming yillar davomida shakllangan o z tarixi, o z madaniyatida namoyon bo ladi. Tildan boshqa hech bir hodisa millatning o ziga xosliklarini ochib bera olmaydi. Til inson tafakkuri ko zgusi. Har bir davlat o z milliy tiliga ega. Til va madaniyatning o zaro munosabati ko p qirrali murakkab masala. Turli tillarning namoyondalari bir vaqtning o’zida turli madaniyatlarning namoyondasi hamdir. Madaniyatlararo muloqot esa, birinchi o rinda til ko’prigi orqali amalga oshiriladi. Bundan kelib chiqadiki, o’zga madaniyat egasi bilan bo lib o’tadigan har qanday muloqat, o’zga tilni o’rganish jarayoni madaniyatlararo muloqatni ta minlab berishga xizmat qiladi. Shuning uchun, koreys tilini chet tili sifatida o rgatish jarayonida uning madaniyatini o rgatmaslikning iloji yo q. Chunki, til va madaniyatning o zaro aloqasini, milliy xarakter ni hisobga olgan holda o rganish kerak. Mavzuning dolzarbligi. Bugungi kunda davlat rahbarimiz biz yoshlarni zamonaviy ta lim olishimiz, XXI asr talablariga to laqonli javob beradigan kadrlarni yetishtirib chiqarish uchun barcha shart-sharoitlarni yaratib bermoqda. I.A. Karimov barkamol yoshlarni tarbiyalash va oliy ma`lumotli bo`lishi to`g`risida bir qancha qaror farmonlar qabul qildi. Mamla-

katimizda kadrlar tayyorlash milliy dasturini amalga oshirish doirasida chet tillarga o qitishning kompleks tizimi, ya ni uyg un kamol topgan, o qimishli, zamonaviy fikrlovchi yosh avlodni shakllantirishga, respublikaning jahon hamjamiyatiga yanada integratsiyalashuviga yo naltirilgan tizim yaratildi. 1 Gohida bir tilda so’zlashayotgan insonlar ham bir-birini tushuna olmaydi, bunga sabab ularning madaniyatlari turlichaligidadir, deb aytgan Sherba [2:137].

Ikki madaniyat namoyondalari suhbat qurganda madaniyatlarning to’qnashuvi ro y beradi deganidir. Bu suhbatdoshlarning salomlashishlaridanoq boshlanadi. Til o’rganish jarayonida esa, madaniyatlar to’qnashuvi katta muammo sifatida ko tariladi. Bunga sabab til egasining o’zimniki va begonaniki degan diskriminatsiya hosil bo lishida. Til o’rganish jarayonida biz lingvomadaniyat, realiyalar, leksikalarning ekvivalentsizlik holatlarini chetlab o’ta olmas ekanmiz, tilning bu jihatlarini ham chuqurroq o’rganishga majbur bo lamiz. Bu holatga biz madaniyati boy koreys xalqining tilini o’rganish jarayonida ham duch kelamiz. Chunki, koreys xalqi o ziga xos madaniyat: an ana, urf-odat va turmush tarziga egadir. Bular albatta, koreys tilida o z aksini topgan. Koreys tilidagi ot so’z turkumi leksikasiga shu tilning xazinasi sifatida qaralishining sababi unda boshqa tillarga tarjima qilish mumkin bo lmagan so’zlarning ko’ pligidadir.

Har qanday intizom kabi, madaniy tilshunoslik ham o'z kategoriya apparatiga ega. Madaniy tilshunoslikning asosiy shartlaridan biri "tushunchasi" dir. Termin tushunchasi va kontseptsiyasi tarixiy ravishda ikkilamchi bo'lib, ruslarning "kontseptsiyasi" lotinning "kontseptsiyasi" - "fikr, kontseptsiya"shaklidir. Biroq, zamonaviy ilmiy va ilmiy jihatdan ishlatilmaydigan qo'llanmada bu atamalar sezilarli darajada farqlanadi. Ko'pincha "kontseptsiya" uchun sinonim sifatida ishlatiladi, ammo "kontseptsiya" atamasi eng keng tarqalgan, muhim xususiyatlarga ishora. qiladi. Ob’yekt yoki hodisa, "kontseptsiya" ob’yetning har qanday belgilarini aks ettiradi, shu jumladan, eng muhimidir.Kontseptsiya" atamasi mantiq va falsafada uchraydi va "kontseptsiya" odatda madaniy tadqiqotlar va tilshunoslikda qo'llaniladi. Shunday qilib, tilshunoslik tomonidan ishlab chiqilgan "kontseptsiya" atamasi mantiqda qabul qilingan "kontseptsiya" atamasidan qochish imkonini beradi [1.164].“Kontseptsiya" tushunchasi turli fanlarning vakillariga qiziqish uyg'otadi: psixologiya, tilshunoslik, madaniyat, bilish tilshunosligi, falsafa va boshqalar. "Konsepsiyaning" kontseptsiyasi turli ilmiy maktablar va individual tadqiqotchilarning yondashuvlarida sezilarli darajada farq qiladi. Olimlar kontseptsiyani turli nuqtai nazar va yondashuvlardan foydalangan holda ko'rib chiqadilar; Bu tushunchaning ko'plab ta'riflari va umuminsoniylikning yo'qligi bilan izohlanadi. Biroq, barcha tadqiqotchilar kontseptsiya murakkab, murakkab tuzilish bilan tavsiflanganligini tan olishadi. Kontseptsiya odamning ongida muayyan kontseptsiyalar shaklida mavjud emas, balki tasvir va bilimlarning kombinatsiyasi sifatida paydo bo'ladi. Kontseptsiyalar hayot tajribasi, urf-odatlar, hissiyotlar, din, folklor, mafkura, psixologiya, san'at singari turli xil madaniy omillarning sintezi natijasidir. Ularning natijasida inson va dunyo o'rtasida vositachilik vazifasini o'taydi. Til kontseptsiyasini o'rganish uchun ko'plab usullar mavjud. Bir xil tushunchani turli darajadagi birliklar yordamida ko'rish mumkin: so'z shakllari, morfemalar, leksemlar, erkin iboralar, iboralardir.

Til-madaniy kontseptsiyaning semantik modelida quyidagi kontseptsiyalar mavjud:

1) tushunchani tilda ifodalovchi so'z yoki iboralar;

2) kontseptual mazmunini tashkil etuvchi semantik xususiyatlar (xususiyatlar, atributlar);

3) tillar darajasida ta'rif (ta'rif) yoki ta'rif (kontseptual tarkib, "ensiklopedik" bilim);

4) ichki shakl yoki etimologiya;

5) kontekstli sinonimlarda yoki ushbu foydalanishdan keyin paydo bo'ladigan ma'nolari va assotsiatsiyalar, vakillik va tasvirlar majmui antonimik juftliklar (kontseptsiya paradigmatikasi), barqaror modellarda - doimiy epithetslar, barqaror birliklar (iboralar, pulemialar va boshqalar);

6) kontseptual tizimda kontseptsiyaning vazifasi - uning qiymati tizimidagi o'rni;

7) tushunchaning pragmatikasi - kontseptsiyani ortda qoldiradigan qiziqishning stereotiplari to'plami.

Ta'kidlash joizki, kontseptsiyaning murakkab tabiati turli olimlarning tadqiqotlari bilan isbotlangan. Yu. S. Stepanovning fikriga ko'ra, kontseptsiyaning tarkibi uch qatlamga ega:

1) "asosiy, tegishli" atribut;

2) qo'shimcha yoki bir nechta qo'shimcha, "passiv" belgilar, ammo ular "tarixiy" emas;

3) ichki, odatda tashqi ko'rinishdagi, og'zaki shaklda yozib olingan ichki shakl.

Havas qilish fazilatdur, hasad qilish illatdur. Fazilatlar deganda, faqat yaxshi xususiyatlar, illatlar deganda esa faqat yomon xususiyatlar tushuniladi. Fazilatlar insonni har taraflama bezaydi, uning xalq orasidagi obro‘-e’tiborini, hurmatini oshiradi. Havas qilgan yetar murodga, -deydi dono halqimiz. Ajdodlarimiz doimo fazilatga intilib yashagan. Fazilatli insonlarga havas qilib o‘z farzandlariga ularning ismini qo‘yishgan, ularga munosib kasb-hunarni tanlatgan. Farzand tarbiyasini ham shu fazilatli inson qo‘liga topshirishgan. Natijada jamiyatda Muhammad Muso Xorazmiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali Ibn Sino, Abu Nasr Forobiy, Imom Buxoriy, Imom Moturidiy, Burhoniddin Marg‘inoniy, Ahmad Yassaviy, Najmiddin Kubro, Mahmud Zamaxshariy, Abduholiq G‘ijduvoniy, Bahouddin Naqshband, Ahmad Farg‘oniy, Sohibqiron Amir Temur, Muhammad Tarag‘ay Ulug‘bek, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Bobur singari dunyoni larzaga keltirgan buyuk allomalar va mashhur sarkardalar, jahonga mashhur mutafakkirlar yetishib chiqqan. Chunki, ona zaminimizda tavallud topgan bu ulug‘ zotlar qalbi yaxshi fazilatlar bilan yo‘g‘rilgan. Ular o‘zining yuksak ma’naviyati orqali nafaqat milliy taraqqiyotga, balki umumbashariyat taraqqiyotiga ham ulkan hissa qo‘shganligini tarix so‘zlab turibdi.

Ma’lumki, ma’naviyatli inson elim, yurtim deb yashaydi. Xalq, millat, jamiyat manfaatini o‘z manfaatidan hamisha ustun qo‘yadi. Jamiyatga foyda keltirish, xalq dardi-tashvishi bilan yashash, bunday insonlar hayotining mag‘zini tashkil etadi. Allohga shukr, bugungi kunda boshimizni baland qilib, faxr bilan baralla ayta olamizki, yuqorida sanab o‘tilgan talablarga javob beradigan buyuk shaxslar xalqimiz o‘tmishida ham bo‘lgan, bugungi kunda ham bor. Demak, yurtimizda yuksak fazilatlarga ega bo‘lgan ma’naviyatli insonlar soni qancha ko‘p bo‘lsa, ulug‘ maqsadlar yo‘lida barchamiz halol-pok bo‘lib mehnat qilsak, oldimizda turgan yuksak marralarni egallashimiz oson kechadi. Buni davlatimiz rahbari Sh.Mirziyoyevning quyidagi fikrlaridan anglab olish mumkin: “Barchamiz bir haqiqatni chuqur tushunib, anglab olishimiz kerak: bugun gap xalqimiz, Vatanimizning taqdiri va kelajagi, jondan aziz bolalarimizning baxti va kamoli haqida bormoqda. Shunday ulug‘ maqsadlar yo‘lida barchamiz belimizni mahkam bog‘lab ishlashimiz, bor aql-zakovatimiz, bilim va tajribamizni, jonajon Vatanimizga farzandlik mehrimiz va sadoqatimizni safarbar etishimiz kerak. O‘zimiz o‘zimizga xiyonat qilmasak, o‘zimiz o‘zimizni aldamasak, halol-pok bo‘lib mehnat qilsak, men aminman, ko‘zlagan barcha marralarimizga, albatta, yetamiz”.

Ko‘rinib turibdiki, mamlakatimizda kechayotgan hozirgi jarayon ham barchamizdan, ayniqsa, muhim lavozimlarda faoliyat yuritayotgan rahbar shaxslardan juda katta mas’uliyat, hamda fidoyilik, halollik, poklik, bir so‘z bilan aytganda, ma’naviy komillikni talab etadi. Afsuski, yuqorida sanab o‘tilgan fazilatlar hamma rahbar xodimlarning turmush tarzidan keng o‘rin olgan deb bo‘lmaydi. Chunki, oramizda bunday ma’naviy merosdan bebahra bo‘lib qolgan mansabdor shaxslar oz bo‘lsa-da, hali ham uchrab turadiki, ular o‘zlarining noqonuniy xatti-harakatlari bilan nafaqat o‘zi vaoilasining obro‘yiga, balki xalqimiz va davlatimizning sha’niga ham putur yetkazib qo‘yadilar. Eng dahshatlisi ular xalqning nazaridan qolib, mamlakat taraqqiyotiga ham jiddiy salbiy ta’sir ko‘rsatadilar. Vaholanki, bunday shaxslar soni oramizda qancha kam bo‘lsa, yuksak marralarni egallashimiz yanada

tezlashgan bo‘lar edi.

Azal-azaldan ajdodlarimiz mamlakat taraqqiyotiga to‘sqinlik qiluvchi, jamiyat a’zolarining sog‘lig‘iga zarar yetkazuvchi, xalq tinchligi va ahilligiga raxna soluvchi mudhish illatlarga nafrat ko‘zi bilan qaragan, ulardan hazar qilgan. Albatta, bunday illatlar va odatlar ko‘p, lekin ular ichida jamiyat va inson hayotida og‘ir asorat qoldiradigan jirkanch bir illat borki, u na millat, na chegara tanlaydi. Bu - hasaddir. Hasad tuyg‘usidan nafaqat bizning xalqimiz, balki dunyoning boshqa xalqlari ham jabr ko‘rgan.

Barchaga ayonki, dunyo hamjamiyati O‘zbekistonda olib borilayotgan keng islohotlar mazmun-mohiyatini o‘rganishga katta qiziqish bilan qaramoqda. O‘zbekistonga ko‘pchilikning havasi kelayotgani ham, unga havas bilan boqayotgan davlatlarning soni ko‘payayotganligi ham rost. Bunga fikri teran va nigohi sergak har qanday inson guvoh bo‘lib turibdi. Shu bilan bir qatorda, davlatimiz va xalqimiz erishgan yutuqlarni ko‘rolmaydigan, turli bahonalar bilan gullayotgan bog‘imizga tosh otayotgan, o‘z ta’sirini o‘tkazishga urinayotgan g‘anim kuchlar va g‘araz niyatli hasadgo‘y shaxslar ham borligini inkor etib bo‘lmaydi. Chunki, mamlakatimiz erishgan va erishayotgan yutuqlarni ko‘rmaslik mumkin emas, lekin hasad orqali ko‘rolmaslik mumkindir. Bu dunyoda do‘st bor ekan, g‘animlar ham bo‘ladi. Qolaversa, bunday munosabat bizning davlatimiz, xalqimiz uchun yangilik emas. O‘tmishda ham, shunga o‘xshash jarayonlar bo‘lib o‘tganligini tarix so‘zlab turibdi. Agar moziyga nazar tashlasak, sobiq tuzum davrida aynan hasad tuyg‘usi ta’sirida ko‘pgina ulug‘ yozuvchi hamda olimlar, davlat arboblari, jumladan, yurtimizning daho xaloskori Sohibqiron Amir Temur, atoqli davlat arbobi va yetuk adibi Sharof Rashidov singari xalqimizning ko‘plab mard o‘g‘lonlari nomi qoralanganligiga guvoh bo‘lish mumkin. Bundan ko‘zlangan maqsad, milliy g‘ururni sindirish, milliy tarixni buzib ko‘rsatish va xalq ongidan o‘chirish edi. Zotan, qalbini hasad tuyg‘usi egallagan xalqda ahillik, inoqlik bo‘lmasligini, bunday xalqni itoat qildirish va boshqarish oson kechishini o‘sha davr g‘anim kuchlari juda yaxshi anglagan. Hasadguyning bog‘i ko‘karmas deganlaridek, oxir-oqibat sobiq tuzum namoyandalarining “bog‘i qurib” qolganligiga zamon guvoh.

O’zbek xalq maqollarida shunday deyishadi:

1. Zang temirni kemirar
2. Hasad – odamni.
3. Xashak o'ti xonani kuydirar,
Hasad o'ti tanani kuydirar.
4. Hasad ko'chatini ekkan,
Balo mevasini yer.
5. Hasad o'tini daryo o'chirolmas.
6. Hasad qilma, havas qil.
7. Taqlidchiga tole yor,
Hasadchiga — halokat [3. 167].

O’zbek maqollarida ko’rishimiz mumkinki, hasad konsepti ko’proq odamlarga nisbatan qo’llaniladi. Ammo ichki his tuyg’ulariga ta’sir qiladi. Maqollarda ko’rib turimizki, hasad yomon illat hisoblanadi. Qanchalik insonning ko’ngli toss bo’lsa hech kimga yomonligi tegmasa hayotda o’z o’rniga ega bo’ladi. Barcha xalqlarda hasad tushunchasi bor. Koreys xalq maqollarida ham bunday tushuncha mavjud. Ularning maqollarida ham insonga oid maqollar aks ettirilgan.

**Adabiyotlar**


1. Воркачев С.Г. Сопоставительная этносемантика телеономных концепта «любовь» и «счастье» (русско-английские параллели): монография / С.Г.Воркачев. – Волгоград: «Перемена», 2003. – С.164.
2. Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat - yengilmas kuch. - T.: «Ma’naviyat», 2008, 137-b.
3. Turdimov Sh. O’zbek xalq maqollari. “Sharq” nashriyot-matbaa» aksiyadorlik kompaniyasi Bosh tahririyati, 2005, 167-b.



**REZYUME**

Koreys tili barqaror iboralarga boy bo'lib, ko'pincha koreys tillariga mansub kishilarning ehtirosga boy, his-hayajon bilan so'zlashganlariga guvoh bo'lamiz. Agar hissiy konsept to'g'risida to'xtaladigan bo'lsak, hasad tuyg'usi salbiy hissiyot bo'lib, insonni ich-ichidan kemirib, tinchligini buzadi. Yuqorida ta'kidlaganimizdek, izlanishning muhimligi shundaki, hissiyot konsepti koreys tili va adabiyotini tabiiy his etishda muhim omil hisoblanadi. Misol qilib keltirsak, koreys tilida shunday afsona bor- bahor kirib kelib, quyosh taftidan qor eriydi. Issiqlik va quvonchdan darak berib ochilgan gullarga sovuq hasad keladi. Koreys tilidagi bu metafora bilan Koreyadagi hasadning hissiy konseptsiyasini va uni o'rganishning ajralmasligini tushunish mumkin.

**РЕЗЮМЕ**

Корейский язык богат устойчивыми выражениями, исходя из, национальной характеристики можно сказать, что большинство корейцев говорят страстно и эмоционально. Если мы говорим об эмоциональной концепции, чувство ревности – это негативная эмоция, которая нарушает человеческое сердце и разрушает его. Как упоминалось выше, ключ к исследованию заключается в том, что концепция эмоций является важным фактором в естественном восприятии корейского языка и литературы. Например, в корейском языке существует такой миф, что приходит весна и тает снег. Тепло и радость цветущих цветов вызывают прохладную зависть. Эта метафора на корейском языке необходима для понимания и изучения эмоционального концепта «ревность» в Корее.

**SUMMARY**

The Korean language is rich in stableset expressions, based on the national characteristics, we can say that most Koreans speak passionately and emotionally. If we speak about an emotional concept, the feeling of jealousy is a negative emotion that breaks the human heart and destroys it. As it was mentioned above, the key to research is that the concept of emotions is an important factor in the natural perception of the Korean language and literature. For example, in Korean, there is a myth that spring comes and snow melts. The warmth and joy of blooming flowers evoke cool envy. This Korean metaphor is essential for understanding and exploring the emotional concept of «jealousy» in Korea.


## Ádebiyattanıw

# ҚАРАҚАЛПАҚ ХАЛЫҚ ҚОСЫҚЛАРЫНЫҢ СЮЖЕТЛИК ӨЗГЕШЕЛИГИ


**С.Баўатдинова -** *филология илимлериниң кандидаты*

*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*



**Таянч сўзлар:** халқ қўшиқлари, жанр, фольклор, сюжет, композиция, лирика, поэтика, ғоя, вариант, қарама - қаршилик, ахлоқ, образ.

**Ключевые слова:** народная песня, жанр, фольклор, сюжет, композиция, лирика, поэтика, идея, вариант, конфликт, мораль, образ.

**Key words:** folk song, genre, folklore, plot, composition, lyrics, poetics, idea, variant, conflict, morality, image.


Сюжетлилик ҳәр қандай көркем әдебияттың тийкарғы белгилеринен есапланады. Улыўма фольклортаныў илиминде фольклорлық сюжетлер ҳаққкындағы мәселелерде көпшилик илимпазлар фольклорлық дөретпелердеги эпикалық жанрларға кириўши шығармалардың сюжетлик өзгешеликлерине көбирек итибар береди.

Сюжетке фольклорлық терминлердиң қысқаша сөзлигинде төмендегише түсиник берилген: Сюжет – бир-бири менен избе-изликте раўажланып отырған ўақыялардың қысқаша мазмунлық жыйнағы [1].

Бизге белгили, ҳәр қандай лирикалық түрге кириўши дөретпелерде де инсанның өзин қоршаған орталыққа, ондағы ҳәр қыйлы қубылыс ҳәм ҳәдийселерге қатнасы сәўлеленеди. Сондай-ақ, лирикалық түрге кириўши фольклорлық дөретпелердиң бир түри болған

халық қосықларында да халықтың белгили бир объективлик орталыққа қатнасы сөз етиледи. Лирика реал ўақыяның тийкары екен, демек, оның ишки элементлери болған руўхый кеширмелер ҳәм оның сыртқы элементи болған ўықыя ямаса ҳәдийсе бир-бири менен ажыралмас бир пүтинликти қурайды. Себеби, лирикалық сюжетте турмыслық фактлер сүўретленеди, типик характерлер типик шараятларда өз сәўлесин табады.

Лирикалық косықларда сюжетке тийкар болған ўақыя сырттан қарағанда тамамланбаған болып көринеди, бирақ шығарманың идеясы оны жуўмақланған, яғный тамамланған формада көрсетеди. Лирикалық характерде дөрелген дөретпелердиң сюжетлик өзгешеликлериниң және бир тәрепи сюжеттиң тийкарғы элементлери болған экспозиция, ўақыяның раўажланыўы, кульминация ҳәм т.б. белгилердиң бири ушыраса бермеўи мүмкин.

Биз қарақалпақ халық қосықларының сюжетлик қурылысын анализлеп қарағанымызда, сюжетлик қурылысы жағынан басқа дәўирлердегиден әдеўир парқ ететуғынын көриўимизге болады. Мәселен, XIX әсир, XX әсирдиң биринши ярымында дөрелген халық қосықларында әсиресе, тарийхый қосықлар, мийнет қосықларында эпикалық, яғный ўақыяны баян етиў усылының басымлылығына байланыслы дөретпелерде сюжет бир қанша анық композициялық қурылысқа ийе екенлиги менен ажыралып турады. Бул қубылыс ең алды менен мийнет ҳәм тарийхый темалардың соңғы дәўирлерде жазба әдебияттың жанрларына терең сиңисиўи менен байланыслы деп түсиник бериўге болады. Деген менен, сюжетлердиң анық композициялық қурылыста сақланыўы ҳәзирги дәўир халық қосықларының барлық жанрларында көринип турады.

Халық қосықларының сюжетлик, композициялық қурылысы ҳаққында белгили фольклорист алымлар К.В.Чистов [2], Э.В.Померанцева [3], Б.Н.Путиловлардың [4] мийнетлеринде кең сөз етиледи.

Бул жоқарыда аты аталған илимпазлардың мийнетлеринде халық аўызеки әдебиятының эпикалық жанрларындағы фольклорлық сюжетлер менен бир қатарда лирикалық қосықлардағы сюжетлердиң қолланылыў өзгешеликлери ҳаққында сөз етиледи. Илимпаз В.К.Соколова [5] жоқарыда аты аталған илимпазлардың пикирлерин жуўмақластыра отырып, тарийхый ўақыя ҳәм ҳәдийселердиң аўызеки әдебиятта сәўлелениў дәрежесиниң ҳәр қыйлы дәўирлерде бирдей болмағанлығын дәлиллейди. Илимпаздың пикиринше, лирикалық косықлардағы сюжетлер XVIII-XIX әсирлердеги аўызеки әдебиятта бир қанша вариантласқан ҳәм көшпели характерге ийе болған. Бул пикирлер қарақалпақ халық қосықларындағы сюжетлик мәселени анықлаўда да методологиялық тийкар болады. Ҳәзирги дәўир қарақалпақ халық қосықларының сюжетлериниң тийкарғы өзгешеликлериниң бири - оның вариантласпаў ҳәм көшпели характерге ийе болмаўында.

80-жыллар қарақалпақ халық қосықларының сюжетлери сыпатында тийкарынан усы дәўирлерде халқымыз турмысында жүз берген реаль ўақыялар сәўлеленеди. Бул қосықлардың көбиси өзиниң сюжетлик -композициялық қурылысына қарай бир сюжетли болып келеди. Мысалы:

Ҳаў, қара бала, көбейип кетти пара,  
Парасы жоқ пақырдың, иси жүрмес шала,  
Истиң көзи басшыда, басшының көзи ақшада,  
Көз ақшаға toймайды, абайла, қара бала

Мысалда көрсетилгениндей, пара арқалы ис питкериў ўақыясы қара баланың минезиндеги парахорлық иллетиниң бар екенлигин, ашкөзликти дәлиллеўши сюжетлик фактлер келтириледи.

«Қарақалпағым» қосығы да усы дәўирлерде халық арасында дөреген шығармалардың бири болып есапланады. Қосықта халқымыздың сиясий ҳәм экономикалық турмысында жүз берген үлкен унамсыз қубылыслар сатиралық сынға алынады. Бизге белгили қосық басқа сатиралық қосықларға қарағанда өзине тән айырықша сюжетлик-композициялық қурылысқа ийе. Басқа сатиралық эпикалық формаға ийе қосықларда тийкар етип алынған ҳәдийсе ямаса ўақыя бир шығарма көлеминде өзиниң сюжетлик детальларына, ўақыяның басланыўы, раўажланыўы, кульминациялық шек сыяқлы детальларына ийе болса, «Қарақалпағым» қосығында қосықтың төрт қатардан ибарат ҳәр бир шуўмағы басқа шуўмақлардан ғәрезсиз сюжетлик пүтинликке ийе. Қосықта өткен тоталитар дүзимдеги жәмийетлик мораль, сиясат, Арал теңизиниң қурыўына байланыслы келип шыққан машқалалар, парахорлық, ҳәмелпаразлық сыяқлы иллетлер әшкараланып, ҳәр бир шуўмақта усы мәселелерге байланыслы халық өмиринде жүз берген ўақыя ямаса ҳәдийселер тийкарғы сюжет сыпатында алынады. «Қарақалпағым» қосығының сюжетлик композициясы, тийкарынан, еки сюжетлик шеңберден ибарат. Олардың бириншисинде ўақыя ямаса ҳәдийсениң баянланыўы, ал екинши шеңберде, яғный қосықтың тийкарғы идеясы баянланған бөлиминде жәмийетлик қатламның усы ўақыя ямаса ҳәдийсеге берген баҳасы кульминациялық жуўмақ сыпатында бериледи.

Үлги сыпатында косықтың сюжетлик композициялық қурылысы, поэтикасы жағынан жетик формаға ийе вариантларынан мысал келтиремиз:

Өр жағынан бөгет басып дәрьяға,  
Көкирек керип мақтандың сен дүньяға,  
Аралың айланды шөли-гияға,  
Соңы ўайран болған, қарақалпағым.

Мысалда келтирилген шуўмақтың дәслепки үш қатарында сол 80-жылларда халықтың турмысында жүз берген Арал машқаласына байланыслы келип шыққан шынлыққа тийкарланған унамсыз ҳәдийсе сөз етиледи:

«Көкирек керип мақтандың сен дүньяға»,  
«Соңы ўайран болған қарақалпағым»

қатарлары дәслепки ҳәдийселер баянланған сюжетлик деталь ушын кульминациялық жуўмақ хызметин атқарған.

Уры, гәззапларды ҳәргиз көрмедиң,  
Дурысын айтқанды услап тергедиң,  
Әдалат қылышын кери сермедиң,  
Кери тартпа болдың, қарақалпағым.  
Киндик қаны усы жерге тамбаған,  
Өртенсең өртенип бирге жанбаған,  
Қыйынлықта елиң менен болмаған,  
Басшыларың көпдур, қарақалпағым.

Мине, бул қатарларда кең халық массасының жәмийетте орын алған унамсыз қубылысларға қатнасы сөз етиледи. Қосықлардың сюжетине тийкар болған социаллық қубылыслар ҳәм ўақыялардың тарийхый шынлыққа қатнасы ашылып барады.

Инсанның кеўил-күйин, ишки руўхый дүньясын сәўлелендириў жағынан муҳаббат қосықлары да өзине тән сюжетлик өзгешеликке ийе:

1.Сүйгениңе қосылыў -  
Дуўтарға тар таққандай,  
Сүймегенге қосылыў -  
Уўлы жылан шаққандай.  
2. О, жаслық шақ, жаслық шақ,  
Зымырайсаң поездай,  
Поезд қайтып келсе де,  
Сен кетесең қайрылмай.

Мысал сыпатында алынған бул үлгилердеги «дуўтарға тар таққандай» ҳәм «уўлы жылан шаққандай» сюжетлик детальлары психологиялық ҳалат пенен салыстырылып қосыққа пүтин бир сюжетлик жақтан тамамланғанлықты тәмийинлеген. Екинши қосықта жаслықтың өткиншилиги зымырап өтип баратырған поездиң тезлигине салыстырылады.

Муҳаббат қосықларының сюжетлик өзгешеликлериниң бири руўхый ишки кеширмелердиң белгили бир бағыттағы ағымынан ибарат болады. Екиншиден, бул қосықларда лирикалық сюжет, көбинесе жоқарыдағы мысалда берилгениндей, аллегориялық ямаса символикалық усылда берилиўи менен де ажыралып турады Өзин қоршаған орталыққа болған эстетикалық қатнастың үлгиси лирикалық қосықларда басым болып келсе де турмыслық конфликтлер өз сәўлелениўин берип барады.

**Әдебиятлар**


1. Ахметов С., Баҳадырова С. Фольклорлық терминлердиң қысқаша сөзлиги. -Нөкис: «Билим», 1992. 87-б.
2. Чистов К.В. Народные традиции и фольклор. –Л.: «Наука», 1986.
3. Померанцева Э.В. Народные верования и устное поэтическое творчества. //Фольклор и этнография. -Л.: «Наука», 1970.
4. Путилов Б.Н. Славянские эпические песни о сватовстве. //Фольклор и этнография. –Л.: «Наука», 1970.
5. Соколова В.К. Русские исторические песни XVI-XVIII вв. -М.: «Наука», 1960.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада қорақалпоқ халқ қўшиқларининг сюжет хусусиятлари хусусида сўз боради. Халқ қўшиқларининг ҳар бир жанри мазкур жанрнинг чегарасида ҳаракат қиладиган сюжет майдонига эга. Улар асрлар мобайнида шаклланган ўз дастурига, поэтик, композицион хусусиятларига эга. Ҳозирги давр қорақалпоқ халқ қўшиқлари сюжетларининг асоси – унинг вариант-сизлигидир.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается характер каракалпакских народных песен. Отмечается, что у каждого жанра народных песен есть история. У них есть своя собственная программа, которая формировалась веками, с поэтическими, композиционными чертами. Основной характерной чертой песен каракалпакского народа в современный период является отсутствие их вариантности.

**SUMMARY**

The article considers the nature of Karakalpak folk songs. It is determined that every genre of folk songs has a history. They have their own program, which was formed for the centuries, with poetic, compositional features. The main characteristic feature of the songs of the Karakalpak people at the present time is the lack of variation.


# ЎЗБЕК ВА ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИДА МИРТЕМИР ИЖОДИНИНГ ВОСИТАЧИЛИК РОЛИ


**Г.Қурамбоева –** *филология фанлари номзоди*

*Тошкент педиатрия тиббиёт институти*



**Таянч сўзлар:** адабий алоқалар, поэма, лирика, бадиий таржима, шоир, ёзувчи, миллий колорит, эпос, бадиий услуб.

**Ключевые слова:** литературные связи, поэма, лирика, художественный перевод, художественный цикл, поэт, писатель, национальный колорит, эпос, художественный стиль.

**Key words:** literary connections, lyrics, literary translation, artistic cycle, poet, writer, national character, epos**,** literary-artistic.


Таниқли қозоқ адиби Мухтор Шаханов анча йиллар илгари адабий дўстлик ҳақида матбуотда шундай ёзган эди: “Адабиётнинг хизмати беқиёс. Улкан дарёлар бор. Улар ҳеч бир чегара,тўсиқни тан олмайдилар, турли мамлакатларни кесиб ўтиб барчасига баравар оби ҳаёт улашади.Улкан ёзувчилар ҳам ўшандай дарёларга ўхшаш. Истайсизми, истамайсизми, адабиётни алохида катта шахслар яратади. Катта шахсларнинг дўстлиги эса халқларнинг дўстлигига айланади. Шу маънода мен Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир, Шайхзодалар билан Мухтор Авезов, Собит Муқанов, Ғабит Мусреповларнинг дўстлигига доимо ҳайрат билан қарайман. Ижодкор ўз шахсининг эмас, ўз халқининг манфаати учун ҳам бошқа халқлар вакиллари билан дўстлашишга мажбур” [1].

Бу фикр собиқ шўролар даврида айтилган бўлса-да, ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотганича йўқ. Бундай фикрларни ўзбек ва қорақалпоқ ижодкорлари, олимлари ҳам билдиришган. Мавзу ўта долзарб. Мустақилликнинг дастлабки йилларида бу жараён назардан четда қолгани ҳам сир эмас. Наинки, адабий алоқаларимиз, хатто, турли миллат ижодкорларининг борди-келдилари деярли тўхтаб қолди, шахсий дўстлик ришталарида узилиш юзага келди. Жумладан, Марказий Осиё адабий алоқаларида қисман бўшлиқ пайдо бўлгани ҳам ҳақиқат. Давлатлараро чегараларнинг ёпилгани, виза тартибининг жорий этилгани бу масалани янада мураккаблаштирди, ўзаро борди келдиларда ҳар хил тўсиқлар юзага келди. Ҳайриятки, Мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатлари, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни янада ривожлантириш йўлидаги тадбирлари, сиёсати яхши самара берди. Чегаралар очилди. Барча соҳалар қаторида адабий-маданий алоқаларимиз, шоир - ёзувчиларнинг шахсий учрашувлари, ўзаро тажриба алмашувлари учун қулай шароит яратилди ва бу ҳол нафақат халқларимиз, балки адабиётларимиз дўстлигини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилаётганини халқимиз кўриб, ҳис қилиб турибди.

Фикримизча, адабиётда, ижодда шундай анъаналар бўладики, ҳеч қачон эскирмайди, долзарблик хусусиятини, амалий аҳамиятини ҳам йўқотмайди. Шундай ананалардан бири ҳар хил миллат ижодкорларининг шахсий дўстлиги, бир-бирларининг адабиётлари учун қилган ғамхўрликлари, ўзаро фикр, тажриба алмашувларининг фойдали жиҳатларидир. Бу анъанани ҳар томонлама қўллаб қувватлаш барча қалам соҳиби учун ҳам фарз, ҳам қарз деб ўйлаймиз.Бир вақтлар Ғафур Ғулом ва Собит Муқанов, Берди Кербобоев ва Ғафур Ғулом, Миртемир ва Абдулда Тожибоев, Чингиз Айтматов ва Тўлапберган Қайпбергаҳов ҳамда бошқа бир қатор ижодкорларнинг адабий ҳамкорлиги, шахсий дўстлиги бугунги ижод аҳлига ҳам сабоқ, ҳам ибратдир. Гарчи, бу анъана яқин ўтмишга хос бўлса-да, бугунги авлодга бу тажрибанинг ибрат бўлгудек жиҳати бор. Шу мантиқга асосланиб, адабий алоқаларимизнинг истиқлол йилларидаги манзараларига яна бир бор назар ташлаш мақсадида ушбу мақолани ёзишга қарор қилдик. Мавзуга материал қилиб Ўзбекистон халқ шоири, Ҳамза номидаги Ўзбекистон, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мукофотлари лауреате Миртемир ижодини танладик.

Ўз миллий адабиётидан ташқари бошқа адабиётларга ҳам хизмат қилиш ижодкор учун шараф. Бундай бахт камдан-кам ижодкорларга насиб этса керак. Катта шоир, моҳир таржимон Миртемир мана шундай мартаба, обрўга сазавор адиблардан бири эди. Айниқса, шоир қозоқ, қизғиз, қорақалпоқ, туркман халқлари китобхонлари учун ҳам севимли ижодкор. У тилга олинган халқлар адабиётига имконияти даражасида хизмат қилди. Ўз халқи китобхонларини таржима орқали, қардош адабиётларнинг нодир асарлари билан таништириш ишига салмоқли ҳисса қўшди. Қардошлар ҳаёти тўғрисида асарлар мажмуасини яратди. Муаллифнинг “Қирғиз дафтари”, “Қозоқ дафтари”, “Қорақалпоқ дафтари”, “Туркман шеърлари” туркумлари қардош халқлар ҳаётига бағишланган гўзал шеърият гулдасталаридир. Булар Миртемирни халқлар дўтлиги куйчиси дейишга тўла асос беради. Айниқса, шоирнинг қорақалпоқ халқи ва адабиётига қизиқиши ва ҳурмати бўлакча эди. Шу боисдан ҳам шоир ҳаётининг сўнгги кунларигача бу халққа, адабиётига ҳурматини унутмади. Имкон қадар шоирларининг янги асарлари билан танишиб боришга, она тилига ўгиришга астойдил ҳаракат қилди. Бу

хизматларининг Бердақ номидаги давлат мукофоти билан тақдирланганлиги шоир меросига кўрсатилган эҳтиромнинг бир ифодаси бўлди.

Манбаларда қайд этилишича, Миртемирнинг илк маротаба Қорақалпоғистонга келиши ўткан асрнинг ўттизинчи йиллари иккинчи ярмига тўғри келади. Аниқроқ айтсак, шоирнинг сафари 1938-йилдан бошланган. Қорақалпоқ шоир-ёзувчилари ва олимлари билан танишуви, дўстона муносабатлар ўрнатиши ҳам шу йиллардан бошланган. У дастлаб Асан Бегимов, Нажим Давқораевлар билан танишган. Бердақ ва Ажинияз шоирлар тўғрисидаги дастлабки маълумотларни улардан олганлигини хотираларида ёзиб қолдирган. Сўнг Аббаз Добилов, Жўлмурза Аймурзаев, Наврўз Жапақов, Хўжабек Сейтов, Тиловберган Жумамуратов, Ибройим Юсуповлар билан танишиб, дўстлашган. Бу муносабатлар ижодий ҳамкорликга айланиб ўзбек ва қорақалпоқ адабий алоқаларига замин ҳозирлади. Ҳар икки адабиёт ривожига хизмат қила бошлади, янги-янги асарларнинг яратилишига туртки берди. Бу ҳақида шоир шундай ёзади: “Мен Қорақалпоғистонга тез-тез борадиган бўлдим. Ҳар борганда бирор шоир ижоди билан халқимни таништирардим. “Қорақалпоқ дафтари” ҳам шу йўлчилик ва қутлуғ сафар мевалари бўлиб дунёга келди ва қорақалпоқ халқига сидқидил қардошлик ифодаси бўлди, десам ёлғон эмас” [2].

Дарҳақиқат, шоир ёзганидек, “Қорақалпоқ дафтари” “йўлчилик ва қутлуғ сафар мевалари бўлиб дунёга келган” бетакрор шеърий туркум, ўткан асрнинг эллигинчи йиллари ўзбек шеъриятининг нодир намуналаридан бири, ютуғи бўлганлиги китобхонлар, олимлар томонидан бaралла айтилди, юқори баҳоланди. И.Султон, О.Шарафиддинов, С.Мамажанов, И.Ғафуров, Н.Каримов ва яна бир неча адабиётшуносларнинг махсус мақолаларида туркум ўзбек шеъриятини собиқ иттифоқ миқиёсидаги мавқеини мустаҳкамлаган асар сифатида эътироф этилди. О.Шарафиддинов туркумга кирган ҳар бир шеърни “поэтик кашфиёт” деб атади. Машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов “Зукко шоир, дилкаш инсон” мақоласида Миртемирнинг Марказий Осиё адабиётидаги шон-шуҳрати тўғрисида сўз очиб, бир ўринда: “Қорақалпоқ дафтари”, “Қирғиз дафтари” деб номланган шеърий туркумлари унинг ижодида энг сара, энг бақувват асарлардир” деб ёзди [3].

Бундай мақтовларни давом эттириш мумкин. Хўш, бу ҳилдаги машҳурликнинг сабаби, туркумнинг барча мухлисларга бирдай ёқиши ва завқ беришининг сабаби нимада? Бизнингча, бунинг асл сабаби, биринчидан, Миртемирнинг шоирлик маҳоратида, шеър санъатини пухта эгаллаб, содда ва чуқур маънода жўшқин қалб билан куйлаганида бўлса, иккинчидан, қорақалпоқ халқига нисбатан қардошлик меҳри ва ҳурматида деб тушунамиз. Туркумнинг икки халқ қалбида жўровоз янграшининг яна бир сабаби бор. Бу-туркумнинг чинакам қорақалпоқ колорити билан суғорилганлигида. Шеърларнинг номланишидан тортиб, ҳар бир банди, ҳатто ҳар бир мисрасида Қорақалпоғистон, қорақалпоқ халқига хос бетакрор хусусиятлар миллий жилолари билан уфуриб туради, ўқиб завқланасиз. Биргина “Енгажон” ёки “Ҳодиса” шеърларини эсланг. Уларда қорақалпоқга хос миллий руҳ нақадар табиий ва гўзал берилганлигини кўриб ҳайратга тушасиз. Туркумдаги “Кегайлидан”, “Кўл бўйида”, “Қора сўз”, “Баркут” каби шеърлар хусусида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Чиндан ҳам, улар О.Шарафиддинов таъкидлаганидек “поэтик кашфиёт”лардир. Шеърларнинг нафақат ифода шакли содда, равон ўқимишли, ғоя ва маъно талқини ҳам ҳавас қиларлик даражада. Академик М.Нурмуҳамедовнинг “Енгажон” шеъри ҳақидаги мана бу фикрлари, юқоридаги айтилганларни яна бир бор тасдиқлайди: “Ҳаммаси бўлиб тўрт мисра, тўққиз сўздан иборат, бироқ уларда қанча маъно, ҳарорат бор. Шеър енгиллигини айтмайсизми! Мен мазкур тўртликни ҳеч иккиланмасдан бутун бошли поэма ёки кичикироқ пьесага тенг деб ҳисоблайман, чунки унда кўз олдингизда бутун бир ҳаёт манзараси намоён бўлади” [5].

“Қорақалпоқ дафтари” даги “Ойсанамнинг тўйида”, “Бахшининг айтганларии” достонлари, айниқса, “Сурат” поэмаси қорақалпоқ мавзусига бағишлангани учунгина эмас, бадиий салоҳият бобида ҳам юксак асарлардир. Тилга олинган поэмалар ҳам “йўлчилик ва қутлуғ сафар мевалари бўлиб дунёга келган” ки, ҳар бирининг Қорақалпоғистон билан боғлиқ яратилиш тарихи бор. Асар ёзилишига туртки бўлган фактлар мавжуд. Масалан, “Бахшининг айтганлари” достони, маълум даражада Бердақ достонлари сюжетидан олинган илҳом натижси ўлароқ ёзилган бўлса, “Ойсанамнинг тўйида” поэмаси таниқли ёзувчи Асан Бегимовдан эшитган воқеа негизида ёзилганлигини шоир хотираларида қайд этилади: “Ойсанамнинг тўйида” поэмаси ёзилишига Асан оға сабабчи бўлди. Шу мунгли воқеани ўша табаррук одам йиғлаб-йиғлаб айтиб бергани ёдимда”, [6] дейди Миртемир.

“Сурат” поэмаси ҳам қорақалпоқ заминида битилгани манбаларда тилга олинади. Ҳатто асар қаҳрамонларининг протатиплари Қорақалпоғистонда, аниқироғи, Кегайли туманида деган мулоҳазалар ҳам бор. Жумладан, профессор К.Мамбетов “Ўзбек-қорақалпоқ адабий алоқалари “(1992) рисоласида шу фикрни илгари суради ва бир неча ҳаётий фактларни келтиради. [7] Миртемирнинг ўзи ҳам бир суҳбатида “Сурат”га асос бўлган воқеалар, поэманинг ижодий тарихи ҳақида сўралганида шундай жавоб берган экан: “Ҳатто воқеанинг ( “Сурат” воқеаси назарда тутулмоқда.Г.К) содир бўлган вақтини ҳам, жойини ҳам ўзгартирдим. 30-йиллардан Улуғ Ватан уруши даврига, Тошкентдан Нукусга кўчирдим [8].

Кўринадики, бу фикрлар К.Мамбетов келтирган маълумотларга мос келади ва поэманинг ўзак илдизи Қорақалпоғистон ва қорақалпоқ ҳаёти билан уйғун эканлигига ишонч уйғотади.

Миртемирнинг қорақалпоқ ҳаётидан олиб ёзган ҳар бир асари у шеърми ёки поэма-достонми, қатъий назар, турмуш материалини батафсил ўзлаштиргани, маҳаллий-миллий шароитни қалбан ҳис қилиб, реалистик талқин этгани, нафақат, ўзбек китобхонларига маъқул, балки қорақалпоқ шеърияти мухлисларига ҳам манзур тушди. Натижада, 1980-йилда туркум қорақалпоқ тилига ўгирилиб, алоҳида нашр этилди. Шеърларни таниқли шоир ва ёзувчи Хўжабек Сейтов ўзбекчалаштирди. Туркумдаги “Енгажон”, “Ҳодиса”, “Кегайлидан”, “Баркут” номли ва бошқа бир қатор шеърларнинг қорақалпоқча таржимасидан ўқувчи қониқиш ҳосил қилади. Аслиятдаги поэтик оҳанг, шоир услубига хос оддийлик ва теранлик, енгил юмор белгилари таржимада яхши сақланган. “Сурат”, “Ойсанамнинг тўйида”, поэмалари ва “Юз бир” қасидасининг таржималари ҳам эътироз уйғотмайди.

“Қорақалпоқ дафтари” тўпламидан Миртемирнинг қорақалпоқ мавзусидаги шеърларидан ташқари, бошқа мвзулардаги шеърлари ҳам ўрин олган, ўзбек тилига таржима қилиниб, тўпламга киритилган. Ушбу таржималарда ҳам кўзга илингудек камчиликлар кўринмайди. “Кун нури”, “Қиз қўшиғи”, “Чақмоқ”, “Устозимга”, “Она”, “Собит оғага”, “Ёз”, “Тонгданда гўзал” каби шеърларни мутаржим асл нусхасидек жаранглата олган. Мазкур таржималар ҳам, наинки, таржимоннинг истеъдоди, балки, Миртемирнинг шоир сифатидаги бадиий-эстетик маҳорати ҳақида ҳам ижобий таассурот қолдиради.

Миртемир ижодининг ўзбек ва қорақолпоқ адабий алоқаларидаги воситачилик роли ҳақида гапирганда унинг Бердақ ижодига муносабатини четлаб ўтиш мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз. У Бердақ лирикасининг моҳир таржимони. Шоир ўтган асрнинг эллигинчи йиллари бошларидан Бердақ меросига қизиқа бошлаган ва илк маротаба ўзбек китобхонларини шоир асарлари билан таништиришга киришган. Бердақ шеърияти

таржималарига қўл урганининг сабабларини шоир кейинчалик шундай изоҳлаган эди: "Бердақ ижоди билан мен 1938-йилда Қорақалпоққа борганимда танишган эдим. Ўшанда ардоқли олим ва улкан қаламкашлардан Асан оға билан Нажим оға менга Ажинияз ва Бердақ асарларини ёдаки ўқиб, "Бўзатов" қўшиғини айтиб ҳайрон этдилар. Кейин мен шеърларнинг ёзма нусхалари билан танишдим.Мен Ажиниёздан ва Бердақдан таржима қилиб,матбуотда элъон қилганим ёдимда. Мени Бердақ ижодига етаклаб олиб борган йўл шундоқ" [9].

Маълум бўлаяптики, шоирнинг Бердақ асарларига қўл уриши тасодифий эмас. Бу ҳам шоирнинг Қорақалпоғистонга кўп бора ташрифи,шоир ва ёзувчилари билан мулоқотлари натижаси ўларок, адиб сўзлари билан айтсак: "йўлчилик ва қутлуғ сафар мевалари бўлиб дунёга келган" ижодий меҳнат маҳсулидир. Таржималар муваффақиятли якунланди. Бердақнинг "Солиқ", "Бўлган эмас", "Халқ учун", "Денгиз балиғин бермади", "Айрилиқ" ва яна бир туркум шеърларининг таржималари фикримизни тасдиқлашига аминмиз. Шеърларнинг ифода шакли ҳам, мазмун-моҳияти ҳам, Бердақ услубига хос халқона талқин ҳам гўзал поэтик тилда берилгани, шубҳасиз, таржимоннинг катта ютуғидир. Булардан бошқада, шоирнинг "Омонгелди", "Ерназар бий", "Ахмоқ пошшо", "Шажара" номли поэма ва достонлари таржималари хусусида ҳам ишонч билан шу фикрни билдириш мумкин. Бу мавзу алоҳида тадқиқот объектики, ҳозир таржималар хусусида кенгроқ тўхташ имкони йўқ. Миртемирнинг Бердақ меросини чуқур ўрганганлиги, шеъриятини қалбдан ҳис қилиб иш кўрганини муаллифнинг Бердақ ижодига бағишланган "Қардош халқнинг номи ўчмас шоири" мақоласидаги қуйидаги фикрлари яна бир бор тасдиқлайди: " Бердақ асарлари менинг учун қардош қорақалпоқ халқининг ўтган аср ҳаётини аниқ кўриш мумкин бўлган бир кўзгу бўлди. Шеъри босирик туш янглиғ аянч, "ҳув" деб овлоққа чиқиб кетгулик даражада дахшатли дунё! Унинг ҳамма шеърлари оғир ҳаёт лавҳаларидир" [10].

Миртемирнинг таржимонлик фаолиятида машхур қорақалпоқ эпоси "Қирқ қиз" нинг ҳам муносиб ўрни бор. Шоир достонни ўзбек тилига яхши ўгирди. Таржиманинг бадиий савияси нафақат ўқувчиларни мамнун этди, таниқли адиблар ҳам унга юқори баҳо беришди. Адиб К.Яшин : "Қорақалпоқ эпоси" Қирқ қиз" таржималари ўзи бир улуғвор олам" деб ёзган бўлса академик Н.Каримов: "Миртемир ўзининг оригинал шеърларигагина эмас , балки таржима асарларига ҳам учқур қаноат бағишлай олувчи шоир эди" [11], деган эътирофида шоирнинг қорақалпоқ адабиётидан қилган таржималари, жумладан, Бердақ мероси, "Қирқ қиз" эпосининг ўзбек тилига таржималари ҳам назарда тутилгани табиий, албатта.

Миртемир қардош қорақалпоқ халқи ва адабиётига, шоир ва ёзувчиларига жўшқин меҳр , катта ҳурмат ва эътибор билан қараган , бу ўлкада мунтазам ижодий сафарларда бўлиб, қардошлик мавзусида ўнлаб асарлар битган, қолаверса, бу гўзал адабиёт намуналари билан халқини таништиришга ҳамиша иштёқманд сўз санъаткорларидан бири эди. Шоирнинг юқорида тилга олинган саъй ҳаракатлари, ижодий фаолияти икки халқ, икки адабиёт алоқаларини, дўстона муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилганки, бу ҳаётбахш анъана бугунги авлод ижод ахлида ҳам давом этса, нур устига аъло нур бўларди.

**Адабиётлар**


1. Шаханов М. Дўстлик қадри. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1987. 29-май.
2. Миртемир. Дўстлар даврасида. –Тошкент: 1980. 98-б.
3. Миртемир. Замондошлар хотирасида. –Тошкент: 1982. 24-б.
4. Миртемир. Қарақалпақ дәптери. (Қарақалпақ тилинде), -Нөкис: "Қарақалпақстан", 1980. 22-34-б.
5. Нурмуҳамедов М. Теран томирлар. // "Шарқ юлдузи", 1983, № 3.
6. Миртемир. Дўстлар даврасида. –Тошкент: 1980, 99-б.
7. Мамбетов К. Өзбек ҳәм қарақалпақ әдебий байланыслары. –Нөкис: "Қарақалпақстан", 1992. 95-б.
8. Миртемир. Замондошлар хотирасида. -Тошкент: 1982, 201-б.
9. Миртемир. Дўстлар даврасида. -Тошкент: 1980, 98-б.
10. Миртемир. Дўстлар даврасида. –Тошкент: 1980, 99-б.
11. Каримов Н. Устоз сабоқлари. / Миртемир. Дўстлар даврасида. -Тошкент: 1980, 156-б.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада атоқли шоир Миртемир ижодининг ўзбек ва қорақалпоқ адабий алоқаларини ривожлантиришдаги воситачилик роли, қорақалпоқ мавзусида битган шеърлари, поэмалари таҳлил қилинади, шунингдек, қорақалпоқ адабиётидан қилган таржималари ҳақида сўз юритилади.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается посредническая роль Миртемира в развитии узбекско-каракалпакской литературной связи, анализируются стихотворения и поэмы посвящённые каракалпакской теме, а также, речь идёт о переводах поэта с каракалпакской литературы.

**SUMMARY**

The article deals with the mediating role of Mirtemur in the development of the Uzbek-Karakalpak literary connection, the author analyzes the verses and poems that are is dedicated to the Karakalpak theme, and also deals with the poet's translations from Karakalpak literature.


## QARAQALPAQ XALÍQ DÁSTANÍ «SHÁRYAR»: JIYNALÍWÍ, BASÍP SHÍǴARÍLÍWÍ HÁM IZERTLENIWININ̓ AYÍRÍM MÁSELELERI


**Sh.K.Keńesbaeva** – *I basqısh tayanısh doktorant*

*Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutı*



**Tayanch sózlar:** Mavzuning organilganlik darajasi: «Sharyar» dosntoni, janr xususiyatlari, tashki syujetli doston (O.Kojurov), ijtimoiyiy-mayshiy doston (K.Maksetov), ertak doston (I.Sagitov), ertak motivi, mifik motiv, motiblar mushtarakligi, mifik-ertak doston, eposining organilishi boyisha muammolar va vazifalar

**Ключевые слова:** степень изученности темы: дастан «Шарияр», жанровые особенности, внешне-сюжетный дастан (О.Кожуров) социально-бытовой дастан (К.Максетов), сказочный дастан (И.Сагитов), сказочный мотив, мифический мотив, мифический-сказочный эпос, проблемы и задачи по изучению данного эпоса.

**Key words:** the degree of the study of the problem the epos «Shariyar», genre peculiarities, an epos with external plot (O.Kojurov), social-realistic epos (K.Maksetov), a fairy-tale epos (I.Sagitov), a fairy tale motive, myth motive, myth-fairy tale epos, the problems and solutions of study of epos.


«Haqıyqıy tariyxtı bilmey turıp, ózligińdi biliw múmkin emes» [1:29] degen Ózbekstan Respublikasınıń Birinshi Prezidenti I.A.Kárimovtıń pikirleri milliy miyraslardı izertlewde tuwrı jol kórsetiwshi baǵdar esaplanadı. Haqiyqatinda da, hár qanday xalıq, millet basqa, hátteki genetikalıq kelip shıǵıwı bir tuwısqan xalıqlardan da óziniń milliy ózligin birinshi gezekte tili, aymaqlıq shegaraları, ekonomikalıq qatlam birlikleri (ukladı) kórinisi - turmıs tárizi arqali ańlatıw menen birge, psixikalıq oy-pikir dúńyasında sáwleleniw tabatuǵın milliy men-

talitet birlikleri: úrp-ádet dástúrleri, milliy qádiriyatları, ruwxıy-estetikalıq sanasınıń sáwlesi bolǵan mádeniy miy-rasları, sonıń ishinde bay awızeki kórkem dóretpeleri menen de ayırıqsha ajıratıp kórsetip turadı. Mine, usınday ózligimizdi ańlatıp turatuǵın milliy ruwxıy miy-raslarımızdıń biri - qaraqalpaq xalıq dástanı «Sháryar» bolıp tabıladı. Sebebi, bul dástan ásirler dawamında ataqlı jırawlar repertuarınan orın alıp keldi. Xalqımızdıń biyba-ha miyrasına aylandı.

Usı kózqarastan biz bul maqalamızda qaraqalpaq xal-qınıń belgili dástanlarınıń biri «Sháryar» dástanınıń jiynalıwı, basıp shıǵarılıwı, izertleniwi mısalinda onıń genezisi, janrlıq ózgeshelikleri haqqında bir-eki awır sóz etpekshimiz. Durıs, «Sháryar» dástanın jazıp alıwda hám onı baspadan shıǵarıwda ilimpazlarımız tárepinen kóp jumıslar islendi [9]. Biraq, dástan búgingi kúnge shekem kandidatlıq yamasa doktorlıq dissertaciya sıpatında arnawlı túrde izertlew obyektine aylanǵan joq. Degen menen, belgili alimlardan M.K.Nurmuxammedov, İ.T.Saǵitov, Q.Maqsetov, A.Karimovlar ham jas ilimpazlar G.Srashova bir qatar maqalalar jazıp, bul baǵdarda qunlı ilimiy pikirler [3] bildirgeni de hesh kimge sır emes. Bul miynetler arnawlı izertlew jumısı bolmaǵanı menen, dastan mashqalalarin bunnan bılay da izertlewde ilimiy-teoriyalıq tiykar bolıp xızmet etetuǵını sózsiz. Onıń ústine, búgingi kúni ǵárezsizligimizdiń sharapatı menen «Sháryar» sıyaqlı muqaddes miyraslarımızdı keń baǵdarda izertlew, olardıń ideyalıq mazmunlarına milliy ǵárezsizlik ideyaları kózqarasınan qayta qarap shıǵıp baha beriw - búgingi folkloristika-mızdıń kún tártibindegi áhmiyetli mashqalalarınan bolıp otır. Sol ushın da hazirgi folklortanıw iliminde «Sháryar» dástanınıń genezisine, janrlıq qásiyetlerine, tipologiyası hám poetikası máseleleri boyınsha arnawlı ilim izertlew jumısın júrgiziw maqsetke muwapıq keledi.

Ulıwma aytqanda, «Sháryar» dástanınıń qalay jıynalǵanı, járiyalanıwı, onıń variantları, versiyalarınıń bir-birine uqsaslıǵı hám ayırmashılıqları, kórkemlik ózgeshelikleri, dóreliw dáwiri, obrazları, syujet penen kompozitsiyası, qosıq qurılısı haqqında aktual problemalıq máselelerin ashıp kórsetiw kún tartibindegi áhmiyetli mashqalalardın biri.

Biz joqarıda «Sháryar» dástanınıń arnawlı túrde izertlenbey kelgenin qısqasha aytıp óttik. Lekin, dástanlardı izertlewshi alımlar onı basqa xalıqlarda analogı joq epos sipatında ayrıqsha atap ótedi. Máselen, kórnekli folklorshı alım Q.Máqsetov dástanlardı tiykarınan tórt toparǵa bóledi hám «Sháryar» dástanı menen «Shiyrin-Sheker» dástanıń sociallıq-turmıs máselelerin sóz etetuǵın dástanlar toparına jatqızadı [6:296-304]. Al, O.Kojurov «Sháryar» dástanınıń mazmunına arqaw bolǵan waqıyalar shıǵıs xalıqlarınıń turmısınan awısıp kelgen degen pikirdi bildiredi [4:27]. İ.T.Saǵitovtıń pikiri haqıyqatlıqqa bir qansha jaqınlasadı. Ol «Sháryar», «Qanshayım», «Shiyrin-Sheker» dástanların erteklik xarakterdegi dástanlar qatarına kiritkendi maqul koredi [11:38].

Degen menen, bul aytılǵan pikirler bizge jańa sheshim qabıl etiwde óz paydasın tiygizedi dep oylaymız.

Joqarida ati atalgan ilimpazlarimizdin uzunday pikirlerine suyengen halda soz etilejaq mashqala tariyxina nazer awdaratugun bolsaq, «Sháryar» dástanı jırawlarımız tárepinen bir neshe jıllar dawamında jırlanıp kelingen hám xalıq arasına keńnen taralǵan. Dástanda sheberlik penen jırlawda xalqımızdıń atı ańızǵa aylanǵan Qulamet, Óteniyaz, Ábdireyim, Qıyas, Esemurat, Jumabay, Ájimurat siyqli jırawlarinin xizmetleri ayrıqsha. Sol ushin da «Sháryar» dástanınıń jıynalıwı hám qalayınsha izertlenip, ilimiy aylanısqa túskenligi haqqındaǵı másele biziń dıqqat orayımızda turǵan eń bir aqmiyetli másele bolıp tabıladı. Taǵı bir aytıp ketetuǵın másele, «Sháryar» dástanın jırlawshılardıń hámmesi derlik ullı Nurabılla jıraw mektebinen shıqqanlar. Qulamet, Nurbılallanıń balası Esemurat, Óteniyaz, Erpolat penen Ábdirásuwli Nurabıllanıń eń birinshi shákirtleri bolıp tabıladı. Mine, solay etip, xalqımızdıń eń gózzal, sulıw dástanlarınıń biri bolıp tabılatuǵın «Shár`yar» dástanı atadan balaǵa kóship, biziń zamanımızǵa shekem kelip jetken. Sol ushin da «Sháryar» dástanınıń sońǵı variantlarınıń tiykarı Nurabılla jırawdıń úlgisi bolıp tabıladı.

«Sháryar» dástanın xalıq arasınan jıynaw ekinshi dúnya júzlik urıstan burınǵı jılları qolǵa alındı. Dástan birinshi márte 1939-jılı Qaraqalpaqstannıń Qońırat rayonınıń jetinshi awıl kenesinde Qulamet jırawdan jazıp alındı. Al, Qulamet jıraw belgili qaraqalpaq jırawı Nurabılla jırawdıń shákirti bolıp tabıladı. Ol «Sháryar» dástanın Nurabılla jırawdan úyrendi. Qulamet jıraw «Sháryar» dástanın eń sheber, túsinikli tolıq atqaratuǵın jıraw bolǵan.

Qaraqalpaq jırawlarınıń kópshiligi eń kem degende altı-jeti dástandı yadtan biletuǵın bolǵan. Solardıń ishinde, har jırawdıń súyip aytatuǵın bir dástanı boladı. Bul dástan onıń repertuarınan ayrıqsha orın iyeleydi. Sol arqalı ataǵı shıǵadı. Bul tek jırawlarǵa ǵana emes, al qolına duwtar uslaǵan baqsılarǵa da tán. Bul nárse erteden kiyatırǵan dástúr bolıp tabıladı. Mine, «Sháryar» dástanı Qulamet jırawdıń eń súyip aytatuǵın dástanlarınıń biri.

1939-jılı X.Tájimuratov hám K.Ábiybullaevlar Shımbay rayonınıń aymaǵında jasawshı Ábdireyim jırawdan «Sháryar» dástanınıń taǵı bir variantın jazıp aladı. Bul jazıp alıwlar qaraqalpaq folkloristikasına qosılǵan úlken úles boldı. 1958-jılı Óteniyaz jıraw variantı Q.Maqsetov tárepinen jazıp alındı.

Ulıwma alǵanda, «Sháryar» dástanınıń altı variantı bar. Olardan házirshe Qulamet jıraw, Óteniyaz jıraw, Jumabay jıraw Bazarov variantları baspadan shıqtı [5]. (Qaraqalpaq folklorı. XIII tom. -Nókis: «Qaraqalpaqstan», 1984 «Sháryar». Qaraqalpaq xalıq dástanı, Jumabay jıraw Bazarov variantı. Qaraqalpaq folklorı. 100 tomlıq. T.9-13.-T.: «Manaviyat» 2009, 225-297-betler). Sonnan Qulamet jıraw variantı shayır Sergey Severcevtıń awdarmasında «Skazanie o Sharyare» degen at penen 1971-jılı orıs tilinde Moskvada basılıp shıqtı. Sonday-aq, bul variant kórnekli ózbek shayırı Muxammed Áliy awdarmasında 1977-jılı Tashkent qalasında ózbek tilinde jarıq kórdi [12].

Joqarıda kórsetilgen «Sháryar» dástanınıń Qulamet, Óteniyaz, Esemurat, Qıyas, Ábdireyim hám Jumabay jıraw variantları ózleriniń mazmunı, kompoziciyası, kórkemligi, jaǵınan bir-birine jaqın bolǵanı menen, atqarıwshılıq, dóretiwshilik ózgeshiligi boyınsha ádewir parqlarǵa iye. Mısalı, dástanǵa arqaw bolǵan waqıyalar birewinde qısqa, birewinde tolıq berilip otıradı. Sonday-aq, adam, jer atlarında biraz ayırmashılıqları bar. Dástannıń Qulamet jıraw variantı:

Burınǵı ótken zamanda,
Ol zamannıń qádiminde,
Ay menen kúndi jarattı,
Ay menen kúnniń astında,
Adam atanı dóretti,
Kimi dinsiz kápir bolıp,
Kimi musılman ótti,
Kóp noǵaydıń ishinde.
Darapsha xan ótti, -

dep qosıq penen baslansa, Óteniyaz jıraw variantı qara sóz benen baslanadı. Óteniyaz jırawda patshanıń atı Shahiydarap, al Qulamet jırawda Darapsha dep beriledi. Biziń oyımızsha, bul jerde Shahiydarap emes, al Shax Darap bolıwı kerek. Sebebi, Darapsha ismi «Darap shax» degendi anlatadi. Adam atlarindagi bunday ózgerisler basqa da dastanlarda ushırasadi. Mısalı «Qırıq qız» dástanındaǵı qızıl baslardıń sárkardası Nádirshax, geyde Nádirsha atı menen járiyalanıp júr. Bul biziń sóylew

tilimizge, aytıwǵa jeńillew bolıw ushın «shax» degendi «sha»ǵa aylandırıp sóylegennen basqa hesh nárse emes.

Mine, usilay «Sháryar» dástanınıń Qulamet jıraw hám Óteniyaz jıraw variantları baspadan shıqqannan keyin xalıq arasına keńnen tarap ketti hám qaraqalpaq fol`kloristikasınıń altın ǵáziynesi sıpatında ilimiy aylanısqa tústi.

Biz joqarıda «Sháryar» dástanınıń belgili altı variantınıń bar ekenin ayttıq. Solardıń ishinde, birinshi márte 1939-jılı kórnekli shayır Ámet Shamuratov tárepinen jazıp alınǵan variantı xalıq arasında oǵada atı belgili bolǵan Qulamet jıraw variantı edi. Dástannıń 52-betine shekemgi Ámet Shamuratovtıń óz qolı menen kóshirilgen, al onnan keyingisi arab háribinde basqa bir adamnıń qolı menen jazılǵan. Kim tayarlaǵanı da belgisiz. Sol belgisiz tayarlawshı Qulamet jırawdan jazıp alǵan qoljazbaǵa jónsiz ózgerisler kirgizgen. Usı jónsiz ózgerislerge dástan 1959-jılı baspaǵa tayarlaǵanda kewil bólinbegen. Sonıń saldarınan baspadan shıqqan dástandı túp nusqa menen salıstırǵanda orınsız ózgertiwler menen túsirilip qaldırılǵan qatarlardı bayqaymız. «Sháryar» dástanın 1984-jılda baspaǵa tayarlawshılar Ámet Shamuratovtıń qoljazbasın qayta tikledi hám haqıyqıy Qulamet jıraw variantın xalqımızǵa usındı. (Qaraqalpaq fol`klorı, 20 tomlıq. XIII tom. -Nókis: «Qaraqalpaqstan», 1984.)

Biz atap ótken «Sháryar» dástanınıń basqa tórt variantı da kólemi, kórkemligi emocional` kúshi jaǵınan bir-birinen qalıspaydı. Sebebi, onı jırlaǵan jırawlar Ájimurat, Esemurat, Jumabay, Qıyas jırawlar qaraqalpaq xalqına keńnen málim sóz sheberleri bolıp tabıladı. Al, sóz sheberleri úlken talant iyeleri bolıw menen birge tuwılǵan xalqınıń ótmishin, tariyxın, salt-dástúrin, awızeki xalıq poeziyasın oǵada jetik biletuǵın adamlar bolıp tabıladı.

Degen menen, joqarıda atap ótkenimizdey, ǵárezsizlik dáwirine shekemgi «Sháryar» dástanı haqqındaǵı izertlewler jekke-jarım arnawlı maqalalardan, yamasa epostıń anaw yaki mınaw máselesine baylanıslı aytılǵan bir-birine qayshı ulıwmalıq pikirlewlerden asıp kete alǵan joq. Máselen, kórnekli folklorshı alım Q.Maqsetov dástanlardı tiykarınan tórt toparǵa bóledi hám «Sháryar» dástanı menen «Shiyrin-Sheker» dástanın sociallıq-turmıs máselelerin sóz etetuǵın dástanlar toparına jatqaradı [6:76]. Al, ayırım ilimpazlarımızdıń pikirlerine qaraǵanda «Sháryar» dástanı geyde «túp deregi shıǵıs xalıqlarınan awısıp kelgen dástan» [4:27]. O.Kojurov óz pikirin aytqan máhálde (1945-jıl), eger, dáw, peri, duwa, sıyqırlaw haqqında sóz qozǵala ǵoysa, olar dinniń batpaǵına batqan Shıǵıs ellerinen (Íran, Túrkiya, Arab mámleketlerinen) «Sanalı Sovet xalqınıń arasına tarqalǵan merez shóp» degendey, siyasatlastırıw illetleri háwijge minip turdı. Alım «sırttan kirgen dástanlar» degen termindi qollanǵanda, sózsiz sol ideologiyanıń tásirinen kelip shıǵıp otırıp aytqan. Sebebi, kommunistlik ideologiya húkim súrip turǵan sol dáwirde ol bunnan ózgeshe pikirdi ayta almaǵan da bolar edi. Al, professor Q.Maqsetovtıń «Sháryar» dástanın «sotsiallıq-turmıs máselelerin sóz etetuǵın dástanlar» toparında bahalawı, álbette, tartıslı másele. Sebebi, bul toparǵa kirgizilgen «Sháriyar», «Shiyrin-Sheker», «Qanshayım», «Muńlıq-Zarlıq» hám t.b. usaǵan dástanlardıń barlıǵında derlik sotsial`-turmıslıq motivten góre miflik-erteklik motivtiń basım kelip otıratuǵınlıǵı ayqın kózge taslanadı.

Bulardan basqa da «Sháryar» dástanın erteklik-fantastikalıq eposlar qatarına kirgizetuǵın ilimiy boljawlar da bar. Bul pikir haqıyqatlıqqa bir náwie jaqınlasadı. Atap aytqanda, İ.T.Saǵitov «Sháryar», «Qanshayım», «Shiyrin-Sheker» sıyaqlı dástanlardı erteklik-fantastikalıq dástanlar qatarına jatqarǵan. Onıń pikirinshe, bul dástanlarǵa xarakterli nárse-olardıń mazmunınıń xalıq ertekleri syujetlerine qurılǵanında, bul dástanlarda qıyalıy-erteklik elementler kóbirek ushırasadı [11:39].

Ulıuma, dástan mashqalaları haqqında folkloristikamızda búgingi kúnge shekem usınday qarama-qarsı pikirlerdiń ómir súrip keliwi hám házirgi kúnde bunday pikirlerdiń kem-kemnen háwij alıp baratırǵanlıǵı bizdi de hayran qaldıradı. Bunday qarama-qarsı pikirler tiykarınan, dástannıń joqarıda atap ótilgen mına mashqalaları átirapında húkim súrip turǵanlıǵı búgingi kúnde qánige dástan izertlewshiler túwe, qalıń xalıq massasına da bes eneden belgili bolıp qalǵanlıǵı hesh kimge sır emes:

1. Dástannıń genezisi kelip shıǵıw deregi haqqında;
2. Dástannıń janrlıq ózgesheligi haqqında;
3. Aqır-ayaǵında bunday shálkem-shális, subyektiv pikirlerdiń bir ushı qaraqalpaq xalıq dástanı «Sháryar»dıń milliyligi hám originallıǵına shek keltiriwi múmkinligi haqqında.

Usı úsh máseleniń iri baslıları - birinshi hám úshinshi mashqala átirapında óz pikirlerdi talqı etetuǵın bolsaq, ayırım ilimpazlar «Sháriyar» dástanınıń mazmunına arqaw bolǵan erteklik syujetler basqa xalıqlardan awısıp kelgen kóshpeli syujetler» degen pikirdi kózgir etip, qaraqalpaq xalıq dástanı «Sháriyar» qaraqalpaqlardıń Xorezm dáwirinde, Xorezm folklorlıq areal ortalıǵında XVIII-XIX ásirlerde payda bolǵan degen pikirdi tastıyıqlaǵısı keledi.

Ekinshiden, bunday ideyanı alǵa súriwshi ilimpazlar «Sháryar» dástanına usas syujetlerdiń túrk ertegi «Dil`rukesh»te de, basqa da osetin, qazaq erteklerinde bar ekenligine tiykarsız tiykarlanıp, qaraqalpaq xalıq dástanı «Sháryar»dıń tolısqan bir tutas epos formasında tek qaraqalpaq xalqında ǵana qáliplesken original hám milliy dóretpe ekenligine ózleri sezbegen halda shek keltirip atırǵanlıǵın bildiredi.

Biz bunday pikirlerdiń bir tárepleme aytılǵan subyektiv pikirler ekenligine hesh gúman tuwdırmaymız. Bulay dewimizdiń sebebi, miflik sana - adam aqıl-huwshınıń eń ertedegi forması bolǵanınday, sol sananıń tuwındısı bolǵan miflik-erteklik formadaǵı «Sháryar» dástanı da «qaraqalpaqlardıń eń eski zamanlardan kiyatırǵan miyrası» [2:103-105].

Ekinshiden, bul pikir qaraqalpaq folkloristikasında N.Dáwqaraev, M.Nurmaxammedov, İ.Saǵitov, Q.Maqsetov, Á.Alımov sıyaqlı epostanıwshılardıń pidákerli ilimiy miynetleriniń araqasında álle qashshan-aq turaqlasıp, ilimiy aksiomaǵa aylanǵan.

Úshinshiden, bir xalıq dóretpesine usas syujetlerdiń ekinshi bir xalıq dóretpelerinde bolıwı-sol xalıqlardıń tariyxıy-genetikalıq, tariyxıy-mádeniy baylanıslarınan dárek beretuǵın qubılıs. «Sonlıqtan, túrk ertegi «Dilrukesh»ti, sonday-aq, osetin, qazaq erteklerin qaraqalpaq dástanınıń mazmunınan alınǵan, yamasa qaraqalpaq xalıq dástanı «Sháryar»dı sol erteklerden (yamasa qaraqalpaq xalıq eposı «Sháryar»dı Xorezm folklorlıq arealındaǵı kitabıy-qıssa variantlardan - Sh.K.) kelip shıqqan dep aytıw qıyın. Degen menen, olardıń genetikalıq baylanısların hesh qashan biykarlap bolmaydı [7:82].

Tórtinshiden, bunday syujetlik jaqınlıqlar hám obrazlar tipologiyası olardıń óz aldına milliy dóretpe ekenligine nuqsan keltirmeydi, kerisinshe bul fakt «Oraylıq Aziya xalıqlarınıń bir qatar shıǵarmalarınıń dáreginiń bir ekenligin aytıwǵa tiykar bola aladı» [8:87].

Besinshiden, «Dástan Xorezmdegi qıssaxanlar repertuarları arqalı qaraqalpaq jırawları repertuarına ótip, awızeki ráwishte massalıq xarakter iyelegen hám bir qatar qayta islewler barısında ayırım ózgerislerdi bastan keshirgen» [10:44] dep tastıyıqlawlar pútkilley qáte hám bul folkloristikanı, sonıń ishinde epostı túsinetuǵın adamnıń gápi emes. Nege degende, qaraqalpaq xalıq dástanı «Sháriyar»dıń genezisine, evolyutsiyasına bul tezisti zorlap endiriwdiń zárúrligi joq. Sebebi, joqarıdaǵı ayrım alımlardıń atap ótkenindey, «dástan XVIII ásirde

Xorezmde jazba nusqada payda bolmastan kóp burın-aq qaraqalpaq dástanshıları tárepinen awızeki tárizde payda bolǵan» [10:44-45].

Haqıyqatında da, dástan XVIII ásirden kóp burın-aq (erte dáwirlerden baslap-aq qaraqalpaqlardıń úlken bir toparı (Edil-Jayıq, Túrkstan, Sırdárya toparı) Xorezmge alıp kirgen awızeki úlken epos formasınan kontiminatsiyaǵa ushırap, usı negizde dástannan dástan dórew qubılısı tiykarında kishigirim kitabıy qıssa variantlarınıń kelip shıǵıwına tiykar tayarlap bergen. Awızeki dástanlardıń usılayınsha xatqa túsiriliwi yamasa kitabıy qıssa variantalarǵa aylanıwı túrkiy xalıqlar fol`klorında áyyemnen berli ómir súrip kiyatırǵan milliy epikalıq qubılıs. Mısalı, Orta ásirlerdegi (IX-X ásirlerdegi) Sır boyı túrkiy xalıqları arasında, anıǵıraǵı qıpshaq-pecheneg birlespesi awqamındaǵı túrkiy xalıqlar arasında Qorqıt atanıń awızeki dórep, awızeki jır etilgen Qorqıt ata jırları soń XV ásirde oǵuz túrkiy qáwimleri arasında «Qorqıt ata kitabı» formasında xatqa túsirilgenligi epostanıwshılardıń hámmesine ayan haqıyqatlıq. Onıń ústine, qıssaxanlıq tek Xorezm mádeniyatına ǵana tán qubılıs bolıp qoymastan, kópshilik túrkiy xalıqlarǵa, sonıń ishinde qaraqalpaqlarǵa da tán bolǵan áyyemnen kiyatırǵan dóretiwshilik kórkem sóz hám saz óneriniń bir túri esaplanadı. Kóp ǵana jıraw hám informatorlardıń bergen maǵlıwmatlarına qaraǵanda qaraqalpaqlardıń ózlerinde de «Sháryar» dástannıń jazba nusqaları bolǵan. Bunday kitabıy nusqalar kópshilik túrkiy xalıqlarǵa, sonıń ishinde qaraqalpaqlarǵa Qazan, Ufa, Ombı baspalarınan basılıp shıqqan kitaplar halında taraǵan degen de pikirler bar (Vestnik AN KazSSR, Almata, 1959, №6, 30-35-betler).

Eń baslısı, qaraqalpaq xalıq dástanı «Sháryar», dástannıń Xorezm qıssa qoljazba variantalarınday XIX ásirlerdiń aqırında payda bolıp, ilimiy jámiyetshilikke tek XX ásirdiń 80-jıllarında, onda da ayırım jeke bir ilimpazdıń úy arxivleri arqalı belgili bolǵan emes. Qaraqalpaq xalıq dástanı «Sháryar» bunnan eki júz - úsh júz jıl burın-aq, arıraq ketsek, áyyemgi ruwlıq-qáwimlik dáwirlerden baslap-aq xalıq arasında keńnen taralǵan, usı dáwirler ishinde xalıq jırawları tárepinen úziliske túspey shınjırma-shınjır tınbay dástúriy jırlanıp kiyatırǵan, búgingi kúni de jas jırawlarımızdıń súyikli repertuarlarına aylanǵan xalqımızdıń biybaha hasıl miyrası bolıp tabıladı. Bul pikirdiń durıslıǵın «Sháriyar» dástanınıń qaraqalpaqlar arasında Nurabılla, Óteniyaz, Qulamet, Esemurat, Qıyas, Ábdireyim, Jumabay jıraw variantları sıyaqlı onlaǵan variantınıń búgingi kúnge shekem ómir súrip keliwiniń ózi-aq dálilleydi. Endi sol jırawlardıń biri Óteniyaz jıraw mısalında jırawlar geneaologiyasına itibar beretuǵın bolsaq, Óteniyaz jırawdıń jırawshılıq mektebiniń saǵası Óteniyaz - Bekimbet–Erpolat-Saypulla-Dúysenbay-Aytuwar-Sıban-Túmenbay-Shańqut formasında XVIII ásirdegi Jiyen-jıraw mektebine barıp ushlasatuǵının, al Jiyen-jıraw mektebi bolsa Múyten (XVII), Dospanbet (XVI) Asan qayǵı (XV), Soppaslı Sıpıra-jıraw (XIV) formasında IX-X ásirlerdegi Qorqıt ata mektebine barıp ulasatuǵınlıǵın fol`klorımız hám ádebiyat tariyxınan jaqsı bilemiz. Bul demek, qaraqalpaq xalıq dástanı «Sháryar»dıń qaraqalpaq milliy fol`klorlıq areal aymaǵında payda bolıwınıń saǵaları júdá erte dáwirlerge barıp taqalatuǵınlıǵı tábiyǵıy hám gúman tuwdırıwdıń hesh zárúrligi joq degen sóz. Onıń ústine, shınjırma-shınjır kiyatırǵan bul jırawshılıq mektebi hám óneri házirgi kúnde de tek qaraqalpaq xalqı arasında da saqlanıp qaldı hám janlı-tábiyǵıy halında nızamlı dawam etip kiyatır. Sol ushın da qaraqalpaq dástantanıwınıń úlken mamanı, kórnekli fol`klorist Q.Maqsetov ótken ásirdiń 60-jıllarında dástanlar poetikasına arnalǵan fundamental` miynetinde usı jırawshılıq mektep hám dástúrdiń tariyxıy dańqlı jolına ayrıqsha itibar berip: «Sonıń menen Buxaradaǵı qaraqalpaq jırawları ózbek dástanshılıǵına ádewir tásir etken bolıw kerek» (Qaraqalpaq qaharmanlıq dástanlarınıń poetikası. - Tashkent: «Fan», 1965, 55-bet) degen pikirdi mártlershe ortaǵa taslaǵan edi.

Máselege usı kózqarastan jantasatuǵın bolsaq, erte dáwirlerde dórep, sońǵı eki-úsh ásir dawamında miflik-erteklik formadaǵı úlken epos dárejesine ósip-ótken qaraqalpaq xalıq dástanı «Sháryar» XVIII ásirlerge kelip Xorezm, Góne Úrgenish átirapına mákan basqan ózbek xalqı hám onıń menen birge burınnan otırıqshı ómir súrip kiyatırǵan qaraqalpaq xalqınıń úlken bir toparı -tómengi qaraqalpaqlar arasında da dástannan dástan dórew kontiminaciya qubılısı tiykarında dástannıń jańa jazba kitabıy qıssa forması hám variantlarınıń kelip shıǵıwına málim dárejede ideyalıq-estetikalıq túrtki xızmetin atqardı dep juwmaq jasasaq, asıra siltegen bolmaydı hám bul ilimiy hújdan tiykarında xalıq múlkin qalıs bahalaw ólshemine de qayshı kelmeydi. Al, usı maqala tekstinde ekinshi mashqala dep keltirilgen «Sháryar» dástanınıń janrlıq, formalıq ózgesheliklerin hár qıylı bahalawdaǵı alaǵatlıqlar haqqında aytatuǵın bolsaq, «Sháriyar» dástanında turmısqa baylanıslı ayırım kórinisler (baǵ egiw, jılqımanlıq hám t.b.) barshılıq. Biraq, olar qıyalıy erteklik syujetler miflik motivlerdiń tasasında kórinbey qaladı. Dástannıń poetikalıq qurılısında usı eki motiv basqa janr jaratıwshı belgilerge qaraǵanda basım keliwi hám ekewi teń qatar qollanıwına baylanıslı biz «Sháryar» dástanın miflik-erteklik dástanlar qatarına jatqarǵandı maqul kórdik. Sebebi, epos qaharmanları óz maqsetlerine jetiw jolında tek mif-ápsana, ańız ájayıp erteklerde ǵana ushırasatuǵın, adamnıń aqılına uǵras kelmeytuǵın waqıyalardı basınan keshiredi hám dástan qurılısı usı mazmunǵa say miflik-erteklik formanı da tańlaǵan.

Ulıwma, «Sháryar» dástanınıń ózine tán ózgesheliklerin esapqa ala otırıp onıń miflik-erteklik xarakterdegi dástan ekenligin dálillew tek «Sháryar» dástanınıń janrlıq ózgesheligin anıqlawǵa qosılǵan úles bolıp qoymastan, epostanıw ilimine qosılǵan úlken jańalıq ta bolıp tabıladı. Bul jaǵday, óz gezeginde, eposlardıń janrlıq, formalıq klassifikaciyasın qayta qarap shıǵıw zárúrligin tuwdıratuǵını da sózsiz. Solay eken, bul mashqala boyınsha belgili bir toqtam jasap, juwmaq pikirge keliw-óz aldına izertlewdi talap etetuǵın házirgi qaraqalpaq folklortanıwınıń áhmiyetli máseleleriniń biri bolıp tabıladı.

**Adebiaytlar**


1. Karimov İ.A. Tariyxıy xotirasiz kelajak yo'q. –Toshkent: «Sharq», 1998.
2. Ayımbetov Q. Xalıq danalıǵı. –Nókis: «Qaraqalpaqstan», 1988.
3. Karimov A. «Sháryar» dástanı hám onıń tuwısqan xalıqlar folklorı menen baylanısı. // «Ámiwdárya», №4-5, 1992; Maqsetov Q. «Sháryar» dástanınıń tili haqqında. // Vestnik Karakalpakskogo Filiala AN Uz SSR, 1960, №2; Nurmuxammedov M.K. Skazki A.S.Pushkina i folklor narodov Sredney Azii. -Tashkent: «Fan», 1983; Saǵitov İ.T. «Sháryar» dástanı haqqında. / Sovet Karakalpakstanı. 5-noyabr` 1959, №213; Srashova G. «Sháriyar» dástanınıń variantları haqqında. // Qaraqalpaqstan muǵallimi, 2000, №3-4; Srashova G. Ertekten dástanǵa shekem. // Qaraqalpaqstan muǵallimi, 2001, № 1-2.
4. Kojurov O. Shıǵarmaları. –Nókis: «Qaraqalpaqstan», 1988.
5. Qaraqalpaq folklori. 20 tomliq XIII t. / Shariyar Qaraqalpaq xalıq dastanı. -Nokis: «Qaraqalpaqstan», 1984; Qaraqalpaq folklorı. Kóp tomlıq. T.9-13. -T.: «Manaviyat», 2009.
6. Maqsetov Q. Qaraqalpaq xalqınıń kórkem awızeki dóretpeleri. –Nókis: «Bilim», 1996.
7. Maqsetov Q. Dástanlar. Jırawlar. Baqsılar. –Nókis: «Qaraqalpaqstan», 1992.
8. Nurmuxamedov M.K. A.S.Pushkinniń ertekleri hám Orta Aziya xalıqlarınıń folklorı. -Nókis: «Qaraqalpaqstan», 1987.

9. Paxratdinov A. Qaraqalpaq xalıq dástanı «Sháryar». Alǵı sóz. / Sháryar. Qaraqalpaq xalıq dástanı (Qulamet jıraw variantı). -Nókis: QQMB, 1959.; İ.Yusupov. «Sháryar»dıń russha awdarmasına alǵı sóz. (V krayu starinnıx skazaniy). / «Skazanie o «Sharyar» v perelojenii S.Severtsova, Moskva, 1971.; Sharyar. Óteniyaz jıraw variantı (jazıp alǵan Q.Maqsetov) hám Qulamet jıraw variantı (jazıp alǵan Á.Shamuratov). Tekstlerdi baspaǵa tayarlap, alǵı sózler menen jırawlar haqqındaǵı maǵlıwmatlardı jazǵan hám sózlik dúzgen Q.Maqsetov. Qaraqalpaq folklorı. 20 tomlıq, XIII tom. «Sháryar». Qaraqalpaq xalıq dástanı. -Nókis: «Qaraqalpaqstan», 1984.

10. Pashshieva G.M. Xalq dostonlari qiyosiy urganish usullari. Uslubiy qollanma. -Nókis: 2015.

11. Saǵitov İ.T. Qaraqalpaq xalqınıń qaharmanlıq eposı. –Nókis: 1986.

12. Shaxriyor. Qoraqalpoq xalq dostoni. Qaraqalpaqshalaǵan Muxamad Ali. Alǵı sózin jazǵan İ.Yusupov. –Toshkent: «Ǵ.Gulom», 1977.

**REZYUME**

Maqolada boshqa xalqlarda bo’lmagan qoraqalpoq xalqining milliy dostoni «Shariyar» dostonining urganilish darajasi haqida fikr bildirilgan. Doktarant qoraqalpoq fol’klorida ushbu masala bo’yicha aytilgan fikrlarni kiyoslagan holda dostonning janriy xususiyatlari bo’yicha ijtimoiy-maishiy doston emasligini dalillab, uni mifik-ertak shaklidagi asar, degan xulosaga kelgan.

**РЕЗЮМЕ**

В статье освещаются степен изученности каракалпакского народного эпоса «Шарияр», которому нет аналога у других народов. Автор статьи сопоставляет мнения по данному вопросу в каракалпакской фольклористике и приходит к заключению, что данный эпос не является социально-бытовым эпосом, а представляет собой мифологическое-сказочное произведение т.е. по жанровым признакам является сказочным-мифическим эпосом.

**SUMMARY**

The article deals with the genre peculiarities of the Karakalpak folklore epos «Shariyar», the other peoples don’t have the analogy to it. The author of the article compares different points of view on this issue in Karakalpak folklore and comes to the concuision that this epos is neither social-realistic, nor a work with an external plot, but it is a mythologic-fairy tale epos.

## ШЕЪРИЯТДА ТАСВИР ВА ТАСАВВУР УЙҒУНЛИГИ

**С.Матякупов –** *филология фанлари номзоди, доцент*
*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** индивидуаллик, бадиий ифода, образлилик, бадиий тафаккур, фалсафий талқин.

**Ключевые слова:** индивидуальность, художественная интерпретация, образность, художественная идея, философское толкование.

**Key words:** individuality, literary interpretation, literary idea, imagery, philosophic interpretation.

Шеърият кўнгил ва руҳ орасидаги илоҳий алоқани қайта тиклайди. Кечинма ва туйғунинг ижтимоий-фалсафий моҳияти таҳлил жараёнида муайян моҳият касб этади. Сўзнинг ички моҳиятини эса талқинга мойиллик белгилайди. Назмнинг таянч нуқтасини муҳокама таъминласа, унинг мағзини монологлашган онгнинг диалогик кўриниши тайин этиб, унда англанган ҳақиқатнинг англанмаган моҳияти устувордек кўринади.

Адабиётшунос олим Д.Куронов таъбири билан айтганда «Шеър насрий асардан кўра кучлироқ эстетик таъсир этиб, ўзига хос завқ бера олиши билан ажралиб туради. Албатта, шеърнинг бу сифати унда ҳис-туйғунинг мос ритм, мусиқий оҳангда ифодаланиши билан ҳам боғлиқ. Бироқ, шеърнинг таъсир кучи биргина оҳангдорлик билан таъминланмайди. Шеър ҳис-туйғу ифодаси экан, унинг таъсири кўп жиҳатдан шу образ асосида амалга ошиб, образда шоир ўз ҳис-туйғуларини тавсифлаб ёки худди мусаввирдай тасвирлаб ифодалаши мумкин» [5:173].

Лирикада тушунча моҳияти ҳамиша мавҳумликдан озиқланади. Ушбу мураккаблик даражасини айнан туйғу ва онг ўртасида алоқа узвийлиги тайин этади. Унда ижодкор томонидан эстетик объектга юклатилган ғоянинг кўпқирралилиги етакчи мавқе касб этади. Энг муҳими, бадиий муносабат теранлиги онг миқёслари ўзига хослигини таъминлайди. Тасвир ҳамда тасаввур таҳлили эса ҳаётий қамров ва бадиий идрок орасидаги рақобат майдонини шакллантиради.

Саҳобалар деди: – Қанийди зуғум,
Қандай ғам бағрингиз тиғламоқдадир?
Расул жавоб қилди: – Бир осий шу зум,
Қабрида қон қақшаб йиғламоқдадир [3:208].

А.Ориповнинг «Ҳикмат садолари» туркумига кирган адабий талқинда ўзаро мулоқот диний-маърифий моҳиятни гавдалантиради. Саҳобаларнинг саволига Расули алайҳиссалом жавоби муаммога ойдинлик киритади. Пайғамбаримизнинг оддий банда ҳолатидан ғуссага чўмиши ҳаётий асосларга эга. Қабр бошида у инсоннинг бир кун тупроққа айланишини ёдга олади. Гарчанд, қаҳрамон мазкур ҳақиқатдан хабардор бўлса-да, титроққа тушади. Бу титроқ бани башар қисматидан безовта кўнгил титроқларини ифодалаётир. «Қабрида қон қақшаб йиғлаётган» осий банданинг тақдири Парвардигор элчисини ғамга ботиради. Шеърда оний лаҳзадаги руҳий ҳолат тасвирланади. Муаллиф тасвир ва таҳлил тезкор ўрин алмашинувларини эстетик талқин марказига чиқаради ҳамда нозик ижтимоий-фалсафий умумлашма яратади.

«Абдулла Орипов поэтик типларни шоирона тавсифлар воситасида гавдалантиради. Типларнинг характерли белгиларини улар намоён бўладиган ҳаётий ситуацияларда очади. Лекин бу ситуацияларни ниҳоятда ихчам тасвирлайди. Бундай типлар яратишга бўлган интилиш Абдулла Орипов шеъриятидаги кудратли дидактик йўналишдан туғилади, пайдо бўлади. Шеърлар ёрқин маънавий хулосалар билан якунланади. Шоир очиқдан-очиқ тарбия билан шуғулланади. Шеърият тарбия билан ҳам жиддий ва қатъий шуғулланиши керак, деб ишонади» [4:27] - дея мулоҳаза юритади, адабиётшунос олим И.Ғафуров.

Шоир лирикасининг ўзига хослиги ҳамиша инсон феномени психологик қирраларини тадқиқ қилишга мойиллик билан ўлчанади. Бу ўлчам талқин теранлашуви – поэтик тип шаклланишига замин ҳозирлайди. Кутилмаган ва ғоятда фавқулодда фалсафий мушоҳадалар янгидан-янги мантиқий фикрларни юзага чиқаради. Характер бадиий тадрижини ҳам маънавий, ҳам маърифий жиҳатдан ўзгартиришга интилиш шоир бадиий изланишлари мағзини белгилайди. Унда шоир образи ва лирик қаҳрамон тимсоли ўзаро қоришиб кетади. Мукаммал онг, тушунча ҳамда психикани тасвир йўсинига сингдириш, бадиий характер ҳаётий-мантиқий асосларини кучайтириш, моҳият ифода хусусиятларини топишга уриниш шоир шеърияти йўналишини белгилаб беради.

Дедилар: – У эди нодири даврон,
Тафаккур қасрига бўлолган зина.
Дедилар: – Бир келди бундайин инсон
Кетди унинг билан тенгсиз хазина [3:208].

Шеърий лавҳада диалоглашган онг тамомила ўзгача йўсинда намойиш этилади. «Дедилар» ибораси ёрдамида шоир нутқ муаллифини яширади. Шеърнинг давомидаги «Нақадар шафқатсиз ҳақиқат» мисралари моҳиятан «хазинанинг жойи чиндан ер ости» эканли-

гини поэтик тасдиқлайди. Олимнинг тупроққа қўйилиши аслида улкан йўқотиш! Бинобарин, у ўзи билан беқиёс маънавий-маърифий бойликни олиб кетади. Шогирдлар алами худди шу нутқдан ибтидо олади. Гарчанд, «азизроқ дўст йўқдир Ўзидан ортиқ», «бандага сиғиниш гуноҳ муқаррар» бўлса-да, буюк инсон хотираси қалбларни ларзага солади.

Шеъриятда нутқий ифода шакллари бир-бири билан тиғиз муносабатга киришади. Ваҳоланки, унда бадиий шартлилик етакчи ўринга кўтарилади. Лирик талқинда туйғу ҳамда идрок мутаносиблигини инобатга олсак, масала моҳияти янада ойдинлашади. Таъкидлаш жоизки, назмда бадиий нутқ тадрижи мураккаб жараён сифатида намоён бўлади, унда ўтиш шакллари (монологлашган диалог – диалоглашган монолог) хилма-хиллиги кузатилади. Адабий таҳлил ва эстетик идрокда мужассам эркинлик даражаси гоҳ нутқий ифода бошқарувини етакчи ўринга кўтарса, гоҳ риторик оҳангдошликни диққат марказига чиқаради.

Дил деди: – парчалаб-парчалаб ўйдим,
Неки бўлган бўлса тақдирга йўйдим.
Оташга келибман ёзуғим билан:
«Мен унинг соғинчин, шу заҳот туйдим».
Дил деди: – Кетурман, кетмагим осон,
Жон деди: – Гар кетсанг, кузатувчи ой… [1:39]

Мазкур шеър адабий талқинида дил ва жон мулоқоти фалсафий мушоҳадани мустаҳкамлашга хизмат қилади. Аниқроғи, монологик нутқнинг субъектив шакли ижодий мантиқни ҳаётий мезонлардан узоқлаштиради. Драматизм ва психологизм жилғаларидан сизиб чиқадиган туйғуда эътиқод асосий масалага кўтарилади. Тафсилотдан кўра унинг моҳиятига ишора мулоҳазани алоҳида бўлакларга ажратади. Дил қисматига юксалиш ёзилган, шу боисдан у ҳамиша камолотга интилади. Суҳбат маънавий меърожга эришиш осон кечмаслигини таъкидлайди. Фақат ва фақат соғлом маслак одамзодни ҳақ йўлга бошлайди.

Аён бўладики, ботиний зиддият характер табиатини белгилайди, ўз навбатида маънавий-ахлоқий фазилат ва иллатлар бадиий чамбарчаслик қонуниятини муқаррар ҳодисага айлантиради. Аслида изчиллик ва яхлитлик бир-бирини тўлдирувчи тушунчалар, унинг пойдеворини ички қарама-қаршиликлар белгилайди. Ҳаёт ва ижод таомиллари алоқадорлиги айнан ижтимоий-фалсафий ҳамда маънавий қадриятлар мезони узлуксизлигига туташади.

– Тақдир, мени нега инсон яратдинг,
Кўксимда шодлигу ғамдан юз нишон.

– Мен сенга қалб ила шуур бахш этдим,
Билгин деб ҳирс нима, нимадир ҳайвон.
– Тақдир, нега мени меҳмон яратдинг,
Ярқ этган чақиндек кетгум бегумон.
– Мен сенга ўлчовли умр бахш этдим,
Билгин деб ишқ нима, нимадир инсон... [2:151]

Жамол Камол қаламига мансуб ушбу сатрларда инсон тақдир билан мунозарага киришади. Одамзод қисмати азал-азалдан мураккаб кечган. Унда шодлик ва қайғу ёнма-ён юради. «Қалб ва шуур» Оллоҳ Таоло томонидан бандага бахш этилган олий неъматлар! Берилаётган саволлар қанчалик кескин бўлса, олинаётган жавоблар ҳам шунчалик залворли ва оғир. Қарама-қарши моҳият касб этадиган тушунчалар ас лида тириклик мазмунини белгилаётир. Шеърда лирик қаҳрамон ҳаётий зиддиятлар тўғрисида ўйга толаркан, «нега мени меҳмон яратдинг» – дея мурожаат қилади. «Ўлчовли умр» - «ишқни англаш»дан иборат. Муаллиф диалог замирига риторик муносабатни усталик билан сингдиришга муваффақ бўлади.

Мулоқот жараёни ифода ва баён ўзаро мутаносиблашувига олиб келади. Унда бадиий сўз қонунияти ҳамда ҳаётий мезонлар бирлашади. Зеро, айнан адабий композицияни юзага келтирувчи икки устун – услуб ва маъно тиғизлиги ҳам муносабатли нутқдан вужудга келади. Кўринадики, шеъриятдаги диалогларда ўзаро алоқада нозик кузатиш ҳамда жонли мушоҳада имкониятлари ортиб, ихчам шакл ҳосил бўлади. Бу ҳолат, биринчидан, руҳий кечинма теранлигини таъминласа, иккинчидан, тасвир ва ифода уйғунлигига замин ҳозирлайди.

**Адабиётлар**


1. Абдували Қутбиддин. Бор. –Т.: 2011, 39-б.
2. Жамол Камол. Менинг увоқ шеърларим-менинг дилпорам (туркум) // ХХ аср ўзбек шеърияти антологияси. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2007, 151-б.
3. Орипов А. Танланган асарлар. –Т.: “Ғ.Ғулом”, 2001. 208-б.
4. Ғафуров И. Шеърият – изланиш демак. –Т.: “Ғ.Ғулом”, 1984. 27-б.
5. Қуронов Д. Шеъриятда геометрик изланишлар. // Шарқ юлдузи. 2011. №3.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада ўзбек шеъриятида инсон маънавий оламининг бадиий ифодаси масаласи тадқиқ этилади. Ижодкор бадиий маҳорати хусусида атрофлича мулоҳазалар билдирилади. Мавзу А.Орипов, Ж.Камал шеърлари мисолида ўрганилиб, назарий ва бадиий таҳлил натижалари умумлаштирилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается проблема духовного мира и художественного описания в узбекской поэзии. Приводятся различные дискуссии о мастерстве автора на основе анализа примеров из произведений А.Арипова и Ж.Камала.

**SUMMARY**

The article deals with the issues of spiritual world and artistic description in the Uzbek poetry. There are given different points of view about authors’ skill on the basis of the analysis of the examples from the works of A.Aripov and J.Kamal.


## ПОЭЗИЯДА ИНСАНЫЙЛЫҚҚА НӘЗЕР
## (Г.НУРЛЕПЕСОВА ДӨРЕТИЎШИЛИГИ МЫСАЛЫНДА)


**Г.У.Оразбаева** – *талаба*

*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*



**Таянч сўзлар:** поэзия, тематика, инсонийлик, дўстлик ва ҳаққонийликнинг поэзияда акс эттирилиши.
**Ключевые слова:** поэзия, тематика, человечество, дружба и истина в стихотворениях, творчество.
**Key words:** poetry, themes, humanity, friendship and truth in the poems, creation.


Ғәрезсизлик дәўириндеги қарақалпақ ҳаял-қызлар поэзиясында өзиниң гиреўли орнына ийе, өткир қәлеминен дөреген қосықлары менен кеўиллерден орын алған шайыра Гүлнара Нурлепесованың дөретиўшилиги ҳәр тәреплеме үйренилиўи тийис. Себеби, оның шығармаларында халқымыздың өткен тарийхы, бүгини ҳәм ертеңги келешеги ҳаққындағы ойлар бүгинги күн оқыўшыларының талғамына ылайық жазылған. Сондай-ақ, өз оқыўшысын ерксиз қамтып алатуғын түрли темадағы қосықлар оның поэзиясының қунлылығын көрсетеди. Ғәрезсизлик жылларындағы ҳаял-қызлар поэзиясындағы унамлы өзгерислердиң бири, яғный тематиканың кеңейиўи Г.Нурлепесованың қосықларында да өз көринисин табады. Онда дәстүрий

темадағы қосықлар менен бирге, мәртлик, ҳақлық, адамгершилик, инсанийлық сыяқлы жоқары улығланған пазыйлетлер ҳәм оларға қарама-қарсы болған иллетлерге жек көриўшиликти оятатуғын сезимлерди жырлаған жаңа көринистеги мазмунлы қосықлар көбейди. Әлбетте, бундай қосықлардың бәршеге бирдей тәрбиялық әҳмийети айрықша. Сол себепли оларды үйрениў, мазмунын аңлаў ҳәм пикир жүритип оқыўшылар қатламына кең ен жайдырыў әдебиятшылардың ўазыйпаларынан бири болып есапланады.

Г.Нурлепесованың дөретиўшилигинде дослық, адамгершилик, кеңпейиллик, ҳақыйқатлық сыяқлы пазыйлетлер гейде жанып, гейде қуўанып жырланады.

«Көп жасаған емес, көпти көрген биледи» - деген дана халқымыз. Шынында да, биз шайыраның өмир жолы, мийнет тәжирийбеси менен таныспыз. Жәмийеттиң белсенди ағзасы, турмыстың түрли жемисин көрген шайыра өзин толғандырған нәрселерди қосыққа салады. Турмыста ушырасатуғын айырым адамлар ҳәм олардың ерси ҳәрекетлери қосықта көркем түрде баянланады. Қосықларын оқып отырып, инсанийлықтан жырақ кеткен адамлардың барына жек көриўшилик пенен қарасаң, жүрген жерин жайнатып адамгершилик нурын сеўип жүретуғынлардың олардан да басым екенлиги қуўандырады. Усындай пикирлерди шайырдың «Гей адамды…» деген қосығында көриўге болады:

Гей адамды көрип қалған ўағында,
Кеўилиңе уялайды жыллылық.
Гейбиреўге дуслассаң қас қағымда,
Жан дүньяңа кирип келер ызғырық.
Сонлықтан да, мына пәний дүньяда
Дәртиңе дәрмандур тек те жақсылар.
Айырым нәмәртлердиң басқан излерин,
Жақсылардың жақсы иси жасырар. [2:60]

Шайыр бунда жақсы ҳәм жаманды қосықтың тийкары етип алып, оларды қарама-қарсы қойып баянлайды.

Г.Нурлепесованың поэзиясында дослықтағы инсанийлық қәдириятлар да кең мазмунда жырланады, яғный гейде шын дослық мақтаныш етилсе, гейде жалған дослық ҳаққындағы ишки кеширмелер сөз етиледи. Оның «Жалған дос» қосығында болса, бахтың тайса қуўанып, исиң түссе қол бермейтуғын, достым деген сөздиң астында өзиниң иси питкенге шекемги «жақсылықлар»ын жасырып жүретуғын айырым адамлардың характери ашылады. Сол арқалы дослықта оның инсанийлық пазыйлетлерине итибар бериў кереклигин уқтырады:

Руўхымды өртер мениң жалған дос,
Ақыл есин жалған дүнья алған дос.
Мүтәж болса сеннен мәпленип алып,
Нәзик кеўилиңе қолын салған дос. [2:12]

Адамгершиликтиң «алтын» нызамы: «Өзиңе қәлемегенди басқаларға да қәлеме» ямаса «өз жақыныңды өзинди сүйгендей сүй» деген меҳрибанлық талапларда көринеди [1:54]. Шынында да, жанына хақыйқый дос адам усы талапқа тийкарланып ис тутады.

Дөретиўшилик шайырдың ишки ой-сезимлерин жасырып отырмайды. Бир ғана толғаныс пенен-ақ қағаз бетине түсиреди. Г.Нурлепесованың «Сондай нәмәртлерге күниң қалмасын» қосығында жәмийетте ушырасып қалатуғын айырым пәс қылықлы, «өзим»нен басқаны билмейтуғын, өз пайдасы жолында жаманлыққа да баратуғын адамлар сынға алынады. Олардың көзине жақсылықты, жақсы инсанларды көрмейтуғын перде тартылған. «Кишипейиллик – кишилик емес, ал кисилик» дейди дана халқымыз. Ал, айырым адамлар кишипейиллик пенен қатнаста болатуғынларға надурыс көзқараста, итибарсыз қатнаста болады. Сондай инсан атына дақ түсирип, өзинен өзгеге жол бермейтуғын адамлардың себебинен қанша ҳақ инсанлар итибардан бийнесип қалады. Қосықта усындай мазмун жәмленген:

Қыйын ҳалда қалсаң ол ушын байрам,
Ол неси екен деп боларсыз ҳайран.
Шығарлыққа келсең аяқтан шалған,
Нәмәрт кимселерге күниң қалмасын. [2:21]

Шынында да, қосық ойландырады, өткен күнлерге қайта оралып усындай кимселердиң барына хайран қаласаң, егер жолыңда еле ушырамаған болса шүкирлик етесең. «Хақ кеўил адам басқалардың ығбал – бахтына, олардың хызметине ҳәм оның жеке өмириндеги жеңислерине өзиниң табысы, өзиниң жемиси ретинде қарап, оған қуўанады» [1:63]. Керисинше болса, «қызғаныш оты» себепли нәмәрттиң кеўлинде көгерген жаманлық тек бир емес мыңлардың жолын алжастырыўы мүмкин.

Халық шайыры И.Юсупов «…Адам адамның қуяшы, Кеўил кеўилден суў ишер» деген еди. Шайыраның «Абайлаң әзизлер, адамның кеўли» атлы екилик қатарлы қосығында оқыўшы жоқарыда келтирилген қатарлардағы адамлардың ҳәрекетлери себепли инсанның нәзик кеўилине гирбиң түссе, мәниссиз қараңғылыққа түскендей болады, ал керисинше адам адамға дос-мийирман болса кеўиллер қуўанып, пүткил әлем гүлдей жайнайды деген пикирди түсиниўи анық:

Кеўил деген - көкте күлген ҳүр қуяш,
Нуры кең жәҳәнге жаяр кең қулаш.
Қуяшты сөндирсең болар аласат,
Жақтылы жәҳәнди басар ғаўасат.
Мына жақты дүнья мәңги гүлленер,
Кеўил кеўиллерге жол тапса егер! [2:20]

Бул қатарлар арқалы «жақсылар сепкен нур арқалы кеўиллер қуўанады, жүзлер жайнайды» деген пикирди және бир мәрте аңлайсаң.

Г.Нурлепесованың қосықлары турмыстағы ҳәдийлесерди көркем сөзлер менен баянлап береди. Жоқарыда келтирилген қосықларда белгили бир ўақыя баянланбаған болса да, мазмунын аңлаў арқалы өзиңе таныс болған түрли турмыслық ўақыялар көз алдыңа келеди. Шайыр өз қосықлары арқалы адамлар кеўлине жақсылық таратқысы келеди. Жоқарыда келтирилген қосық қатарларында нәмәрт кимселерди сынға алып, оқыўшысын өз әтирапындағы адамларға итибарлы болыўға шақырады. «Тәселле» қосығындағы мазмунға итибар берсек, турмыста инсан қандай адамларға жолықса да, қандай ўақыяларға дус келсе де, өмирден түңилмеўге, үмит пенен ҳәрекет етиўге ийтермелейди, сондай-ақ, жаманлық, наҳақлық ҳәм әдилсизликти жеңиўши жақсылардың жақсылығы мол екенлигине исеним пайда етеди:

Достым, сәл нәрсеге түңилме онша,
Сен тәрип еткендей тар емес дүнья,
Бүгин минген атың, сүринсе жолда,
Ертең алда болар ең уллы сында. [2:62]
Көрген жерде жанға берер жыллылық,
Жақсылардың кеўилиниң нағысы бар.
Жаманлардан шықпас ҳасла уллылық,
Бахтымызға аман болсын жақсылар![2:61]

Мине, көрип өткенимиздей шайыра китап оқыўшылары менен өзиниң жақсылық, кеңпейиллик, улыўма инсанийлық сыяқлы қәдириятлар ҳаққындағы пикирлерин қосықлары арқалы ортақласқан десек болады.

Жуўмақлап айтқанда, Г.Нурлепесованың дөретиўшилигиндеги инсанийлық пазыйлетлерди улығлаған қосықлары ҳәр бир оқыўшының өмирди дурыс аңлаўына үлес қосады. Олардың мазмуны бойынша кең пикир жүритип, поэзия ықласбентлерине жеткерип турылса мақсетке муўапық болады.

**Әдебиятлар**

1. Базарбаев Ж. Әдеп философиясы. – Нөкис: «Қарақалпақстан», 2011.
2. Нурлепесова Г. Ақ сағымлар. – Нөкис: «Қарақалпақстан», 2011.

3. Пахратдинов Ә., Алламбергенов К., Бекбергенова М. XX әсир қарақалпақ әдебияты тарийхы. –Нөкис: «Қарақалпақстан», 2011.

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада инсоний фазилатлар ва уларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақида илгари сурилган фикрлар акс этган шеърларнинг мазмуни очиб берилган. Г.Нурлепесова поэзиясининг ёш авлод учун тарбиявий характери мисоллар билан батафсил кўрсатилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье говорится о содержании стихотворений о качествах человеческой личности и их значении в жизни человека. На основе примеров говорится о воспитательном значении поэзии Г.Нурлепесовой для подрастающего поколения.

**SUMMARY**

The article is devoted to the study of the content of the poems about human qualities and their importance in human life. On the basis of the examples the author emphasizes the educational importance of the poetry of G.Nurlepesova for the young generation.

## “МАХТУМҚУЛИНОМА”- ЮКСАК ИДРОК ВА ТАФАККУР МАҲСУЛИ

**Ф.Сапаева** – *филология фанлари бўйича фалсафа доктори*
*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар**: Махтумкули, “Махтумқулинома”, шеър, таржима, туркман тили, ўзбек тили, мазмун, маъно, таржимон.

**Ключевые слова**: Махтумкули, “Махтумкулинома”, стихотворение, перевод, туркменский язык, узбекский язык, содержание, смысл, переводчик.

**Key words**: Mahtumkuli, “Mahtumkulinoma”, poem, translation, Turkmen language, Uzbek language, content, meaning, translator.

Махтумқули-Фироғий XVIII аср туркман адабиёти тарихида янги даврни бошлаб берган мумтоз шоир. Айни пайтда, у жаҳон адабиётининг буюк сиймолари қаторида туради. У туркман ёзма адабиёти тилини халқ тилига яқинлаштирган, асарлари севиб ўқиладиган бетакрор сўз санъаткоридир. Шоирнинг ҳар хил мавзуларга бағишланган ўлмас асарлари, айниқса, дидактик ғоялар билан суғорилган шеърияти салкам уч асрдан бери эзгуликка хизмат қилиб келмоқда, халқимизнинг маънавий чанқоғини қондиришда хаётбахш чашма вазифасини ўтаяпти. Шу маънода, бугун Махтумқули наинки туркман халқининг шоири, айни чоғда шеъриятга ошна барча кўнгиллар ардоғидаги шоир. Алқисса, Махтумқули ҳикматларга бой асарлари билан, айниқса, туркийзабон элларнинг меҳр-муҳаббатига сазавор бўлди, улар қалбини ҳам сеҳрлаб олган донишманд адиб башариятга хос умуминсоний ғояларни, қадриятларни, одоб-ахлоқни ва ҳеч қачон қадр-қимматини, аҳамиятини йўқотмайдиган мавзуларни қаламга олди. Юксак бадиий маҳорат билан куйлаган, истиқболни кўра олган шоиргина шундай эъзозга мушарраф бўлади, шахсияти ва ижоди оммавийлик касб этади. Махтумқули шу улуғ мартабага эришган мутафаккирдир.

“Ўзбекистон” нашриётида (2016) нашрдан чиққан “Махтумқулинома” роман-тадқиқотни ўқиб чиқдим. Қизиқишларим ва ҳайратим мазкур китобни икки кунда ўқиб бўлишга ундади. Ушбу китоб билан танишар эканман, юксак мамнуният, самимият билан иқрор бўлган, илк нарсам шуки, қачонлардан бери мисқоллаб шахсан ўрганаётган, яқин ўтмиш – қардош туркман адабиётининг Буюк мутафаккири Махтумқули сиймоси, асарлари, умуман ҳаёт йўли идрок этилган. Китоб мутолаасига киришиб кетар экансиз, аввало, Махтумқули шеърлари талқинида унинг ҳаётий фаолияти, умр сўқмоғига берилган асосли тавсифлар, ҳаққоний қарашларини жамлаган муаллиф, машҳур туркман адиби Ораз Яғмур - тарихчи олимлар, сўз усталари, таниқли адабиётшунос ва жаҳон аҳли файласуфларининг жўяли фикрларини ўқувчига назм тафти ила етказа олган. Зоҳиран, муаллифнинг ўзи ҳам ушбу китобни “муқаддима”сида таъкидлаганидек, Махтумқулидек сирли шоир ҳақида ҳозиргача эълон қилинган биографик характерга эга асарлар ичида энг батафсили, қизиқарлиси дейди, ўзининг тадқиқ хусусиятига кўра мазкур роман-тадқиқотни “Тугалланмаган китоб” деб номлаш мумкинлигини ҳам қайд қилади. Энг муҳими, мазкур китобни ўқир эканман, уни ўзбек тилига таржима қилган истеъдодли шоир ва таржимон Музаффар Аҳмад ва яна Рустам Жабборларнинг ташаббуси, меҳнати бир он кўз олдимда ёниб ижод қилган куюнчак зиёлилар ўлароқ намоён бўлди. Негаки, бу таржима асари алал-оқибат миллатимиз, халқимизнинг юксак бадиий тафаккурини Румий, Навоий, Яссавий, Бедил, Низомий, Бердақ, Абай каби даҳолар даражасида қабул қилишга, ўрганишга, мутолаа қилишга замин ҳозирлайди. Китобда буюк мутафаккирнинг ёшлиги, оилавий шароити, таълим олиши, камолга етиши, биографияси ва саёҳатларига ўша даврдаги сиёсий-ижтимоий воқеалар нуқтаи назаридан баҳо беришга, замона талатўпларини шоир шеърларининг таҳлилидан келиб чиқиб тасвирлашга интилган, яъни муаллиф ўз тахминларини ўртага ташлаган. Ҳақиқатан, муаллифнинг ушбу роман-тадқиқот воситасида Махтумқули асарларини ўзининг тийрак нигоҳи билан, қолаверса қалб нидосининг оғриқли саволларига ўзида – Махтумқули сиймосида жавоб топа олиши, ўша давр тарихи ва кишилик жамиятини таҳлил этишдаги мезонларининг баландлиги, тўғриси, менинг ҳам ҳавасимни келтирди.

Кунда-кунора қатлу қирғинлар юз бериб, сиёсий бошбошдоқлик ҳукм сурган, жоҳиллар илму маърифат йўлига ғов бўлиб турган бир пайтда шоир ўз асрига, балки асрларга қарши бош кўтариш учун бунча куч-қудратни қаердан олди экан? Пировардида, шу каби саволларни биз нафақат китобхонга, балки ўз-ўзимизга беришга мажбур бўламиз.

Китобнинг хусусиятларидан яна бири – ажойиб мушоҳадалар, гўзал ва ибратли мулоҳазалар. Улар таҳлил этилаётган шеър ва мисраларнинг кайфияти билан уйғунлашиб, бирикиб кетади, ўзбек тилида маъноли жилоланади. Айтиш ўринлики, бунда мутаржимларнинг (М.Аҳмад ва Р.Жаббор) ҳам меҳнат маҳсулини бадиий-эстетик тафаккурнинг феноменидан айри қўйиш мумкин эмас, албатта. Ахир бошқа халқнинг адабиётини, руҳини ўзимизнинг миллат минталлитетига мос ва хос тарзда уйғун бера олиш, поэтик сўзнинг нафақат теран маъно қирралари, шу билан баробар, шаффоф туйғулари, мусиқаси ила яхлит бирликда идрок этиш – бу катта тажриба, билим ва матонатни талаб этади. Шунга ўхшаш Махтумқули шеърларининг ўзбек тилига бир неча таржималари адабиётшунос олимлар ва таржимашунослар Ғ.Саломов, Ҳ.Абдуллаев, Б.Назаров, К.Қурамбоев, Б.Каримов, Н.Каримов, Ж.Шарипов, Э.Очилов, С.Мамажонов ва С.Ғаниева, М.Сапаров ва М.Тайлақоваларнинг эътиборидан четда қолган эмас.

“Ҳозирги замоннинг айрим адиблари гоҳида бебаҳо асарлар ярата олмаётгани учун ўз атрофларидаги шарт-шароитни айблашади. Ундай бўлса, Махтумқулининг ижодкорлигини қандай тушуниш мумкин? У жоҳиллик, ноҳақлик авжига чиққан, ижод қилиш учун деярли ҳеч қандай шароит ва қулай муҳит бўлмаган XVIII асрда ана шундай нодир асарлар ярата олганига нима дейсиз? Қолаверса, унинг бой маданий мероси

нафақат туркман эли, балки Эрон, Афғонистон ва бутун Туркистон аҳлини ўзига мафтун этолди. У ўз замондошларинигина эмас, балки келажак авлодни ҳам лол қолдира оладиган асарлар яратолди... Бу илоҳий қудрат маҳсули эмасмиди? Албатта, даҳоларнинг идроки, иқтидорини сўз билан тушунтириб бўлмайди. Буни табиатнинг чексиз сир-синоатига боғлашади. Аммо бу даҳолик қудрати, табиатнинг нодир синоати XVIII асрда тараққий топган йирик халқларда эмас, тарқоқ, нисбатан қолоқ, тараққиётда анча ортда қолиб келаётган туркман эли вакилида бўй кўрсатганига нима дейсиз?...” Балки у ўтмишдаги Низомий, Румий, Юнус Эмро, Ҳожи Бектоши Валий, Насимий, Навоий, Фузулий, Қорачаўғлон сингари буюк сиймоларнинг давомчисидир?

Шу каби жумлаларнинг деярли ҳар бирининг маъно қатларига сингиб кетган фикрлар, бу борадаги тафовутлар Махтумқулининг дунёга қандай боқишида, атрофдаги ҳаётни қандай қабул қилишидаги ўйлари, хусусан, шеърияти кучини кўрсатиш учун нафақат муаллиф зеҳни, балки мутаржимларнинг тўғри ва керакли сўзни ўз ўрнида топиб қўллай олишидаги маҳорати ҳам китобхон учун қадрли. Айтиш жоизки, ушбу роман-тадқиқотнинг туркман тилидаги нашри, бадиий акс эттирилиши, замонавий назмнинг юксак талабларига қанчалик жавоб бериши даражаси билан ҳали танишишга улгурмадик. Фикримизча, бу каттагина тадқиқот ишини яратилишига имкон беради.

Китобнинг моҳияти Муқаддима билан бошланади ва муаллиф ўз олдига шундай мақсад қўяди: “Махтумқулини асл ҳолича кўрсатиш мен учун ҳам қарз, ҳам фарз. Унинг сиймосини ривоят ва миш-мишлардан эмас, ўз ижодидан, шеърларидаги мантиқдан излаган маъқул”. Ана шу ўлмас сатрлар пурмаъно фикрлар ортидан асл ҳақиқат бўй кўрсатади.

Махтумқули, сиррим чўхдир,
Очадиган одам йўқдир.

Дарҳақиқат, Махтумқули шеърларини ўқиган китобхоннинг қаршисида минг бир савол, минг бир сир намоён бўлади. Буюк шоирнинг сирини ҳар ким ўзича кашф этади. Ҳар гал унинг шеърларини ўқиганда янги-янги сирлар очилаверади. Ҳар гал ўқувчи тафаккур уммонига чўмиб, маъно лаззатларидан баҳраманд бўлади. Китоб муаллифи жўяли саволлар бериш ва уларга ўқувчи билан бирга жавоб излашни ўринли деб билади.

Китобнинг биринчи бўлимида Буюк шоирнинг таржимаи ҳоли, ёшлиги, болалик йилларини, қолаверса, отаси Давлатмамат Озодий ижоди, Ҳожи Бектоши Валий ўгитлари, давр ҳақиқати, тарихий реалликни, Махтумқулининг соф муҳаббатини тиниқ тасвирлашга астойдил бел боғлайди. Воқеан, халқ ичида тўқилган ривоятлар, Махтумқули ва Менгли ҳақидаги тўқима фаразлар ўзаро муаллиф фикрлари билан яхлит уйғунлашади. Ҳатто, Махтумқулининг аянчли, фожеали севги тақдири ҳақида ҳам таниқли адабиётшунос Сайлов Муродовнинг “Асрларнинг жунбуши” номли китобидаги маълумотларни келтириб таҳлил қилади, ишончли далиллар келтиради, уни англашда, тушунтиришда ўзига хос рамзий саргузаштларни яшириб ўтирмайди. Аммо, негадир қуйидаги байт таржимаси бошқа байтлардан ўларок диққатимизни ўзига яшиндек жалб этди. Биз бу ҳақда ўйлаб ҳам ўтирмай, салгина маъно хиралигини англагандай бўлдик.

Бир ёр бергил, этли-қонли,
Кўнгли кенг, кўкси майдонли...

Бизнингча, бу байт Махтумқулининг “Ҳар ёна” шеъридан парча. Бу кўпчиликка ёд бўлиб кетган рангин қатралар. Ушбу мисраларнинг аслиятдаги муқобили шундай:

Бир яр бергил этли-ганлы,
Көңли гиң, гөвси мейданлы...

Таассуфки, (ўзбекча) таржима мисраларни ўқиган китобхон бирор нарса ёки тушунчани илғаши қийин, ахир. Маъно озгина мавҳумроқ. Негаки, мутаржимларимиз М.Аҳмад ва Р.Жаббор туркманча бандни ўзбекча сўзлар асосида қайтадан шакллантириш баробарида, матнда ўзбек тилига унчалик мувофиқ келмаган “этли-қонли”, “кўкси майдонли” сўзларини қўллайдилар. Ахир, ўзбеклар аёлнинг яшнаган юзига нисбатан “этли-қонли”, кўксига нисбатан “кўкси майдонли” (ёки кенг) демайдилар. Кўриниб турганидек, бадиий таржима жараёнида ҳам айрим нотўғри қўлланган, ўз ўрнини, муқобилини топмаган сўзлар ҳам учраши табиий.

Муаллиф Махтумқули ҳақида фикр юритаётганида унинг китоблари, қўлёзмалари, айрим (бизга маълум бўлмаган) достонларининг йўқ қилингани ҳақида хабар беради. Унинг Хива мадрасасида тасаввуф тарихини, Имом Ғаззолийдан бошлаб жуда кўп Шарқ фалсафаси вакилларининг асарларини чуқур ўрганиши билан яқиндан таништиради.

Иккинчи бўлимда Махтумқулининг ҳаёти давомида қилган саёҳатлари (Чин-Мочин, Ҳиндистон, Туркистон тарафлар) ўрин олган бўлиб, асосан Ҳиндистон сафарига бўлган маълумотлардан жуда кенг истефода этилади.

Агар шу кунга қадар ўзбек халқи Махтумқули мероси билан шоирнинг ўзбек тилига ўгирилган асарлари, шунингдек, шоир ҳақида ёзилган илмий мақолалар, китоблар орқали танишган бўлсалар, эндиликда, унинг шахсий ҳаёти, ижодий тақдири, шоир яшаб ижод этган тарихий шароит, адабий муҳит билан Ораз Яғмурнинг “Махтумқулинома” роман-тадқиқоти орқали танишиш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

Махтумқулининг жаҳон адабиётида тутган ўрни ҳақида ҳали жуда кўп илмий ишлар олиб бориш талаб этилиши ҳақида гапиради муаллиф. Яна савол билан мурожаат қилади: “Махтумқулининг буюклиги нимада?” Бу саволга юз минг хилда жавоб бериш мумкин. Шу жавобларнинг жамланмаси ҳам катта бир китоб бўлади.

Шундай экан, Махтумқули шеърияти моҳияти, ҳаёт йўлини ўрганишга бағишланган “Махтумқулинома” китоби ўзбек ва туркман халқлари бадиий эстетик тафаккури занжирида битта зарурий ҳалқа сифатида дунё юзини кўраётган бўлса, ажаб эмас.

**Адабиётлар**

1. Махтумқулинома. Ораз Яғмур. (М.Аҳмад ва Р.Жаббор тарж.). -Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016.

**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада “Махтумқулинома”нинг ўзбекча таржимаси ҳақида сўз юритилади. Хусусан, Махтумқули шеърларининг шакл ва мазмун муштараклиги, таржимонларнинг сўз қўллаш маҳорати таҳлил қилиниб, бадиий таржимада сўзнинг мавқеи хусусида баҳс юритилади.

**РЕЗЮМЕ**

В статье говорится о переводчиках “Махтумкулинома” на узбекский язык. В статье на примере узбекских переводов стихотворений Махтумкули анализируется мастерство применения слов переводчиками, а также ведётся полемика о статусе слова в художественном переводе.

**SUMMARY**

In the article deals with the interpreters the poem “Mahtumkulinoma” in the Uzbek language. In the article the translators’ skill in using words in the process of translating the verses of Makhtumquli are analyzed; the value of a word in the literary-artistic translation is discussed.

# PEDAGOGIKA. METODIKA. PEDTEXNOLOGIYA

## Pedagogika teoriyası hám tariyxı

### ПЕДАГОГИК ИМИЖНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ОМИЛЛАР

**Ф.Қ.Бобожонов –** *филология фанлари номзоди, доцент*
*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети*

**Таянч сўзлар:** имиж, педагогик имиж, адресат, адресант, компетентлик, креативлик.
**Ключевые слова:** имидж, педагогический имидж, адресат, адресант, компетенция, креативность.
**Key words:** image, pedagogical image, addressee, addresser, competence, creativeness.

Таълим тизимининг ҳар қандай босқичида ўқувчи ёки талабага билим ва тарбия бериш жараёнида таъсир ўтказиш энг муҳим омил ҳисобланади. Ўқитувчи томонидан тақдим этилаётган билимлар мажмуаси тингловчи томонидан тўлиқ қабул қилиниши учун қандайдир катализаторга эҳтиёж туғилади. Акс ҳолда узатилаётган ахборотлар адресат (ахборот қабулловчи)га тўлиғича етиб бормайди. Ҳар қандай ахборотнинг (билим, кўникма, малака) ким томонидан узатилаётгани тингловчи учун жуда муҳим. Адресант (ахборот узатувчи) нинг шахсияти, у ҳақидаги тасаввурлар ахборотни қабул қилишга эҳтиёж ва майлнинг шаклланишида муҳим ўрин тутади. Педагог ва ўқувчи (талаба) орасида ҳам таълим жараёнида худди шундай муносабат юзага келади. Профессор-ўқитувчи компетентлиги, педагогик маҳорати, характери, нутқи, мулоқот ва муомала маданияти каби бир қанча омиллар орқали талабалар тасаввурида ўзи тўғрисида таассуротлар шакллантиради. Айнанмана шу таассуротлар, яъни педагогнинг имижи талабаларга таълим-тарбия жараёнида катализатор вазифасини ўтаб инновацион технология сифатиданамоёнбўлади.

Биз мазкур мақоламизда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг талабаларга таълим бериш жараёнида «ўзининг ижобий портретини яратиш», яъни имижини шакллантириш жараёнида ҳисобга олиши лозим бўлган омиллар хусусида сўз юритмоқчимиз.

Педагогик компетентлик ва креативлик, педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар мавзуларида кўплаб илмий-услубий ишлар амалга оширилган [5,6,7,8,9], бироқ педагогик имиж мавзусида амалга оширилган ишлар ҳали жуда кам. Фақатгина ўқув-услубий мажмуалар яратилган [3,5] ёки компетентлик ва креативлик мавзулари доирасида кўриб ўтилган холос. “Замонавий муаллим имижи” тўпламини [11] ўқитувчи имижини ўрганишга қаратилган дастлабки ишлардан бири бўлди, дейиш мумкин.“Шахс имижи”[2] рисоласининг яратилиши имиж тушунчасини жамоатчилик орасида таништиришга ва ёшларга мазкур тушунчанинг моҳиятинианглатишга хизмат қилди. Шунингдек, мамлакат имижи хусусида тадқиқотчи Беруний Алимов 2018 йилда «Хорижий ва миллий оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон имижини яратиш тамойиллари ва истиқболи» мавзусида журналистика (филология фанлари) бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини ҳимоя қилиб [1], мазкур тушунчани ўзбек илмий жамоатчилигига таништирди.

Хорижда имиж муаммоси хусусида фалсафий, социологик, педагогик, психологик, филологик, иқтисодий аспектларда жуда кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Ҳар бир соҳанинг, ҳар бир касбнинг ўзига хос имиж яратиш усуллари мавжуд бўлиб, улар алоҳидааспектда тадқиқот объекти бўла олади. Педагогик имижни яратиш ва уни бошқариш масаласини илмий асосда ўрганиш мамлакатимизда янгиланаётган таълим тизими учун долзарб муаммолардан биридир.

Баъзилар имиж яратиш фақат санъаткорлар, спортчилар, сиёсатчилар ва раҳбарлар учун зарур, оддий соҳа ходимлари, шу жумладан педагог кадрлар ҳам имиж ҳақида қайғуриши шарт эмас, деб ҳисоблашади. Тўғри, имиж яратишнинг дастлабки босқичи ҳисобланган ташқи қиёфа орқали оммада ижобий тасаввурларни шакллантириш юқоридаги санаб ўтилган тоифаларучун жуда муҳим. Бироқ яхши таассурот қолдириш (имиж яратиш) истаги ҳаммада ҳам ошкора ёки яширин тарзда мавжуд.Инсон қайси касб эгаси бўлишидан қатъий назар (ўқитувчи, врач, муҳандис, савдогар, тадбиркор, сартарош, этикчи ва ҳ.к.), касб тақозосига кўра одамлар билан муносабатга киришишга эҳтиёж туғилади. Одамларнинг ҳар қандай касб эгасига бўлган муносабати эса биринчи навбатда унинг имижига қараб белгиланади. Педагогик фаолият ҳам бевосита ижтимоий гуруҳлар билан муносабатга киришишни тақозо этади. Шу боис талабалар аудиторияси ва жамоатчилик олдида ўзига хос имиж яратиш педагоглар учун ҳам жуда муҳимдир.

Афсуски, кўпчилик педагогларўз имижининг қандайлигидан мутлақо бехабар, яъни бошқаларнинг, биринчи навбатда талабаларнингўзи тўғрисидаги тасаввурларини ва таассуротларини билишмайди, ҳатто қизиқишмайди ҳам.Тор доирада фикрловчи профессор-ўқитувчилар“ҳамма ҳам мени ўзимдек билади”, деб ўйлашади. Баъзилар эса “ичимдагини ўзинг топ” қабилида иш тутадилар. Бундай фикр юритиш педагогларга мутлақо тўғри келмайди.

Гап шундаки, инсоннинг ўзлиги (аслияти) ва имижи (у ҳақидаги тасаввурлар) доимо бир-бирига мос келавермайди. Педагог ҳақидаги тасаввурлар баъзан унинг аслига мос бўлса, баъзан аслининг тескариси бўлиши ҳам мумкин. Ҳар бир устоз баъзан билиб, баъзан билмай ташқи кўриниши, хатти-ҳаракатлари, характери, хулқи, муомаласи орқали талабалар жамоаси олдида ўзи ҳақидаги таассуротларни шакллантириб бораверади. Ҳеч бир педагогшогирдларининг ўзи ҳақида ёмон тасаввурда бўлишини истамайди. Шундай экан, ҳар бир ўқитувчи ўзини “яхши педагог” сифатида тақдим этишга ҳаракат қилиши табиий.

Модомики шундай экан, педагогларнинг имиж яратиш борасида тегишли билимларга эга бўлиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Талабалар педагогнинг қандай инсон эканига эмас, улар тасаввурида қандай қиёфа яратишига қараб баҳо беришади ва шунга яраша муносабатда бўлишади. Профессор-ўқитувчиўз билими ва салоҳияти хусусида талабаларда муайян тасаввур ҳосил қила олсагина ҳурмат ва эътибор қозона олади.Доим ижобий имиж яратишга интилиш кўпчилик педагогларга хос хусусият. Бироқ яратилган имиж аслиятга мос бўлмаса, албатта бир кун ниқоблар олиниб, ҳақиқий қиёфа очилиб қолишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Ижобий имиж яратиш учун педагог, аввало, қуйидаги саволларга жавоб топишга ҳаракат қилиш лозим:

*Имижким учун яратилаяпти?*

*Имиж яратишдан мақсад нима?*

*Имиж яратувчи нималарга қодир?*

*Имиж яратиш йўналтирилган жамоа нимани истайди?*

Педагог асосан таълим бераётган талабалари, ҳамкасблари ва жамоатчилик учун имиж яратиши мумкин. Мақсад – эътибор қозониш ва таъсир ўтказишда самарадорликка эришиш.Албатта ҳар бир педагог ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда имиж яратишга киришиши лозим. Жалолиддин Румий айтиб ўтганидек, “аслиятга мос кўриниш яратиш ёки кўринишга мос аслиятга эга бўлиш” керак. Педагогнинг билими, маданияти, маънавияти, моддий имкониятлари (замонавий педагог моддий-молиявий жиҳатдан талабалардан устун бўлиши лозим!) хусусида яратган тасаввурлари аслиятига мос келсагина талабалар томонидан қадрланади. Ижобий имижга эга бўлиш учун энг муҳим масалалардан бири имиж яратиш йўналтирилган жамоанинг истакларини ҳисобга олишдир. Ёшлар ўз орзу-истакларига мос ўқитувчи сиймосини ўзига кумир* қилиб олади ва сўзсиз,беихтиёр унга эргашади ва бўйсунади.

---

* Ёшларнинг ҳавас билан қарайдиган, эталон сифатида биладиган шахси (таниқли ва севимли актёр, спортчи в.б.)

Ҳар қандай инсон асосан тўртта шахсиятига дахлдор омил асосида ўз имижини яратади: 1) ташқи кўриниши; 2) маънавияти ва маданияти; 3) муомаласи ва нутқи; 4) характери ва хулқи. Педагог ходимлар учун компетентлик ва креативлик ҳам касбий имижини яратишда алоҳида ўрин тутади.Ҳатто баъзи олимлар компетентлик имижи хусусида ҳам махсус тадқиқотлар олиб боришган [4:10].

Мазкур омиллар бир қанча унсурлардан ташкил топади. *Ташқи кўриниш*– табиий юз ва гавда тузилиши, кийиниш, пардоз-андоз, диентологияга амал қилиш, парфюмерия (атирлар, кремлар)лардан фойдаланиш меъёрини билиш, аксесуарлар(соат, кўзойнак, сумка, портфель, тақинчоқлар)дан самарали ва меъёрида фойдаланиш, мимика (юз ифодаси) ва ҳаракатлар (жестлар)ни бошқара олиш орқали; *маънавият ва маданиятлилик* – дунёқараш, ақл-заковат даражаси, маданий тарбияси орқали; *муомала ва нутқ* – мулоқот, нутқ,нотиқлик маҳорати, мулойимлик, ҳушмуомалалик, киришимлилик ва тинглаш одобига риоя қилиш кабилар орқали; *характер ва хулқ* – хулқ-атвор, ўзини тутиш, бошқаларга муносабат каби шахсиятига оид унсурлар орқали намоён бўлади. *Касбий компетентлик эса* билим, савия, касбий маҳорат, тажриба ва кўникмаларга эгалик сифати билан, *креативлик* эса педагогик маҳорат, ижодкорлик, уддабуронлик, актёрлик маҳоратибилан кўзга ташланади.Мазкур омилларни ва унсурларни бошқара олиш ва мақсадга мувофиқ тарзда намоён қилиш орқали педагог имижи шаклланади ва сайқал топиб боради.

“Педагогик имидж ва компетентлик”(аслида ўзбек тилида *имиж* шаклида ёзилиши керак!) ўқув-услубий мажмуасида педагогик имиж ҳақида шундай фикрлар билдирилади: “Педагоглар ҳар томонлама таълим-тарбия жараёнини тўғри ташкил этиши билан бирга ўзларининг ташқи қиёфасига ҳам эътибор бериши лозим. Ташқи қиёфа орқали инсонларнинг қизиқишларини орттирган ҳолда, ўзини намоён қила олиш, ўзига оғдира олиш ва эътиборни қарата олиш дарс жараёнини самарадорлигини оширади. Педагогларда фақатгина истеъдодининг ўзи етарли эмас, балки ўқувчиларга ёқа олишни ҳам билиши керак. Педагогик имидж - педагогнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси билан ташқи кўриниши ўртасидаги ўзаро уйғунлик ва мутаносибликдир” [3:28]. Дарҳақиқат, педагог энг аввало, ташқи кўриниши билан ўқитувчи-устоз деган шарафли номга муносиб бўлиши керак. Замонавий педагоглардан кийиниш маданияти билан бирга, мулоқот ва муомила этикетларини билиш, миллий ва умуммаданий қадриятларни эгаллаган бўлиш ҳам талаб қилинади.

Педагог ўзи таълим бераётган талабалар (ўқувчилар) жамоасининг ўзи ҳақидаги фикрларини ҳисобга олмаслиги имижини барбод бўлишига олиб келади. Эътиборсизлик, оддий нарсаларга аҳамият бермаслик салбий таассуротларни шакллантирувчи омилларни юзага келтиради ва имижни барбод қилади. Буларга асосан *ташқи кўринишга эътиборсизлик:* кийиниш маданияти ва услубини билмаслик ёки унга риоя қилмаслик, кийим танлашдаги дидсизлик, аксессуарлардан ноўрин фойдаланиш, ўзига ортиқча пардоз бериш, соғлом турмуш тарзига ва озодаликка эътиборсизлик, атир танловидаги уқувсизлик; *характернинг салбий қирралари:* манманлик, худбинлик, кўполлик, қизиққонлик, масъулиятдан қочиш, субутсизлик, иккиюзламачилик, ғийбатчилик, ваъдабозлик, тутруқсизлик, сабрсизлик, жоҳиллик; *муомала ва мулоқотдаги нуқсонлар:* ноўрин сўзлаш, ёлғон гапириш, эзмалик, мавзуга нотўғри ёндашув, омма олдида нутқ қила олмаслик, суҳбатдошни (талабаларни) менсимаслик, муомала этикетларига риоя қилмаслик, бошқаларни (талабаларни) тингламасликкаби кўплаб унсурларни киритиш мумкин.

Шунингдек, нафс, ичкиликка ружу қўйиш, гиёҳвандлик, ҳатто нос отиш каби иллатлар ҳам педагог карьерани синишига, унга бўлган ҳурмат ва эҳтиромнинг йўқолишига олиб келади.Санаб ўтилганларнинг ҳар бири имижни емирувчи доғлардир. Айниқса, муомала ва характер билан боғлиқ унсурлар имижни тез барбод қилади. Имиж яратиш анча машаққатли ва узоқ давом этадиган жараён бўлса-да, унинг барбод бўлиши тез амалга ошади. Образли қилиб айтганда, имиж мисли бир чинни идиш, ҳар қандай қусур унинг дарз кетишига, оқибатда, буткул синишига олиб келади.

Ҳар бир педагог имижни шакллантирувчи омилларни ва уни барбод қилувчи унсурларни билишининг ўзигина етарли эмас. Муҳими, унга амал қилиш ва уни бошқара олишдир. Шундагина педагог талабалар аудиторияси олдида ҳам, кенг жамоатчилик орасида ҳам ўзининг ижобий имижини ярата олади. Энг муҳими, шогирдларини орқасидан эргаштириш имконини қўлга киритади. Профессор-ўқитувчи имиж яратиш орқалигина талабага таъсир ўтказиш технологиясини эгаллайди.Чунки XXI аср ёшларига бошқача таъсир ўтказишнинг иложи йўқ.

Педагоглар ўзи имижини яратиш билан бирга, ўзи фаолият олиб бораётган таълим муассасаси ҳамда таълим тизимининг ҳам имижини жозибадор қилишга ўз ҳиссасини қўшган бўлишади.

**Адабиётлар**

1. Алимов Беруний. Хорижий ва миллий оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон имижини яратиш тамойиллари ва истиқболи (1991–2017 йиллар ОАВ материаллари мисолида), 10.00.09 – Журналистика (филология фанлари) ихтисослиги бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. -Т.: 2018.
2. Бобожонов Ф. Шахс имижи. -Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2017.
3. Комилова Н.Г., Гайнутдинова Л.Р., Бойматова А., Тайлакова Д. Педагогик имидж ва компетентлик модули бўйича ўқув-услубий мажмуа. –Тошкент: 2017.
4. Купцова В.Г. Формирование имиджевой компетентности будущего педагога физической культуры. АКД (кандидат педагогических наук). -Челябинск: 2008.
5. Мусурмонова О. Таълим менежерининг касбий компетентлиги ва креативлиги модулининг ўқув-услубий мажмуаси. -Тошкент: 2015.
6. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. -Тошкент: 2015.
7. Муслимов Н.А. ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. Монография. -Т.: “Фан ва технология”, 2013.
8. Сайидаҳмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. -Т.: ОПИ, 2003.
9. Султонова Г.А. Педагогик маҳорат. -Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2005.
10. Сысоева Е.Ю. Имиджевая компетентность преподавателя вуза: сущность и структура. // Вестник СамГУ. 2014. №1. 175-179-б.
11. Kamilova G. Zamonaviy muallim imiji. -Toshkent: “Bayoz”, 2017.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада педагогик имижни шакллантирувчи омиллар ва унинг таълим-тарбия жараёнидаги роли хусусида сўз юритилади.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются формирующие факторы педагогического имиджа и его роль в образовательном процессе.

**SUMMARY**

The article is devoted to the issues of forming the factors of pedagogical image and its role in the educational process.

# ИНТЕГРАТИВ ТАЪЛИМНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**М.Х.Гулямова** - *таянч докторант (PhD)*
*Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети*

**Таянч сўзлар:** интеграция, ёндашув, такомиллаштириш, коммуникация, лаёқат, нутқ фаолиятлари, ҳамкорлик, таққослаш, жараён, дифференциация, стандарт.

**Ключевые слова:** интеграция, подход, совершенствование, коммуникация, компетенция, речевая деятельность, кооперативный, сравнить, процесс, дифференциация, стандарт.

**Key words:** integration, approach, improvement, communication, competence, language skills, cooperative, compare, process, differentiation, standard.

Хозирги кунга келиб чет тил ўқитиш методикасида ҳам замонавий эҳтиёжга кўра янгиланган талаблар қўйилмоқда. XXI асрнинг бошланишида хорижий тилларни ўрганиш/ўргатиш компетенциявий ёндашув доирасида амалга оширилмоқда. Бу эса интегратив ёндашув асосида амалга оширилишини таъминлайди. Шу туфайли ҳам интегратив таълимни ўқув жараёнида қўллаш олий таълим тизимининг тобора ривожланиб бораётган муҳим тенденцияларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш” ва “таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш” таълим тизимининг асосий вазифалардан бири эканлиги кўрсатиб ўтилган [1]. Мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви, фан ва технологиянинг ривожланиши, ўсиб келаётган ёш авлоднинг рақобатбардош бўлиши ҳамда чет тилларни мукаммал ва пухта эгаллашни тақозо этади.

Педагогика фанида интеграция XX асрнинг 80-йиллардан бошлаб интеграция, дифференциация, синтез каби тушунчалар қўлланилган илмий ишлар пайдо бўлиб, таълим жараёнида интеграция муаммосининг долзарблиги сезила бошланди.

Республикамизда интеграциялашган таълим бўйича А.И.Авазбоев, Н.Ж.Исакулова, И.В.Макухина, М.Ж.Тошовлар тадқиқот ишлари олиб борганлар [2;3;4].

Интеграциялашган курсни ташкил этишнинг афзалликлари бўйича М.С. Асимов, Л.П. Загорпая, И.Д. Зверев, Л.Ф. Зеня, Л.А. Корожнева, Г.Д. Кириллова, Г.Ф. Федорец, В.Н. Максимовалар.

Таълимда интеграция муаммолари бўйича В.С.Безрукова, М.II. Берулава, А. Я. Данилюклар.

Интегратив ёндашув бўйича эса И.Ю.Алексашина, М.Н. Берулава, И.Д Зверев, Л.Я.Зорина, В.Д Комиссаров, Н.Е.Кузнецова, А.А.Макареня, В.Н. Максимова, М.С.Пак, И.М.Титовалар илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар.

«Интеграция – дифференциация жараёнларидаги фанларнинг ўзаро яқинлашуви ва боғлиқлигида кўринади. Интеграция жараёни фанлараро боғлиқликнинг юқори шаклида номаён бўлади [6]. Интеграция бу бутлаш, яхлитлаш, жамлаш, бирлаштириш деган маънони англатади. Интегратив ёндашув турли даражадаги тизимли алоқаларнинг объектив яхлитлигини акс эттиради. Дифференциация эса фарқ, ҳар хиллик, яъни бутунни бўлакларга бўлиш, ажратиш деган маънони англатади. Демак, интеграция ва дифференциация бир – бирига антоним, улар қарама-қарши маъноларни англатади.

Таълим мазмунини такомиллаштиришда интеграцияни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Интеграциянинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- интеграция бир пайтнинг ўзида икки хил табиатга эга, бир томондан у жараён, иккинчи томондан эса натижани англатади;
- ўзаро алоқадорлик, ҳамкорлик, муносабат омиллари интеграцияни таъминловчи асосий хусусиятлар ҳисобланади;
- интеграция шундай жараёнки у элементларнинг асосий ҳусусиятларининг ўзгариб бориши асосида, уларнинг янги элементлар билан бирикиши ҳамда сифатини таъминлайди;
- интеграция тизимнинг мувозанати ва унинг ривожланиш механизмини белгилайди [6:48].

И.Кололожвари, Л.Сеченикова ўзларининг “Интегратив дарсларни қандай ташкил этиш мумкин?” номли мақоласида “интеграциялашган дарслар имкониятларини йил давомида ўрганиш натижасида ушбу методиканинг келажаги порлоқ эканлигига ишонч ҳосил қилиб, қуйидагиларни ёзади: “Интеграция орқали ўқувчилар онгида оламни тўлиқ ва кенг тассавур қилиш имкони туғилади ҳамда ўқитувчи фан бўйича билим берганда бошқа фанлар ҳақидаги маълумотларни солиштириш, таққослаш асосида билимларни бойитади, тўлдиради ва такомиллаштиради” [9:87].

Биз тадқиқотимиз жараёнида профессор-ўқитувчилардан ўтказган анкета-сўровномаларида” *Сизнингча интеграциялашган курснинг ютуғи нималарда деб ўйлайсиз?”* деган саволга ўқитувчилар қуйидагича жавоб бердилар 14 та (11.2%) ўқитувчи мавзу мустаҳкам ўрганилади, 20 та (16.1%) ўқитувчи нутқ фаолияти бир хилда ривожлантирилади, 15та (12%) ўқитувчи талабаларда турли хил мавзу бўйича умумий тушунча ҳосил бўлади, 19 та (15.3%) ўқитувчи мулоқот маданияти ўсади, 15 та (12%) ўқитувчи танқидий фикрлаш ўсади, 12 та (9.6%) ўқитувчи билимлар ошади, 13 та (10.4%) ўқитувчи тилга бўлган мотивация уйғонади, 16 та (12.9%) ўқитувчи вақт тежалади ва нутқ фаолияти реал ҳаётда қўлланилади.

Интегратив таълим бир қанча турларга бўлиниб асосийси қуйидагилар деб белгиладик. Чунки инглиз тили таълимида уларни қўллаш юксак аҳамиятни касб этади. Р.Мавлонова ҳам интегратив таълим ҳақида қуйидаги фикрларни билдиради:” Интегратив таълим замонавий билимларнинг ҳар бир бўлимини қамраб олувчи асосий фанлар асосида тузилади. Интегратив таълимда – фанлараро билимларни (интегратив билимларни) чуқурлаштириш ва ошириш, уларни шакллантириш ўрганилади” [8:258].

**Фанлараро интеграция** бу бир-бирига яқин бўлган фанларни интеграциялаштириб ўқитишдир. Жумладан, бошланғич таълим учун ўқиш, табиатшунослик, расм, меҳнат; биофизика, биология, геофизика, биокимё, астрофизика, астрокимё; педогогика, психология, физиология, психолингвистика каби фанларни мисол қилиш мумкин. Жумладан, XVI асрда яшаган фарангистонлик файласуф, риёзиётчи, тиббиётшунос олим ва методик назариётчи Р.Декарт “...барча фанлар бир-бири билан шу қадар чамбарчас боғланиб кетганки, уларни биттабитталаб ўрганишдан кўра бирваракайига ўзлаштириш осонроқдир” деган мулоҳазани билдирган эди [10]. Л.Н. Бахареванинг Россия нашри бўлган «Начальная школа» журналида чоп этилган «Бошланғич мактаб ўқув машғулотларини ўлкашунослик асосида интеграциялаш» номли мақоласида интегратцияга кўплаб фанларни умумлаштириш ва боғлаш жараёни деб қараб, янги, бутун, яхлит бўлимлар яратишга ёрдам берувчи, фанлараро алоқаларни амалга оширишнинг юқори кўриниши” - деб, таъриф беради [10:48].

**Матнга доир интеграция** мавзу бўйича турли мамлакат маданиятига доир камида 3 та матн танланади

ва талабалар ушбу матнни ўқийдилар, мазмун ва моҳиятини англаган ҳолда бир - бирлари билан савол-жавоблар қиладилар. Матн эса қиёслаш, мустақил фикрлаш, фикрни эркин баён этиш, мушоҳада юритиш йўли билан мустаҳкамланади.

**Вазифага доир интеграция** дарс жараёнида талабалар турли ҳил машқ ва вазифаларни интегратив тарзда бажаришлари кўзда тутилади. Унда вазифалар кетма-кет берилади, шунингдек педагогик ва инновацион технологиялар орқали амалга оширилади. Бу эса талабаларда таълим олишни жадаллаштиради ва дарсга бўлган мотивацияни ҳам ривожлантиради. Талабаларда якка, жуфт ва гуруҳ бўлиб ишлаш ҳамда фикр алмашиш билан бир қаторда бир-бирларига кўмаклашиш имконини ҳам яратади.

**Нутқ фаолияти интеграцияси** муҳим аҳамиятни касб этиб, унда тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш малакалари бир дарснинг ўзида уйғунлашади. Талаба тинглаб тушунган маълумотини гапиради, ўқишда олган маълумотини ёзиш орқали амалга оширилади. Ф.Алимов таъкидлашича чет тилида нутқ фаолияти турларига мос нутқий кўникмалар шакллантирилаётганда уларнинг ҳар бири шу нутқий фаолият турида машқ қилинмоғи керак, яъни гапиришни гапириш, ёзишни ёзиш, ўқишни ўқиш, тинглаб тушунишни тинглаб тушуниш орқали ўргатиш керак [11:21]. Нутқ фаолияти интеграцияси талабаларда инглиз тилини пухта ўрганишга имкон яратади ҳамда уларда коммуникатив компетенцияларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Демак, инглиз тилини интегратив ёндашув асосида ўқитишни ташкил этиш фанлараро алоқаларни кучайтиришга ва талабаларнинг турли мавзуларга оид ахборотларни тўплаш, турли фанлардан керакли маълумотларни олиш ва улардан нутқий вазиятга мос ҳолда фойдаланиш компетенциясини шакллантиришга кўмак беради. Бу таълим жараёнининг самарадорлигини оширишда, турли фанлардан олинган билимларни амалий қўллашга ўргатиш орқали талабаларнинг касбий компетенцияларини шакллантиришда муҳим амалий аҳамиятга эга.

**Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017-йил. 6-сон, 70-модда. 20-сон, 354-модда.
2. Авазбоев А.И. Ўқув предметлари мазмунини интеграциялаш асосида меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашни такомиллаштириш. Дисс. пед.фанлар.номзоди. -Т.: 2001.
3. Исакулова Н.Ж. Узлуксиз таълим жараёнида ўқувчиларга фанлараро экологик тарбия беришнинг назарияси ва амалиёти. Дисс пед.фанлар доктори. –Т.: 2012, 288-б.
4. Макухина И.В. Педагогические условия интеграции областей знания при формировании понятий о целостности мира ( на материале начального образования). Автореф. дисс. пед.фан.ном. -Т.: 2010, 20-б.
5. Тошов М.Ж. Педагогика коллежлари таълими жараёнида педагогик интеграциянинг мазмуни ва тузилмасини таьминлаш. Автореф. дисс. пед. фан.ном. -Т.: 2012, 168-б.
6. Бахарева Л.Н. Интеграция учебных занятий в начальной школе на краеведческой основе. // Начальная школа. №8. 1991. - С. 48-51
7. Календарова З.К. Мактабгача ва бошланғич таълимда интеграцияни амалга ошириш масалалари. // «Узлуксиз таълим». №3. −Т.: 2014, 14-б.
8. Мавланова Р., Вохидова Н., Раҳмонкулова Н. Педагогика назарияси ва тарихи. −Т.: 2010. 464-б.
9. Кололожвари И., Сеченикова Л. Как организовать интегрированный урок? //Народное образование. 1996. №1. -С.87-89.
10. Хақиқат манзаралари 96 мумтоз файласуф. −Т.: «Янги аср авлоди», 2010, 255-б.
11. Алимов Ф.Ш. Инглиз тилида ёзув компетенциясини шакллантириш (нофилологик факультетлар мисолида): Дисс. пед.ф. бўйича фалсафа .докт. -Т.: 2018, 158-б.

**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада узлуксиз таълим босқичида инглиз тилини ўқитишда ва ўрганишда интегратив ёндашувнинг роли ҳақида фикр юритилади. Жумладан, мақолада интегратив таълим турлари, инглиз тилини ўргатишда интегратив таълимни қўллашнинг афзалликлари ва унинг ўзига хос хусусиятларига оид маълумотлар берилади.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается роль интегрированного подхода в преподавании и обучении английскому языку на этапах непрерывного образования. В ней обсуждаются и обосновываются типы интегрированного обучения и особенности использования интеграции в обучении английскому языку.

**SUMMARY**

In the article there was discussed the role of the integrated approach in teaching and learning English in continuous education. The author of the article studies the types of integrated approach, advantages and peculiarities of using integrated education in teaching English.

## БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ – МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ - ШАРОИТЛАРИ

**Н.М.Кучкорова** - *катта ўқитувчи*
*Урганч давлат университети*

**Таянч сўзлар:** компонент, когнитив, мотивацион, аҳлоқий, рағбатлантириш технологияси, диагностика, интеллектуал когнитив.

**Ключевые слова:** компонент, когнитивный, мотивационный, этический, стимулирующие технологии, диагностический, интеллектуально- когнитивный.

**Key words:** component, cognitive, motivational, ethical, stimulating technologies, diagnostic, intellectual-cognitive.

Бугунги кунда юқори малакали мутахассисларни тайёрлашнинг замонавий муаммолари таълимнинг умумий муаммолари ва жамият маданиятини ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқдир. Мавжуд қонунчиликка мувофиқ, мамлакатимизда таълим тизими маданияти ва таълим соҳасининг уйғунлиги биргаликда амалга оширилади. Аслида таълим маданиятга киришишнинг асосидир, шахсни шакллантирадиган, шахсни тарбиялайдиган, унинг маданиятини ривожлантирадиган бу таълимдир. Бугун юртимизда эркин демократик жамият шаклланмоқда, бозор муносабатлари хаётимизга кириб келмоқда. Халқнинг тўкин ҳаёт кечириши, унинг ўз иқтисодий маданиятини ривожлантириши, янги – янги инновацион ғояларни олиб чиқиши учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан қабул қилинган "Ёшлар келажагимиз Давлат Дастури"да, ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича ккатор ишларни ташкил қилишга алохида эътибор қаратилган. Мустақилликнинг шарофати билан бугун Ўзбекистон учун дунё эшиклари очилди. Ривожланган мамлакатлар билан тажриба алмашиш имкониятлари кенгайди. Таълим тизимида кечаётган ислоҳотлар ҳар бир бўлажак мутахассисларни теран

фикрлашга, янгиликларга интилишга ўргатмоқда.

Бўлажак мутахассислар олий таълим муассасасида таҳсил олиш жараёнида керакли касбий билимларни эгаллаши, ўз қобилияти ва имкониятларини юзага чиқара олиши , ўз – ўзини англаши, атрофдагиларнинг ва тенгдошларининг ижобий фазилатларини кўра олиши ўзини маънавиятнинг истеъмолчиси сифатида эмас, балки яратувчиси сифатида кўра олиши зарур.

Давлатимиз томонидан олиб борилаётган кадрлар тайёрлаш сиёсатининг асосий йўналишларидан бири, саводли, ташаббускор ва билимдон, ҳаётдаги иқтисодий ютуқларини ишлаб чиқиш ва амалга ошира оладиган мутахассисларни тайёрлашдир.

Жамиятда шахснинг иқтмисодий маданиятини ўстириш авлод аждодларимиз томонидан ҳам тадқиқ этилган Алишер Навоийнинг иқтисодий масалаларга оид ғоялари 1482 йилда ёзилган «Вақфия» ва 1500 йилда ёзилган «Маҳбуб-ул-қулуб» асарларида баён этилган. У ҳар бир киши маҳсулотни уч қисмга бўлиб, биринчи қисмини кетган харажатга, иккинчи қисмини ўзининг ва оиласининг эҳтиёжларига, учинчи қисмини эса аҳолининг ижтимоий манфаатлари учун сарфлашга чақиради. Бундан ташқари маҳсулотни яратишда меҳнатнинг ролига ва ишлаб чиқариш воситаларининг иштирокига алоҳида эътибор беради. Шу билан бирга бойликни ҳалол меҳнат билан топиш, тўплаш ва фойдаланиш зарурлигини таъкидлайди [2:89].

С.А.Влазневанинг тадқиқ этишича, “Иқтисодий маданият – бу шахснинг жамиятда иқтисодий фаолият ва хулқ – атворида ўз – ўзини англашига, ўзига хос мослашишига, прогнозлашган ижтимоий – иқтисодий шараоитларга интеграциалашувига имкон берувчи интеллектуал, ҳиссий ва амалий компонентлари, ахлоқий ва маънавий муносабатлари мажмуидир”. [3:167].

Педагогик тадқиқотларнинг хозирги холати бўлажак мутахассисларнинг рақобатбардошлигини кўрсатиб келмоқда.Олий таълим муассасаларида касбий тайёргарлик жараёнида бўлажак мутахассиснинг иқтисодий маданиятини шакллантириш учун педагогик шарт – шароитларни таҳлил қилиш ва иқтисодий маданиятнинг энг муҳим модели ва рақобатбардошлилиги, унинг таркибий қисмларининг мазмуни бўлажак мутахассисларнинг иқтисодий маданиятини бир нечта компонентлар мисолида белгилаш имконини берди.

**Схема 1.1**

**Бўлажак мутахассисларнинг иқтисодий маданиятини шакллантириш компонентлари**




Иқтисодий маданият педагог таъсирисиз шаклланмайди, педагогик жараён иштирокчилари, - педагоглар, раҳбарлар талабаларнинг иқтисодий маданиятларини ривожлантиришда уларнинг мотивациясини оширувчи педагогик воситалардан фойдаланишлари зарур. Талабаларни қўшимча рағбатлантириш иқтисодий маданиятни шакллантириш учун рағбатлантирувчи омил бўлиши мумкин. Талабаларни ижобий рағбатлантириш уларнинг иқтисодий маданиятларининг ошишидаги маотивацияларни ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилади.Ўқув жараёнида иқтисодий маданиятни ривожлантириш, уни педагогик технологиялар ёрдамида лойихалаштириш ва амалга ошириш самарилидир, бу эса талабаларнинг бошқа воситалар орқали иқтисодий билимларини ривожлантириб боришларига амалий ёрдам беради. Иқтисодий маданиятни шакллантиришни рағбатлантириш технологиялари ички ва ташқи омиллардан иборат.

**Схема 1.2**

**Талабаларнинг иқтисодий маданиятини рағбатлантириш технологияси**




Талабанинг иқтисодий маданияти таркибида иқтисодий фикрлаш, иқтисодий жиҳатдан аҳамиятли шахсий фазилатларга эга бўлган шахснинг интеллектуал ва шахсий хусусиятлари кўрсатилган. Талабаларнинг иқтисодий маданияти даражасини ташхил қилиш танланган меъзонларга мувофиқ амалга оширилади:

- интеллектуал - когнитив;
- қимматли – мотивацион;
- креатив – фаолиятли.

Иқтисодий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, у принципларга мувофиқ унинг шаклланиш йўлларини муайян мезонларга кўра аниқ ажратиб бермайди:

✓ интеллектуал – когнитив мезон талабаларнинг намоён эта олган иқтисодий билимларида ўз аксини топади;

✓ мотивацион – иқтисодий таълим натижасида;

✓ фаолиятнинг ижодий компоненти – иқтисодий фаолият натижасида.

Бу ўқув жараёнида иқтисодий билимларни амалиётда қўллаш имконияти мавжуд бўлган (иқтисод бўйича ҳисоб – китоб, ҳисоб китобларни иқтисодий таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш амалиётлари, иқтисодий фаолиятда бевосита иштирок этиш каби) омилларда ҳам ўз аксини топади.

Иқтисодиёт соҳасида бўлмаган талабаларнинг иқтисодий маданиятини ривожлантиришимиз юқоридаги омиллар асосида билим, кўникма ва малакаларини оширишимиз учун ўқув режаларида кўрсатилган ўқув соатлари етарли даражада эмас. Шу сабабли таълим жараёнидаги иқтисодий билимларни ривожлантирадиган жараёнларини талабалар билан таҳлил қилиш лозим. Бундай холатларда асосан турли тренинглар, бизнес ўйинлар, мунозаралар, мунозарали презентациялар, кичик гуруҳларда ишлаш ва бошқалар ишлатилади. Ўқув режасида белгилаб қўйилган Иқтисодиёт назарияси фанидан ташқари қўшимча махсус курслар ташкил қилиниб, уларда талабаларга ўзлари эгаллаб турган мутахассисликлари доирасида “Менинг бизнес режам”, “Барқарор ривожланиш концепцияси” каби мавзуларни киритиб бориш заруратини келтириб чиқаради.

Бўлажак мутахассисларнинг замонавий иқтисодий билимларни эгаллашларида жамиятдаги ижтимоий ҳаракатларни ташкил қила олиш орқали ўзининг қобилияти ва қизиқишини намоён эта олишидадир. Ташкилотчилик ва коммуникатив қобилиятсиз бугунги кунда жамоада ишлай оладиган рақобатбардош педагог мутахассисни тасаввур қила олмаймиз.

**Адабиётлар**

1. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари . -Т.: “Ғ.Ғулом”, 2017. 70-б.
2. Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. -Т.: «Молия». 2002, 89-90-б.
3. Влазнева С.А. Экономическая подготовка будущих педагогов профессионального обучения в вузе: дис. канд. пед. наук / С.А.Влазнева. –Пенза: 2009. –С. 167.
4. Сластенин В.А. Педагогика: уч. пособ. для вузов В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, А.И.Мещенко, Е.Н.Шиянов. -М.: Школа-Пресс, 1997. -С. 512.
5. Incheon declaration / Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea). –P.48.

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақола бўлажак мутахассислар иқтисодий маданиятини ривожлантиришнинг педагогик шарт – шароитларини ойдинлаштиришга қаратилган бўлиб, унда бугунги кунда бўлажак мутахассисларнинг иқтисодий маданиятини оширишга таъсир этувчи омиллар, улар иқтисодий маданиятини шакллантиривчи компонентлар, иқтисодий маданиятни рағбатлантириш технологиялари, иқтисодий маданиятлилик даражасини ташхислаш мезонлари ёритиб берилган.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье основное внимание уделяется выявлению педагогических условий для развития экономической культуры будущих специалистов, включая факторы, влияющие на экономическую культуру начинающих специалистов. Рассматриваются компоненты формирования экономической культуры, технологии продвижения экономической культуры, а также критерии, выбранные для диагностики уровня экономической культуры.

**SUMMARY**

The article focuses on the identification of pedagogical conditions for the development of economic culture of future specialists, including factors affecting the economic culture of beginning specialists. The author studies components of the formation of economic culture, technology of promoting economic culture, as well as the criteria selected for diagnosing the level of economic culture.

## ПЕДАГОГИКАЛЫҚ ИСКЕРЛИКТИ ЖЕТИЛИСТИРИЎДИҢ ЗАМАНАГӨЙ ТАЛАПЛАРЫ

**И.К.Пирниязов –** *педагогика илимлериниң кандидаты, доцент*
*Әжинияз атындағы НМПИ жанындағы халық билимлендириў хызметкерлерин қайта таярлаў ҳәм олардың қәнигелигин арттырыў Аймақлық орайы*

**Таянч сўзлар:** педагогик фаолият, стратегия, компетентлик, касбий маҳорат, тенденция, модернизация, дастур, технологиялаштириш
**Ключевые слова:** педагогическая деятельность, стратегия, компетентность, профессионализм, тенденция, модернизация, программа, технологизация.
**Key words**: pedagogical activity, strategy, competence, professionalism, tendency, modernization, program, technology.

Өсип киятырған жас әўладқа тәлим-тәрбия бериў, оларды озық ойлы, терең пикирли, билимли ҳәм ҳәр тәреплеме жетилискен инсанлар етип тәрбиялаў халық билимлендириў системасының ең баслы ўазыйпаларының бири есапланады. Сонлықтан, мәмлекетлик сиясаттың билимлендириў мәселесиндеги принциплерин ретлестириў тийкарлары Өзбекстан Республикасының «Билимлендириў ҳаққында»ғы, «Жоқары ҳәм жоқары оқыў орнынан соңғы кәсиплик билимлендириў ҳаққында»ғы режелеринде, сондай-ақ, Өзбекстан Республикасының Президенти ҳәм Министрлер Кабинети қарарлары менен тастыйықланған билимлендириўди раўажландырыўдың миллий доктринасында да қәлиплестирилген [1].

Өзбекстан Республикасын және де раўажландырыў бойынша «Ҳәрекетлер стратегиясын»да тәлим ҳәм тәрбияны үзликсиз жетилистириў мәселеси «Билимлендириў ҳәм илим сферасын раўажландырыў» деп аталған төртинши ўазыйпасында анық белгиленип қойылған. Бунда «үзликсиз билимлендириў системасын раўажландырыў ҳәм жетилистириў курсын даўам еттириў, сапалы билимлендириўге ерисиўди жоқарылатыў ҳәм мийнет базарының ҳәзирги заман талапларына сәйкес жоқары квалификациялы кадрларды таярлаў процеси жүргизилмекте» деп атап көрсетилген [2].

Өзбекстан пуқараларына билим алыў мүмкиншилиги ҳеш қандай шәртлерсиз ҳәм шеклеўсиз, олардың жынысы, расасы, миллети, тили, социаллық шығысы, жасаў орны, ден саўлығы ҳәм тағы басқаларға қарамастан кепилленеди. Мәмлекет пуқараларға улыўма, орта, орта арнаўлы ҳәм басланғыш кәсиплик билим алыўды мәмлекетлик билимлендириў стандартлары тийкарында Өзбекстан көлеминде бирдей билимлендириў кеңислигин сақлаў мүмкиншилигин береди. Бул стандартлар тийкарғы билимлендириў бағдарламаларының миннети сыпатында питкериўшилердиң таярлық көлемине қойылатуғын талаплар менен минимум дәрежесин анықлап, оқыўшылардың билиминиң максимум көлемин анықлаўшы нормалар системасын өз ишине алады.

Өзбекстан Республикасының ҳәм жәмийеттиң ҳәзирги қәлиплескен сиясий, экономикалық, социал-педагогикалық жаңаланыў жағдайында халық билимлендириў системасын раўажландырыў тийислилиги айқын көринбекте. Соңғы жыллары педагоглар тәрепи-

нен жергиликли мектеплердиң тәлим-тәрбиялық хызметлерине өзгерислер енгизиў арқалы жаңаланыў ҳәм жетилистириўге болған умтылыўлары күтилген нәтийжеге алып келмей атыр. Сонлықтан, бул басқыш тиккелей системалық өзгерислерди талап етеди ҳәм олар өз гезегинде мектепке шекемги билимлендириў мәкемелерин раўажландырыў бағдарламасы ҳәм педагогтың кәсиплик-педагогикалық дәрежесин раўажландырыў менен анықланады.

Педагогтың кәсиплик-педагогикалык мәденияты - оның педагогикалық таярлығы, өзиниң кәсиплик хызметин өз бетинше жетилистириўге умтылыўы нәтийжесинде ерисиледи. Ҳәзирги заман билимлендириўи ҳәр бир педагогтан әпиўайы, мәзи педагогты емес, ал педагог-изертлеўши, педагог-психолог, педагог-технолог болыўды талап етпекте. Бул қәбилетлер қәнигеде жоқары оқыў орнын питкергеннен кейин мектепте дөретиўшилик, машқалалы ҳәм технологиялы шөлкемлескен түрдеги билимлендириў процесинде ғана раўажланыўы мүмкин.

Бүгинги билимлендириў системасының және бир шәрти, егер педагог илимий- методикалық, излениўшилик, тәжирийбе – эксперименталлық, инновациялық жумыслар менен жедел шуғылланса ғана өзиниң «кәсиплик шеберлигин», өзиниң педагогикалық қуралларын излеп үйрениўи зәрүр.

Өзбекстанда халық билимлендириў системасын реформалаў зәрүрлиги өз шешимин қатаң талап ететуғын мәселелердиң бири. Себеби, базар экономикасы билимлендириў системасында жәмийетке излениўшең, интеллектуал, билимли, бәсекиге таяр, уқыплы ҳәм талапшаң қәнигелерди талап етеди. Ҳәзирги заман билимлендириўин раўажландырыў тенденциясы оқыў процесин технологиялық дәрежеге өткериўди усынбақта. Бундай дәрежеге ерисиў сапалы билим алыўдың кепиллик шәрти есапланады. Оқытыў процесиниң жүдә әхмийетли бөлеги, бул мектеп оқыўшыларының жасы ҳәм психологиялық өзгешеликлерин есапқа алыўшы жеке шахсқа бағдарланған билимлендириў технологиялары болып есапланады.

Бул технология тийкарында оқытыўшыларға мақсет қойып билиўди, жобаластырыўды, таярлаў ҳәм әмелиятта турақлы пайдалана алыў уқыплылығын береди. Педагогикалық әмелиятта билимлендириў процесине оқытыўдың жаңаша усылларын ҳәм оқытыў қуралларын жедел енгизиўлер көринбекте, себеби, педагогларға оларды таңлап алыў еркинлиги ҳәм дөретиўшилик искерлигин әмелге асырыўға шараят жаратылған.

Деген менен, айырым интерактив оқытыў усылларының ҳәм түрлериниң орнына пүткиллей жаңа усылдағы билимлендириў ҳәм оқытыў технологияларын енгизиў зәрүрлиги сезилмекте.

Бирақ, бул усыллар әдеўир қыйыншылық пайда етеди, себеби, оқытыўшылардың көпшилик бөлеги технология тийкарларын, олардың өзгешеликлерин үйренбеген.

Технологиялық билим бул-билимлер ҳәм қағыйдалар жыйнағын, билимлендириўге қойылған мақсеттиң нызамлылығын ҳәм принциплерин әмелге асырыў жолларын ҳәм қуралларын, оқытыўшының ҳәм техниканың имканиятларына тийкарланған кепиллик берилетуғын билим нәтийжелилигин талап етеди.

Әмелиятшы педагог ушын қағыйдаларды ядлаў пайдасыз, егер онда оларды пайдаланыў көнликпеси қәлиплеспеген болса, соның ушын көп түрли усыллардың ишинен белгили шәртлерди ҳәм оларға ажыратылған ўақытты үнемли сарплап, күтилген толық нәтийжеге ерисиў ушын оптимал усыл ҳәм оқытыў қуралларын, яғный коммуникациялар, информация ҳәм басқарыў қуралларын толық пайдаланыў зәрүр. Бул арқалы оқытыўшы ҳәм оқыўшылардың ўақытларын үнемли пайдаланып ерисиўге болады, кейин олардан уникаль комбинация жойбарлаў-конкрет жағдайда сәйкесленген оқытыў технологиясын енгизиўге мүмкиншилик табылады.

Педагогикалық хызмет ҳәр бир қәлеген хызметке тийисли дәрежеде уқсаслығы болғаны менен бир қанша өзгешеликлери менен ажыралып турады.

Педагогикалық хызмет, басқа хызметлер сыяқлы анық структура, ишки өткермелер ҳәм түрлениўлерден ибарат системадан турады. Бул системада мына компонентлерди ажыратып көрсетсе болады: мотив-мақсет-предмет-иске асырыў усыллары-нәтийже. Педагогикалық хызметтиң мотивлери кәсиплик өзин-өзи анықлаў басқышына келип, педагог өз кәсибин таңлаўға, өсип киятырған жас әўладты билимлендириўге бағдарлаўға ериседи. Бул хызметке бағдарлаўшы мотивлерди шын мәнисинде дөретиўшилер деп атайды. (А.Н.Леонтьев)

Педагогикалық хызметтиң мақсети жәмийет тәрепинен анықланады. Ол улыўмалық характерге ийе болып бул ҳәр бир педагогта жеке түрде қәлиплесип баратуғын болғанлықтан, оны өз мийнетинде иске асырыўға ҳәрекет етеди. Педагогикалық хызметтиң өзгешелиги пәнниң өзгешелигине, мийнет объектине байланыслы болады. Ҳәр бир хызметте субъект (орынлаўшы) ҳәм обьект (субьекттиң ҳәрекетлери оған қаратылған) ҳәрекетленген. Педагогикалық хызметте субъект болып педагог, объект ролинде тәрбияланыўшы (оқыўшы) ҳәрекетленеди. Педагогикалық тәсир етилетуғын объект, қуны уникал материал, бул раўажланып баратырған, яғный бирдейине турақлы өзгериўши инсан есапланады.

Педагогикалық мийнеттиң тийкарғы «қураллары» даўыс (темп, бәлентлиги, интонациясы), мимика, пластика, ҳәрекетлер.

Педагогикалық техника-бул педагогтың ҳәр-қыйлы усыллар арқалы тәрбияланыўшыларға, олардың искерлигин хошаметлеўге тиккелей тәсир көрсетиўи болып есапланады. Бул тәрбиялаў процесинде тийкарғы хызметти атқарып, аз энергия сарплап жақсы нәтийжелерге ерисиўге мүмкиншилик береди. Педагогикалық хызметтиң өзгешелиги соннан ибарат, тәрбияшыға, муғаллимге, оқытыўшыға өз мийнетиниң жемисин көриў ҳәмме ўақыт несип ете бермейди, ҳақыйқый нәтийжелерди көз бенен бақлай алмайды: олар келешекте келип шығады. Педагогтың бүгинги мийнети келешек әўладты тәрбиялайды. Педагогикалық хызмет басқарыў разрядына тийисли, себеби ол хошаметлеў, шөлкемлестириў, тәрбиялаў процесиниң қатнасыўшыларының (балалар, олардың ата-аналары, коллегалар ҳәм т.б) жумысларын ретлестириўге қаратылған. Педагогикалық дөретиўшилик-орайлық фигура болып анық оқыўшы (бир нешше онлаған жыллар даўамында абстракт балалар турған) туратуғын ҳәзирги заман педагогикалық процесиниң ажыралмас шәрти.

Кәсип-белгили таярлықты талап етиўши мийнеттиң хызметиниң бир түри. Өмирге кирип киятырған ҳәр бир жаңа әўлад, алдыңғы әўладлардың жуўмақластырылған тәжирийбесин ийелеўи тийис, ол тәжирийбелер илимий билимлерде, мораль, үрп-әдетлерде, дәстүрлерде, мийнет усылларында ҳәм тағы басқаларда көрсетилген. Педагогтың социаллық жақтан тайынланыўы соннан ибарат, жоқарыдағы тәжирийбелерди өзинде жәмлеп ҳәм оны өзиниң тәрбияланыўшыларына жеткерип бере билиўи тийис. Муғаллимшилик ҳәр бир оқыўшының жеке түрде қәлиплесиўин ҳәм раўажланыў процесин басқарады, сол арқалы жәмийеттиң раўажланыў перспективасына анықлық енгизе алады. Муғаллим кәсиби әдептен жәмийетте ең әхмийетли ҳәм хүрметли кәсип болып келеди. Педагогиканың негизин салыўшы Я.А.Каменский муғаллимшилик кәсибин «қуяш астында басқа кәсиплердиң ҳәммесинен ағла» кәсип деп есаплаған.

**Әдебиятлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Ҳәр бир басшының хызметин критикалық таллаў, қатаң тәртип ҳәм жеке жуўапкершилик күнделикли норма болыўы тийис. -Т.: «Ўзбекистон», 2017. 104-б.
2. «2017-2021-жылларда Өзбекстан Республикасын және де раўажландырыўдың бес баслы бағдарлары бойынша Ҳәрекетлер стратегиясы». -Т.: 7.02.2017, ПФ-4947-санлы Пәрманы.
3. Асқаров М., Хайтбоев М., Нишонов М. Педагогика. Дарслик. -Т.: «Талқин», 2008, 289-б.
4. Ирматов Х., Абдуллаев Ш. Педагогика назарияси. Дарслик. -Т.: «Фан ва психология», 2008. 288-б.
5. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма. -Т.: «Молия», 2003. 188-б.

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада педагог ходимларни яна ҳам сифатли тайёрлаш, замонавий таълимни ривожлантиришнинг илғор тенденциялари, ўқитиш жараёнини технологик талаб даражасига кўтариш масаласи сўз этилади. Бундай даража таълим сифатининг ишончли исботи эканлиги тўғрисида хулосалар чиқарилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются вопросы качества и эффективности подготовки педагогических кадров. Анализируются ведущие тенденции развития современного образования и подчёркивается важность внедрения в образовательный процесс инновационных технологий, являющихся главным условием гарантированного получения качественного образовательного результата.

**SUMMARY**

The article deals with the quality and effectiveness of teachers'training. The leading trends in the development of modern education are analyzed and it is emphasized the importance of introducing innovative technologies into the educational process, which are the main condition for ensuring high-quality educational results.

# ТӘЛИМДЕ ИННОВАЦИЯНЫҢ ҲӘМ ИНТЕГРАЦИЯНЫҢ ӘҲМИЙЕТИ

**С.Сайтбекова** – *педагогика илимлериниң кандидаты, доцент*
**Н.Уснатдинова** – *магистрант*
*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*

**Таянч сўзлар**: мактабгача таълим, бошланғич таълим, инновация, интеграция, педагогик технология, жараён.
**Ключевые слова:** дошкольное образование, начальное образование, инновации, интеграция, педагогические технологии, процесс.
**Key words**: preprimary education, primary education, innovation, integration, pedagogical technologies, process.

Ҳәзирги заман талаплары тийкарында баслаўыш тәлимди шөлкемлестириў процеси, оның сапасын ҳәм нәтийжелилигин арттырыў, баслаўыш класс оқыўшыларын оқытыў ҳәм тәрбиялаў жөнелисиниң педагогикалық-психологиялық тийкарларын жетилистириў ушын арналған бир қатар илимий изертлеўлер, педагогикалық теориялар ҳәзирги ўақытта сондай дәрежеде раўажланған, олар дәстүрли тәлим түринен жас әўладты ылайықлы қәлиплестириў ҳәм раўажланыўын тәмийинлеўши оқытыў ҳәм тәрбиялаў жөнелисин шөлкемлестириўде пайдаланыўдың толық имканын береди.

Оқытыўдың мазмуны баслаўыш пәнлер бойынша көрсетилген билим бағдарлары менен анықланады. Тәлим бағдарлары бойынша мазмунның тийкарын анықлаўшы көрсеткишлер баслаўыш билимлендириў Мәмлекетлик стандартларында берилген, оларда мектепке шекемги тәлим жөнелислери арасындағы үзликсизлик, предметлердиң өз ара байланысы гуманизм ҳәм миллий өзгешелик принциплери сәўлеленген. Мектепке шекемги тәлим процеси "Мектепке шекемги тәлимге мәмлекетлик талаплар" тийкарында шөлкемлестириледи. Ал, баслаўыш тәлим мектепке шекемги тәлим менен үзликсиз байланыста болған ҳалда тәлимниң келеси басқышларына негиз салыўды өзине ўазыйпа етип алады [1:26].

Мектепке шекемги жастағы балаларға берилетуғын тәлим мазмуны мәмлекетлик талапларында үш бағдарда белгиленген, сондай-ақ, олардың ҳәммеси мәмлекетлик ҳүжжетлер сыпатында қарастырылады. Бул жастағы балалар сөйлеўин ҳәм ойлаўын раўажландырыўдағы тәлимлик бағдар балалардың оқыўға қызығыўын қәлиплестириўге салмақлы үлес қосады. Мектепке шекемги жастағы балалардың ойлаўын раўажландырыў дәслепки математикалық елеслетиўлерди системалы арттырып барыў арқалы әмелге асырылады. Бунда математикалық елеслетиўлер әтираптағы нәрсе ҳәм буйымларды санаў, салыстырыў, өлшемлерин салыстырыў, орнын ҳәм жайласыўын анықлаў, геометриялық формаларды парықлаў арқалы әмелге асырылып, баланың жасына сай раўажланыўын тәмийинлейди.

Дәслепки математикалық елеслетиўдиң үзликсиз раўажланыўы баланың ойланыўын раўажландырыў менен бир қатарда баслаўыш классларда оның логикалық ойлаўды ийелеп барыўын тәмийинлейди. Басланғыш тәлимде оқытыў тийкарынан образлы ойлаўды логикалық ойлаўдың нышанасы сыпатында сиңдириў арқалы әмелге асырылады.

Жазыў баслаўыш тәлимде баянлаў, информациялық елеслетиў формасында бериледи, ол мектепке шекемги тәлим жөнелисинде ийеленген билимлерди тастыйықлаўшы, системаластырыўшы ҳәм кеңейтиўши ролин де атқарады. Баслаўыш тәлимнен күтилетуғын нәтийжелер, әлбетте, сабақлықлар, оқыў қолланбалар, методикалық көрсетпелерге байланыслы болып, ал олар басланғыш тәлим концепциясы ҳәм оны шөлкемлестириўде принципи, идеялары, баслаўыш тәлимди шөлкемлестириў методлары ҳәм усылларында, инновациялық идеялар, ҳәзирги заман педагогикалық ҳәм информациялық технологиялар, жаңа әўлад оқытыў қураллары тийкарында жаратылады. Бирақ, бул процессте баслаўыш класс муғаллиминиң ролин айрықша атап көрсетиў орынлы. Баслаўыш класслар муғаллими мағанасы ҳәм қәсийети бойынша жоқары класс муғаллимлеринен өзгеше тәреплерине ийе болады.

Муғаллимниң шет тиллерди өзлестирип алыўы, оның жаңа әўлад оқытыў қуралларын, алдыңғы шет ел тәжирийбелерин, педагогикалық ҳәм информациялық технологияларды оқыў процесинде қолланыў, кең көзқарас–муғаллимниң бул әҳмийетли сыпатлары оқыўшыға дурыс тәсир көрсетиўге имкан береди.

Баслаўыш тәлимде инновация киритиўдиң ўазыйпасы пүткил тәлим саласында өткерилетуғын реформалардың маңызын, мазмунын ҳәм формаларын жетилистириўге бағдарланады. Илимий-техникалық процесстиң факторлары, бизиң жәмийетимизди демократияластырыў, информациялаў тараўларының кеңейиўи баланың жеке сыпатларына унамлы тәсир етеди, атап айтқанда, епшиллигин, пикирлеўин ҳәм ойлаўын, ақылый өзгешеликлерин раўажландырады. Ҳәзирги заман билимлендириўиниң баслы ўазыйпасы баланың билим алыўдағы талабын қанаатландырыўдан да ибарат.

Биринши Президентимиздиң айтқанындай: "Шахстың раўажланыўы дегенде биз, биринши нәўбетте, жоқары саналы, еркин пикирлеўши, өзиниң минезқулқы менен басқалар ушын өрнек болатуғын, зыялы инсанларды түсинемиз" [2].

Тәлим системасы ҳәм мектептиң алдына ҳәр тәреплеме раўажланған шахсты тәрбиялаў мақсети қойылған. Баслаўыш билимлендириў системасына киритилип атырған жаңаланыўлар оның мазмунын, ме-

тодлары қурамын қайта қарап шығыўды ҳәм беккемлеўди талап етеди. Ҳәзирги күнде қолланылып жүрген модул системасы, рейтинг баҳалаў, педагогикалық технология, тест сынаўлары усылар қатарына киреди.

Ҳәзирги оқыўшы кең көзқарасқа ийе болыўы, өз пикирине ийе, ерки беккем, қысқаша айтқанда жоқары интеллектуал күшке ийе болыўы керек. Буның ушын системаға инновацияны енгизиў зәрүр. Дәслеп интеграция түсинигиниң мазмунын қарап өтемиз. Интеграция психологиялық-педагогикалық көзқарастан социал тараўға кәлеген жаңалықты тез енгизиў ҳәм тәлим процесин жеделлестириўши социал-психологиялық аспект болып табылады.

Инновация жумыс процесинде ҳәр қыйлы социаллық-психологиялық тосықларды жеңип өтиў ушын шараят жаратады. Бул процессте өз мақсетлери, ўазыйпалары ҳәм қызығыўшылықлары ҳәр қыйлы болған социал топарлар қатнасады. Мотивация характериниң типлери де инновациялық искерлик мазмуны ҳәм сапасына тәсир етеди. Буннан басқа, инновацияны енгизиў жөнелисинде шахстың руўхый-әдеп –икрамлық сыпатлары да белгили бир дәрежеде әҳмийетке ийе. Оқыўшылардың жаңалықларды қабыллаўшылыққа таярлығын қәлиплестириў, жаңалықларды қабыллаў уқыплылығын арттырыў мақсетлери ушын оқытыў процесин жеделлестириўши социал-психологиялық методларды қолланыў керек. Бул методардың мысалы сыпатында психологиялық тренинглер, ролли ойынлар, исбилерменлик аукцион ойынларын көрсетип өтиў мүмкин.

Тәлимди гуманизациялаўда бүгинги күнде мектепке шекемги ҳәм баслаўыш билимлердиң мазмунын жетилистириў талап етиледи. Интеграцияның тийкарғы элементлери төмендегилерден ибарат:

- интеграция бир ўақытта еки характеристикаға ийе болады, бир тәрептен процесс, ал екинши тәрептен нәтийжени аңлатады;
- өз ара байланыслылық, бирге ислесиў, өз ара мүнәсибетлер факторлары интеграцияны тәмийинлеўши тийкарғы сыпатлар есапланады;
- интеграция – ол жаңа элементлерди бирлестириўди ҳәм илгеридеги элементлердиң тийкарғы қәсийетлерин өзгертиў барысы тийкарында олардың сапасын тәмийинлеўши процесс болып табылады;
- интеграция системаның тең салмақлылығын ҳәм оның раўажланыў механизмлерин анықлайды [3].

Бизиң бақлаўларымыз мектепке шекемги ҳәм баслаўыш тәлимлерде усы интеграцияға зәрүрликтиң келип шығыўын көрсетеди. Олардың мазмунында интеграцияның тәмийинленбегенлиги бир қатар машқалаларды келтирип шығарады. Бул интеграция менен тәмийинлеў - социаллық турмыстың талабы. Мектепке шекемги ҳәм баслаўыш тәлимлерде интеграцияны тәмийинлеў Мәмлекетлик тәлим стандартларында белгиленген талаплардың шеңберинде әмелге асырылыўы керек. Интеграция процеси ҳәр қыйлы интерактив методларды ҳәм алдыңғы педагогикалық технологияларды қоллап- қуўатлаў имканын береди, бир қатар педагогикалық имканиятлардың жарыққа шығыўын, олардың бирин-бири толықтырыўын тәмийинлейди.

**Әдебиятлар**

1. “2004-2009 yillarda maktab tálimini rivojlantirishning davlat umum milliy dasturi” to‘g’risida. O‘zbekiston Prezidenti Farmoni. // ”Ta’lim taraqqiyoti”, 2004, № 3, 26-b.
2. Karimov I.A. Tarixiy xotirasiz-kelajak yo’q. -Toshkent: 1998.
3. Абдуллаева Б.С. Фанлараро интеграциянинг долзарб муаммолари. // ”Педагогик таълимни такомиллаштириш муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси. -Тошкент: ТДПУ. 2008.

**РЕЗЮМЕ**

Бу мақолада мактабгача ва бошланғич таълимнинг ўзаро боғлиқлиги, таълим жараёнида инновация ва педагогик технологиялардан фойдаланиш орқали таълим самарадорлигини ошириш ҳақида айтилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается значение интеграции дошкольного и начального образования, применение инноваций и педагогических технологий в процессе обучения для улучшения качества образования.

**SUMMARY**

In the article the author considers the importance of the integration of preprimary and primary education, using innovations and pedagogical technologies for improvement of the quality of education.

## XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ МУСИҚИЙ ТАФАККУР ТАРАҚҚИЁТИ УНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАДРИЖИ КОНТЕКСТИДА

**М.Ташпулатов –** *ассистент ўқитувчи*
*Самарқанд давлат университети*

**Таянч сўзлар:** педагогика, анъана, санъат, консерватория, шашмақом, Брайль ёзуви.
**Ключевые слова:**педагогика, традиция, искусство, консерватория, шашмаком, писатель Брайль.
**Key words:** pedagogy, tradition, art, conservatory, shashmakom, writer Brayl.

Истиқлол йилларида миллий маънавий меросга бўлган юксак эътибор натижаси ўлароқ юртимизда мазкур жабҳада салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, асрий қадриятлар негизида қарор топган бой мусиқа меросимизнинг ўтмиш тақдирини идроклаш, тарихини чуқур ва холис ўрганиш масалалари янги босқичга кўтарилмоқда. Миллатнинг келажаги ҳисобланган ёш авлоднинг ҳар томонлама етук шахс бўлиб вояга етишишида, уларнинг таълим-тарбияси, маънавий камолоти масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу йўлда қатор мақсадли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаш жараёни жадаллашиши муносабати билан ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбиясининг ахамияти сезиларли даражада ортиб бормоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда мусиқа санъатини ривожлантириш, фарзандларимиз мусиқий маданиятини оширишга қаратилган қатор дастур ва режалар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда эркин ижод учун, миллий қадриятларимиз ва бой маънавиятимизни, халқимиз тарихини ва унинг сермазмун ҳаётини ҳаққоний акс эттириш учун зарур шароитлар яратилган. Ўзбекистон давлат консерваторияси, Олий мусиқа даргоҳлари, мусиқа ва санъат коллежлари, махсус мусиқа мактабларида анъанавий ижрочилик бўлимларида юзлаб ёшлар мақомларни чуқур ўрганишга интилиб, унинг сирларидан хабардор бўлмоқда. Айниқса, ёқимли мусиқа инсонни янги-янги зафарларга илҳомлантиради ва унинг руҳиятидаги яширин захираларни ишга солади. Кўпгина ота-оналар фарзандларининг мусиқа билан шуғулланишлари учун саъй-ҳаракат қилар эканлар, бу билан уларнинг қобилиятлари тараққий этишига кўмаклашадилар. Олимларнинг ўтказган тажрибалари натижасида шу нарса аниқланганки, мусиқа билан шуғулланган боланинг руҳий олами бойийди, ақл-идрок, заковати теранлашади. Мусиқа ва санъат мактабида таҳсил оладиган ўқувчилар ҳам оддий мактабларда таълим оладиган тенгдошларига нисбатан кўпроқ ижобий хислатларга эга эканликлари билан ажралиб туришади. Улар сабр-бардошли, босиқ, диққат-эътиборини бир

жойга тўплай олишлари билан бошқалардан фарқ қилишади.

Мусиқа маданиятининг қадимий илдизлари Авесто ёдгорлиги билан боғланиб кетади. Зардушгох дастлаб бадиха йўли билан ижро этилган қўшиқлардир. Авестонинг маросимий қисмлари (ясна), Ахурамазда ва бошқа маҳбудларга бағишланган мадҳиялар ҳам аслида муайян ижро йўллари бўлган яккахон ва оммавий қўшиқлардир [3:34].

Ўзбек халқи узоқ мусиқий тарихий меросига эга. Марказий Осиё педагогик фикр тараққиётида мусиқанинг маънавий–тарбиявий омил сифатида кенг қамровда талқин этилиши уни педагогик илмлар билан бир қаторда фалсафа, тарих, мусиқашунослик, ахлоқ илми асослари билан узвий боғлиқликда ўрганилишини тақозо этади. Мусиқанинг инсоният ҳаётидаги бадиий–эстетик ва тарбиявий аҳамияти ҳақида қатор Шарқ мутафаккирлари ўзларининг бошқа соҳаларга бағишлаган асарлари ичида баён қилганлар, шунингдек мусиқий рисолалар ёзганлар. IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда маданият, илм-фан, санъат ва адабиёт ислом маданияти йўналишида ривожланди ва тараққий этди.

Бироқ бизнинг замонамизгача индивидуал шогирд тарзида мусиқа ўқитиш анъанаси етиб келган. Бунда профессионал мусиқачи ҳаваскор мусиқачини ўқитган. Кўпгина машҳур ўзбек ижрочилари ўзларининг бутун бир мактабларига эга бўлганлар, бунда таҳсил кўрганлар бутунлай устоз қарамовида бўлганлар. Шунингдек, бир қанча хусусий мактаблар ҳам бўлиб, унда машҳур мусиқачилар одатда муайян миқдорд а шогирдлар ўқитганлар. Улар ўқитувчининг бутунлай моддий таъминотида бўлганлар. Бу мактаблар муайян даражада Италияда XV-XVI асрларда мавжуд бўлган бадиий мактабларни эслатади [3:58].

Уста қўлида 10-15 йил таҳсил кўрган шогирд товушининг ҳаракатчанлиги, нафас олиш, импровизация қобилиятини эгаллаган. Ўқитиш, асосан, устанинг шогирдга кўп миқдордаги куй, шеър, усулларни оғзаки ўргатишидан иборат бўлган. Шогирд уста қандай куйлаганини, мусиқа чалганини тинглаши, кўриши ва эслаб қолиши лозим бўлган. Мусиқа чолғулари чалишни ўрганганда, шогирд устанинг ижрочилик манерасини қабул қилган.

XIX аср охирларига келиб ўзбек мусиқий маданиятида ўзгаришлар даври бошланди. Бу албатта, Туркистон ўлкасини Россия томонидан истило қилиниши билан боғлиқдир. Бу борада икки томонлама қараш билан ўрганмоқ зарур бўлади. Чунки баҳзи бир ҳолларда миллий мусиқа маданиятимизга салбий таъсирини кузатсак, иккинчи томондан, ўзига хос ривожланиш даври бўлганлигини ҳам эътироф этиш зарур бўлади. Чунки нота ёзувининг кириб келиши, ўлкамизда миллий мусиқа санъатимизни илмий равишда ўрганиш, фольклор ва этнография соҳасидаги ривожланишга сезиларли таъсир этди.

Янги ҳукуматнинг ижтимоий-маданий ҳаётида фаол иштирок этиб келаётган Фитрат ташаббуси билан 1921 йилда Бухорода очилган "Шарқ мусиқа мактаби" ташкил қилинишини ҳамда даргоҳга Фитратнинг ўз уйини ажратиб бериши ва унинг фаолиятига мутассадилик қилиб, мактабга Ота Ғиёс, Левича, Домла Ҳалим Ибодов, Шоҳназар Шаҳобов, Бобоқул Файзуллаев, Маъруфжон Тошпўлатов каби машҳур ҳофизу мақомшуносларни жалб этиши бу борадаги муносиб қадамлардан бири бўлди. Бу даргоҳда асосан мумтоз мусиқа – Шашмақом тарғиботи ва таълими йўлга қўйилди. 1925 ўқув йилидан бошлаб "Бухоро давлат Шарқ мусиқа мактаби"ни ўқув дастурига Европа нота ёзуви, сольфеджио, мусика назарияси, тарихи фанлари билан Европа чолғу созларни барча турлари киритилди. Уларда дарс бериш учун асосан Россия шахарларидан мутахассисларни таклиф қилди. Созанда, хонанда, композитор ва мусиқашуносларни тайёрлаш учун 3 босқич асосида шаҳарларда махсус давлат мусиқа мактаблари, техникумлари, консерватория ва санъат институтлари бирин-кетин ташкил қилина бошланди. Масалан 1924-25-йиллар Туркистон Халқ консерваторияси заминида, "Тошкент давлат мусиқа техникуми" интернати ташкил топди [2:65].

1928 йилда Самарқанд мусиқа ва хореография институти ўз фаолиятини бошлади. Институтнинг раҳбари Н.Н.Миронов эди. Институт ўз олдига халқ ижодиётини тадқиқ этиш, миллий ва Европа рақс санъатларини ўргатиш ва мусиқа тарихига оид маълумотлари тўплаш, ҳамда нота намуналарини яратишдек улкан вазифаларни мақсад қилиб қўйган эди. Бу мусиқа даргоҳида В.А.Успенский, Е.Е.Романовская сингари мусиқашунос ва этнограф олимларнинг меҳнатларини айтиб ўтиш зурур бўлади. Илёс Акбаров, Мутал Бурхонов, Юнус Ражабий, Толибжон Содиқов, Мухтор Ашрафий сингари мусиқамиз дарғалари улардан сабоқ олдилар. Бундан ташқари, жаҳон мусиқий маданиятининг дурдоналари саналмиш фортепиано сози, опера ва балет, симфоник ижро, жаҳон классик мусиқий созларининг кириб келиши мусиқий маданиятимизнинг ҳар томонлама серқирра ривожига салмоқли ҳисса қўшди.

Маълумки, ўзбек халқининг маънавий гўзаллиги асрлар қаъридан келаётган куй-оҳангларда бетакрор бадиий инъикосини топган. Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Сафиуддин Урмавий, Маҳмуд Шерозий, Абдулқодир Марoғий, Нажмиддин Кавкабий, Дарвиш Али Чангий каби мусиқашунослар ўз тадқиқотларида батафсил тўхталганлар. Бу анъана хонликлар даврида, XX аср бошларида ҳатто ҳозир ҳам давом эттирилиб келинмоқда. Мулла Бекжон Раҳмон ўғли ва Муҳаммад Юсуф Девонзодаларнинг «Хоразм мусиқий тарихчаси», В.Успенскийнинг «Шашмақом» («Олти мусиқий достон») нота тўплами ва «Ўзбекларнинг классик мусиқаси» мақоласи, А.Фитратнинг «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» рисолалари, Ғ.Зафарийнинг мақолалари ва «Фарғона-Тошкент устозларининг шажараси», И.Ражабовнинг "Мақомлар", О.Матёқубовнинг "Мақомот" монографиялари мусиқашунослик тарихида янги бурилишни юзага келтирди.

XX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган янги, европача тоифадаги мусиқий тафаккур ва миллий мусиқий қадриятлар Ўзбекистон заминида мувозий тарзда ривожланиб, ижодий ютуқларга эришилди. Ғарбий ва Шарқий Оврупа мамлакатлари тажрибасидан унумли фойдаланибгина қолмай, ўзгача яратувчанлик қонун-қоидаларини ўзлаштириш, уни ўзбек халқ мусиқасининг бой имкониятлари билан моҳирона пайванд қилиш мақсадида илғор композиторларимиз нафақат Марказий Осиё, балки Шарқ минтақаси доирасида улкан ютуқларни қўлга киритишга муваффақ бўлдилар.

**Адабиётлар**


1. Мамиров Қ. Ўзбек халқ қўшиқлари -Т.: 2008.
2. Мунавваров А.К. Педагогика. -Т.: "Ўқитувчи", 1996.
3. Соипова Д. Мусиқа педагогикаси. -Т.: 2010.
4. Қодиров Р. Мусиқа педагогикаси. -Т.: 2010.



**РЕЗЮМЕ**

Ушбу илмий мақолада Ўзбекистонда мусиқа педагогикаси, таълими, тараққиёти ва тадқиқотлари юзасидан қимматли маълумотлар ўрин олган. Бинобарин, унинг яқин ўтмиши ва бугунги аҳволи ҳақидаги айрим фикрлар ҳам келтирилган.

**РЕЗЮМЕ**

Статья содержит ценную информацию о музыкальной педагогике, её развитии и исследованиях проводимых в Узбекистане. Также есть некоторые сведения о её недавнем прошлом и нынешним состоянии дел.

**SUMMARY**

The article contains valuable information about musical pedagogy, its devolopment and research works done in Uzbekistan.There are also some data of its recent past and present state of affairs.

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЯНГИЛАШГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖ ВА ТАЛАБЛАР

**Г.Юсупова** – *ассистент ўқитувчи*

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** интеллектуал, конструктивизм, дидактик, фикрий ҳужум, интерфаол метод.

**Ключевые слова:** интеллектуал, конструктивизм, дидактический, мозговой штурм, интерактивный метод.

**Key words:** intellectual, constructionism, didactical, brainstorming, interactive method.

Бугунги кунга келиб бутун дунё миқёсида таълим тизимини тубдан ўзгартириш жараёни кетмоқда. Ҳозирги ўқитиш кечими учун ўқитувчининг айтганларинигина эслаб қоладиган ўқувчиларни тайёрлаш мақсад бўлолмай қолди. Асосан, хотирани ривожлантиришга йўналтирилган бундай таълим йўли давр талабига жавоб беролмайди. Чунки ҳар қандай кучли хотира ҳам чексиз ҳодисаларнинг барчасини қамраб ололмайди. Бунинг устига хотира ёрдамида ўзлаштирилган билимлар фақат стандарт вазиятлардагина фойдаланишга мўлжалланган бўлади. Нотаниш вазиятга дуч келиши биланоқ бу билимлар яроқсиз бўлиб қолади, ҳаёт эса ҳеч қандай стандарт қолипга тушмайдиган даражада ранг-барангдир. Шунинг учун ҳам ёш авлодни мустақил изланадиган, ностандарт вазиятларда энг мақбул ва оригинал қарорлар қабул эта оладиган қилиб тарбиялаш кун тартибига чиқди.

Америка олимларининг билимларини ўзлаштириш борасидаги кейинги тадқиқотлари шуни кўрсатадики, бугунги кунда дунёни билдириши жиҳатдан ўқитувчи оила, ахборот воситалари ва муҳитдан кейинги тўртинчи ўринга тушиб қолган. Оламдаги ҳар бир илмнинг бунга чуқурлашиб, энига кенгайиши шу даражага етдики, бир киши фаннинг кичик бир соҳасини ҳам тўлиқ ўзлаштириб олмайдиган бўлиб қолди.

Жамият аъзолари маърифатлилик даражасининг ўсиши оиланинг ички имкониятларини орттириб юборади. Деярли ҳар бир ота-она ўз болаларига мустақил равишда таълим даражасида билим бероладиган имкониятга эришади. Ахборот оқими миқиёснинг беҳад кенгайиши ахборот воситаларининг кўпайишига олиб келди. Тараққиёт эса, бу тийиқсиз ахборотлар оқимидан керакларини ўзлаштириб олишнинг ғоят қулай техник воситаларини яратади. Одамларнинг умумий интеллектуал савияси учун жаҳон миқёсида сезиларли юксалди.

Таълим тизими ва уни йўлга қўйиш борасидаги шу янгиланишлар кейинги вақтларда жаҳон миқёсида кенг ёйилиб бораётган интерфаол усуллар мустақил фикрлайдиган изланадиган ўқувчиларни шакллантириш имконига эгалиги билан эътиборга лойиқдир.

Интерфаол методлардан фойдаланиш ўқув машғулотларини қизиқарли қилади, уларнинг негизида конструктивизм фалсафа ётади. Конструктивизм кейинги 40 йил давомида очун педагогика илмида ҳам назарий қараш, ҳам амалий йўналиш сифатида кенг ёйилди.

Конструктивизм ҳақиқатга эришиш кечимини ҳақиқатнинг ўзидан кўра қимматроқ деб биладиган педагогик фалсафадир.

Шунинг учун ҳам интерфаол методларда эришилган дидактик натижадан кўра, унга келиш йўли, ўқувчиларнинг бу кечимдаги изланишлари, ташаббус кўрсатишлари муҳим саналади. <<Илмий билим турғин ҳодиса бўлмай тинимсиз қуриш ва қайта тиклаш этишдан иборат кечимдир>>, -дейди Жан Пиаже. Чиндан ҳам, ҳеч бир таълим бирор нуқтага етгач, тўхтаб қолмайди, балки узлуксиз равишда янги марралар сари интилишлар тизимидан иборат бўлади.

Интерфаол методларни қўллаш натижасида ўқувчиларнинг вазифа ва мақоми бир қадар ўзгаради. Интерфаол методлардан фойдаланаётган муаллим шунчаки дарс берувчи эмас, балки ўқувчининг тадқиқотчилик фаолиятидаги маслаҳатчи, ташкилотчи ва мувофиқлаштирувчидир. У ўқувчиларга мустақил ақлий фаолият шароит яратади ва унинг ташаббускорлигини ҳар томонлама қўллайди.

Интерфаол методлар орсида энг кўп қўлланиладиган ва катта самара берувчи усул фикрий ҳужум усулидир. Бу усул бирор синф ёки ўқувчилар жамоаси олдига қўйилган муаммони ечишнинг энг самарали ва демократик йўлидир. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ҳозир фикрий ҳужум усулидан фойдаланиш амалиётда ўқитувчилар ўтган мавзулар юзасидан ўқувчиларга турли туман саволлар билан ҳужум қилишлари кенг тарқалган. Ҳолбуки, фикрий ҳужумнинг бутун моҳияти ўқувчиларнинг ўзлари янги мавзуни ўзлаштириш ёки қўйилган бирор дидактик муаммони ҳал этиш учун фикрларни зўриқтириб, тинимсиз <<ҳужум>> қилиш ва шундай қизиқ ва қизғин фаолият натижасида ўқув топшириғини бажаришларидир. Бу усулнинг диққатга ўзаро биргаликда ишлашга, яхши ёки ёмон ўқишидан қатъий назар ҳар бир боланинг фикрини эшитишга ўрганишади. Гуруҳ аъзоларига бир ҳил баҳо қўйилиши эса болаларда жамоатчилик руҳини шакллантиради.

Интерфаол методлардан фойдаланиш таълимини ўқув предметлари асосида эмас, балки объектив очуннинг ўзидаги каби синкретик йўсинда ташкил этишни кўзда тутади. Бунда ўқувчи ва ўқитувчи болалар олдига уларни ўраб фани тушунчасидан юқори туриши талаб этилади. Шу боис ўқитувчи болалар олдига уларни ўраб турган реал борлиқдаги ҳақиқий муаммоларини қўйиши, бунинг учун ҳаётда кўп учрайдиган ва манбалардан топиш мумкин бўлган масалаларни дидактик топшириқ сифатида бериши керак. Агар бу хилдаги муаммоларни ўқувчиларнинг ўзлари тавсия этсалар, янада яхши бўлади. Ўқувчиларнинг олдига қўйиладиган муаммо ўйлаб топилган сунъий ёки изланишга арзимайдиган даражада кичик бўлмаслиги керак.

Машғулотлар сўнгида фикрий ҳужум жараёни қандай ўтгани ва қайси гуруҳга нима сабабдан қандай баҳо қўйилиши хусусида ўқитувчи бир неча оғиз сўз айтади. Алоҳида таъкидлаш керакки, баҳо алоҳида болаларга эмас, балки кичик гуруҳлардаги барча ўқувчиларга қўйилади. Шундай қилинса, гуруҳ аъзолари бир-бирларини ўқитишади, дидактик материалнинг барча қатнашчилар томонидан тўла ўзлаштирилишига эришилади.

Хуллас, таълим самародорлигини оширишда янги замонавий педагогик технологияларнинг аҳамияти кун сайин ортиб бормоқда, бу эса ҳар бир ўқитувчидан изланиш ва ижодкорликни талаб этиши шубҳасиздир.

**Адабиётлар**

1. Муҳамедова Д., Носирова Д. “Хозирги замон ўзбек тилини ўқитиш методикаси”. Дарслик. 2007.
2. Абдураҳмонова М. “Она тилини ўқитиш методикаси” услубий қўлланма. 2010.
3. Тухлиев Б., Шамсиева М., Зиёдова Т. “Она тилини ўқитиш методикаси”. Дарслик. 2002.
4. http://sahifa.tj/ uzbekskij_ russko.aspx. Русско - узбекский переводчик.
5. https://my.gov.uz/. Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali.
6. https://www.lex.uz. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi. http://library.ziyonet.uz/ - ta’lim portali.

**РЕЗЮМЕ**

Таълим тизими ва уни йўлга қўйиш борасидаги янгиланишлар кейинги вақтларда жаҳон миқёсида кенг ёйилиб бормоқда. Интерфаол усуллар мустақил фикрлайдиган, изланадиган ўқувчиларни шакллантириш имконига эгалиги билан эътиборга лойиқдир. Интерфаол методлардан фойдаланаётган муаллим шунчаки дарс берувчи эмас, балки ўқувчининг тадқиқотчилик фаолиятидаги маслаҳатчиси, ташкилотчиси ва мувофиқлаштирувчиси.

**РЕЗЮМЕ**

Система образования и внедрение инноваций широкое распространение во всём мире в последнее время. Интерактивные методы являются эффективными, потому что они обладают способностью формировать у учащихся критическое мышление. Преподаватель использующий интерактивные методы на уроке, является консультантом, организатором и координатором исследовательской деятельности студента.

**SUMMARY**

The education system and students implementation of innovations in it have been widely spread around the world lately. Interactive methods are remarkable because they have the ability to form in independent critical thinking. The teacher using interactive methods at the lesson is a consultant, organizer and coordinator in the student’s research activity.

## Tálim - tárbiya metodikası

# ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

**Ш.Абдиназимов** – *филология фанлари доктори, профессор*
*Бердақ номидаги Қарақалпоқ давлат университети*
**Г.Тоирова** – *филология фанлари бўйича фалсафа доктори*
*Бухара давлат университети*

**Таянч сўзлар**: семинар-дарс, конференция-дарс, фантазия-дарс, «зинама-зина», «тез айтиш», «пирамида», электрон китоб.

**Ключевые слова**: урок-семинар, урок-конференция, урок-фантазия, «шаг за шагом», «пирамида», «скороговорка», электронная книга.

**Key words**: lesson - seminar, lesson conference, lesson-fantasy, step by step , Pyramid, tongue twister , an e-book.

Кейинги йилларда мустақил Ўзбекистонимизда нафақат иқтисодий соҳада, балки таълим соҳасида ҳам кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Босқичма-босқич амалга оширилаётган «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» нинг иккинчи босқичида таълим тизимига янги педагогик технология (ЯПТ)ларни олиб кириш, умумий, ўрта махсус таълим ҳамда олий таълим тизими моддий техника базасини мустаҳкамлашдек улуғвор вазифани амалга ошириш вазифаси юклатилган. Ҳозирги кунда янги педагогик технологиялар ўқув материалини тингловчига етказишнинг энг содда усули сифатида баҳоланиб, таълим жараёнини янги сифат кўрсаткичларига олиб чиқиши мумкин бўлган энг муҳим омил эканлиги услубшунослар томонидан эътироф этилмоқда.

Таълим-тарбия иши бугунги кунда ўқувчини ҳар томонлама ривожлантиришни мажмуавий жараён сифатида намоён бўлмоғи керак. Шунинг учун ҳам мазкур жараён турли ёшдаги ўқувчиларнинг ақлий ривожланиш динамикасини, ўқув-билув жараёнида ўқувчи шахсининг фаолияти, таҳсил олиши ва ривожланишининг ўзаро алоқадорлигини таъминлашга ёрдам бермоғи лозим. Айнан бу ҳолат ривожлантирувчи таълим ғоясида ўз аксини топмоқда.

Ўқувчи шахсининг умумий ривожланишига йўналтирилган ўқув-билув жараёнини ташкил этиш ўта долзарб масалаларидан биридир. Бунда билиш жараёнининг ўзи ўқувчини кузатиш, унниг фаолиятини ташкил этишга йўналтирилмоғи лозим.

Дидактик ва психологик талабларни ҳисобга олган ҳолда муайян ўқув предмети доирасида махсус ташкил этилган индивидуал ҳамда алоҳида гуруҳларда, жамоа бўлиб олиб бориладиган ишлар орқали ҳамда турлича мураккаблик даражасида бўлган топшириқларнинг ҳар томонлама ўйлаб чиқилган тизими ҳар бир мавзунинг ўзлаштирилиши муайян педагогик шарт-шароитларни талаб қилади. Ана шу маънода дарсларни мазмунли, қизиқарли ташкил қилиш омиллари ниҳоятда ранг-барангдир.

Дархақиқат, истиқлол шарофати билан она тили таълими мазмуни тубдан янгиланди. Таълим она тили ўқитувчилари олдида ҳам ижодий тафаккур соҳибини етиштириш вазифасини юклади. Аммо бу улуғвор вазифа илғор педагогик технологияларни дарс жараёнига қўллаш билангина амалга оширилади. Маълумки, она тили таълими технологияси таълим мазмуни, усули, воситалари билан чамбарчас боғлиқ. Таълимнинг янги мақсади янги усуллар билан дарс ўтишни тақозо этади. Жумладан, машғулотларда қуйидаги усуллардан фойдаланиш ўқув самарадорлигини оширишга хизмат қилади: семинар-дарс, конференция –дарс, матбуот – дарс, мусобақа - дарс, фантазия-дарс ва бошқалар. Бу усулларнинг барчаси бир-биридан мазмунли, қизиқарли ва айни замонда такрорланмасдир.

Ҳар бир машғулотда айниқса, қуйи синфларда дарс мақсадидан келиб чиққан ҳолда «зинама-зина», «тез айтиш», «пирамида» каби ўйин турларидан фойдаланиш мумкин.

1. Тез айтиш. Бу ўйинни «Сўз ясалиши» мавзусини ўтиш жараёнида олинган билимларни мустаҳкамлаш ва хотирани синаш мақсадида тадбиқ этиш мумкин. Ўйин тартиби қуйидагича:

1. Синфдаги барча ўқувчилар иштирок этади.
2. Иштирокчилар ясама сўз айтиши керак.
3. Ўзидан олдинги иштирокчи айтган сўзни айтиб, сўнгра ўзи янги (такрорланмаган) сўз айтиши керак.
4. Янги сўз айта олмаган ёки айтилган сўзни такрорлаган ўқувчи ўйиндан чиқади.
5. Барча сўзларни ўз ўрнида хатосиз тез айта олган ўқувчи ғолиб саналади.

2. Синквейин. Қуйи синфларда «Синонимлар» мавзусини ўтиш жараёнида синквейин усулида мавзуни хулосалаш мумкин. Масалан, ўқитувчи магнит доскасига «Дарс ўтаётган ўқитувчи» расмини илади ва тўрт нафар ўқувчига қуйидагича топшириқ беради:

1-ўқувчи: расмни икки сўз билан ифодалаши; 2-ўқувчи: расмни уч сўз билан; 3-ўқувчи эса тўрт (жумла) сўз билан ифодалаши ва 4-ўқувчи битта сўз билан ифодалаши керак. Бу жараён қуйидагича амалга оширилади:

1-ўқувчи: биринчи **муаллимим.**

2-ўқувчи: Ҳарф танитган **ўқитувчим.**

3-ўқувчи: Одоб-ахлоқдан сабоқ берган **мураббийим.**

4-ўқувчи: **Устозим.**

Уларни тинглаб турган синфдаги бошқа ўқувчи мавзуни қуйидагича хулоса қилади: айтилиши ҳар хил, маъноси бир-бирига яқин бўлган сўзлар синонимлардир. Жумладан, муаллим, ўқитувчи, мураббий, устоз сўзлари синоним сўзлар ҳисобланади.

Тил таълимида, жумладан, морфология сатҳини ўқитишда грамматик топишмоқлардан ўринли фойдаланиш ва уларни саҳнада эртак қаҳрамонлари нуткида баён этиш болаларда саҳна маданиятини тарбиялабгина қолмай, балки эртак қаҳрамонларининг нутқига жавобан тез ва равон жавоб топишни ҳам ўргатади. Дарсни топишмоқлар асосида ташкил этиш ўқитувчига тез ва қулай баҳолаш имкониятини яратади, чунки ўқувчилар орасидаги баҳсу мунозара бунга сабаб бўлади. Масалан, мавҳум отлар мавзусини ўрганиш жараёнида қуйидаги грамматик топишмоқлардан фойдаланиш фақат таълим бериш эмас, балки тарбия беришнинг муҳим омили ҳамдир.

Йигитларга **вазминлик,**  
Қизларга бўлсин ибо.  
Донога **бағри кенглик,**  
Ёшларда бўлсин ҳаё.  
Қандай қўшимчадир – лик,  
Қандай сўз: **бағри кенглик ?**  
**ёки**  
**Тозалик** умрингга умр қўшади,  
**Яхшилик** қалбларга қувонч қўшади.  
Иккиси бўлса доим одатинг,  
Шудир сенинг шарафинг, саодатинг.  
Матнда қайси сўзлар,  
Бўлибди мавҳум отлар ?

3. Бурчаклар ўйини. Ўқитувчи она тилидан маълум боб ёки катта бир бўлимни ўтиб тугатгач, такрорлаш ёхуд мустаҳкамлаш дарсларида бу ўйин туридан фойдаланиши мумкин. Масалан, 5-синфда «Ёрдамчи сўз туркумлари» ўрганилгач, синфнинг уч ёки тўрт бурчагига «Боғловчи», «Юклама», «Кўмакчи» каби ёзувлар ёзилган тахтачаларни илиб қўйган бўлади. Дарс мақсади эълон қилингач, ўқувчилардан ихтиёрий суратда шу бурчакларни танлашлари ва нима учун шу бурчакни танлагани сабаблари сўралади. Ўқувчилар биринчидан танлаган бурчаклари номига таъриф беришади ҳамда уни нима мақсадда танлаганликларини изоҳлашади. Шу йўл билан ўтилган мавзулар мустаҳкамланади.

Дарҳақиқат, замонавий информацион технология жуда кўп имкониятларни яратиб бермокда. Масалан, компьютер мультипликатция, мультимедия ва бошқалар. Улар ўз навбатида фаол ҳаракатлантирувчи ўқув тизимини ва электрон китобларни яратишга қулай имкон беради. Натижада замонавий информацион маъруза, амалий ва тажриба хоналарини ташкил қилинмоқда.

Жумладан, талаба электрон китоб орқали қуйидаги имкониятларга эга бўлиши мумкин:

- Зарурий адабиётни тезда излаш(оддий дарсликда буни излаш қийин бўлиши мумкин).
- Мавзуга дахлдор илмий адабиётдан(асл нухасидан) фойдаланиш.
- Матннинг зарурий лавҳаларини принтер орқали босмадан чиқариш .
- Маърузада олган билимини мустаҳкамлаш ва тез текшириш (тест, бошқотирма, ижодий матн тузиш, жадвални тўлдириш каби)
- Кўпхонали интерфайсдан фойдаланиш
- Вертуал мулоқот асосида олиб бориладиган ўқитиш тизимидан фойдаланиш (масофавий ўқитиш)
- Оддий дарсликда бўлмаган аудио, видео кўринишларни,(жонли овоз, рангли тасвир, мусика) ҳаракат элементларини кўриш ва эшитига муяссар бўлади.

Умуман, таълимида бундай ўйин турлари ва замонавий информацион технологиядан фойдаланиш ўқувчилар билимининг ошишига, тафаккурини ўстиришда, шу билан фанлараро алоқадорликни таъминлашда муҳим омиллардан биридир. Қолаверса, у болаларни эътиборли бўлишга, мустақил ижодий фикр юритишга ўргатади, билимларни ўзлаштиришга ижобий таъсир этади. Бундай машғулотлар ўқувчини толиқтирмайди, аксинча, уларга ўзгача шавқ ва шодиёналиклар улашиб, ижодкорликка ва қизиқувчанликларга чорлайди.

Мавзуга оид шиор, режа, тест топшириқлари, шу мавзуга оид топишмоқлар, проектор орқали кинофильмдан лавҳа ёки магнит лентасига ёзилган оғзаки матн, бошқотирма, мавзуга доир журнал, қўлланма, дарслик ҳамда луғатлардан фойдаланиш дарс самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаларидир.

**Адабиётлар**


1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. "Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ тўққизинчи сессиясида қилинган маъруза, 29 август, 1997) -Т.: 1997.
2. Авлиёқулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. -Т.: 2001.
3. Азизхўжаев Н.Н. Ўқитувчи мутахассислигига тайёрлаш технологияси. -Т.: 2000.
4. Неъматова Г.Ҳ. Ижодий тафаккурни ривожлантириш технологияси ва ўқитувчининг мустақил фаолияти. (она тили ўқитувчилари учун методик тавсиялар). -Т.: 2001.
5. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. -Қарши: «Насаф», 2000.
6. Сирожиддинов Р. Грамматик топишмоқлар. -Т.: «Ўқитувчи», 1995.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада она тилини ўқитишда инновацион технологияларнинг самарадорлиги ўрганилган. Курснинг самарадорлигини оширишда метод ва ўйинлар аҳамиятли ҳисобланади. Янги педагогик технологиялар ўқув материалини тингловчига етказишнинг энг содда усули сифатида баҳоланиб, таълим жараёнини янги сифат кўрсаткичларига олиб чиқиши мумкин эканлиги эътироф этилмоқда.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается эффективность использования инновационных технологий в преподавании родного языка. Для повышения эффективности курса важны многочисленные игры и методы. Новые учебные материалы и образовательные технологии рассматриваются как простой способ добраться до слушателя, и это может способствовать повышению качества образовательного процесса.

**SUMMARY**

The author of the article studies the effectiveness of the use of innovative technologies in the teaching of the mother tongue. In increasing the effectiveness of the course numerous games and techniques are very important. New teaching materials and educational technologies are regarded as the easiest way to get to the listener, and it can enhance the quality of the educational process.


## TEXNOLOGIK LOYIHALASH – MUSIQA MASHG’ULOTLARIDA SAMARALI TA’LIM


**E.Abdukarimova –** *assistent o’qituvchi*

*Jizzax davlat pedagogika instituti*



**Tayanch so’zlar:** pedagogika oliy o’quv yurtlari, musiqa ta’limi, mumtoz va maqom musiqasi, tashkil etish texnologiyasi, loyihalash, afzallik.

**Ключевые слова:** школа, музыкальная культура, классическая музыка, организация, технология, проектирование, будущий учитель, преимущество

**Key words:** school, music culture, classic music, organization, technology, designing, future teacher, advantage.


Pedagogika oily o’quv yurtlari (Pedagog o’qituvchilar tayyorlaydigan universitet va institutlar) asosan umumta’lim o’rta maktablari uchun mutaxassis o’qituvchilar tayyorlaydi. Bugungi talabalar ertangi tarbiyachi murabbiylardir. Shuning uchun ham bu dargohlarda faoliyat ko’rsatadigan har bir fan o’qituvchisi o’zi dars beradigan

har bir fan bo'yicha chuqur nazariy bilim, malaka, amaliy ijrochilik tajribalariga va shu bilan birga ta'lim mazmuni, sifat va samaradorligini ta'minlash imkonini beruvchi ilg'or pedagogik texnologiyalar bo'yicha yuqori tayyorgarliklarga ega bo'lishlari kerak.

Hozirda respublikamizdagi barcha pedagogika oliy o'quv yurtlarida "musiqa ta'lim" yo'nalishlari mavjud bo'lib, ularda ta'lim oluvchi talabalarni maktab faoliyatiga tayyorlash, ularni musiqa san'atining bir qator, alohida mutaxassislik maqomiga ega bo'lgan fan sohalaridan chuqur bilim, kasbiy malakaviy tayyorgarlikka ega bo'lishlarini taqozo etadi. Bu zarurat umumta'lim maktablarida bir soatlik musiqa darsida musiqa o'qituvchisining bir necha musiqa fanlaridan olgan bilimlariga tabiiy ravishda murojaat qilishga ehtiyoj mavjudligi bilan izohlanadi.

Masalan, musiqa darsining musiqa tinglash jarayonida o'qituvchi o'z xoxishiga bog'liq bo'lmagan holda musiqa tarixi, nazariyasi, musiqa asarlari tahlili, garmoniya fanlaridan olgan bilimlariga tayanib ish tutsa, qo'shiq kuylash faoliyati muvaffaqiyatli kechishida uning xor va xorshunoslik, vocal ijrochiligi, cholg'u ijrochiligi, musiqa darsida o'qituvchi o'zi jo'rnavoz vazifasini bajaradi, dirijorlik fanlariga oid bilim, malakalari qo'l keladi.

Pedagogika oliy o'quv yurtlarining musiqiy ta'lim yo'nalishlari ayrim mutaxassislik fanlarini aynan mutaxassis pedagoglar tomonidan o'tilmayotganligi bugungi kunda jiddiy muammolar sifatida ko'zga tashlanmoqda. Bu holat ayniqsa, ushbu ta'lim yo'nalishi o'quv rejasiga mustaqillik sharofati bilan kiritilgan "An'anaviy xalq qo'shiqchiligi" hamda "O'zbek mumtoz qo'shiqchiligi" fanlari o'qitilishida ko'proq zohir bo'lmoqda. Chunki mumtoz va maqom asarlarini ijro etish, ularni talabalarga o'rgatish maxsus pedagogik yondashuv uslub va vositalardan foydalanib ish tutishni taqozo etadi. Bu o'rinda bo'lg'usi musiqa o'qituvchisi eng avvalo, xalq musiqa ijodidan, xalq qo'shiqchiligi, mumtoz va maqom san'atidan muayyan kasbiy – malakaviy tayyorgarlikga, shu bilan birga hofizlik, cholg'uchilik mahoratiga ega bo'lishi eng asosiy shartlardan hisoblanadi.

Mumtoz va maqom ashulalari nafaqat kuyi, musiqiy matn tuzulishi, chuqur mazmunga ega she'riy matni bilan yuksak badiiy qiymatga egaligi, keng qamrovliligi va murakkab shakli bilan ijrochidan yuqori malaka, iqtidor, keng ovoz diopozoni, mohir sozandachilik, shuningdek, pedagogik-psixologik mahoratni talab qiladi. She'riy matnlardagi o'xshatishlar, solishtirishlar, tashbehlar, ruhiy holatlar, obraz va voqelikka xos sifatlarning ijodkor ichki kechinmalari, hissiyotlari bilan bog'lanib, bo'rttirib tasvirlanishi, kuy tuzilmasining murakkab kompozitsiyasi, ohang ijrosidagi o'ziga xos nola, qochirimlar, avjlar, ma'lum tuzilmalarni takrorlanib kelishi va milliy ijrochilikka xos bezaklar mumtoz maqom va xalq ashulalari ijrochiligining eng muhim xususiyatlari sanaladi.

Mumtoz va maqom ashulalarining aksariyati mumtoz shoirlar she'r-g'azallarigabastalangan bo'lib, ularda bugungi kunda nutqimizda iste'molda bo'lmagan ko'plab so'zlar, atamalar, joy nomlari, sharq sheriyatiga xos tashbehlar mavjudligi ularning ma'no va mazmunini anglab olishda jiddiy muammoli vaziyatni yuzaga keltiradiki, ularni chuqur anglamasdan, his qilmasdan unga bastalangan ashulaning qiymatini, badiiy asar sifatidagi darajasini to'la idrok etib bo'lmaydi.

Ta'kidlab o'tilgan fanlarni o'qitilishida ko'zga tashlangan jiddiy muammolardan yana biri fan o'qituvchilarini ushbu fanlar bo'yisha maxsus kasbiy-malakaviy va me'todik tayyorgarlikka ega emasliklarida ko'rinadi.

An'anaviy va xalq qo'shiqchiligi mashg'ulotlari jarayonida mashhur hofizlarning ijro uslublari, tajribalari bilan yaqindan tanishtirish, darslarni o'ziga xos texnologik yondashuvlar asosida tashkil etish, musiqa ta'lim pedagogikasi oldida turgan dolzarb vazifalardandir. Tabiiyki, muammolarni har biri alohida ta'rif, yo'l-yo'riq, pedagogik va me'todik ish uslub, shakl, vositalardan maqsadli va o'rinli foydalangan holda ish tutishini talab qiladi.

Ushbu yo'nalishdagi tadqiqiy izlanishlar natijasida bir qator mumtoz ashulalarni o'rganishning texnologik loyihalarini ishlab chiqishga erishdik. Mana shunday loyihalardan biri musiqa san'atimizning noyob gultojlaridan bo'lgan "Samarqand ushshog'i (injost) ashulachiga tegishlidir. Sof ishqiy muhabbatni tarannum etuvchi bu ashulaning g'azali fors tilida yozilganligiga qaramay uni o'zbek, tojik san'atkorlarining juda ko'plab avlodi mahorat bilan ijro etib kelishadi va u bugungi kunda ham juda ko'p yosh xonandalar repertuarlaridan keng o'rin olgan mumtoz asardir. Ushbu ashulani dars jarayonida o'rganish hal etiladigan muayyan vazifalar yechimi orqali amalga oshirildi: [1]

1. Ashulani talabalarning ijrochilik malaka va ovoz imkoniyatlariga mosligini o'rganish (asar diapozoni, unga talabalar ovoz imkoniyatlarini

Mos kelishi, avji, ko'pchilik bo'lib va ayrim qismlarini kimlar ijro etishi aniqlanadi).

2. Ashulaning fors tilida yozilgan va o'zbek tiliga o'girilgan matni yozuv nusxalari yozilgan plakatlarni olb qo'yish.

3. Talabalarda ashulaga mos kayfiyatni vujudga keltirish (Ashulani mashhur san'atkorlar ijrosidagi yozuvlarni tinglash, qo'shimcha ma'lumotlarga o'rin beriladi). Masalan, shu o'rinda xalqimizning ardoqli va mashhur san'atkori Halima Nasirova bu ashulaga mehri va uni qanday o'rgangani xususida yozgan estaliklaridan parcha o'qib eshittiriladi.

Ashulaning she'riy matn muallifi haqida ma'lumotlar: "Samarqand ushshog'i " (Injost) ashulasi XVII asrda yashab ijod etgan shoira Zebunisoning "Injost" (Kelmadi) radifli g'azaliga bastalangan. Ulug' shoir va shoh Bobur avlodidan bo'lgan Zebuniso Sharq adabiyotida ma'lum iz qoldirgan Rabal Balxiy, Maxsatiy, Ismatiy, Iffatiy, Samarqandiy kabi ijodkorlar qatorida sharq she'riyatida yorqin iz qoldirgan shoiradir. Uning ishqni ulug'lovchi, insoniy fazilatlami madh etuvchi sherlari."Injost", "Nashud", "Garchu man Layli asosam" singari maqom kuylariga solib aytiladigan g'azallari mashhurdir.

- Ashulaning mohir ijrochilari haqida ma'lumotlar. Ashulani qiyomiga yetkazib ijro etgan mashhur san'atkorlar (Hoji Abdulaziz Rasulov, Levi Boboxonov, Shohista Mullajonova, Berta Davidova, Dilnura Qodirjonova, Malohat Dadaboyeva kabilar) haqida qisqa suhbat o'tkazish, ular ijrolarini qiyosiy tahlil qilish.
- Ashulaning she'riy (O'zbek tiliga o'girilgan) matnini ifodali o'qish. Bu vazifa oldindan bir talabaga topshirilgan bo'ladi.
- Asar she'riy matnidagi tushinilishi qiyin so'zlami aniqlash, izohlash. "Shahid", "Karbalo", "Ka'ba", "Zakot", "Karashma", "Mustahiq" kabi so'zlar.
- Oldindan bir - ikki talabani ashula ijrosiga tayyorlash. (San'at kollejlarini an'anaviy ijrochilik yo'nalishini tugatgan talaba bo'lsa yanada yaxshi).
- Asar ijrosidagi nola, qochirim, bo'rttirish, milliy ijrochilikka xos bezaklami ijro etish holatlami belgilash, mashqlar tanlash.
- Ashulani qismlarga bo'lib o'rganish. (Necha soatga mo'ljallanganligini hisobga olib vaqtni taqsimlash).
- Asar o'rganilgach, uning yozuvini talabalarga eshittirish, xato, kamchiliklar va ba'diiy ijro ustida ishlash.
- Yakuniy suhbat o'tkazish. (Ijroni baholash, xulosa).

Asarni o'rganish jarayonida quyidagi pedagogik va psixologik holatlarga e'tibor berish boshqa mumtoz asarlami o'rganishda ham qo'l keladi:

1) Mumtoz ashulalar yirik hajmli,, murakkab tuzulishdagi, nola, yuqori avjlarga boyligi sabab ulami o'rganishda talabalarni sabr-toqatli bo'lishga o'rgatish.

2) Ashulalami o'zlashtirish murakkab pedagogik, psixologik tayyorgarlik, ijrochilik ko'nikma va malakalarni talab qilishi bois uni o'rganish vaqtini aniq cheklab qo'ymaslik.

3) Ovozlami zo’riqtirmasdan, dastlab bir- ikki ton past pardalarda o'rganish.

- Nafasni rejali sarflash, unli, undosh tovushlami aniq intonatsiyasiga erishish.
- Mumtoz va maqom ashulalari ijrosiga xos “daromad”, “miyonxat”, “du- nasr”, “kichik avj”, “avji turk” lcabi atamalar mohiyatini tushuntirib berish orqali talabalami milliy ijrochilik malaka va mahoratlarini shakllantirishga erishish mumkin.

**Adabiyotlar**

1. Qudratov I. Talabalami xalq qo’shiqlari vositasida estetik tarbiyalash. -Toshkent: «Fan», 2009.
2. Fayzullayev E. Bo’lajak musiqa o’qituvchilari ba’diiy didini shakllantirishda o’zbek mumtoz musiqasi imkoniyatlaridan foydalanish. -Toshkent: Fan va texnologiyalar markazi bosmaxonasi, 2008.
3. Nosirova H. Men o’zbek qiziman. -Toshkent: «G’afur G’ulom», 1968.
4. Hasanov A. Musiqa va tarbiya. -Toshkent: «O’qituvchi», 1993.

**REZYUME**

Maqolada pedagogika oliy o’quv yurtlarining “Musiqiy ta’lim” yo’nalishida mumtoz va maqom mavzusidagi darslarni texnologik loyihalashtirish asosida tashkil etishning afzalliklari haqida fikr yuritiladi.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается преимущество организации уроков музыки по принципу технологического проектирования по темам классической музыки в общеобразовательных школах, описываются проблемы по подготовке будущих учителей музыки в высших педагогических учебных заведениях.

**SUMMARY**

The article considers the advantages of organizing music lessons on the basis of technological designing on the topics of classical music in secondary schools. The author also describes the existing problems in training future music teachers at higher educational institutions.

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИГА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАТИШДА ЎЙИНЛАРНИНГ РОЛИ

**Б.А.Арзиева -** *ассистент ўқитувчи*

**Г.Норматова -** *талаба*

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** болалар, дидактик уйинлар, ноанъанавий, интерфаол ўйинлар, мантикий фикрлаш, ривожлантириш, фаоллик.

**Ключевые слова:** дидактические игры, нетрадиционный, интерактивные игры, логическое мышление, развитие, активность.

**Key words:** didactic games, non-traditional, interactive games, logical thinking, development activity.

Республикамизда кейинги йилларда инглиз тилига алоҳида этибор берилиб келинмоқда. Ҳозирги ривожланаётган даврда инглиз тилини билмасдан ишлаш кийин бўлиб бормоқда. Инглиз тилини ўрганувчиларнинг ёши ҳам ўзгармокда. Ҳозирги кунга қадар инглиз тилини ўқитиш методикаси бошланғич синфларга қаратилган бўлса, ҳозирда ота- оналар инглиз тилини эртароқ, мактабгача ўргатишга бош қотиришмоқда.

Болаларни ақлий жиҳатдан камолотга етказиш, маънавий дунёсини бойитиш замонавий педагогнинг бош вазифасидир. Мактабгача таълимда ўқиш даври мобайнида болалар ҳаётини асосан ўйин ташкил этади. Ўйин орқали болалар маҳнат қиладилар, уларда муйаян қобилият ривожлана бошланади. Мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг биринчи босқичи ҳисобланиб, у ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабгача тайёрлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 30 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармони, ҳамда «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ги қарори бунга яққол мисол бўла олади. Таъкидлаш жоизки, мактабгача таълим муассаса (МТМ) ларида таълим ва тарбия жараёнини юқори савияда ташкил этиш, тарбияланувчи болаларга таълимнинг кейинги босқичларида қийналмасдан муваффақиятга эришишларида имконият яратади [1].

Мактабгача таълим самарадорлигини оширишнинг асосий шарт-шароитлардан бири болаларга инглиз тилини ўргатишда ҳар қил таълим воситаларидан фойдаланиш ҳисобланади. Бу воситалар ичида педагогик технологиянинг мухим таркибий қисми ҳисобланган дидактик ўйинлар мухим ўрин тутади. Шунингдек, дарс самарадорлигини таъминлашда турли таълим воситаларидан фойдаланищ, дарсларда муаммоли вазиятларни вужудга келтиришга хизмат қилувчи ва технологик характердаги дидактик ўйинларнинг имкониятлари беқиёсдир [3].

Инглиз тилини ўргатиш мазмуни мактабгача таълим муассасаларида жуда қисқа ва осон сўзлардан, жумлалардан бошланади. Мазмунни тушунишни ўргатиш содда, қўлай ва зарур кўргазмалилик асосида олиб борилади. Мана шу йўл билан болаларнинг сўз бойлиги кенгайиб, чуқурлашиб ва ўсиб бориши таъминланади.

Қорақолпоғистондаги мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари хозирда болаларга инглиз тилини ўргатишда, чет эл услубий қўлланмаларидан, китоблар ва компьютер дастурларидан фойдаланилиб келаётганини айтадилар. Ҳозирги кунга келиб хорижий мамлакатларда, мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларини инглиз тилига ўргатиш борасида кўплаб таълим дастурлари ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу дастурлар асосида Республикамизда Мактабгача таълим муассасалар учун инглиз тилини ўргатиш бўйича Марказ илмийметодик кенгашининг қарори билан «Мактабгача таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитиш дастури» ишлаб чиқилган.

Ушбу дастур юзасидан мактабгача таълим муассасаларига мўлжалланган методик адабиётлар, услубий қўлланмалар, тавсияларни юқори савияда тайёрлаш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг мактабгача таълим бўлими бошлиғи С.Мирджалилова раҳбарлигида Марказ методистлари ва илғор иш тажрибага эга бўлган амалиётчилардан иборат ишчи гурухи ташкил этилди. Ушбу гуруҳ ҳар ҳафтада бир маротаба Марказ қошида ўз йиғилишларини ўтказиб, ҳозирга қадар ишчи гуруҳ томонидан мактабгача таълим муассасаларининг катта ва тайёрлов гуруҳларида чет тилига ўргатишни ўйин тарқисида ташкил этиш мақсадида «Мактабгача таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитиш дастури» «Болажон» таянч дастурига мувофиқлаштирилган ҳолда қайта ишлаб чиқишмоқда.

Ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган дастур асосида муаллифларга намунавий машлуғот ишланмалари ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

Ушбу дастурларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ўзида болаларга мўлжалланган инглиз тилида сўз ибораларни, шеърлар, қўшиқлар ва турли хил интерфаол ўйинларни мужассамлаштирган.

2013-2014 ўқув йилидан бошлаб, Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва педагог ходимларининг малака ошириш курси давомида ўқув режаларига 8 соат хажмида чет тилини ўргатишни киритиш, шу йўналишда ўқув ражалари ва дастурларига тегишли

ўзгартиришлар киритиш юзасидан А.Авлоний номли Халқ таълими ходимларининг қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти билан хамкорликдаги ишларни ташкил этиш режалаштирилган.

Бу дастур ишланмаси «Дружим с английским языком» («Инглиз тили билан дўстлашамиз»), деб номланган.

«Дружим с английским языком» («Инглиз тили билан дўстлашамиз») дастурининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, ундаги таълим жараёни инглиз тили таллафузи билан боғлиқ булиб, ҳар бир мавзу қизиқарли ҳикояларга бой. Болаларда инглиз тилига кучли қизиқиш уйғотиш мақсадида, турли кўнгилочар уйинлар, қизиқарли топишмоқлар, шеърлар, қўшиқлар, диалогли суҳбатлар ишлатилган. Болалар сони 5-8 дан 10-12 гача ташкил этиши зарур. Муаллифнинг дастури доирасида 4-5 дақиқа давомида танаффус эълон қилиниб, жисмоний машқлар, қўшиқ куйлаш, рақсга тушиш мажбурий хисобланади. Натижада, завқ билан куйлаган қўшиқлари ва айтилган шеърлар болалар хотирасига сингиб, инглиз тилида сўзлашиш кўникмасини шакллантириб, лексик ва фонетик жиҳатдан мустахкамланади. Бундан ташқари, инглиз тилида ишланган видео тақдимотлар орқали болалар инглиз миллатининг маданияти билан яқиндан танишишга ва эртак қаҳрамонлари билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришишга муяссар бўлишади. Хуллас, бу дастур 30-дақиқадан 72 ўқув саотига мўлжалланган бўлиб, мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларига инглиз тилини ўргатишда замонавий ва илғор педагогик технологияларга асосланган намунавий ўқув қўлланмадир [2].

Инглиз тили дарсини дидактик ўйинлар орқали ташкил эти шва ўтказиш методикасига оид тадқиқотларда ва «Тил уйинлари» китобларида унинг бир неча босқичлари ажратиб кўрсатилади.

Айрим тадқиқотчилар ўйинларни ташкил этишда қўйидаги босқичларни ажратиб кўрсатадилар: а) ўйин қоидалари; б) тарафларни танлаш; в) ўйин харакатлари; г) якуний. Бу босқичлар ўз хусусиятлари, ўйинга сарфланган вакт, болаларнинг мустақиллиги ва тарбиячи фаолиятига кўра бир-биридан фарқ қилади [5].

Бу босқичларнинг методик таъминотини қўидагича таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади:

Биринчи босқич-уйин қоидалари. Бу босқичда кўпроқ вакт ажратилди. Анъанавий дарсдан кўра дидактик ўйин ташкил этиш мураккаброқ жараёндир. Бу босқичда ўқитувчининг асосий вазифаси ўйин қоидасини ишлаб чиқиш, болаларга ана шу қоидани ўргатиш, ўйиннинг мақсади ва вазифаларини тушунтиришдан иборатдир. Уйин қоидасини ишлаб чиқиш, ҳар бир иштироқчига алоҳида-алоҳида вазифалар белгилаш. Тасодифий холатлар содир бўлганда нималар қилиш кераклиги, ўйиннинг бошланиш ва тугатиш, харакатлар сони кўзда тутилади;

Уйиннинг тафсилотини ёзиш. Бунда бошқарувчи ва ҳар бир иштирокчи харакатларини тасвирлаб, ўйинлар учун махсус кўрсатма тайёрланади. Уйин қоидаларини сўзлар билан эмас, балки харакатлар билан тушинтириш.

Кейинги босқичда болалар тарафларини танлаш. Бунда болалар кичгина гуруҳларга бўлиниб, мусобаҳа тарзида ташкил этилади. Бунда аввало ўрганилаётган мавзуга оид ўйиннинг бошланиши ҳақида болаларга хабар қилиш; ўйин тайёрлаш ва ўтказиш учун ҳар бир гуруҳдан бошқарувчи танлаш, сайлаш ишлари амалга оширилади.

Учинчи босқич-ўйин ҳаракатлари. Ўйинни ўтказиш услуби қатъий белгиланмайди. Болаларга эркинлик берилади ва уларнинг ўйиндаги ижодкорлиги рағбатлантирилиб борилади.

Тўртинчи босқич-ўйин натижаларини таҳлил қилиш. Бу ўйиндв ҳал қилувчи мавқега эга бўлади: бу босқичда болаларнинг ўйини жараёнида ўзлаштирган билимларини тартибга солиш, ўйин иштирокчиларининг инглизчада ўрганган янги сўз иборалари такрорланади.

Гуруҳлараро ўйинлар болаларнинг ижодкорлик қобилиятларини ўстиради ва натижада инглиз тилида сўз бойлиги ҳажми ортиб боради. Демак, ҳар қандай ўйинга тайёргарлик даврида унинг мақсадини аниқ белгилаш зарур. Ўйин қатнашчиларини унинг қоидаси билан тўлиқ таништириш лозим. Ўйин қоидаларини оғзаки тушунтириш билан чегараланмай, аниқ кўрсатмалар бериш, тарқатма материаллар тарқатиш ҳам фойдали бўлади.

Ўйин ташкил этишдаги муҳим масалалардан бири- ўйиновчиларни гуруҳларга бириктиришдир. Гуруҳларни тузишда қуйидаги талабларга риоя қилинади.

- гуруҳлардаги болалар сони – беш кишидан ошмаслиги;
- ҳар бир гуруҳдаги болалар бир-бирларини яхши биладиган, ўзаро муносабатлари яхши бўлишини ҳисобга олиш;
- ўйиновчиларга вазифаларни тақсимлашда уларнинг қизиқиш ва қобилиятларини ҳисобга олиш [3].

Ҳулоса чиқарувчи ёки ҳакамлик қилувчи тарбиячи ўйин тугагандан кейин натижаларни умумлаштиради, якунланади ва ҳулосалар чиқарилади.

Масалан:

Who knows the colors best? (Ким рангларни энг яхши билади?) Бу ўйиннинг бир неча варианти мавжуд.

- Ўқитувчи инглиз тилида ранг номини айтади. Ўқувчилар шу ранглик предметни кўрсатадилар. Агар қайсидир ўқувчи янглишса, жамао балл йўқотади. Кам балл йўқотган жамао ғолиб ҳисобланади
- Ўқитувчи предметни кўрсатади ва What color is this? Саволни ўртага ташлайди. Ўқувчилар: It is red каби жавоб берадилар. Ўйин шу тахлит давом этади.
- Ўқитувчи навбат билан жамаоларга: What is white? Каби савол беради. Ўқувчилар: The chalk is white. The snow is white ва ҳаказо каби жавоблар берадилар. Кўпроқ жумла ўйлаб топган жамао ғолиб ҳисобланади [4].

Ҳулоса қилиб айтганда, мактабгача таълим муасссаларида инглиз тилини ўргатишни дидактик лойиҳалаштириш кенг қамровли яхлит муаммо бўлиб, уни ўрганиш, тадқиқ килиш лозим. Чунки ёшлар учун мўлжалланган инглиз тили машғулотлари болаларда ўргатилаётган тилга нисбатан қизиқиш уйғотишҳамда ўша тилда мулоқат қилишга чорлаши лозим.

**Адабиётлар**


1. «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Президент фармони, «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ги ПҚ, - Ташкент: 2017.
2. Программа «Дружим с английским языком». -Ташкент: 2013.
3. Воҳидов М. Болалар психологияси. -Т.: «Ўқитувчи», 1981.
4. Даминова М., Адамбекова Т. Ўйин машғулотлари. -Т.: «Ўқитувчи», 1993.
5. Ёралиева У.Қ. Мактабгача таълим тизимида хорижий тилларни ўқитишнинг ўзига ҳос хусусиятлари ва унда интерфаол усуллардан фойдаланишнинг имкониятлари. // «Замонавий таълим» журнали. -Т.: 2014.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада мактабгача таълим тизимига янгича ёндашув асосида ноъанавий дарсларни ташкил этишнинг мазмунмоҳияти, боғча ёшидаги болаларга инглиз тилини ўргатишда янги технологиялардан фойдаланишнинг ўрни ва аҳамияти баён қилинган. Дарс жараёнида дидактик ўйинлардан фойдаланиш унинг болалар томонидан мавзуларни ўзлаштиришига таъсири асосли тушунтирилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье на основе нового подхода к системе дошкольного образования изложены место и значение современных технологий в образовании, суть организации нестандартных занятий. Также, в ней обосновано влияние дидактических игр в процессе занятий на эффективность усвоения изучаемого материала обучающихся.

**SUMMARY**

There are discussed the place and value of new technologies in education, an essence of the organization of non-standard lessons on the basis of the modern approach to the system of pre-school education. The author of the article also shows the influence of didactic games at the lessons on the efficiency of training material by students.

## TALABALARDÍŃ MATEMATIKALÍQ ANALIZ KURSÍN ÚYRENIWDEGI ÓZBETINSHE JUMÍSÍ

**A.Jańabergenova –** *assistent oqıtıwshı*

*Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutı*

**Tayanch so'zlar:** mustaqil ish, matematik analiz, funktsiya, qiyinchilik, metodik adabiyot.

**Ключевые слова:** организация самостоятельной работы, математический анализ, методическая литература, функция, сложность.

**Key words:** organization of independent work, mathematical analysis, methodical literature, function, complexity.

Joqarı bilim beriw boyınsha mámleketlik tálim standartları hám oqıw rejeleriniń ózgeriwi auditoriyalıq saatlar sanında talabalardıń ózbetinshe jumısı úlesiniń artıp barıw tendenciyası haqqında sóz etiw múmkinshiligin beredi. Házirgi kúnde hárekettegi oqıw rejeleri boyınsha talabalardıń ózbetinshe jumısına hámme oqıwlıq pánler boyınsha oqıwlıq waqıttıń derlik yarımı ajıratılǵan. Joqarı oqıw orınlarında tálim alıp atırǵan talabalar, hátte tórtinshi kurs aqırında ózbetinshe hám dóretiwshilik jumıslardı orınlaw boyınsha qáliplesken kónlikpelerge iye emesligi oqıtıwshılar ushın sır emes. Bul olardıń kurs jumısların, referatlardı, pitkeriw qánigelik jumısların jazǵandaǵı uqıpsızlıǵında, mudamı oqıtıwshınıń járdemine mútájliginde ayqın kórinedi. Talabalar kerekli ádebiyatlar menen jumıs islew kónlikpesine ulıwma iye emes, oqıtıwshılardıń járdemisiz qanday da bir jollar menen alınǵan informaciyalardı talqılaw, tiykarǵıların ayırıp kórsetiw, óz juwmaqların shıǵarıw, faktlerdi tártiplestiriw hám ulıwmalastırıw uqıplılıqları júdá shegaralanǵan. Bul ózbetinshe jumıs túsiniginiń ózin tolıq úyreniw hám onı optimallastırıw quralların izlewge kirisiw zárúrligin shárt qılıp qoyadı [1].

Zamanagóy metodikalıq ádebiyatlarda «ózbetinshe jumıs» degende ne názerde tutıladı?

Ózbetinshe jumıs júdá keń túsinik. Bul jumıs tek talabalar auditoriyalıq sabaqlar joq waqıtta orınlaytuǵın úyreniw islerin ǵana emes, olar lekciyalar, ámeliy sabaqlar, seminarlar waqtında ámelge asıratuǵın ózbetinshe jumısların da óz ishine aladı. Talabalardıń ózbetinshe jumısın hám process, hám nátiyje sıpatında bahalaw múmkinligin esapqa alıp, olardıń ózbetinshe jumısı mazmunınıń eki tárepli xarakteri haqqında aytıw múmkin. Bir tárepten bul talabalardıń oqıwlıq sabaqların shólkemlestiriw formalarındaǵı hám olar materialdı ózbetinshe úyrenetuǵın auditoriyadan tıs waqıttaǵı is usılı, ekinshi tárepten talabalar joqarı oqıw ornında tálim alıw dáwirinde orınlawı kerek bolǵan ulıuma oqıwlıq tapsırmalar jıynaǵı. Kópshilik avtorlar ózbetinshe jumıstı talabanıń oqıtıwshınıń tikkeley járdemisiz isi dep qaraydı. Bunday túsiniwde ózbetinshe jumıstıń tiykarǵı belgisi tapsırmalardı orınlaǵandaǵı ózbetinshelik boladı, biraq bunda úyreniw isleriniń xarakteri (jańadan islep shıǵıw yaki dóretiwshi) sırtta qalıp qoyadı. Ádette, is xarakteri boyınsha talabalardıń ózbetinshe jumısınıń úsh toparı ayırıp kórsetiledi: reproduktiv ózbetinshe jumıs (oqıp shıǵıw, qarap shıǵıw, oqıwlıq ádebiyattı konspektlew, lekciyalar tıńlaw, oqıwlıq materialdı tákirarlaw, yadlap alıw hám t. b.); úyreniw- izleniw ózbetinshe jumısı (bayanatlar, bildiriwler tayarlaw, ámeliy sabaqlardaǵı jumıs, tekseriw hám kurs jumısların jazıw hám t. b.); dóretiwshilik ózbetinshe jumısı (ilimiy maqalalar tayarlaw, ilimiy- izertlew islerinde qatnasıw, pitkeriw qánigelik jumısın tayarlaw hám t. b.). Bunda keń tarqalǵan ózbetinshe jumıs túrin ayırıp kórsetiw yaki ózbetinshe jumıslardıń bir túriniń ekinshisinen artıqmashlıǵı haqqında aytıw múmkin emes. Olardıń bári óz ara tıǵız baylanısqan hám olardıń bárin iyelew hár bir talaba ushın aktual bolıp qala beredi. Ózbetinshe jumıslardıń hár qıylı túri talabalarda hár qıylı dárejedegi qıyınshılıqlar tuwdıratuǵını anıq. Talabalar ózbetinshe jumıstı orınlaǵanda ushırasatugın qıyınshılıqlardıń birneshe túrin ayırıp kórsetiw múmkin [2].

1. *Ayırım oqıwlıq mashqalalardı ózbetinshe úyreniw ushın zárúr informaciyanı izlep tabıw qıyınshılıǵı*. Talabalarǵa, ásirese birinshi kurs talabalarına, mashqalanı tolıq túsinip alıw ushın konkret neni oqıw yaki úyreniw kerekligin anıqlaw júdá qıyın boladı. Olar baspadan shıqqan júdá kóp oqıwlıq hám ilimiy ádebiyatlardan kereklisin tańlap alıwdı, kitapxanalardaǵı bibliografiyalıq hám tematikalıq kataloglardan paydalanıwdı bilmeydi.

2. *Kitaptıń, oqıwlıq qollanbanıń mazmunında baǵdar alıw qıyınshılıqları*. Talabalar máseleniń ilimiy aspektin hám bas mashqalaların ayırıp kórsetiwde, onıń ilimiy sımaqlı pikirlerden parqın biliwde qıynaladı,

3. *Metodologiyalıq xarakterdegi qıyınshılıqlar* talabalardıń ayırım túsiniklerdiń, anıqlamalardıń ilimiy mazmunın jeterli dárejede jaqsı bilmewi, bar terminlerdiń maǵanasın túsinbewi menen baylanısqan.

4. *Hár qıylı dereklerde bayanlanǵan teoriyalıq qaǵıydalardı ulıwmalastırıw, olardıń óz ara baylanısların hám óz ara ǵárezliliklerin anıqlaw qıyınshılıqları*. Talabalar kóbinese ádebiyatta ushırasatuǵın ayırım bir-birine qaramaqarsı teoriyalıq qaǵıydalardı óz ara baylanıstıra almaydı, geypara avtorlardıń pikirleriniń logikasın, olardıń juwmaqlarınıń argumentaciyasın hámme waqıt túsinip ala bermeydi.

5. *Alǵan bilimlerinen ámeliyatta paydalanıw qıyınshılıqları*. Olar talabalardıń kúndelikli turmısta ushırasatuǵın situaciyalardı talqılawǵa alǵan kásiplik bilimlerinen paydalanıw ushın durıs bahalawınıń, ámeliy situaciyada sáykes teoriyalıq usıldan yaki dálillewden paydalanıwdı talap etetuǵın tiykardı ayırıp kórsetiwiniń qıyınlıǵı menen baylanısqan.

Ózbetinshe jumıstıń ústem yaki eń áhmiyetli túrin ayırıp kórsetiw múmkin emesligi sıyaqlı talabalardıń ózbetinshe jumıslarındaǵı málim bir qıyınshılıǵınıń ústemlik xarakteri tuwralı aytıw múmkin emes. Talabalarda payda bolatuǵın qıyınshılıqlar komplekslik xarakterge iye hám olardan qutılıw kóbinese oqıtıwshınıń talabalardıń ózbetinshe jumısın qalay shólkemlestiriwine, qanday baǵdarlawına baylanıslı boladı. Biraq matematikalıq analiz boyınsha ámeliy sabaqlardı shólkemlestirgende úshinshi hám besinshi túrdegi qıyınshılıqlar ayrıqsha rol oynaytuǵının atap ótemiz. Olardan qutılıwda test xarakterindegi tapsırmalar kiretuǵın, teoriyalıq bilimlerinen paydalanıwda obyektti túsinikke, anıqlamaǵa yaki teoremaǵa sáykeslendiriwge baǵdarlanǵan treningler júdá paydalı. Bunda múmkin bolǵanınsha matematikalıq faktlerdiń geometriyalıq interpretaciyasınan paydalanıwǵa háreket etiw kerek. Usınday tapsırmalarǵa mısal keltiremiz [3].

1- t a p s ı r m a. *Súwretlerde funkciyalardıń grafikleri sızılǵan. Bul funkciyalardıń qaysıları* $x = 2$ *noqatta limitke iye hám bul limit nege teń ekenin anıqlań [6].*




1- súwret




2- súwret




3- súwret




4- súwret

Bunda tek funkciyalardıń málim qásiyetlerin kórip tanıwǵa ǵana emes, analitikalıq kóriniste berilgen maǵlıw-matlardı grafikalıq súwretlewge baǵdarlanǵan kónlikpelerdi payda etiw kerek.

2- t a p s ı r m a. *Tómendegi qásiyetlerge iye funkciya-lardıń grafiklerinıń eskizin jasań:[6]*

a) $\lim\limits_{x\to-\infty} f(x)=-3, \lim\limits_{x\to+\infty} f(x)=-\infty, \lim\limits_{x\to2-0} f(x)=0, \lim\limits_{x\to2+0} f(x)=+\infty,$

b) $\lim\limits_{x\to-\infty} f(x)=-3, \lim\limits_{x\to+\infty} f(x)=-\infty, \lim\limits_{x\to2-0} f(x)=0, \lim\limits_{x\to2+0} f(x)=+\infty$

$f(-2)=-4$. *Funkciya tómennen 4 penen shegaralanǵan.*

Limitlerdi, integrallardı hám t. b. esaplawǵa baǵdar-lanǵan ámeliy kónlikpelerdi payda etkende tek nátiyjeni jazıwdı emes, máseleni sheshiwge sáykes pútkil oylaw pro-cesin sáwlelendiriwdi talap etiwshi tapsırmalar júdá pay-dalı. Bul bir tárepten talabanı formuladan oylanbastan pay-dalanbay sheshiw jolınan mánisine jetip saylap alıwǵa májbúrleydi, al ekinshi tárepten, ózbetinshe jumıstıń tekseriw basqıshında oqıtıwshıǵa talaba ushırasatuǵın qıyınshılıqlardı puqta talqılawǵa múmkinshilik beredi. Usı túrdegi tapsırma mısalların keltiremiz.

1- t a p s ı r m a. *1- kesteni toltırıp funkciyalardıń limitin esaplań[6]*

1- keste

| № | funkciyalardıń limiti | Anıq emeslik túri | Noqat xarakteristikası (shekli, sheksiz) | Limitti esaplaw usılı, paydalanılatuǵın qásiyetler |
|---|---|---|---|---|
| 1. | $\lim\limits_{x\to\infty}\frac{2x}{3x-5}$ | | | |
| 2. | $\lim\limits_{x\to2}\frac{x^2+3x+2}{2x^2+x-6}$ | | | |

2- t a p s ı r m a. *Funkciyanı úzliksizlikke tekseriń hám onıń sxemalıq grafigin qurıń. Tapsırmanı orınlaǵanda 2- kesteni toltırıń.*

2- keste

| № | Funkciya | Funkciyanıń úzliksizlik kópligi | Úzilis bolıw qáwpi bar noqatlar | Úzilis noqatları nıń xarakteristikası | Funkciyanıń sheksizlikte-gi xarakteri |
|---|---|---|---|---|---|
| | $f(x)=\begin{cases}\frac{x^2-4}{x-2}, & x\neq2\\ 1, & x=2\end{cases}$ | | | | |

Talabalardıń ózbetinshe jumısın basqarıp biliw-oqıtıwshı jumısınıń eń qıyın aspektleriniń biri.

Talabalardıń ózbetinshe jumısın dástúrli basqarıw hám qadaǵalaw ámeliy hám seminarlıq sabaqlar, úy tekseriw jumısların orınlaw, oqıtıwshı menen sáwbetlesiw (awızeki hám jazba), kollokviumlar, imtixanlar, ámeliy hám seminarlıq sabaqlardaǵı shıǵıp sóylewler járdeminde ámelge asırıladı. Talabalardıń ózbetinshe jumısın basqarıwdıń bul sisteması kóp jıllar dawamında qollanıldı, biraq bul sistema talabalardıń ózbetinshe jumısınıń úlesi házirgige qaraǵanda ádewir tómen hám onıń effektivligi joqarı kásiplik tálimniń sıpatına onsha kóp tásir kórsetpeytuǵın waqıtta dúzilgen edi.

Házirgi waqıtta talabalardıń ózbetinshe jumısın shólkemlestiriwge tómendegi talaplar qoyıladı: [5].

1. Tiykarǵı talap-ilimiy hám oqıwlıq ádebiyatlardı teoriyalıq qáǵıydalardı real psixologiyalıq qubılıslar menen salıstırıp ózbetinshe úyreniwi.

2. Basqa oqıwlıq isler (kurs jumısların, referatlardı, tekseriw jumısların jazıw, kúndelikli, aralıq, juwmaqlawshı baqlawlarǵa tayarlıq) usınıs etilgen ádebiyatlardı úyreniw menen bir waqıtta orınlanıwı kerek, sebebi tek olardı tabıslı orınlaw ǵana talaba úyrengen materialdıń mazmunın ózlestirip alıwına kepil bolıwı múmkin.

3. Eger talabaǵa ózi ushın jańa, paydalı bilimlerdi alıw qızıq bolsa, ózbetinshe jumıs tabıslı bolıwı múmkin. Sonlıqtan oqıtıwshı talabanıń iskerliginiń áhmiyetli wájlemesi bolǵan materialdı uyreniwge bolǵan qızıǵıwshılıǵın qáliplestirip hám qollap barıwı kerek. Usınday wájleme bolsa ózbetinshe jumıs talaba ushın qıyın bolmay, insan dóretiwshilik is penen shuǵıllanǵanda bastan keshiretuǵın qanaatlanıwshılıq sezimin alıp keledi.

Biraq bul talaplar málim bir pándi úyrengende talabalardıń ózbetinshe jumısın júdá effektiv shólkemlestiriw múmkin degen sorawǵa juwap bere almaydı. Bul máselede talabalardı zárúr metodikalıq qollanbalar menen támiyinlew hám ózbetinshe jumıstıń barısın, sıpatın mudamı tekserip barıwdı shólkemlestiriw menen bir qatarda talabalardıń wájlemesi tiykarǵı fak-torlardıń biri boladı.

Talabalardıń ózbetinshe jumısınıń tiykarǵı úsh túrdegi wájlemesi ayırıp kórsetiledi.

1. *Sırtqı wájleme-* qánigeniń kásiplik dárejesiniń joqarı oqıw ornında oqıw nátiyjesine baylanıslılıǵı. Tilekke qarsı, bul faktor házirshe jeterli dárejede effektiv emes, biraq bul mashqalanıń sheshiliwi jaqın keleshekte kútilmekte.

2. *Ishki wájleme-* talabanıń intalılıǵı, onıń joqarı oqıw ornında oqıwǵa uqıplılıǵı. Bul wájlemeni joqarı oqıw ornına tayarlıq dáwirinde qánigelik tańlaǵanda testlerden paydalanıp, tálim baǵdarın anıqlaǵanda tiykarlanǵan usınıslar berip hám t. b. basqarıw múmkin.

3. *Processual (oqıwlıq) wájleme* talabanıń orınlanatuǵın jumıstıń paydalılıǵın túsiniwinde bayqaladı. Talabanı orın-lanatuǵın jumıstıń áhmiyetliligine qánigeniń kásiplik tayarlıǵı kóz qarasınan da, dúnya qarasın, erudiciyasın keńeytiw kózqarsınan da psixologiyalıq qolaylastırıw talap etiledi. Alınǵan nátiyjeler oǵan lekciyalıq hám ámeliy sabaq materialların hám t. b. jaqsı túsinip alıwına járdem

beretuǵının isenimli qılıp kórsetiw (dálillew) kerek. Ózbetinshe jumısqa tapsırmalardı kurs jumıslarına, ásirese, pitkeriw qánigelik jumıslarǵa quramlıq bólim qılıp kirgiziw úlken nátiyje beredi, bunı dáslepki kurslardıń birinde-aq baslaw múmkin.

Bunda tekseriw oqıtıwshınıń tiykarǵı maqseti emes, bárinen de burın talabanıń bilim alıw iskerliginiń wájlemelewshi faktorı bolıwı kerek. Analitiklerdiń pikiri boyınsha talabalardıń ózbetinshe jumıs orınlawınıń nátiyjelerin kúndelikli úlgeriw kórsetkishlerine, bahalarına talabanıń reytingi, juwmaqlawshı baha, demek, stipendiya hám onıń ólshemine baylanıslı bolatuǵın kúndelikli, aralıq hám juwmaqlawshı baqlawlardıń sorawlarına kirgiziw kerek. Kópshilik talabalarǵa jámiyetlik húrmet formasındaǵı ruwxıy qızıǵıwshılıq áhmiyetlirek (fakultette, qánigelikte, toparda aldıńǵı qatarda bolıw jaǵımlı).

Sonıń menen birge, kishi kurslarda ózbetinshe jumısta talaba dástúrli sabaq formalarında alatuǵın bilim hám uqıplılıqlardı keńeytiw hám bekkemlewdi maqset qılıp qoyıwǵa umtılıw júdá áhmiyetli. Joqarı kurslarda ol talabanıń dóretiwshilik potencialın rawajlandırıwǵa járdem beriwi kerek. Tapsırmalar jeke, brigadalıq yaki kompleks xarakterde bolıwı múmkin, biraq orınlanıwın tekseriw, ózbetinshe jumıs boyınsha esabat jeke bolıwı kerek. Talabalardıń ózbetinshe jumısındaǵı dóretiwshilik baslama, álbette, «kishi-úlken» shkalasına qatal baylanǵan bola almaslıǵın eskertip ótiw lazım. Bul jerde ólshem birew-konkret talabanıń jeke intalılıǵı hám eń baslısı, qábiletlilikleri.

Talabalardıń ózbetinshe jumısınıń effektivlik shártleriniń biri onı metodikalıq durıs shólkemlestiriw ekenin de atap ótemiz.

Ózbetinshe jumıstıń maqseti, kólemi, konkret tematikası, qıyınlıq dárejesi, talabalardıń uqıplılıq dárejesine qarap jeke yaki toparlarda orınlanıwı múmkin.

Talablardıń specifikalıq pedagogikalıq konstrukciya sıpatındaǵı ózbetinshe jumısınıń mazmunı onda qoyılǵan oqıw-úyreniw máseleleriniń ayrıqshalıqları menen anıqlanadı. Demek, ózbetinshe jumıs talabalardıń oqıwlıq materialdı ózlestiriwi boyınsha ózbetinshe iskerligi emes, al oqıtıwshı shólkemlestiretuǵın oqıtıw shártleriniń ayrıqsha siteması [4].

Ózbetinshe jumıstı shólkemlestiriw óz ishine tómendegi basqıshlardı aladı:

1. Talabanıń pán boyınsha ózbetinshe jumıs rejesin dúziw;

2. Ózbetinshe jumıs ushın tapsırmalardı islep shıǵıw hám tarqatıw;

3. Tapsırmalardı orınlaw boyınsha másláhátler (awızeki hám jazba jol joba kórsetiwler) shólkemlestiriw;

4. Talabanıń ózbetinshe jumıstı orınlaw barısın hám nátiyjesin tekseriw.

Tapsırmalar bergende saralaw usılı usınıs etiledi.

Talaba hám oqıtıwshı arasındaǵı qatnaslardı áste-aqırın ózgertip barıw júdá áhmiyetli. Eger birinshi kursta oqıtıwshı belsendi dóretiwshilik poziciyada, al talaba kóbinese jetekleniwshi bolsa, joqarı kurslarǵa ótken sayın bul izbe-izlik talabanı ózbetinshe jumıs islewge, ózbetinshe bilim alıwǵa háreket etiw tárepine qaray ózgeriwi kerek. Ózbetinshe jumıs tapsırmaların orınlaw talabalarǵa oylawdı, tallawdı, shártlerdi (jaǵdaylardı) esapqa alıwdı, másele qoyıwdı, payda bolǵan mashqalalardı sheshiwdi úyretiwi, yaǵnıy ózbetinshe jumıs proccesi áste-aqırın dóretiwshilik processke aylanıp barıwı kerek. Bunda jańa informaciyalıq texnologiyalar járdem beriwi múmkin. Bul ásirese «matematika-informatika» tálim baǵdarınıń dásturi boyınsha tálim alıwshı talabalar ushın júdá aktual. Talaba zamanagóy dásturler faktlerinen paydalansa yaki málim bir máseleniń sheshimin ózi dásturlestırse qoyılǵan máselelerdi (kurs jumısı hám pitkeriw qánigelik jumısı, tekseriw jumıs máseleleri, basqa hár qıylı úy tapsırmaları) úlken qızıǵıwshılıq penen sheshedi. Bunday islerden keyin talabanı kurslaslarınıń hám oqıtıwshılardıń islengen jumısqa qızıǵıwshılıǵı (oqıtıwshınıń másláhátleri, orınlanatuǵın tapsırmalar boyınsha «talaba reytingi» haqqındaǵı informaciyalar hám t. b.) formasındaǵı xoshametlew bolıwı kerek. Xoshametlewde semestrdegi kúndelikli, aralıq hám juwmaqlawshı baqlaw sıyaqlı áhmiyetli faktorları bar. Ámeliy jumıs tájiriybesi talaba eger baqlaw jumıslarınıń sorawlar dizimin tikkeley baqlaw ótkeriliwinen aldın emes, semestrdiń basında, dáslepki sabaqlardıń birinde alsa, belsendi hám juwapkerlilik penen jumıs isleytuǵının kórsetedi. Solay etip, olar lekicyalıq materialdı lekciya tıńlaǵanda sorawlarǵa bóleklew, olardı ózbetinshe úyreniw ushın berilgen ádebiyatlardan alınǵan materiallar menen tolıqtırıw, mısallar hám túsindirmeler menen bayıtıp barıw múmkinshiligine iye boladı. Kúndelikli hám aralıq baqlawlardı bóleklep semestr dawamında tapsırıp barıw hám usınıń nátiyjesinde juwmaqlawshı baqlawǵa tayarlıqtı jeńillestiriw talabalardıń jumısınıń sapasına unamlı tásirin tiygizedi.

Solay etip, oqıtıwshı oqıtıwdıń zamanagóy texnologiyalarınan paydalanıp, talabalardıń úyreniw belsendiligin xoshametleydi hám usınıń nátiyjesinde talabalardıń ózbetinshe jumısın proccessual sheshedi dep aytıw múmkin.

Talaba «Matematikalıq analiz» páninen kúndelikli, aralıq hám juwmaqlawshı baqlawlardan jeterli ball toplaǵan bolsa, onda ol bul pándi ózlestirgen dep esaplanadı. Bul talaba matematikalıq analiz boynısha zárúr teoriyalıq bilimler alǵanın hám alǵan bilimleri tiykarında máseleler sheshiw ushın jeterli ámeliy kónlikpelerdi iyelegenin bildiredi.

Joqarıdagı maqsetlerge erisiw ushın talaba tómendegi talaplardı orınlawı kerek:

1. Pándi úyreniwdiń barısında oqıtıwshılar tárepinen dáslepki lekciyalıq hám ámeliy sabaqlarda talabalarǵa málim etiletuǵın «Matematikalıq analiz» páni boyınsha oqıw metodikalıq kompleks (OMK) komponentaları menen tanısıwı. Bul:

- tapsırmalardı hám tekseriw jumısların orınlaw múddetin belgilew hám tekseriw;

- talabanıń kúndelikli jumısın (tekseriw jumısları, ózbetinshe jumıslar, ámeliy sabaqlardaǵı jumıslar) tekseriw ólshemi menen baylanısqan.

Bunnan tısqarı, pándi úyreniwdiń basında baǵdarlama tiykarında pánniń strukturası, sonday-aq temalardı úyreniw izbe-izligi hám olardıń kólemi menen tanısıw maqsetke muwapıq boladı. Tapsırmalardı orınlaw ushın ajıratılǵan waqıttı optimal bólistiriw maqsetinde bul informaciyanı sabaqlar grafigi menen sáykeslestiriw kerek.

2. Hár bir tema boyınsha lekciyalıq material, ózbetinshe úyreniw ushın ádebiyatlar dizimi bolıwı, ámeliy sabaqlarǵa tayarlanıwı ushın sorawlar hám tapsırmalar, ózbetinshe jumıs ushın materiallar menen tanısıwı.

3. Lekciyanıń temasın jaqsı túsiniwi ushın lekciyalıq sabaqqa tayar bolıp keliwi, atap aytqanda:

- aldıńǵı lekciyalardıń materialların úyreniwi, sebebi «Matematikalıq analiz» pāninde hár bir kelesi tema aldıńǵı temanıń materialına tiykarlanadı;

- kelesi lekciya teması boyınsha másláhát berilgen materialdı úyreniwi.

Temanı ózbetinshe úyreniw yaki lekciya waqtında qaralǵan máselelerdi túsiniw boyınsha mashqalalar payda bolsa lekciyada yaki másláhát waqıtında bunıń ushın arnawlı ajıratılǵan waqıtta lektorǵa sáykes sorawlar beriw. Tómen bahalar almaw ushın bunı tema boyınsha ámeliy sabaqqa deyin islew kerek.

4. «Matematikalıq analiz» páni boyınsha hár bir sabaqqa puxta tayarlanıwı kerek:

- úyge tapsırmalardı orınlawı, qanday da bir mısal hám máselelerdi sheshiwde qıynalǵan jaǵdayda belgilengen waqıtta oqıtıwshıdan másláhát sorawı;

- sáykes tema boyınsha lekciya materialın, sonday-aq tiykarǵı hám qosımsha ádebiyatlardı úyreniwi;

- óz bilimleriniń dárejesin tekseriwi hám «Matematikalıq analiz» páni boyınsha elektron tálim resursı testleri tiykarında «hálsiz orınlardı» anıqlawı;

- oqıtıwshıǵa pándi ózlestiriwdegi óz qıyınshılıqları haqqında óz waqtında málim etiwi hám tekseriw jumısı yaki basqa tekseriwlerge deyin ámeliy sabaqta yaki másláhát waqtında zárúr túsindirmeler alıwı.

5. Ózbetinshe jumıstı durıs shólkemlestiriw ushın usınılǵan hár qıylı metodikalıq kórsetpelerde keltirilgen másláhátlerdi basshılıqqa alıwı.

Tiykarǵı hám qosımsha ádebiyatlar dizimi pán boyınsha baǵdarlamada keltirilgen.

Hár bir ámeliy sabaq tómendegi reje boyınsha ótkeriledi.

Sabaqtıń basında 15- 20 minut úy jumısı tapsırmaları talqılanadı. Oqıtıwshı talabalarda úy jumısın orınlaǵanda payda bolǵan sorawlarǵa juwap beredi. Kelesi 15- 20 minut aldıńǵı sabaq teması boyınsha ózbetinshe jumıs ótkeriledi. Ózbetinshe jumıs variantların oqıtıwshı ya ózi dúziwi, ya sáykes metodikalıq kórsetpelerden paydalanıwı múmkin. Ózbetinshe jumıs test formasında ótkeriliwi de múmkin, biraq bunda jumıstı orınlaw waqtı 5-10 minutqa deyin qısqaradı. Qalǵan waqıt sabaqtıń teması boyınsha jańa materialdı úyreniw hám teoriyalıq material boyınsha awızeki soraw sorawǵa ajıratıladı. Oqıtıwshınıń basshılıǵında talabalar jańa tema boyınsha mashqalalı situaciyalardı talqılaydı hám qıyın sorawlarǵa juwap beredi. Keyin sabaq teması boyınsha alınǵan nátiyjeler dodalanıp, máseleler sheshiledi. Bunda kompleks máselelerdi kishi toparlarda sheshiw múmkin.

Talabanıń taxta aldında mısal sheshiwin hám juwapların oqıtıwshı reglament hám sáykes bahalar ólshemleri boyınsha bahalaydı.

**Ádebiyalar**

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 14 август 286-сонли буйруғига 1-илова. Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича йўрикнома.

2. Содиков С.С. Математика фанидан талабалар мустақил ишларини ташкил қилишда инновацион технологияларнинг роли. // Молодой учёный. 2016. №12.4. -С. 90-92.

3. Ефремова О.Н. «Организация самостоятельной работы студентов на аудиторных занятиях по математике». // Вестник ТГПУ. 2010. Выпуск12 (102)

4. Халимова М.В., Хусаинова Ҳ. Мустақил таълимнинг психологик жиҳатлари. / М.В.Халимова, Ҳ.Ҳусаинова. Илмий хабарнома, АДУ, №3 2013.

5. Максанова Л.А., Золотарева А.М. Структурно-логическая схема – инструмент оптимизации самостоятельной работы студентов. /Сб. научно-методических статей научно-метод.конф. «Методика и технология оптимизации образовательного процесса. –Улан-Удэ: РИО ВСГТУ. Вып.7. 2001.

6. Саъдуллаев А., Худойберганов Г., Мансуров Ҳ. ва бошқалар. «Математик анализ курсидан мисол ва масалалар тўплами». –Тошкент: «Ўзбекистон», 2000. 41-51-б.

**REZYUME**

Bu maqolada oliy o'quv yurtlari talabalarining matematik analiz kursida o'rganishi zarur bo'lgan mustaqil ishlari qarab chiqilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются курсы математических анализов рекомендуемые изучать в самостоятельной работе студентов высших учебных заведений.

**SUMMARY**

The article is devoted to the courses of mathematical analysis studied in the independent work of students of higher educational institutions.

## IMLONI O‘RGATISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI

**S.S.Jumamuratova** – *talaba*

*Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti*

**Tayanch so‘zlar:** imlo, imlo qoidalari, savodxonlik, yozma nutq, orfogramma, kompyuter dasturlari.

**Ключевые слова:** орфография, правила орфографии, грамотность, фонограмма, письменная речь, компьютерные программы.

**Key words:** orthography, spelling rules, literacy, written speech, phonogram, computer programs.

Savodxonlik masalasi metodikaning eng og‘riqli nuqtasi sifatida dolzarb muammolardan bo‘lib qolmoqda. Hozirgi davrda esa savodsizlik muammosi metodika doirasidan chiqib davlat va jamiyat miqyosida hal qilinadigan muhim masalaga aylandi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 22-yanvardagi «2017 – 2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasining «Faol tadbirkorlik, innovatsion g‘oyalar va texnologiyalarni qo‘llab-quvvatlash yili»da amalga oshirishga oid davlat dasturi to‘g‘risida»gi PF-5308-son farmoni, Davlat dasturining chora-tadbirlar rejasining 177-bandida «Xalq savodxonligini ko‘tarish, ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy hayotning barcha sohalarida milliy boylik hisoblangan tilning rolini oshirish» [1] bo‘yicha aniq vazifa belgilab qo‘yildi.

Mamlakatimiz va xorijiy tilshunos va metodist olimlarning ishlarida nisbiy savodxonlik, absolyut savodxonlik, imlo savodxonligi kabi atamalar qo‘llanganligini kuzatish mumkin. O‘zbek tilshunosligida so‘zlarning to‘g‘ri yozilishi haqida so‘z yurititlganda “Imlo qoidalari”, “orfografiya qoidalari” degan atamalarni qo‘llaymiz. Ma’lumki, orfografiya yunon tilidan olingan tilshunoslik atamasidir. U **orfhos** – to‘g‘ri, **grapho –** yozuv qonun-qoidalari majmuyi ma’nosida aksariyat lingvistik manbalarda asosiy atama sifatida qabul qilingan [2:65]. Bu atama bilan baravar, hatto undan faolroq tarzda imlo atamasidan foydalanilmoqda.

Metodikada imloni o‘rgatish va nutq o‘stirish muammosi nazariy, amaliy jihatdan muayyan darajada o‘rganilgan. Shunday bo‘lsa ham, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan 1995-yil 24-avgustda «O‘zbek tilining asosiy imlo qoidalari»ning tasdiqlanishi, mamlakatimizda ona tili ta’limi mazmunining o‘zgarishi, ta’lim jarayoniga zamonaviy pedagogik texnologiyalarning tatbiq qilinishi umumta’lim maktablarida imloni o‘rgatish masalasini yangi nuqtayi nazardan tadqiq qilishni taqozo qildi.

Ma’lumki, imloga boshlang‘ich ta’limda ham, tayanch sinflarda ham (5-7-sinflarda morfologiya sathini o‘rganishda; 8-9-sinflarda takrorlash darslarida), shuningdek, 10-11-sinflarda ham e’tibor qaratiladi. Biroq bu e’tibor darajasi farqlanadi. Boshlang‘ich va tayanch sinflarda imlo qoidalari fonetika, grafika va morfologiya sathlarini o‘rganish jarayonida chuqur o‘rganilishi taqozo qilinadi va amalda o‘quv dasturlari va darsliklarda bu inobatga olingan.

Shunday bo‘lsa ham, imlo savodxonligiga erishishda DTSida qo‘yilgan talabalarga muvofiq yaxshi natijani qayd qilish qiyin bo‘lyapti. Savodxonlikning past darajadan yuqori pog‘onalarga ko‘tarilmay qolayotganligining juda ko‘p sabablarini ko‘rsatish mumkin. Jumladan, alifbo isloh qilinganligi, lotin yozuviga asoslangan alifboga muvofiq asosiy imlo qoidalari ishlab chiqilganligi, xuddi bir paytlar

ikki uloqchi ot kabi poygaga tushgan (M.Qoshg‘ariy) arab va uyg‘ur alifbolari kabi kirill va lotin yozuviga asoslangan alifbolarning baravar iste’molda ekanligi, har ikki alifbo bo‘yicha imlo qoidalarida bir-biriga muvofiq kelmaydigan holatlarning mavjudligi, shuningdek, ona tili ta’limining bosh maqsadi yangilanganligi, ta’lim jarayoniga shiddat bilan kirib kelgan pedagogik texnologiyalarni chuqur anglab yetmasdan noo‘rin qo‘llashning salbiy oqibatlari, darslarni “o‘yinlar bilan bezash”ga ruju qo‘yish holatlari va boshqa shu kabilarni sanayverish mumkin. Yuzaga kelgan muammoli vaziyatning tarixiga chuqur nazar tashlash uning yechimiga olib boradigan yo‘lni topishga yordam berishi tabiiy, albatta. Xuddi kasallikni yaxshi tashxislash uni yengish uchun muhim omil sanalgani kabi yuqoridagi qator savodsizlik alomatlarini hisobga olish savodsizlikning yechimiga dastlabki qadamdir. Yana bir jihat borki, jamiyatimizda har jabhada yangilanish ketayotgan hozirgi pallada muammolarga texnologik, innovatsion yechimlarni izlab topish, muqobil texnologiyalarga tayanish maqbul ko‘rilmoqda. Shu nuqtayi nazardan yondashganda o‘zbek tilini ona tili, davlat tili, xorijiy til sifatida o‘qitish metodikasini ham takomillashtirish, uni yangi bo‘limlar, boblar bilan boyitish maqsadga muvofiq bo‘lar edi. Bu borada metodika bo‘yicha nisbatan uzoqroq tarixga ega bo‘lgan rivojlangan mamlakatlar faniga nazar tashlash, faqat nazar tashlash emas, balki amalda sinalgan usullar, metodlar, texnologiyalarni chuqur tahlil qilgan holda, ijobiy qirralarini tatbiq qilishga urinish foydalan xoli bo‘lmaydi. Quyida biz ularning ayrimlariga to‘xtalamiz.

Xuddi o‘zbek tilini o‘qitishda bo‘lgani kabi maktabda imlo sathi alohida bo‘lim sifatida o‘qitilmasa ham, bizning metodik adabiyotlarimizdan farqli o‘laroq, rus tilini o‘qitish metodikasiga bag‘ishlangan ishlarda to‘g‘ri yozishni o‘rgatish metodikasiga maxsus o‘rin ajratilganliginini ko‘rish mumkin [3]. Adabiyotlarda imloni o‘rgatishning maqsad va vazifalari, imlo prinsiplari, imlo bo‘limining mazmuni, punktuatsiya sathining mazmuni, imlo va punktuatsiyani o‘rgatish metod va usullari kabi masalalar haqida alohida so‘z yuritilgan. Muhimi fonetika, grafika, morfemika, morfologiya sathlarini o‘rganish jarayonida e’tibor talab qilinadigan imlo qoidalari guruhlangan, orfogramma atamasiga va boshqa tayanch tushunchalarga alohida urg‘u berilgan. Bu holat bo‘lajak o‘qituvchilarni tayyorlashda juda muhim ahamiyatga ega. Nazarimizda, o‘zbek tilini o‘qitish metodikasidan o‘quv qo‘llanmalar yaratishda ham mana shu masalaga diqqat qaratilishi, ayniqsa imlo bilan bog‘lab o‘rganiladigan mavzular doirasida orfogrammalarni ajratish, ularni xuddi rus tili darsliklarida bo‘lgani kabi ketma-ketlikda taqdim qilish zarurati mavjud.

Ahamiyatli yana bir masala borki, yuqori sinflarda ona tili uchun ajratiladigan soatlar kamayib boradi. Sintaksis, nutq madaniyati va uslubiyat o‘rgatilishi jarayonida ayni shu masalalar dars markazidan o‘rin oladi va imlo masalalari ko‘pincha bir chekkaga surib qo‘yiladi. Ayniqsa so‘nggi yillarda oliy ta’lim muassalariga kirish testlarining hukmronligi, ayniqsa, ona tilidan imloga oid testlar salmog‘ining katta emasligi abituriyentlar va o‘qituvchilarning imlo masalalariga emas, balki tilning nazariy masalalariga ko‘proq e’tibor qaratishlariga olib keldi. O‘zbek tili va adabiyoti bakalavr ta’lim yo‘nalishi birinchi bosqichiga qabul qilingan talabalardan sinov tariqasida diktant yozdirilganda yarmidan ko‘pi “qoniqarsiz” baholanganini taassuf bilan aytishga to‘g‘ri kelyapti. Demak, rus tilini o‘qitish metodikasida bo‘lgani kabi bu borada tadqiqotlar olib borish [4], yuqori sinflarda, ta’limning yuqori bosqichlarida imloviy bilim, malaka va ko‘nikmalarni yaxshilash, savodxonlikni oshirish bo‘yicha to‘garaklar, elektiv kurslar tashkil qilish dolzarb masalaga aylandi.

“Savodxonlik” deb nomlangan elektiv kurslarni tashkil etish va unda umumta’lim maktablari o‘quv dasturida ko‘zda tutilgan imlo qoidalarini mustahkamlash, imlo qoidalariga bog‘liq qiziqarli grammatika, keys topshiriqlari, kompyuterning o‘rgatuvchi dasturlaridan foydalanish o‘quvchilarning imloni o‘rganishga bo‘lgan motivatsiyasini kuchaytirish omili bo‘lishi mumkin. Kurs mashg‘ulotlarida imlo qoidalariga oid grafik organayzerlarni va boshqotirmalarni to‘ldirish, ta’limiy va nazorat diktantlarni o‘tkazish hamda tahlil qilish o‘quvchilarning imlo qoidalari, tayanch atamalar bo‘yicha bilimlarini boyitadi, ko‘nikmalarini malakaga aylantiradi. Albatta, bunday kurslarda bizning an’anaviy darsliklarimiz, mashqlar to‘plamlaridan tashqari til tarixi, grammatikasidan qiziqarli risolalar, kompyuter dasturlari taqozo qilinadi. Rus tili fani o‘qituvchilari bunday risolalar va komp`yuter dasturlaridan samarali foydalanishmoqda [5].

Rus tilshunos olimi Aleksey Vasilyevich Tekuchev: “Imlo savodxonligiga erishish uchun imlo xatolariga yo‘l qo‘ymaslik, imlo prinsiplarini bilishning o‘zi kifoya qilmaydi, balki so‘zlarning to‘g‘ri yozilishini tushuntira bilish va bu ko‘nikmani malakaga aylantira olish darkor” – degan edi [6]. Binobarin, ko‘nikmani malakaga aylantirish uchun ona tili ta’limida imlo va punktuatsiyani tizimli o‘qitishni yo‘lga qo‘yish talab qilinadi. Tizim esa o‘z ichiga ta’lim oluvchi va ta’lim beruvchi faoliyatiga uzviy bog‘langan metodik ta’minotni qamrab oladi.

Demak, savodxonlik masalasining muvaffaqiyatli yechimi uchun dastlab yetarli metodik ta’minot yaratish, ya’ni mavjud metodik adabiyotlarni takomillashtirish, xorij tajribalari asosida imloni o‘qitish metodikasini alohida bo‘lim sifatida yaratish, umumta’lim maktablari uchun chop etilayotgan darsliklarda 5–11-sinflar kesimida imlo va puntktuatsiya qoidalarining muayyan ro‘yxatini yaratish, “Savodxondlik” to‘garaklarini tashkil qilish va mashg‘ulotlarga mos qiziqarli grammatikaga oid risolalarni tayyorlash va chop ettirish ishlarini jadallashtirish muhim vazifalarimizdandir.

**Adabiyotlar**


1. «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сон фармони.

2. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Тошкент: “Ўқитувчи”, 2002. 65-б.

3. Литневская Е.И. Багрянцева В.А. Методика преподавания русского языка в средней школе. -М.: 2006.

4. Раман Т.В. (Коррекционная работа по орфографии в 10-11 классах общеобразовательной школы Научная библиотека диссертаций и авторефератов disser Cat http://www.dissercat.com/content/korrektsionnaya-rabota-po-orfografii-v-10-11-klassakh-obshcheobrazovatelnoi-hkoly#ixzz5W8IXn8ZM)

5. Шанский Н.М. Русский язык на "отлично". Ростов н/Д, 1998.; Шанский Н.М., Боброва Т.А. Снова в мире слова. –М.: 2001.; Успенскийй Л. В. Слово о словах. Ты и твоё имя. М, "Детская литература". 1962.; Львова С. И. Этимология на службе орфографии. М, 2002.; Львова С.И. Там, где кончается слово... (О слитных, дефисных и раздельных написаниях). -М.: 1998.; Граник Г.Г., Бондаренко, Концевая Л.А. Секреты орфографии. -М.: 1996.; Пахнова Т.М. Готовимся к устным и письменным экзаменам по русскому языку. 9-11 классы. –Москва: "Просвещение", 1997.; Мурашко А.С. Краткий орфографический справочник. –Архангельск: 1995.

6. Текучев А.В. Методика русского языка в средней школе. -М.: 1980. -С. 299.



**REZYUME**

Maqolada umumta’lim maktablarida o‘quvchilarning imloviy savodxonligini yaxshilash bo‘yicha xorijiy metodikaning afzalliklari va o‘zbek tili o‘qitish metodikasini takomillashtirish haqida qarashlar yoritilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В статье изложены преимущества зарубежной методологии и совершенствование методики преподавания узбекского языка в общеобразовательных школах.

**SUMMARY**

The article outlines the advantages of foreign methodology, development and improvement of the teaching methodology of the Uzbek language teaching in general educational schools.

# MILLIY MUSIQIY MEROSNI O'RGANISHNI UZLUKSIZLIK VA UZVIYLIK TAMOYILI ASOSIDA TASHKIL ETISH: MUAMMO VA YECHIMLAR

**I.Qudratov** – *pedagogika fanlari nomzodi*
*Samarqand davlat universiteti*

**Tayanch so'zlar:** musiqa, dars, ta'lim, mumtoz musiqa, musiqiy meros, uzviylik, tizimlilik.
**Ключевые слова:** музыка, урок, образование, народная музыка, музыкальное наследие, непрерывность, систематичность.
**Key words:** music**,** lesson, education, folk music, musical heritage, continuity, systematicity.

Kelajagimiz davomchilari-o'quvchi yoshlarni o'zbek milliy musiqa merosi bilan chuqur tanishtirib borish, shu orqali ularda milliy ong, tafakkur, nafosat, milliy qadriyatlarni qadrlash, milliy o'zlikni anglash hissini barqaror shakllantirish bugungi kunda uzluksiz ta'lim tizimi oldiga qo'yilgan dolzarb ijtimoiy buyurtma hisoblanadi.

Prezident Shavkat Mirziyoyevning "o'zbek milliy maqom san'atini yanada rivojlantirish chora tadbirlari to'g'risida"gi [1] "O'zbekiston Respublikasida milliy madaniyatni yanada rivojlantirish konsepsiyasini ta'minlash to'g'risida"gi [2], shuningdek ta'lim, fan, madaniyat, sohasiga oid qaror farmon va nutqlarida bu ishlarni yuqori darajada takomillashtirish ustuvor vazifalar qatorida belgilangan.

Ta'lim tizimi va mazmunini milliy negizda shakllantirish jahonning ilg'or mamlakatlarida qo'llanilayotgan yangi texnologik jarayonlarni o'zlashtirish bilan bir qatorda xalqimizning tarixiy an'analari, manaviy va madaniy merosidan oqilona foydalanish ko'lami, sifat hamda samaradorligiga ko'p jihatdan bog'liqdir.

Uzoq yillar davomida bizda ta'lim-tarbiya ishlari jahon sivilizatsiyasining ilg'or yutuqlari va xalqimizning tarixiy-madaniy ildizlaridan uzulib qolgan edi. Mustaqil rivojlanish yillarida barcha jabhalarda bo'lgani kabi musiqa ta'limi va tarbiyasini milliy negizda barpo etishning keng imkoniyatlari yaratildi.

O'zbek xalq musiqa merosi o'z mazmunida xalqimizning muayyan tarixiy bosqichlari, ijtimoiy-iqtisodiy, ma'naviy turmush tarzi, hayotiy qarashlari, urf-odatlari va umuminsoniy g'oyalarni mujassamlashtiradi.

Shu bois ulardan talimiy va tarbiyaviy maqsadlarda unumli foydalanish hech qachon o'z dolzarbligini yo'qotmaydigan vazifalar sirasiga kiradi. Bu esa amaldagi uzluksiz ta'limning barcha bo'g'inlarida, xususan, umumta'lim maktablarida o'quvchi yoshlarni milliy musiqa merosimizning eng noyob namunalari – xalq qo'shiqlari, kuylari, folklore, mumtoz va maqom asarlari bilan keng va chuqur tanishtirib borishni taqozo qiladi.

Keyingi yillarda musiqa ta'limi sohasida uni milliy asoslarda rivojlantirishga qaratilayotgan e'tibor, amalga oshirilayotgan o'zgarishlar va ta'lim tizimi oldiga qo'yilayotgan talablar bu yo'nalishda birinchi navbatda echimini kutayotgan muammolar sirasida quyidagilarni takidlab o'tishni lozim topdik:

1. Umumta'lim maktablarining musiqa madaniyati fani bo'yicha o'quv dasturi va darsliklariga kiritilgan, kuylash va tinglash uchun tavsiya etilgan o'zbek milliy musiqa merosi, mumtoz va maqom asarlari repertuarini qayta ko'rib chiqish, shuningdek, milliy musiqiy meros, mumtoz va maqom haqidagi nazariy bilim, amaliy ijrochilik malakalarini hosil qilishga mo'ljallangan o'quv materiallarini muayyan sinf, chorak mavzulari doirasida cheklanib qolmasligiga e'tibor qaratish.

2. Milliy musiqiy meros, uning tarkibidagi yuksak ijod namunasi bo'lgan mumtoz va maqom kuy-qo'shiqlarini tinglash, o'rganish, kuylash bilan big'liq ta'limiy tarbiyaviy ishlarning sinf va sinfdan tashqari shakllarda, uzviylik va tizimlilik tamoyillari asosida yo'lga qo'yish.

3. O'zbek xalq musiqa merosi (folklor mumtoz va maqom) haqidagi o'quv materiallari va ular uchun ajratilgan o'quv soatlari hajmini ko'paytirish, mazmunan yanada boyitish.

4. Musiqa darslarida "Musiqiy fonoteka" so'zi keltiriladi-yu, lekin maktablarda uni uchratishga muvaffaq bo'lolmadik. Tegishli ta'lim vazirliklari tomonidan barcha ta'lim muassasalari "Musiqiy fonoteka" va kerakli texnik vositalar bilan ta'limlash choralarini ko'rish.

Shuni e'tirof etish joizki, o'zbek xalq musiqa merosi ulkan manaviy xazina bo'lib, uning tarkibidagi og'zaki an'anadagi folklore kuy qo'shiqlar, mumtoz va maqom kabi yirik turkumli asarlar necha asrlar davomida xalq orasidan etishib chiqqan noyob iste'dod sohiblari tomonidan yaratilib, sayqallanib, avlodlar osha bizgacha etib kelgan. Bu an'ana hozirgi vaqtda ham etuk hofiz, sozanda, bastakorlar tomonidan muvaffaqiyat bilan davom ettirilib kelinmoqda.

Inson o'z tabiatiga ko'ra doimo go'zallikga intilib yashaydi. Go'zallikka intilish mayli bilan yashaydigan insonni yoshligidan go'zallikni anglash, his qilish, unga to'g'ri munosabatda bo'lish, qadrlashga o'rgatish, go'zallik yaratishga bo'lgan intilishini ro'yobga chiqarish ta'lim tizimi muassasalarining bosh maqsadi va vazifasi bo'lmog'i lozim. Shu tufayli milliy nafosat va ahloq, milliy etikani o'zida mujassam etgan milliy musiqiy merosni o'rganishni ta'lim tizimining barcha bo'g'inlarida uzliksizlik va uzviylik tamoyili asosida yo'lga qo'ymog'imiz shart.

Bugungi kunda texnik vositalar (Ijtimoiy siyosiy tarmoqlari, telefon) orqali behayolikni, sharmsizlikni, quruq ohang bilan yo'g'rilgan "raqs"lar, shovqinli, baqiroq, yig'loqi nolalarni ommaviy madaniyat niqobi ostida yoshlar hayotiga kirib kelayotgani, zamonaviy Estrada san'atidagi qo'shiqchilikni "internatsionallashuvi" (boshqa xalqlar musiqasiga taqlid, o'zbekchalashtirish, ohangdan foydalanish, o'xshovsiz xatti harakat "qiliq"lar bilan bezalgan "klip"lar) natijasida xalqimizning milliy betakror jozibasiga ega bo'lgan musiqiy an'analari o'rnini soxta, yengil-yelpi ohanglarga qiziqish mayllari egallab olayotganligi achinarli holdir. Bularning barchasi bugungi kunda uzluksiz ta'limning barcha bo'g'inlarida o'quvchi yoshlarni milliy ma'naviy qadriyatlarga munosabatini milliy g'oya va mafkura mazmuni va mohiyatiga monand shakllantirish muammolarning nazariy asoslarini tahlil qilish va ularning ijobiy yechimini ta'minlash choralari, ish usullari, vositalari, pedagogik shart-sharoit va imkoniyatlarini aniqlash, birinchi navbatda milliy musiqa merosimizni chuqur o'rganish, unga qiziqish va muhabbat tuyg'ularini o'stirishning ilmiy pedagogik tizimini ishlab chiqish, yosh avlod tarbiyasi uchun mas'ul pedagog-murabbiylar oldiga o'z faoliyatiga yuksak mas'uliyat bilan yondoshish vazifalarini qo'yadi.

**Adabiyotlar**

1. Fayzullayev E. Bo'lajak musiqa o'qituvchilari ba'diiy didini shakllantirishda o'zbek mumtoz musiqasi imkoniyatlaridan foydalanish. -Toshkent: Fan va texnologiyalar markazi bosmaxonasi, 2008.
2. Qudratov I. Talabalarni xalq qo'shiqlari vositasida estetik tarbiyalash. -Toshkent: «Fan», 2009.
3. Nosirova H. Men o'zbek qiziman. -Toshkent: «G'afur G'ulom»i, 1968.
4. Hasanov A. Musiqa va tarbiya. –Toshkent: «O'qituvchi», 1993.

**REZYUME**

Hozirgi kunda uzliksiz ta'lim tizimi oldiga qo'yilayotgan ijtimoiy talablardan biri – kelajagimiz hisoblangan yoshlarni o'zbek musiqiy madaniy meroslari bilan tanishtirish orqali ularda ruhiy barqarorlikni, o'zlikni anglashni, estetik hissiyotlarni qaror toptirishdan milliy qadryatlardan hurmatni shakllantirishdan iborat.

**РЕЗЮМЕ**

Одним из социальных требований предъявляемых к системе беспрерывного образования является воспитание молодёжи на основе их ознакомления с узбекским классическим наследием, при этом развивая такие качества как духовную устойчивость, самопознание, эстетическое воспитание, и чувство уважения к национальным традициям.

**SUMMARY**

One of the social requirements in the system of continous education today is the upbringing of the youth on the basis of classical heritage of Uzbek music and developing such qualities as spiritual stability, self-realization, aesthetic education and respect for the national traditions.

## ДАРС ЖАДВАЛИНИ ТУЗИШ ТИЗИМИНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ

**Д.Т.Мухамедиева** - *техника фанлари доктори*
*Ахборот коммуникация технологиялари илмий - инновацион маркази*
**А.Д.Сапаров** – *биология фанлари номзоди*
*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*
**Д.Ш.Зиядуллаев** – *техника фанлари номзоди,доцент*
*Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ*
**А.Б.Джолдасбаева**- *ассистент ўқитувчи*
*Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ Нукус филиали*

**Таянч сўзлар:** олий таълим муассаси, математик модел, чизиқли дастурлаш, дарс жадвали, ресурс, мақсад функция.

**Ключевые слова:** высшее учебное заведение, математическая модель, линейное программирование, расписание курсов, ресурс, целевая функция.

**Key words:** higher educational institution, mathematical model, linear programming, course schedule, resource, objective function.

*1. Кириш.* Мазкур ишнинг мақсади Олий таълим муассаси (ОТМ) даги дарс жадвалини автоматик тузиш масаласини самарали (берилган муддат ва берилган оптималлик даражасида) ечиш ва аниқ амалий масаланинг доирасида тизимни мослаштириш учун эгилувчанликка (кирувчи ўзгарувчилар ўзгарган ҳолда сезиларли бўлмаган ўзгаришлар) эга бўлган математик моделини тузишдан иборатдир.

ОТМ ларида мутахассисларни тайёрлаш сифати ва айниқса илмий-педагогик потенциалдан фойдаланиш самарадорлиги маълум даражада ўқув жараёнини ташкил этиш даражасига боғлиқ бўлади.

Мазкур жараённинг асосий ташкил этувчиларидан бири - машғулотлар жадвали - меҳнат маромини регламентлаштиради, ўқитувчиларнинг ижодий фойдали иш коэффициентига таъсир қилади, шунинг учун уни чекланган меҳнат ресурслари - ўқитувчилар таркибидан фойдаланишни оптималлаштириш омили сифатида қабул қилиш мумкин. Жадвални ишлаб чиқиш технологиясини эса нафақат меҳнат талаб техник жараён, компьютердандан фойдаланган ҳолда механизациялаш ва автоматлаштириш объекти сифатида эмас, оптимал тенглама акцияси сифатида қабул қилиш мумкин. Шундай қилиб, бу - ОТМ ларида яққол иқтисодий самарали оптимал машғулотлар жадвалини ишлаб чиқиш масаласидир. Дарс жадвалини тузиш масаласи кўп мезонлидир.

Жадвални тузиш масаласини семестр бошида машғулотларни механик тақсимлаш функциясини амалиётга тадбиқ этувчи маълум бир дастур сифатида қабул қилиш керак эмас. Меҳнат ресурсларидан унумлироқ фойдаланишнинг иқтисодий самарасига мазкур меҳнат ресурсларини бошқариш бўйича диққат билан ишлаш натижасидагина эришилиши мумкин. Бу ерда жадвал бундай бошқарувнинг воситасидир ҳолос ва ундан тўлароқ фойдаланиш учун, дастур ўзида нафақат оптимал жадвални тузиш воситаларини, балки дарс жадвалини тузиш пайтида доимий деб ҳисобланган айрим кирувчи маълумотларнинг ўзгариши оқибатида унинг оптималлигини қўллаб-қувватлаш воситаларини мужассамлаштириши керак.

Бундан ташқари, бундай мураккаб тизимни оптимал бошқариш тизимда содир бўладиган жараёнлар тўғрисида маълум бир статистик ахборотни тўпламасдан туриб оптимал бошқариб бўлмайди. Шунинг учун оптимал жадвални тузиш масаласининг ўзи ўқув жараёнини бошқариш мураккаб тизимининг бир қисмидир ҳолос [1-3].

Мазкур масаланинг кўп мезонлиги ва математик модел қурилаётган объектнинг мураккаблиги моделни мураккаблаштирмасдан ва натижада масалани ечишда қўлланиладиган хотира ва вақт ҳажмини оширмасдан дарс жадвалини тузиш алгоритмларининг функционал имкониятларини ошириш учун объектни изчил математик ўрганиш заруратини келтириб чиқаради.

*2. Масаланинг қўйилиши.* Дарс жадвалини тузиш назарияси масаласи унинг умумий қўйилишида ечимни топишга катта қийинчиликлар билан эришилсада, жуда ҳам кўркам ҳисобланади. Дарс жадваллари назарияси билан кўпгина малакали мутаҳассислар шуғулланган бўлсаларда, шу кунгача ҳеч ким аҳамиятли натижалар олмади. Бундай натижаларни олишга муваффақиятсиз уринишлар одатда чоп этилмайди, айнан шуниси бир кўринишда содда кўринган қўйилишга кўпгина тадқиқотчиларнинг эътиборини жалб этиши сабабини тушунтириб беради.

Умумий кўринишда дарс жадвалини тузиш масаласи куйидагидан таркиб топган. Маълум бир ресурслар тўплами ёки хизмат кўрсатувчи қурилмалар ёрдамида маълум бир вазифалар тизими бажарилиши керак. Бош мақсад, вазифа ва ресурсларнинг берилган ҳоссалари ва уларга юклатилган чеклашлар асосида самарадорликнинг зарурий меъёрини оптималлаштирувчи ёки оптималлаштиришга интилувчи вазифаларни тартиблашнинг самарали алгоритмини топишдан иборатдир. Самарадорликнинг асосий ўлчовлари сифатида жадвалнинг устун ва сатрларининг сони ва масала ечимини олишнинг ўртача вақти ўрганилади.

Дарс жадвалларининг умумий назариясида барча хизмат кўрсатувчи қурилмалар (ёки процессорлар) айни вақтда биттадан ортиқ вазифани бажара олмайдилар. Шунинг учун умумий дарс жадваллари назариясини ўқув машғулотлари жадвалига ўтказганда қуйидаги фаразлар қилинди [4-5]:

- ҳамма процессорлар (яъни, ўқув жадвали ҳолида-аудиториялар) сиғимга- маълум бир $C \geq 1$ сонига эгадир. Процессорнинг сиғими у мазкур вақт

моментида бир вақтнинг ўзида «қайта ишлай оладиган» вазифалар сонини аниқлаб беради (процессорларнинг бирлик бўлмаслиги борасида процессор сифатида аудитория эмас, ўқитувчи ҳизмат кўрсатадиган, вазифа сифатида эса- ўзи ишлайдиган бир ёки бир нечта ўқув гуруҳларидан ташкил топган потокни кўриб чиқиш ҳам қизиқ);

- тақсимот вазифалар тўплами сифатида ўқитувчининг ўқув гуруҳлари билан ўқув машғулотлари ҳизмат кўрсатади;
- тизимда вақт модели дискрет ҳисобланади; ҳаммма тақсимланишлар маълум бир вақт оралиғи давомида даврий такрорланувчи деб фараз қилинади;
- ҳамма вазифалар бир ҳил вақт ичида қабул қилиниб, у вақт оралиғини дискретлаштириш бирлиги сифатида қабул қилинади;
- вазифалар ўқув гуруҳлари ва ўқитувчилар тимсолидаги объектларга тегишлидир.

Натижада, ўқув машғулотлари жадвалини тузиш масаласининг баёни куйидаги кўринишга эгадир: «Берилган ўқув аудиториялари тўплами (мазкур ҳолда ўқув аудиторияси деганда ўқув машғулотлари ўтказиладиган кенг доирали иншоотлар (компьютер аудиториясидан бошлаб спорт залигача) тушунилади) ва берилган вақт оралиғи мажмуи (яъни дарс ёки ўқув жуфтликлари мазмуни бўйича) танланган оптималлик мезони энг яхши ҳисобланган барча объектлар (ўқитувчилар ва ўқув гуруҳлари) учун ўқув машғулотларининг тақсимотини қуриш».

*3. ОТМ да дарс жадвали тузишнинг математик модели.* ОТМ да дарс жадвали математик моделини чизиқли дастурлаш атамаларида қурамиз. Белгилашлар киритиб, ўзгарувчи ва чеклашларни аниқлаб оламиз.

ОТМ да *R* та потока бирлаштирилган *N* та ўқув гуруҳлари мавжуд; *r*-потокнинг рақами, $r = 1,\ldots,R, k_r$ $- r$ потокдаги ўқув гуруҳининг рақами, $k_r = 1,\ldots,G_r$.

Гуруҳ ва потокларга бўлиниш қуйидаги тамойиллардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади:

1. Иккита гуруҳ томонидан маърузалар учун бир хил аудиториявий фонддан фойдаланиш уларни автоматик равишда 1-потокка жойлашишини фараз қилдиради (ўқув гуруҳларининг барча маърузалари биргаликда ўтилади).
2. Гуруҳ (ёки унинг қисми) ОТМ даги ўқув жараёнининг бирлиги сифатида ҳар хил потокларга, лекин уларнинг ҳар бирига бир мартадан кириши мумкин.
3. Потоклар сони лимитлаштирилмайди.

Машғулотлар иш кунларида, жуфтлик деб номланадиган бир ярим соатлик оралиқларда ўтказилади.

Белгилаш киритамиз:

$t$ – ҳафтадаги иш кунинг рақами, $t \in T_{kr}$, бу ерда

$T_{kr} - k_r$ гуруҳ учун иш кунларининг рақамлар тўплами;

*j* – паранинг рақами, $j = 1,\ldots,J$;

$J$ – умумий паралар сони.

*R* потокдаги ҳар бир $k_r$ ўқув гуруҳи билан ўқув режасига мувофиқ $W_{kr}$ та машғулот ўтказилиб, улардан $S_r$ таси маъруза ва $Q_{kr}$ таси амалий.

Белгилаш киртамиз:

$s_r - r$ поток учун маъруза матнлари рўйхатида фаннинг рақами, $s_r = 1 \ldots, S_r$;

$q_{kr}$-$k_r$ гуруҳ учун амалий машғулотлар рўйхатида фаннинг рақами,

$q_{kr} = 1,\ldots,Q_{kr}$.

Ҳамма маърузалар потокнинг барча гуруҳларида бир вақтнинг ўзида ва битта аудиторияда ўтказилади деб фараз қилинади. У ҳолда маълум бир фан бўйича ҳафта давомида биттадан ортиқ машғулот ўтказилса, мазкур фан маърузалар ёки амалий машғулотлар рўйҳатида ҳар бир гуруҳнинг ўқув режаси томонидан неча марта назарда тутилган бўлса, шунча марта қайд этилади.

$p$ – ўқитувчининг рақами (исми),

$p = 1,\ldots,P. \delta^p_{rs_r}$ ва $\Delta^p_{rk_rq_{kr}}$ Бул қийматларини киритамиз:

$\delta^p_{rs_r} =$ { 1, агар r потокда $s_r$ маърузани $p$ ўқитувчи ўқиса; 0 – акс ҳолда;

$\Delta^p_{rk_rq_{kr}} =$ { 1, агар $k_r$ гуруҳда $q_{kr}$ амалий машғулотни p ўқитувчи ўқиса; 0 – акс ҳолда;

Ўқитувчиларнинг ўқув юкламаси дарс жадвалини тузгунча режалаштирилади, натижада мазкур босқичда $\delta^p_{rs_r}$ ва $\Delta^p_{rk_rq_{kr}}$ катталикларни берилган деб ҳисоблаш мумкин. Ҳар бир *p* ўқитувчи учун $(p = 1,\ldots,P)$ аудиториявий юкланиш ҳафтасига $N_p$ соат берилган.

Ҳар бир потокнинг машғулотлари фақатгина айрим аудиторияларда ўтказилиши мумкин (масалан, информатика бўйича амалий машғулотлар фақатгина дисплейли синфларда олиб борилиши мумкин).

$\{A_{1r}\} - r$ потокда маърузалар учун аудиториялар тўплами;

$\{A_{2r}\} - r$ потокда амалий машғулотлар учун аудиториялар тўплами;

$A_{1r}$ ..... $-\{A_{1r}\}$ тўпламнинг элементлар сони;

$A_{2r}$ ..... $-\{A_{2r}\}$ тўпламнинг элементлар сони;

$A_{1r} + A_{2r} - \{A_{1r}\} \cap \{A_{2r}\}$ тўпламлар бирлашмасининг аудиториялар сони.

Аудиториявий фонд дарс жадвалини тузишдан олдин аниқлаштирилади, шунинг учун тўпламларни берилган деб ҳисоблаш мумкин.

Жадвални тузиш масаласи ҳар бир маъруза (потокда) ва амалий машғулот учун маълум бир мақсад функциясини минималаштириш ва қуйида қуриладиган чеклашларнинг бажарилишини ҳисобга олган ҳолда ҳафта куни ва ундаги парани аниқлашдан иборатдир.

Қидирилаётган булл ўзгарувчиларни қуйидагича белгилаймиз:

$$y_{rt_j}^{s_r} = \begin{cases} 1, \text{ агар r потокда t куни j парада } s_r \text{ маъруза ўқилса;} \\ 0 - \text{акс ҳолда;} \end{cases}$$

$$x_{rk_rt_j}^{q_{kr}} = \begin{cases} 1, \text{ агар r потокда t куни j парада } q_{kr} \text{ амалий машғулот} \\ \text{ўтказилса; } 0 - \text{акс ҳолда;} \end{cases} \quad (1)$$

Чеклашлар:

Ҳар бир $k_r$ гуруҳ учун ҳафта давомида барча аудиториявий ишларнинг кўринишлари бажарилиши керак:

$$\sum_{t\in T_{kr}} \sum_{j=1}^{J} \left( \sum_{q_{kr}=1}^{Q_{kr}} x_{rk_rt_j}^{q_{kr}} + \sum_{s_r=1}^{S_r} y_{rt_j}^{s_r} \right) = W_{kr} \qquad \forall r = 1, \ldots, R; \quad \forall k_r = 1, \ldots \ldots (2)$$

Иxтиёрий t куни ҳар бир j парада ҳар бир $k_r$ гуруҳ учун биттадан кам бўлмаган машғулотлар ўтказилиши мумкин:

$$\sum_{q_{kr}}^{Q_{kr}} x_{rk_rt_j}^{q_{kr}} + \sum_{s_r}^{S_r} y_{rt_j}^{s_r} \le 1 \quad \forall r = 1, \ldots, R; \quad \forall k_r = 1, \ldots, G_r; \qquad (3)$$

$$\forall t\epsilon T_{kr}; \quad \forall j = 1, \ldots, J$$

Мос равишда барча r потоклар ва барча $k_r$ гуруҳлар учун ҳар бир $s_r$ маърузалар ва $q_{kr}$ амалий машғулот иxтиёрий t куни бир мартадан ортиқ ўтказилиши мумкин эмас:

$$\sum_{t\in T_{kr}} \sum_{j=1}^{J} \left( x_{rk_rt_j}^{q_{kr}} + y_{rt_j}^{s_r} \right) \le 1$$

$$\sum_{t\epsilon T_{kr}} \sum_{j=1}^{J} \left( x_{rk_rt_j}^{q_{kr}} + y_{rt_j}^{s_r} \right) \le 1 \quad \forall r = 1, \ldots, R; \quad \forall r = k_r = 1, \ldots, G_r;$$

$$\forall t\epsilon T_{kr}; \quad \forall j = 1, \ldots, J \qquad (4)$$

$$\forall s_r = 1, \ldots, S_r; \ \forall q_{kr} = 1, \ldots, Q_{kr}$$

$$\forall t\epsilon T_{kr}; \quad \forall j = 1, \ldots, J$$

Агар $x_{rk_rt_j}^{q_{kr}}$ ва $y_{rt_j}^{s_r}$ лар ҳамма турдаги машғулотларни уларнинг ўтказиш вақти билан боғлай олсалар, у ҳолда $\Delta_{rk_rq_{kr}}^{p} \cdot x_{rk_rt_j}^{q_{kr}}$ ва $\delta_{rs_r}^{p} \cdot y_{rt_j}^{s_r}$ кўпайтмалар ўтказиш вақти билан ўқитувчининг исмини боғлайди.

Ҳар t кун ва ҳар бир j парада p ўқитувчи битта фан бўйича битта потокда ёки бита гуруҳда биттадан кўп бўлмаган машғулот ўтиши мумкин:

$$\sum_{r=1}^{R} \left( \sum_{S_r}^{S_r} \delta_{rs_r}^{p} y_{rs_r}^{s_r} + \sum_{k_r=1}^{G_r} \sum_{q_{kr}=1}^{Q_{kr}} \Delta_{rk_rq_{kr}}^{p} \cdot x_{rk_rt_j}^{q_{kr}} \right) \le 1 \qquad \forall t \in T_{kr};$$

$$\forall j = 1, \ldots, J; \qquad \forall p = 1, \ldots, P. \qquad (5)$$

Ҳар бир p ўқитувчи ҳафта давомида аудитория машғулотларини ўтказиши лозим:

$$\sum_{t\epsilon T_{kr}} \sum_{j=1}^{J} \sum_{r=1}^{R} \left( \sum_{s_r=1}^{S_r} \delta_{rs_r}^{p} \cdot y_{rt_j}^{s_r} + \sum_{k_r=1}^{G_r} \sum_{q_{kr}=1}^{Q_{kr}} \Delta_{rk_rq_{kr}}^{p} \cdot x_{rk_rt_j}^{q_{kr}} \right) = N_p \ \forall p = 1, \qquad (6)$$

Ва ниҳоят, ҳар куни, ҳар бир парада маърузалар ва амалий машғулотлар сони ОТМ да мавжуд аудитория фондидан ошмаслиги лозим:

$$\sum_{s_r=1}^{S_r} y_{rt_j}^{s_r} \le A_{1r} \cdot$$

$$\sum_{k_r=1}^{G_r} \sum_{q_{kr}=1}^{Q_{kr}} x_{rk_rt_j}^{q_{kr}} \le A_{2r} \qquad \forall r = 1, \ldots, R; \quad \forall t\epsilon T_{kr} \qquad \forall j = 1, \ldots, J$$

Бундан ташқари, барча кесишувчи $\{A_{1r}\}$ ва $\{A_{2r}\}$ тўпламлар мажмуи учун қуйидаги шарт бажарилиши керак:

$$\sum_{s_{r_i1}=1}^{S_{r_i1}} y_{r_{i1}t_j}^{s_{r_i1}} + \dots + \sum_{s_{r_im}=1}^{S_{r_im}} y_{r_{im}t_j}^{s_{r_im}} + \sum_{k_{r_{11}}}^{G_{r_{11}}} \sum_{q_{kr_{11}}}^{Q_{kr_{11}}} x_{r_{11}k_{r11}}^{q_{kr_{11}}} +$$

$$\sum_{k_{r_{1m}}}^{G_{r_{1m}}} \sum_{q_{kr_{1m}}}^{Q_{kr_{1m}}} x_{r_{1m}k_{r1m}t_j}^{q_{kr_{1m}}} \le A_{1r_{11}} + \dots + A_{1r_{1m}} + \dots + A_{2r_{11}} + \dots + A_{2r_{1m}}$$

Келтирилган муносабатлар орқали жадвални тузишда ҳисобга олинадиган шартсиз чеклашлар буткул тамом бўлади. Маҳсус шартлар, масалан «юқори» ва «қуйи» ҳафта (яъни ҳафтасига бир академик соат) бўйича алоҳида иш турларини ўтказиш ҳам мумкин. Бошқа маҳсус шартлар ҳам бўлиши мумкин, лекин моделларни соддалаштириш учун улар кўрилмайди.

*Мақсад функцияси.* Илмий, ўқув-услубий ишларни тўлақонли олиб бориш, машғулотларга тайёрланиш учун ОТМ ўқитувчисининг бўш вақти бўлиши керак. Ундаги бўш вақтлар талабалар билан машғулотлар орасидаги «ойналар» сингари «узилган» режимда эмас, иложи бўлса тўла бўш иш кунларида эга бўлиши керак. Бунга ўқитувчиларнинг аудиторияви юкланишни улар шунга эга бўлган кунларда максималлаштириш эквивалент бўлади ((6) га қаранг). Лекин бунда бўш вақтга бўлган даъволар тенг эмас, чунки уларда ҳар хил ижодий потенциалдир. Шунинг учун шундай оғирлик коэффициентлариги киритиш керакки, улар асосида ўқитувчининг мавкеи- унинг илмий даражаси ва унвони, эгаллаган лавозими, илмий-жамоавий фаоллиги ва ҳ.к лар ҳисобга олиниши керак. Айрим ҳолларда тажрибавий баҳолар асосида бошқа омилларни ҳисобга олган шахсий оғирлик коэффициентлардан фойдаланиш керак.

Шундай қилиб, машғулотлар жадвалини тузиш сифати мезонини барча ўқитувчилар учун аудитория ишларидан бўш бўлган кунларнинг ўлчанган сонини максималлаштириш кўринишида танлаймиз, бу эса иш ҳафтасининг қайд этилган узунлиги шартида аудиториявий юкланишнинг максимал мажмуавий зичланишга эквивалент.

P ўқитувчининг t кундаги аудиториявий юкланиш катталиги учун қуйидаги ифодани кўриб чиқамиз:

$$Q_t^p = \sum_{r=1}^{R} \left( \sum_{s_r=1}^{S_r} \delta_{rs_r}^p \cdot y_{rt_j}^{s_r} + \sum_{k_r=1}^{G_r} \sum_{q_{kr}=1}^{Q_{kr}} \Delta_{rk_rq_{kr}}^p \cdot x_{rk_rt_j}^{q_{kr}} \right) \quad (10)$$

Қуйидаги кўринишдаги чеклашлар киритилади:

$$1 \le Q_t^p + M z_t^p \le M \qquad \forall t \in T_{kr}; \qquad \forall p = 1, \dots, P, \qquad (11)$$

Бу ерда $M$ – иҳтиёрий мусбат етарли даражада катта сон; $z_t^p$ -қидирилаётган булл ўзгарувчиси.

(11) дан $Q_t^p = 0$ бўлса, у ҳолда $z_t^p = 1$ ва агар $Q_t^p > 0$ бўлса, у ҳолда $z_t^p = 0$ эканлиги келиб чиқади.

Юқорида қайд этилган (11) қўшимча чеклашлардаги оптималлаштириш мезонининг мазмунини ҳисобга олган ҳолда ҳамда ўқитувчи унвонининг $\Omega_p$ оғирлик коэффициентларини киритиб, қидирилаётган оптималлик мезонига га бўламиз:

$$\sum_{t \in T_{kr}} \sum_{p=1}^{P} \Omega_p z_t^p \to \max. \qquad (12)$$

Киритилган мақсад функцияси ягона мавжуд бўлгани эмас. Бошқа мақсад функцияларини киритиш математик модел чеклашларини ва масалани ечиш усулларини ўзгартирмайди, лекин ҳисоблаш натижаларига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин.

4. *Масаланинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш.* Қўйилган масалани ечиш учун зараур бўлган ахборот дарс жадвалини тузиш масалаларини ечиш усулларини итерация қилишдан аввал бериб қўйилади. Соддалаштириш мақсадида, берилган ахборот бутун давр мобайнида ўзгармас деб олинади.

Қўйилган масаланинг маълум даражадаги умумий-лигини йўқотмасдан, чеклашларни шакллантириш ва масалаларни ечиш учун зарур бўлган ва айни пайтда тизимнинг барча амалий тадбиқлари учун умумий хисобланган маълум бир кирувчи ўзгарувчилар тўпламини аниқлаш мумкин. Қўйилган масаланинг ўзига хос хусусияти ҳисобига (математик моделни аниқ ОТМ доирасида амалий тадбиқ этиш ҳоли учун нисбатан осон мослаштириш имконияти) кирувчи ахборот ҳужжатларнинг шакллари ишлаб чиқилмаган. Кирувчи ахборотнинг реквизитлари жадвалда таърифланган.

Ушбу маълумотлардан ташқари математик модел учун кирувчи ахборотни дастурий йўл билан таҳлил қилгандан сўнг олиниши мумкин бўлган айрим қўшимча маълумотлар бўлиши шарт.

*Масаланинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш.*

Жорий ахборот маълумотларнинг ахборотли-мантиқий модели (АММ) ни куриш ва шакллантириш учун ахборотнинг таркиби ва тузилмасини аниқлаш мақсадида таҳлил қилинди. Юқорида келтирилган математик модел, ҳамда фан соҳаси таърифидан олинган қўшимча маълумотлар ҳужжатда сақланадиган ўзаро боғланган ахборотда реквизитларнинг ролини аниқлаб бериш имконини беради. Бундай таҳлил асосида маълумотларни нормаллаштириш тависялари ва талабларига мувофиқ равишда функционал боғланишларни ўрнатамиз, бундан сўнг нормаллаш-тиришни амалга оширамиз. Нормаллаштиришнинг мақсади маълумотлар миқдорини камайтириш (лекин албатта ўчириш эмас). Лекин, айрим пайтларда маълумотларнинг маълум бир даражада кўплиги дастур ишининг самарадорлигини ошириш учун атайлаб яратилади.

5. *Хулоса.* Тадқиқот жараёни давомида дарс жадвалини тузишда талаба ўқув юкламасини оптималлаштириш ва ўзлаштиришини башорат қилиш моделлари таклиф этилди. Илк бор ушбу моделлар нейроноравшан аппроксимация усуллари ёрдамида ечилди. Мазкур ишда норавшан коэффициентли норавшан чизиқли дастурлашдаги кўп мезонли масалаларни ечишнинг умумий ёндашуви таклиф этилган. Бу ёндашувнинг умумлаштирувчи қоидаласи норавшан муносабат, хусусан тенглик ёки тенгсизлик муносабатлари ҳамда агрегатлаштириш оператори тушунчасидир.

Норавшан чизиқли дастурлаш масаласи баён қилинди, бундай масаланинг жоиз ечими аниқланди, норавшан чизиқли дастурлаш масалаларига нисбатан “муқобил” ечимни ҳисоблаш муаммоси кўриб чиқдилди. Иккита ёндашув таклиф этилди: биринчи ёндашув норавшан катталиклар билан моделлаштирилувчи ташқаридан берилган мақсадларга асосланган қаноатлантирувчи ечимга асосланади; иккинчиси эса $\alpha$ -самарали (ноустувор) ечимга асосланади. Кейинги тадқиқотлар норавшан дастурлашнинг иккиламчилигига қаратилган.

Ва ниҳоят, кўп мезонли ҳол қаралди ва норавшан чизиқли дастурлашнинг кўп мезонли масаласи баён қилинди. Келишувли ечим аниқланганидан сўнг, бундай ечимларни топиш масаласини содда ночизиқли муқобиллаштириш масаласига олиб келишга оид натижалар чиқарилди. Моделлар ёрдамида оптималлаштириш ва башорат килиш масалаларини ечимини олиш максадида оригинал дастур тузилди. ОЎЮ ўқув жараёнини ташкил этиш ва талабалар контингентини юритиш бўйича инфологик тавсиф ишлаб чиқилди. Унда маълумотлар базаси тузилмаси, жараёнлар схемалари берилади.

**Адабиётлар**


1. Zadeh L.A. Fuzzy sets: Information and control. 1965, Vol. №8. -P. 338-353.
2. Aliev R.A, Aliev R.R. The theory of intelligent systems. –Baku: Publishing House "Chashyolgy", 2001. –P. 720.
3. Mukhamedieva D.T. Evolutionary algorithms for solving multicriteria optimization problems. Publishing house "Palmarium Academic Publishing". AV Akademikerverlag GmbH & Co.KG Heinrich-Böcking-Str. 6-8, 66121 Saarbrucken, -Germany: 2015. –P. 262.
4. Bekmuratov TF, Mukhamedieva DT Fuzzy-multiple models of adoption of weakly structured solutions. Publishing house "Palmarium Academic Publishing". AV Akademikerverlag GmbH & Co.KG Heinrich-Böcking-Str. 6-8, 66121 Saarbrucken, -Germany: 2015. –P. 172.
5. Mukhamedieva D.T., Primova Kh.A. Approach to problem solving multicriterial optimization with fuzzy aim // International Journal of Mathematics and Computer Applications Research (IJMCAR) ISSN(P): 2249-6955; ISSN(E): 2249-8060 Vol. 4, Issue 2, USA. 2014, 55-68 pp. Impact Factor (JCC): 4.2949.
6. Зиядуллаев Д.Ш. Олий таълим муассасалари учун “Дарс жадвали” ахборот тизимини ишлаб чиқиш. –Нөкис: // «Фан ва жамият» №1, 2018. 63-65-б.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада олий таълим муассасаларида дарс жадвалини автоматик тузиш масаласининг самарали ечимининг математик модели ва алгоритмини яратиш масаласи кўриб чиқилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье представлена задача создания линейной математической модели и алгоритма автоматического построения таблицы учебных занятий в высшем образовательном заведении.

**SUMMARY**

The article presents the task of creating a linear mathematical model and an algorithm for automatical construction of a table of studies at a higher educational institution.


## МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ТАРБИЯСИДА АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ


**М.Норбошева** - *катта ўқитувчи*

**И.Исмоилова** -*1-босқич талабаси*

*Термез давлат университети*



**Таянч сўзлар:** Алишер Навоий, камолот, бола, тарбия, маънавият, мактабгача ёш, буюк мутафаккирлар, одоб-ахлоқ.
**Ключевые слова**: Алишер Навои, воспитание, ребёнок, духовность, дошкольный возраст, великие мыслители, поведение.
**Key words:** Alisher Navoi, education, a child, spirituality, preschool age, great thinkers, behavior.


Мамлакатимизда мактабгача таълим соҳасида амалга оширилаётган барча ижобий ислоҳотлар Ватанимизнинг гуллаб яшнаши, жаҳон ҳам жамиятида муносиб ўрин эгаллаши учун олиб борилмоқда. Ёшларни юксак билимли, эътиқодли, маънавий жиҳатдан пок инсонлар қилиб тарбиялаш, мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнини тарбиячилар томонидан тўғри ташкил этиш, масъул шахслар томонидан уни назорат қилишнинг афзаллигини таъминлаш, мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, маънавий, ахлоқий, эстетик дунёқарашини шакллантиришнинг асосий босқичи ҳисобланади. Шунингдек, Республикамизда мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари ҳамда дастурини амалга ошириш таълимни инсонпарварлаштириш, болалар шахсини тўлақонли тушуниш, уни ҳурматлаш, болаларга ишониш ва уларни ишонтириш, қизиқиши ва қобилиятини рўёбга чиқаришга имконият яратиш билан бирга уларнинг инсоний сифатларини шакллантиришни талаб этади. Яъни болада шахснинг инсонийлиги, меҳр-оқибат, одоб-ахлок, ақл-идрок, ростгўйлик, раҳм-шафқатлилик, дўстлик-биродарлик, ўз юртини, Ватанини, халқини севиш каби фазилатларни тарбиялаш, айни пайтда уларни дадил, ботир, қўрқмас шижоатли, тадбиркор, уддабурон, ҳар бир нарсани қадрлай оладиган, миллий, умуминсоний қадриятни тушуниб етадиган қилиб тарбиялаш зарурдир.

Шунинг учун ҳам Республикамизда бугунги кунда ёш авлод, тарбиясида замонавий омилларга таяниш, айниқса, миллий истиқлол ғоясининг асосий тарихий негизи бўлган миллий қадриятлар, аньаналар, буюк алломалар, ота-боболаримизнинг маьнавий меросларига асосланишга аҳамият бериш ҳозирги куннинг талабидир.

Ўзбекистон Республикасининг "Таьлим тўғрисида"ги Қонунида: "Давлат таьлим соҳасидаги сиёсатини умуминсоний қадриятларни, халқнинг тарихий тажрибасини, маданият ва фан бобидаги кўп асрлик анъаналарини... ҳисобга олган ҳолда юргизади", - дейилган. Демак, мактабгача таълим муассасалари ва оилада тарбияга оид инсоният яратган бой маънавий мерос бўлган урф-одатлар, қадриятларимизга катта хурмат, эьтибор билан қараш, ёш авлод тарбиясида улардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун эса ҳар бир тарбиячи буюк аждодларимиз бўлган Абу Наср ал-Фаробий, Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий, Аҳмад Югнакий, Аз-Замахшарий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк боболаримизнинг ахлоқ-одоб ҳақидаги фикрлари, ўгитларини мактабгача таълим ёшидаги болаларга ўргатиш, теварак-атроф билан таништириш, нутқ ўстириш, бадиий адабиёт каби машғулотларда ҳамда турли тадбирлар мобайнида уларнинг ўгит-насиҳатларидан фойдаланиши талаб этилади.

Жамиятда инсон омили ҳар доим ҳал қилувчи ўрин эгаллагани туфайли буюк олим ва мутафаккирлар ижодида, панд-насиҳатларида инсонни тарбиялаш, комил инсон бўлиш ғояси асосий ғоя сифатида ифода

этилган, аҳлоқ-одоб меъёри ҳисобланган.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий (1441-1501) улуғ шоир, олим ва давлат арбоби бўлиш билан бирга турк, форс, араб тилларини мукаммал билган, одоб, ақл-заковат ва зеҳнда улуғ бўлганлар. Темурийлар даврида яшаб ижод этганлар.

А.Навоий ўзининг "Хамса" асарига кирган "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Хайрат –ул-аброр", "Сабаъи Сайёр", "Садди Искандарий" достонларида "Хазойинул маоний" "Маҳбуб-ул қулуб" каби асарларида, ғазал ва рубоийларида таълим-тарбия ҳақида нодир фикрлар айтганлар. Навоий асарларидаги таьлим-тарбия ғоясининг негизи инсон ва унинг камолотини ифода этишдан иборат бўлиб, уларда инсоний фазилатлар: инсонпарварлик , одамийлик, дўстлик, биродарлик, ўзаро ёрдамлашиш, меҳр-оқибатли, хайр-эхсонли бўлиш ҳақида, одобли-ахоқли, инсоф-диёнатли бўлиш, сабр-тоқат, қаноат, камтарлик ҳақида чукур фалсафий фикр юритилади. Алишер Навоий ўзининг "Фарход ва Ширин", "Лайли ва Мажнун" достонларида оила, қариндош ва биродарлар орасидаги дўстликни, айниқса, халқлар, миллатлар ўртасидаги дўстликни мадҳ этади, дўстлик халқнинг буюк фазилати деб билади, уни Фарход, Ширин, Шопур образларида ифода этади. Адиб халқни ўйламаган, унинг ғамини емаган, халққа ёмонлик қилган кишиларни энг ёмон киши сифатида қуйидаги мисрада таьрифлайди.

Эл қочса бировдин, эл ёмони бил они,
Аҳволида идбор нишони бил они ,
Феъл ичра улуғ балойи жони бил они,
Олам элининг ёмон, ёмони бил они.

Шунингдек, бобомиз Алишер Навоий ўз асарларида илмли бўлиш, илмга интилишни юксак фазилат эканлигини, илмни осонликча эгаллаш мумкин эмаслигини, илмли бўлиш учун тинмай ҳаракат қилиш, илмли кишилардан сўраб ўрганиш зарурлигини ифода этади, илм қанча кўп бўлса, шунга фойдали, деб таъкидлайди.

Билмаганни сўраб ўрганган олим,
Орланиб сўрамаган ўзига золим.
Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

Алишер Навоий Фарҳоднинг кўп илмларни эгаллагани учун ҳам у ақл-заковатли, камтар, меҳнатсевар ва ҳунарли бўлиб етишганини, ўз илми ва ҳунарини халқ манфаати, бахт-саодати учун сарф қилганини ёшларга ибрат сифатида тасвирлайди:

Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,
Билиб тасхиқини касб этмаган илм.
Ҳунарни асрабон неткумдир охир,
Олиб туфроққаму кетгумдир охир.

Алишер Навоий асарларида илмли бўлиш учун она тилини пухта билиш лозимлиги, шу билан бирга кўп тилларни билиш ҳам муҳим эканлигини илмли кишилар фақат хунар ва илмда эмас, балки ахлоқ-одобда ҳам олижаноб бўлишлари, улар тўғри сўз, сўзамол бўлиб ҳамиша ўз нутқи ва ўзгалар нутқига эьтиборли бўлишларини, чин сўзли эканликларини ифода этадилар. "Тилга эътибор, элга эътибор" деган хулоса қилинади.

А.Навоий қуйидаги фикрлари орқали ростгўйлик, тўғрисўзликни ифода этади: "Кишининг сўзи тўғри бўлса, унинг ўзи ҳам тўғри бўлади", дейиш била ёлғон гапиришни, сўзлашда хато қилишни қоралайди".Чунки "Чин сўз- мўътабар, яхши сўз- мухтасар"дир [1:69-70].

Алишер Навоий инсонга яхшилик қилишни улуғлаб, ширинсуханлик, ширин сўз бўлиш ҳам, яхши сўз айтиш ҳам бошқаларга яхшилик қилиш эканлигини айтиб, агар сен бирор кишига яхшилик қилишга ҳеч нарса тополмасанг, яхши сўз айтиб унинг кўнглини равшан қилгил деб насиҳат қилади:

"Хушгўйким, сўзни рифқ ва мувасо билан айтгай, кўнгулга юз ғам келатурғон бўлса, анинг сўзидин қайтгай. Сўздадир ҳар яхшиликнинг имкони бор", дейиш билан хушсўз бўлиш, нутқда ортиқча дағаллик қилмаслик ноўрин сўз қўлламасликни, фикрни аниқ баён қилишни тарғиб қилади.

Яхши сўз бирла хожат аҳлини сўр,
Бермасанг яхши тўъмадин нафақа .
Не учун ким Расул қавли билан
Яхши сўз бордир айлаким садақа. [2:70]

Алишер Навоий ижодида фарзанд тарбияси муҳим ўрин эгаллайди, ота-она ўз фарзандининг тарбиясига масъул бўлиши, фарзандларини одобли, ахлоқли, ақлли, илмли қилиб тарбиялашларини, болаларнинг эса ота -она олдидаги бурчларини, ота-онани ҳурмат қила билишларини, ота-онани эъзозлаш, ҳурматлаш, улар хизматини доим бажо келтиришлари зарурлигини таъкидлайди, унинг фикрича:

Оналарнинг оёғи остиндадир
Равзаи жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолини истар эрсанг,
Бўл анонинг оёғин тупроғи. [3:70]

Қуйидаги мисраларда Навоий фарзандга ота-онани бир хил ҳурмат қилишни, уларни эъзозлашни тарғиб қилади.

Бири эрур макрумати волидайи,
Билки, бунинг ўқилмоғидир фарзи
Иста ота йўлида фидо жон қилмоқ,
Қуллуқ онога ҳам унга имкон қилмоқ,
Зухри абад истасанг фаровон қилмоқ ,
Бил они ота-онога эхсон қилмоқ. [4:76-77]

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, буюк аждодларимизнинг таълим-тарбияга доир фикрлари, ўгитларини мактабгача таълимдан бошлаб ўргатиш улар нутқини ўстириш билан бирга болаларни одоб-аҳлоқли этиб тарбиялашга ёрдам беради.

Шунинг учун ҳам мактабгача таълим муассасасида “Болажон” таянч дастурига кўра кичик гуруҳдан бошлаб буюк сиймолар билан таништириш машғулотларини ташкил этиш талаб этилади. Бунинг учун, аввало, тарбиячи буюк мутафаккирларнинг асарларида ифода-ланган тил, сўз, нутқ, нутқ одоби ҳақидаги фикрларни пухта билиши, уларнинг мазмуни ва моҳиятини чуқур англаб олиши болалар ёш хусусиятларини, тушуниш қобилиятларини назарда тутган ҳолда машғулотларни ташкил этиши лозим бўлади.

**Адабиётлар**


1. А.Навоий "Махбуб-ул қулуб" Педагогика тарихидан хрестоматия. -Тошкент: 1993, 69-70-б.
2. А.Навоий. Арбаин. Педагогика тарихидан хрестоматия. Тузувчи: О.Хасанбоева -Т.: 1993, 70-б.
3. А.Навоий. Педагогика тарихидан хрестоматия . 1993, 70-б.
4. А.Навоий. Хайратул-аброр. –Т.: 1989, 76-77-б.



**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясида ва умуман, инсон ва унинг камолотида Алишер Навоийнинг ахлоқий қарашларидан фойдаланишнинг аҳамияти масалалари ёритилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются идеи великого мыслителя Алишера Навои по вопросам нравственности и морали и роль его наследия в воспитании и формировании детей дошкольного возраста и личности в целом.

**SUMMARY**

The article is devoted to the description of ideas of the great thinker Alisher Navoi on morality and the role of his heritage in the education and formation of the children of pre-school age and personality in whole.

# DARS JARAYONIDA O'YIN METODLARI ORQALI DARS SAMARADORLIGINI OSHIRISH

**A.Odilov** - *katta o'qituvchi*
*Samarqand davlat universiteti*

**Tayanch so'zlar:** pedagogik texnologiya, muloqot texnikasi, rolli o'yinlar va mashqlar.
**Ключевые слова:** педагогические технологии, техника диалога, ролевые игры и упражнения.
**Key words**: pedagogical technologies, technique of dialogue, role play and exercises.

Ma'lumki, ta'lim-tarbiya jarayoni katta avlod tomonidan o'z bilim va tajribalarini o'sib kelayotgan yosh avlodga o'rgatishdan iborat bo'lib, bu jarayon, asosan, inson hayoti uchun zarur axborotlarni avloddan-avlodga uzatish shaklida amalga oshiriladi.

Yangi axborotlar orasidagi turli bog'liqliqlarni ochish orqali o'yin metodlaridan foydalanish dars samaradorligini oshirishga yordam beradi. Shunday ekan, pedagogik texnologiya insonga oldindan belgilangan maqsad bo'yicha ta'sir o'tkazish faoliyati hisoblanadi va o'quvchini mustaqil o'qishga, bilim olishga, fikrlashga o'rgatishni kafolatlaydigan jarayondir.

Zamonaviy sharoitda ta'lim amaliyotida amaliy-innovasion xarakterga ega o'yinlardan samarali foydalanilmoqda. **O'yin** – kishilik faoliyatining muhim turi hamda ijtimoiy munosabatlar mazmunining bolalar tomonidan imitasiyalash (ko'chirish, taqlid qilish) asosida o'zlashtirish shakli sanaladi. Dastlab "**o'yin**" tushunchasining mohiyatini anglab olish talab etiladi. Amaliy o'yinlar – muayyan amaliy harakatlarning tashkil etilishini imitasiyalash imkoniyatini beradigan o'yinlar.

Ta'lim amaliyotida qo'llaniladigan amaliy o'yinlar o'z -o'zidan didaktik xususiyat kasb etadi, shu sababli ular ko'p holatlarda "didaktik o'yinlar" deb yuritiladi [2:12].

Kishilik tarixiy taraqqiyotining barcha davrlarida ham o'yin subyekt faoliyatining eng birinchi va muhim turi sifatida tan olingan. Binobarin, shaxs faoliyatining muhim turlari – mehnat, o'qish bilan birga o'yin ham uning shakllanlanishi va rivojlanishida muhim ahamiyat kasb etadi. O'yinlar vositasida katta avlod tomonidan to'plangan hayotiy tajriba, o'zlashtirilgan bilim, turmush tarzi va ijtimoiy munosabat asoslari, madaniy qadriyatlar yosh avlodga izchil uzatib kelingan [1:23].

O'yin shaxsning tarbiyalash, rivojlantirish, unga ta'lim berish xususiyatlariga ega. Mavjud xususiyatlari tufayli o'yinlar qadim-qadimdan xalq pedagogikasining muhim asoslaridan biri bo'lib kelmoqda. Bevosita o'yinlar bolalarda idrok, sezgi, xotira, tafakkur, nutqni rivojlantirishga yordam berish orqali ularni ma'naviy-axloqiy, aqliy, jismoniy va estetik jihatdan tarbiyalashga xizmat qiladi. "Maktabgacha yoshdagi bola o'yin faoliyatida o'qish va mehnatga tayyorlanadi. Yosh ulg'aygan sari o'yinning roli biroz kamayib boradi. O'yinlarning tarbiyaviy ahamiyati bolaning butun hayoti davomida saqlanib qoladi" [1].

Agarda jismoniy xatti-harakatlarni rivojlantirishga xizmat qiladigan o'yinlar bolalarda chaqqonlik, epchillik, chidamlilik, qat'iylikni tarbiyalasa, intellektual, konstruksiyali o'yinlar ularni o'ylashga, fikrlashga, mantiqiy tafakkur yuritishga o'rgatadi.

Zamonaviy pedagogikada o'yinlar ta'lim jarayonining samaradorligini oshirish, ta'lim oluvchilarning o'quv-bilish faolligini kuchaytirish maqsadida quyidagi tarzda qo'llaniladi: Ta'lim amaliyotida qo'llaniladigan amaliy o'yinlar o'z-o'zidan didaktik xususiyat kasb etadi, shu sababli ular ko'p holatlarda "didaktik o'yinlar" deb yuritiladi. Shuningdek, ushbu o'yinlarning bir nechta sifatlarini ko'rib chiqsak:

- tushuncha, mavzu va alohida bo'lim mohiyatini o'zlashtirishda alohida texnologiya sifatida;
- pedagogik texnologiyalarning elementi sifatida;
- o'quv mashg'uloti shakli yoki uning bir qismi sifatida;
- sinf (auditoriya) dan tashqari ishlardan biri ("Zakovat", "Bilimdon", "Huquq fani bilimdoni" va boshqalar sifatida.

O'yinning mohiyati va tuzilishi ma'lum ko'nikma, malaka, qobiliyat va sifatlarning har bir ishtirokchida butun o'yin davomida shakllanishini ta'minlaydi. Ta'lim jarayonda o'yin texnologiyalaridan foydalanishda o'qituvchi pedagogik vazifalarini ssenariyda aniq ifodalay olishi zarur.

O'yin faoliyatining psixologik mexanizmlari shaxsning o'zini namoyon qilish, o'zining hayotda o'rnini belgilash, o'zini o'zi boshqarish, o'z imkoniyatlarini amalga oshirishan iborat asosiy ehtiyojlarni qondirish imkoniyatini yaratadi.

O'yin ijtimoiy tajribalarni o'zlashtirish va qayta yaratishga yo'nalgan vaziyatlarda, faoliyat turi sifatida belgilanadi hamda o'yin jarayonida shaxsning o'z xulqini boshqarishi shakllanadi va takomillashadi.

O'quv faoliyatining asosiy motivi – bu o'quv-bilish motivi bo'lsa, o'quv faoliyatining eng muhim motivasiyasi esa talabada o'zi tanlangan va asoslarini o'zlashtirayotgan kasbga bo'lgan qiziqishi sanaladi. Talaba o'quv jarayonidagi egallagan bilimlaridan, kasbiy malakalari va ko'nikmalaridan hissiy jihatdan qoniqa olishi lozim. Bu vazifani hal qilishda o'qitish jarayonida o'yinli texnologiyalardan foydalanish alohida ahamiyat kasb etadi. O'yinli texnologiyalari, shuningdek, talabalarning ijodiy qobiliyati va kreativ tafakkurini o'stiradi. Pedagogik maqsadda foydalanilayotgan o'yinlar o'yin texnologiyalari deb nomlanadi.

**O'yin texnologiyalari (o'yin ta'limi)** – ijtimoiy tajribalarni o'zlashtirishning barcha ko'rinishlari: bilim, ko'nikma, malaka hamda hissiy-baholovchi faoliyat jarayonini hosil qilishga yo'naltirilgan shartli o'quv vaziyatlarini ifodalovchi shaxsga yo'naltirilgan ta'lim (pedagogik texnologiya) turlaridan biri

O'quv mashg'ulotlaridan o'yinlar va o'yinli vaziyatlarni qo'llash quyidagi asosiy yo'nalishlarda amalga oshiriladi:

- didaktik maqsad talabalar oldiga o'yinli topshiriq shaklida qo'yiladi;
- o'quv faoliyati o'yin qoidalariga bo'ysundiriladi;
- didaktik o'quv materialdan o'yin vositasi sifatida foydalaniladi;
- o'quv faoliyatida didaktik vazifani o'yin vazifasiga aylantiruvchi musobaqa elementi qo'llaniladi;
- muvaffaqiyatli bajarilgan didaktik topshiriq o'yin natijasi sanaladi.

Har qanday o'yinlar kabi pedagogik jarayonlarda foydalaniladigan o'yinlar ham o'zining aniq maqsadi va natijasiga ega bo'ladi.

Ta'lim muassasalarida ko'p holatlarda rolli va kasbiy xarakterga ega ishbilarmonlik o'yinlarian foydalaniladi. Muhimi pedagogik maqsadlarda qo'llaniladigan o'yinli texnologiyalarining asosini talabalarning **faollik va tezkorlikka asoslangan faoliyati** tashkil etadi [3:24].

Pedagogik o'yinlar yangi o'quv materialini o'zlashtirish, mustahkamlash, talabaning ijodiy qobiliyatini rivojlantirish, umumiy kasbiy tayyorgarlik ko'nikma, malakalarini shakllantirish kabi masalalarni yechishga qaratiladi. Ular yordamida talabalar turli holatlardan o'quv materialini tushunish, uning negizida ma'lum ko'nikma, malaka va sifatni o'zlashtirish imkoniyatiga ega bo'ladi.

Mashhur pedagog G.K.Selevko pedagogik o'yinlarni quyidagi tartibda tasniflagan:

**1. Didaktik o'yinlar** – o'rganilayotgan obyekt, hodisa, jarayonlarni modellashtirish asosida o'quvchilarning bilishga bo'lgan qiziqishlari, faolliklarini oshiradigan o'quv faoliyati turi hisoblanadi. Bu kabi o'yinlar o'quvchilar tomonidan ijtimoiy-foydaliAyni o'rinda o'yin metodikasiga

ko'ra guruhlangan o'yin texnologiyalarining mohiyati xususida so'z yuritiladi.

**2. Syujetli o'yinlar –** pedagogik voqyelik, hodisalar bayonining muayyan izchilligi va unda ishtirok etayotgan shaxslar faoliyatining o'zaro bog'liqligiga asoslangan o'yinlar sanaladi. Bu kabi o'yinlar odatda pedagogik muammolarning yechimini izlash, ta'im-tarbiya jarayonida yuzaga kelgan muammoli vaziyatlarni bartaraf etish, shaxsni qayta tarbiyalash maqsadida qo'llaniladi.

**3. Rolli o'yinlar** – ma'lum bir shaxsning vazifa va majburiyatlarini bajarishdagi ruhiy holati, xatti-harakatlar mohiyatini ochib berishga yo'naltirilgan o'yinlar, ularda rollar majburiy mazmuni bilan taqsimlanadi. Rolli va ishbilarmonlik o'yinlari o'quvchilarni muayyan jarayonga tayyorlash, ularda ma'lum hayotiy voqyelik, hodisalar jarayonida bevosita ishtirok etish uchun dastlabki ko'nikma-malakalarni hosil qilishga xizmat qiladi. Ta'lim jarayoni ishtirokchilari (m: o'quvchilar, ota-onalar, pedagogik jamoa a'zolari, ta'lim muassasalarining rahbarlari, jamoatchilik tashkilotlarning vakillari va b.) sifatida turli rollarni bajarish talabalarga pedagogik faoliyat mazmuni bilan yaqindan tanishish imkoniyatini yaratsa, o'quvchilarga ma'lum faoliyatni samarali tashkil etishga nazariy, amaliy, eng muhimi, ruhiy jihatdan tayyorlanishga yordam beradi.

**4. Ishbilarmonlik o'yinlari** – ma'lum faoliyat, jarayon yoki munosabatlar mazmunini yoritish, ularni samarali, to'g'ri, oqilona uyushtirishga doir ko'nikma, malaka hamda sifatlarni o'zlashtirish maqsadida tashkil etiladigan o'yinlar. Bu turdagi o'yinlar ta'lim oluvchilarda aniq faoliyat yo'nalishida zarur BKM va sifatlarni shakllantirish yoki rivojlantirish maqsadida tashkil etiladi. Shu jihatdan ishbilarmonlik o'yinlari ishlab chiqarish jarayoni, kasbiy faoliyatining modellashtirilishini anglatadi. Ishbilarmonlik o'yini talabalarda kasbiy sifatlarni hosil qilish bilan birga shaxsiy sifatlarni ham tarbiyalaydi, ularning ijtimoiylashuvini ta'minlaydi.

**5. Imitasion o'yinlar** – ishlab chiqarish korxonalari, ish o'rinlari, firmalar, tashkilotlarda xodimlar tomonidan amalga oshiriladigan faoliyatni imitasiyalash (taqlid qilish, ko'chirish) asosida talabalarni muayyan amaliy yoki kasbiy faoliyatga samarali tayyorlashga yo'naltiradigan o'yinlar. Bu turdagi o'yinlar ssenariyasi, syujetidan tashqari, imitasiya jarayon, obyektlarning tarkibiy tuzilmasi va ahamiyatini to'la ochib berish maqsadia modellashtiriladi. Imitasion o'yinlar jarayonida ta'lim oluvchilar muayyan operasiyalarni, m: masalalar yechish, ma'lum bir usulni o'zlashtirish imkoniyatiga ega bo'ladi.

**6. Dramatik o'yinlar (psixologik va ijtimoiy dramalar)** – psixologik hamda ijtimoiy masalalarni hal qilishga yo'naltirilgan o'yinlar bo'lib, ular tashkil etilishi, metodik xususiyatlariga ko'ra rolli va ishbilarmonlik o'yinlariga yaqin. Odatda psixologik va ijtimoiy xarakterdagi dramatik o'yinlar jamoadagi muhitni yaxshilash, shaxslararo munosabatlarning ijobiy bo'lishiga erishish, muloqotga kirisha olish, jamoada yagona birlikni qaror toptirish, o'zgalarning ruhiy holatini to'g'ri baholash, og'ir vaziyatlarga uch kelgan subyektlarga yordam ko'rsatish hamda samarali, unumli faoliyat ko'rsatish uchun zarur sharoitni yaratishga xizmat qiladi.

O'yin texnologiyalarining metodik ta'minoti loyiha, o'yinning mezonlari, ish qog'ozlari (metodik ko'rsatmalar), o'yin mohiyatini yorituvchi hujjatlar (ssenariy) kabilardan iborat [2:14].

Xulosa qilib aytganda, qayd etilgan o'yin metodlari o'qituvchi tomonidan musiqa darslari jarayonida qo'llanilsa maqsadga muvofiq bo'ladi. O'qituvchi tomonidan o'zi o'qitayotgan musiqa fanining har bir mavzusi, har bir dars mashg'uloti bo'yicha tuzilgan yuqoridagi kabi o'yin metodlari unga fan predmetini yaxlit holda tasavvur etib yondoshishga, tushunishga yaxlit o'quv jarayonining boshlanishi, maqsadidan tortib, erishiladigan natijasiga ko'ra ta'lim samaradorligini oshirishiga yordam beradi [4:8].

**Adabiyotlar**


1. Axmedov Sh. Uzluksiz ta'lim, fan va ishlab chiqarishning integrasiyalashuvi. -T.: 2005. (BMI).
2. Isakulova N. va boshq. «O'quv jarayonida ta'lim texnologiyalaridan foydalanish uslubiyati» . -Toshkent: «Fan», 2013.
3. Saidaxmedov N. Yangi pedagogik texnologiyalar. -T.: "Moliya", 2003.
4. «Ta'lim samaradorligini oshirish yo'llari» mavzusidagi seminar trening materiallari. -T.: 2002.



**REZYUME**

Maqolada maktab o'quvchilarining dars jarayonida o'rganishi lozim bo'lgan bir qancha o'yin metodlaridan foydalanish masalalari yoritilgan. Musiqa madaniyati darslari jarayonida yoshlarning milliy musiqiy o'yinlarga bo'lgan qiziqishlarini rivojlantirishning ilmiy-nazariy asoslari haqida fikr yuritilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В статье изучаются игровые методы на уроках по музыкальной культуре в общеобразовательных школах. Рассматриваются также научно-теоретические основы воспитания молодёжи, развитие в них интереса к национальным музыкальным играм на занятиях по музыке.

**SUMMARY**

The article is devoted to the study of games at the lessons in musical culture at secondary schools. The author investigates scientific - theoretical bases of the youth's education, development of their interests to national games at the lessons in music.


# TECHNIQUES OF TEACHING PHRASEOLOGICAL UNITS


**R.K.Rzaeva** – *a senior teacher*

**A.Jienbaeva** - *a student*

*Nukus state pedagogical institute named after Ajiniyaz*



**Таянч сўзлар:** луғат таркиби, ўқитишнинг самарали методлари ва усуллари, фразеологик бирликлар, идиомалар, мақол ва маталлар, тасвирлаш, кластер, Венна диаграммаси, контекстлаштириш, кейс-стади.

**Ключевые слова:** словарный состав, эффективные методы и приёмы обучения, фразеологические единицы, идиома, пословицы и поговорки, описывать, кластер, диаграмма Венна, контекстуализация, кейс-стади.

**Key words:** vocabulary, effective methods and techniques of teaching, phraseological units, idioms, proverbs and sayings, to describe, cluster, Venn diagram, contextualization, case-study.


English is largely treated as an academic subject in the secondary schools, colleges and higher educational institutions. As a result, the search of various effective methods in teaching English as a foreign language is one of the actual problems for many linguists and methodologists in our country and in other countries. The requirement for effective language teaching is increasing immensely, teaching English today requires new approaches, methods and techniques, using information-communicative technologies.

In the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoyev №2909 "On measures of further development of the system of higher education" adopted on April 20 in 2017 it is emphasized the importance of "establishing close perspective partnership relations with leading foreign educational establishments, wide implementation into educational process of innovative pedagogical technologies, curriculums and materials based on international educational standards" [1:4].

Teaching vocabulary is very important in learning English. Vocabulary is a special discipline included into Cur-

riculum for elementary and intermediate level students. Vocabulary can be defined as the system of units of a language, including single words, phrases or chunks of several words, phraseological units and idioms which convey a particular meaning. The English vocabulary consists of different layers. Phraseological units take certain place in the vocabulary system of English. They include proverbs and sayings, phrasal verbs, set expressions and idioms. Questions of phraseology of the English language are in the focus of attention of many linguists and remain one of the actual issues of Linguistics. The term "phraseology" was first introduced by the famous French linguist Charle Balli. Phraseology as an independent discipline was first recognized by the prominent linguist E.D.Polivanov. Academician V.V. Vinogradov defined the basic notions, aims and tasks of phraseology. His ideas became the bases of many research works of the Russian, English and other languages [3]. In the "Dictionary of linguistic terms" there are given different definitions to the term "phraseological unit", among them there is a term "idiom" [2:240]. Another prominent linguist A.V.Koonin worked out a special theory of phraseology in the English language, and his works remain important today [4 ].

Idioms are not a separate part of the language, but they form an essential part of the general vocabulary of English. There are many works devoted to the study of phraseological units, including idioms. They are the works of N.N.Amosova,V.V.Vinogradov, A.V.Koonin,, B.A.Larin, K.M.Shansky, O.S.Akhmanova, J. Seidle, W.Mc.Mordie and others. The actuality of the theme is conditioned by the fact that despite phraseological units have been in the focus of attention of many research works the issues of teaching them using some innovative methods haven't been studied enough yet.

The term "idiom, idiomatic" was used by the famous

As black as …..
As green as…..
As white as….
As clean as….

**Activity 3. Watching a video-film. What's he/she like?**

Materials: handouts 3 with the task: How would you describe the person in each of these descriptions?

Objective: Find an idiom characterizing a person according to the content of the video-film.

Procedure: Teacher distributes handouts with the task for two students and students should fulfill the task after watching a video-film. Checking up students' answers.

We can use various techniques in teaching idioms: Cluster, Venn Diagramm, Case study, Contextualization, Story telling with pictures, Search for correlation and others. For example:

**Task 1. CLUSTER.** Write the classifications of phraseological units given by the famous scholars V.V.Vinogradov, A.V.Koonin, A.I.Smirnitsky and others using Cluster. Define the common and distinguishing features in them.

**Task 2. VENN DIAGRAMM.** Write proverbs and sayings in English, Russian and Karakalpak using Venn diagram. Define some common features in them and point at the distinguishing features expressing national peculiarities which differ three languages belonging to different language systems. Try to find national components in proverbs and sayings.

**Task 3. CONTEXTUALIZATION.** Here are the followings English proverbs and sayings and their equivalents in Russian and Karakalpak:

1.A bird in the hand is worth two in the bush

Лучше синица в руках, чем журавль в небе.

Алыстағы арбалыдан жақындағы дорбалы жақсы.

2.Talk of the devil and he will appear. Лёгок на помине.

American scientists as "lexical and syntactical units, the structure of which can't be explained" [ 5:44]. The idioms are also defined as the compound expressions which meanings couldn't be explained without the definition of their components [ 6:56 ]. Modern English is very rich in idiomatic expressions.

*An idiom* is a phrase (or phraseological unit) which means something different from the meanings of the separate words that are a part of it. Usually it cannot be understood by the literal interpretation of the words that make up the expression. Used together, the words convey a meaning that is often unrelated to the individual words in the idiom. Here are some activities and techniques that are considered to be more effective for teaching idioms in learning Vocabulary for intermediate level students.

**Activity 1.**Materials: handouts 1 with the idioms on the topic.

Objective: Find animated idioms expressing human being, person's intellect

and affection, morals and principles. Read sentences in handouts 2.

Procedure: Teacher gives the vocabulary of describing people's qualities to the whole group in the form of jumbling. Learners should classify idioms expressing different qualities of people: intellect, affection, morals and principles, dividing idioms characterizing people into various groups using T-scheme:

1) idioms describing positive qualities;
2) idioms describing negative qualities.

**Activity 2.** Materials: illustrated pictures with the idioms and their explanations, handouts 2. Objective: To explain the meanings of the idioms describing people's character and make up their own sentences and situations using them in context.

Procedure: Teacher gives the task to complete idioms:

As red as……
As hungry as….
As cunning as….
As busy as ….

Кимди айтсаң сол келер.

3. Fortune favours the brave . (Nothing venture, nothing have).

Смелость города берет. Ер жигит ел ушын туўылады, ели ушын өледи.

4. Don't look a gift horse in the mouth. Дарёному коню в зубы не смотрят.

For learning and remembering them easier we recommend the following task:

Read and translate using a dictionary:

1. "What's the matter, Smith?" "Oh, its you, Mr.Brown. I was just thinking of you. *Talk of the devil and he will ap pear!*" he said, making a joke of it.

2.If you can't give me a flat, please give me a room in the hostel. What I need is a roof over my head. *A bird in the hand is worth two in the bush.*

3. "I just wanted to ask you: Must I take this TV set? I don't think it's a good one". But it's a present. *Don't look a gift horse in the mouth.*

4.It is quite true that "fortune favours the brave", as the old proverb says. The successful people in the life are those who have the courage to try.

**Exercise 4. CASE STUDY.** Read the story and accord ing to the content, say which of the proverbs following the story makes the best ending to it.

1. Look before you leap.
2. He laughs best who laughs last.
3. Better late than never.
4. So many men, so many minds.

**A sly cat**

When he was a strong young cat he caught many mice. The mice were afraid of him then. But in time he grew old and could not catch mice any more. One day he decided to

play a trick on the mice. He lay on his back and did not move at all. A mouse saw him and thought that he was dead. She ran to her friends and said, “The cat is dead! Let us dance and play”.

And all the mice began to dance and play. They were very happy, they danced and danced round the cat; and the cat did not move. Then one of the mice jumped on the cat’s head. “Look at me! Come nearer, all of you! The bad cat is dead! Let us dance on his head!”

But suddenly the cat jumped up and caught the foolish mouse. The other mice ran away as quickly as they could. Mice! Never believe a cat! Don’t forget!

We should know in which situations and when to use idioms. It’s necessary to know the level of style, whether an idiom can be used in a formal or in an informal situation. If the person is a friend and the situation is private, we may use informal expressions. In a formal situation we choose words much more carefully. There are idioms which are neutral in style and can be used in any situation. The learners should study the idioms in typical situations and many examples to use them correctly. The correct use of idiomatic English should be the aim of every learner. Mastery of idioms comes only slowly, through careful study and observation, through practice and experience.

**Reference**

1. Постановление Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», ПП-2909, 20 апреля 2017.
2. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. –Москва: 1969.
3. Виноградов В.В. Основные понятия русской фразеологии как лингвистической дисциплины. В книге: Труды юбилейной научной сессии. -Ленинград: ЛГУ, 1964.
4. Кунин А.В. Фразеология современного английского языка. –Москва: 1972.
5. Hockett Ch. A Course in modern Linguistics. -New-York: 1978.
6. Veinreich U. Problems in the analysis of idioms.

**РЕЗЮМЕ**

Мақола инглиз тили луғат таркибини бойитишга хизмат қилувчи фразеологик бирликларни (идиомалар, мақол ва маталларни) уқитишнинг самарали метод ва усулларини тавсифлашга бағишланган. Муаллиф машҳур олимлар ишларига таянган ҳолда фразеологизмларни үқитишда кластер. Венн диаграммаси, кейс-стади, контекстлаштириш каби методларни қулланиши тавсия этади.

**РЕЗЮМЕ**

Статья посвящается описанию эффективных методов обучения фразеологическим единицам (идиомам, пословицам и поговоркам) английского языка, которые являются средством обогащения  словарного состава. Опираясь на труды известных учёных автор статьи рекомендует использовать такие приёмы как кластер, диаграмма Венна, кейс-стади, контекстуализация и другие, которые являются наиболее эффективными в обучении фразеологическим единицам.

**SUMMARY**

The article is devoted to the description of effective methods of teaching phraseological units (idioms, proverbs and sayings) in English, that are a means of enriching  the vocabulary. Taking as a basis the works of the prominent scholars, the author of the article recommends to use such techniques as cluster, Venn diagram, case-study, contextualization and others, that are considered to be more effective in teaching phraseological units.

## БЎЛАЖАК КИЧИК ТИББИЙ ХОДИМЛАРНИНГ ИХТИСОСЛАШГАН ФАОЛИЯТИДА АХБОРОТ ТИЗИМИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

**Н.Тайлаков** - *педагогика фанлари доктори, профессор*
**А.Жамолов** - *тадқиқотчи*
*Т.Н.Қори Ниёзий Номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти*

**Таянч сўзлар:** ахборот тизими, инвариант қисм, вариатив қисм, тиббий информатика, тиббиёт коллежи, ихтисослашган фаолият, таълим жараёни.
**Ключевые слова:** информационная система, инвариантная часть, вариативная часть, медицинская информатика, медицинский колледж, профессиональная деятельность, образовательный процесс.
**Key words:** information system, invariant part, variable part, medical informatics, medical college, professional activity, educational process.

Ҳозирги пайтда жамиятнинг замонавий тараққиёти инсоннинг барча ҳаётий соҳалари ва фаолиятининг ахборотлашганлиги билан характерланади. Ахборот технологиялари ва шу билан бирга ҳар хил турдаги ахборот тизимларининг шиддат билан ривожланиши натижасида катта ҳажмдаги ахборот ресурсларига эга бўлиш ҳамда уни сақлаш, қайта ишлаш ва улкан ҳажмдаги ахборотлар алмашиниши имкони яратилди [1].

Ахборот тизими – ахборот жараёнини амалга оширишда ҳисоблаш техникаси ва алоқаларидан фойдаланган ҳолда ахборот технологиялари ва хужжатлар йиғиндисини ташкил этиш. Кўплаб соҳаларда, жумладан, муҳандислар, иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари ва бошқа турдаги мутахассисларни ўқитишда ахборот тизимини қўллаш ва ишлаб чиқариш бўйича тайёрлаш зарур.

Ахборот тизимида тайёрлов жараёни инвариант ва вариатив қисмларни ўз ичига олади. Инвариант қисм аҳолининг ахборот технологиялари таълимида умуммаданий саводхонликни ошириш билан боғлиқ асосий саволларни ўз ичига олади. Мутахассис ўз фаолияти давомида мутахассислигига оид вазифаларни бажаришда ахборот технологияларидан самарали фойдалана олиши вариатив қисмда намоён бўлади.

Бизнинг тадқиқотларимиз тиббиёт коллежлари ўқувчиларининг информацион тайёргарлиги асосида ўтказилган.

Ҳар хил турдаги тиббий ахборот тизимининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тиббий ходимларнинг ихтисослашган фаолиятида қуйидаги имкониятларни берди: хужжатларни расмийлаштириш, хисоботларни тайёрлаш, қарорларни қабул қилиш жараёнида сарфланадиган вақтни тежаш; даволаш ва ташхислаш баённомаларини стандартлаштириш орқали енгиллаштириш; архивдаги касаллик тарихига тезкор мурожаат қила олиш; лаборатор-диагностика бўлимида сарфланадиган вақтни тежаш ва бошқалар.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг барча субеьктлари, яъни тиббий ташкилотлар базалари эпидемиология ва гигиена маркази, тиббий аналитик-ахборот маркази, тиббий статистика бюроси, мажбурий тиббий суғурта (МТС) худудий фондида автоматлаштирилган ахборот тизими фаолият юритмоқда.

Бугунги кунга келиб барча даволаш профилактика муассасаларида тиббий ёрдам кўрсатиш ҳисоботи МТС дастури асосида компьютерлаштирилган, шу билан бир қаторда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини дори воситалари билан таъминлаш тизими ҳам ахборотлаштирилган. Соғлиқни сақлаш фаолиятида ахборотлаштиришнинг шиддат билан ривожланиши

даволаш профилактика муассасалари ва бошқарув фаолиятида тиббий ходимларнинг ахборот технологияларидан фойдалана олиши долзарб масала сифатида кўрсатилган.

Ушбу муаммони ҳал қилиш мақсадида Самарқанд шаҳри Сиёб тиббиёт коллежида "Тиббиёт информатикаси" номли қўшимча курс ташкил этилди. Бундан асосий мақсад шуки, кичик курс ўқувчилари умумий информатика бўйича билим олса, тиббиёт информатикаси курсида эса соғлиқни сақлаш ва тиббиётга оид замонавий компьютер техноло-гияларидан фойдаланиш ўргатилади. Ўқувчилар соғлиқни сақлаш ва тиббиётда вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этишда компьютер технологияларидан фойдаланишни айнан "Тиббиёт информатикаси" курсида ўрганишлари мумкин.

"Тиббиёт информатикаси" курсида ўқитиш жараё-нини ўқитувчи коллежнинг техник, дастурий ва методик стандартларидан келиб чиқиб мустақил равишда ишлаб чиқиши мумкин, лекин Давлат стандартида мавжуд барча асосий қисмлар кўрсатилиши шарт.

Кўплаб тиббиёт коллежларида ўқув жараёни давомида компютер технологияларидан фойдаланиш бўйича юқори малака шаклланганлигига қарамасдан унда бир неча турдаги муаммолар ҳам мавжуд:

- тиббиёт ахборот тизимида лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва киритишга оид тугалланган базанинг йўқлиги;
- ўқув жараёнида ахборот тизимидан фойда-ланиш бўйича таълим ва методик воситаларнинг етишмов-чилиги;
- сифатли дастурий таъминотнинг етишмов-чилиги (асосан юқори нархлар туфайли).

"Ҳамширалик иши", "Фармация" ва "Тиббий-профилактика иши" мутахассислиги бўйича Давлат стандартида қуйидаги турдаги тиббиёт ходимларининг ихтисослашган фаолияти белгиланган: профилактик; даволаш ва диагностик; ташкилий бошқарув; таълим-тарбиявий; илмий тадқиқот.

Биз юқоридаги фаолият турларидан келиб чиқиб тиббиёт ходимларининг мутахассислиги бўйича ахборот тизимидан фойланишнинг ахамиятини ўрганиб чиқдик (1-жадвал).

1-жадвал

Тиббиёт ходимларининг фаолияти давомида мутахассислиги бўйича ахборот тизимини татбиқ этиш кўрсаткичлари

| № | Ихтисослашган фаолият турлари | Ахборот тизими билан боғлиқ фаолият |
|---|---|---|
| I. | Профилактик | 1) Вақт ва малакали мутахассисларнинг етишмовчилигида кўп сонли аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича ахборот тизимидан фойдаланиш фаолияти.<br>2) Республика, вилоят, шаҳарларда касаллик тарқалиши прогнози бўйича барча ахборот оқимларини ягона тизимга бирлаштириш.<br>3) Эпидемиологик назорат бўйича маълумотлар базасини ташкил қилиш. |
| II. | Даволаш ва диагностика | 1. Ҳар хил тоифадаги беморлар ва турли хил касалликлар шу билан бирга шошилинч ҳолатларда даволаш ва диагностика жараёнида ахборот тизимидан фойдаланиш фаолияти.<br>2) Бемор организми билан бевосита алоқа ўрнатишда даволаш ва диагностика жараёнини автоматлаштириш ёки ахборот кўмагидан фойдаланиш фаолияти.<br>3) Ташхислаш жараёнида аниқ қарорга келиш мақсадида ахборот технологияларидан кўмагидан фойдаланиш ва ҳар хил мутахассисликдаги тиббий ходимларнинг технологик жараёнини автоматлаштириш. |
| III. | Ташкилий-бошқарув | 1) Даволаш профилактика муассасалари ҳамда бутун соғлиқни сақлаш тизимининг бошқарувида ахборот тизимидан фойдаланиш фаолияти.<br>2) Тиббий ижтимоий кўрсаткичларга асосланган маълумотларни олиш, йиғиш ва қайта ишлашга мўлжалланган тиббий статистик ахборот тизимидан фойдаланиш<br>3) Ахборот тизимидан алоҳида йўналишларда фойдаланиш: МТС тизимида ҳисоб-китоб ишлари; ШХ ва тез ёрдам; ихтисослашган тиббий ёрдам; дори воситалари билан таъминланганлик. |
| IV. | Таълим-тарбиявий | 1) Илмий тадқиқот институтлари ва коллежлар фаолиятининг бошқарувида ҳамда илмий тадқиқот ишларида технологик таълим жараёнини ахборотлаштириш билан таъминлаш.<br>2) Истеъмолчилар сўрови бўйича тиббий ахборотни излаш ва кўрсатиб бериш. |
| V. | Илмий-тадқиқот (малака ошириш) | 1) Бошқа ўқув ва илмий методик муассасаларнинг ходимлари билан ҳамкорликдаги алоқаларни кенгайтиришни ўз ичига олувчи фаолият.<br>2) Тиббий биологик жараёнлар, касалликнинг кечиши, дори воситаларининг таъсири ва хоказоларни моделлаштириш билан боғлиқ фаолият. |

Тиббиёт коллежларида таълим жараёнининг мукам-маллашуви натижасида информацион таълимнинг янги турлари ва методларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш устида тадқиқотлар олиб борилмоқда [1-3].

Бугунги кунга келиб берилган вазифаларни ўқувчилар мустақил равишда ечимини топиши билан боғлиқ актив таълим методлари қўлланилмоқда. Илмий тадқиқот ишларида ўқув лойиҳаларига алоҳида эътибор қаратилган (М.А.Арипов, А.А.Абдуқодиров, Р.Х.Жўраев, Е.С.Полат, Н.И.Тайлақов ва бошқалар). Ахборот тизимидан фойдаланишни биз айнан шу методлар асосида ўрганиб чиқдик.

Ўқув лойиҳалар методи - бу ўқувчилар доимий мураккаблашиб борувчи амалий топшириқ-лойиҳаларни режалаштириш ва бажариш жараёни ҳисобланади.

Р.Жўраев ўзининг ўқув лойиҳа методида қуйидаги тадқиқотларни кўрсатиб беради [2]:

- лойиҳани бажариш жараёнида шахсий мотивация ва муаммоларни мустақил равишда ҳал қила олиш;
- ўқувчининг фикрлаш қобилиятини фаоллаштириш билан боғлиқ яратувчанлик қобилиятини шакллан-тириш;
- ўқувчининг келажакдаги ихтисослашган фаолия-тига тайёрлаш билан боғлиқ технологик фаолият;
- ўқувчининг консультант ролини ижро этувчи ўқитувчи ҳамда гуруҳ билан мулоқот жараёнини акс эттирувчи мулоқот ҳарактерли фаолият;
- ўқувчилар қизиқишлари бўйича бирлашиши ҳамда берилган вазифани бажариш давомида ҳар бирининг ўрнини, жавобгарлигини ва коммуникатив хусусият-ларини шакллантириш билан боғлиқ жамоавий харак-терли таълим жараёни;
- эришилган натижаларга амалий ёндашиш;
- ҳар хил фанлардан билимларнинг интеграция-лашуви.

Шундай қилиб, лойиҳалар методи таълим жараёнида мустақил, самарали, коммуникатив ва информацион компонентларни шакллантиришга мўлжалланган фаолият тури ҳисобланади. Шунинг учун ахборот тизимидан фойдаланиш билан боғлиқ

бўлган таълим методининг асоси қилиб биз билим ва кўникмаларни эгаллашда лойиҳалаш методининг босқичма-босқич туридан фойдаланишни таклиф қиламиз. Назарий машғулотларда лойиҳалаш методи билан биргаликда намойиш методидан фойдаланилса тиббий информацион тизимнинг турли хил хусусиятларини кўриш имкони бўлади.

Замонавий тиббий информацион тизим коллеж ва бошқа турдаги тизимлар, яъни электрон касаллик тарихи (ЭКТ), ходимларнинг иш вақти жадвали, тиббий ходимнинг автоматлаштирилган иш жойи (АИЖ), статистика ва бошқаларни тўлиқ автоматлаштиришга қаратилган бўлиши зарур.

Самарқанд вилояти ва шаҳрининг турли хил муассасаларида тиббий ходимлар ўртасида анкета сўровномаси ўтказилганда тиббий информацион тизимидан фойдаланиш кўрсаткичи юқорилиги аниқланди.

Бўлажак кичик мутахассисларни тайёрлашда биз педагогик принципларга асосланган ахборот тизимидан фойдаланишнинг ўқув методикаси ишлаб чиқилди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ушбу методда таълим олаётган ўқувчилар берилган вазифани янада чуқурроқ англаб ахборот тизимида тиббий маълумотлар базасидан фойдаланиб тиббий масалаларни мукаммалроқ лойиҳалаштиришди.

**Адабиётлар**

1. Петруничева О.Ж. Тиббиёт талабаларини тайёрлаш жараёнида ахборот тизимидан фойдаланишнинг мукаммаллаштирилган методикаси. // «Информатика и образование». №4, 2009.

2. Жўраев Р.Х., Цой М. ва б. Лойиҳалаштириш методи. Монография. –Тошкент: 2016, 160-б.

3. Тайлақов Н.И. Информатика дарсларида лойиҳалаштириш методи. Республика илмий амалий конференцияси материали. –Тошкент: Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ. 2018.

**РЕЗЮМЕ**

Тадқиқот ишида тиббиёт ҳодимлари фаолияти жараёнида тиббий ахборот тизимининг замонавий ҳолати ва уни қўллашдаги муаммолар; ахборот тизимини қўллаш билан боғлиқ бўлган тиббий фаолиятнинг асосий турлари ва унинг ривожлангалиги даражаси; кичик тиббий ҳодимлар фаолиятида ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда мавжуд метадологик тизимни мукаммаллаштириш йўллари бўйича фикрлар билдирилган.

**РЕЗЮМЕ**

В работе проанализированы современное состояние и проблемы применения медицинских информационных систем в профессиональной деятельности медработника; выделены основные виды профессиональной деятельности медработника и их развитие, связанное с применением информационных систем. Сформулированы пути совершенствования методической системы подготовки младшего медработника по использованию информационных систем в своей профессиональной деятельности.

**SUMMARY**

The article analyzes the current state and problems of the use of medical information systems in the professional work of a medical worker; the main types of professional activity of the medical worker and their development related to the use of information systems. Ways of improving the methodical system of training a junior medical worker for the use of information systems in their professional activities are formulated.

## O’QISH DARSLARIDA O’QUVCHILARNI IFODALI O’QISHGA O’RGATISH YO’LLARI VA VOSITALARI

**M.Tilavova -** *katta o’qituvchi*
*Urganch davlat universiteti*

**Tayanch so’zlar:** oqish, dars, o’quvchi, o’rgatish, badiiy, matn, ifodali, o’qitish usuli, vosita, badiiy asar.

**Ключевые слова:** чтение, урок, ученик, обучать, художественный, текст, выразительный, способ обучения, средства, произведение.

**Key words:** reading, lesson, pupil, to teach, a literary, text, expressive, way of learning, means, work.

Boshlang’ich sinflarda o’quvchilarni badiiy asarlarni ifodali o’qishga o’rgatish asosiy muammolardan biridir. Yuqori sinflarda, kollej va litseylarda olib boriladigan adabiyot darslarida badiiy matnlarni ifodali o’qish ustida ish olib borilsa-da, o’quvchilarning katta ko’pchiligida ifodali o’qishni o’zlashtirmaslik holatlari kuzatilmoqda. Bunga sabab nima?

Olib borilgan tatqiqotlarimiz shuni ko’rsdatadiki, ko’pgina ustoz va murabbiylarimizning o’zlari ham ifodali o’qish texnikasini chuqur o’zlashtirib olmaganlar. Ayniqsa, bu holat yosh mutaxassislar faoliyatida kuzatilayotganligini ko’ramiz. Ba’zi o’quvchi va talabalarda esa badiiy asarlarni ifodali o’qishda tortinchoqlik holatlari kuzatiladi.

Quyida biz ifodali o’qish texnikasi haqida ayrim fikrlarimizni keltirib o’tmoqchimiz.

Ifodali o’qish alohida san’atdir. U kishidagi nutqiy ko’nikma va malakalarga bog’liq holda rivojlanib boradi. Hech kim tug’ma notiq bo’lib tug’ilmaydi. Demak, ifodali o’qishni hamma ham o’rganishi mumkin. Buning uchun ayrim talablar mavjud.

Har bir matnda qanday mazmun aks etganini aniq bilish ifodali o’qishning bosh shartidir. Matnda qanday mazmun aks etgan bo’lsa, uning xos ohangini ham ifodalash zarur bo’ladi. Bunda nafas olish, nafas chiqarish, tovushning rang-barangligi, baland-pastligi, talaffuzdagi o’ziga xosliklar, hatto to’xtam-pauzalar o’z ta’sirini ko’rsatib turadi.

Ifodali o’qishni amalga oshirishda quyidagi texnik va logik vazifalarni bajarish talab qilinadi:

Nutq texnikasi: nafas olish, ovoz, diktsiya. O’quvchilar ifodali o’qish asoslarini egallashlari uchun muhim shartlar quyidagilardan iborat:

1.Nutq jarayonida nafasni to’g’ri olish va to’g’ri taqsimlay bilish, boshlang’ich sinf o’quvchilariga biror matnni ifodali o’qitishdan oldin sinf o’rtasiga chiqqach, ichidan 5 gacha sanashi kerak. Bunda o’quvchining nafas olishi me’yorlashadi.

2. Ifodali o’qishning asosiy vositalaridan biri ovozdir. Ovoz nafas bilan uzviy bog’lanadi. Shuning uchun o’qituvchi bolalarning ifodali nutqi ustida ishlashni o’z nafasini boshqara olish va ovozdan to’g’ri foydalanishga o’rgatishdan boshlaydi. Ovoz kuchi baland-pastlik, uzun-qisqalik, tezlik, yoqimli-yoqimsizlik xususiyatlari bilan xarakterlanadi. O’quvchilar matn mazmuniga qarab, baland yoki past ovozda o’qishga, nutqda tez, o’rtacha yoki sekin tempni tanlashga, biror tuyg’uni ifodalashga o’rganadilar.

Ovozni sozlash uchun esa unli tovushlarni variantlari bilan ayttirish yaxshi samara beradi:

**o-a i-e u-o’**

Bu unli tovushlarini cho’zib talaffuz qildirish kerak. Diktsiya ya’ni ravshan, burro gapirish ham ifodali o’qishning asosidir.

Biz talabalarga va o’quvchilarga ifodali o’qishni o’rgatar ekanmiz, bu mashqni dars jarayonida bir necha bor takrorlashga erishishimiz lozim.

1. Har bir tovushning to’g’ri artikulyatsiyasi va aniq diktsiya malakasini egallash.

2. Adabiy talaffuz me’yorlarini egallash.

Badiiy asarlarni ifodali o’qishda pauza (to’xtam)ning o’rni katta. Chunki asar g’oyasini, qahramonlarning turli

kayfiyatini, ichki kechinmalarini ifodalashda pauza ham rol o'ynaydi.

Urg'uning ikki turi bo'lib, badiiy asarlarni ifodali o'qishda leksik va logik urg'ularni to'g'ri qo'yib o'qish lozim.

Ohang intonatsiya og'zaki nutqning birgalikda harakat qiluvchi elementlari: urg'u, nutq tempi va ritmi, pauza, ovoz baland-pastligining yig'indisidir. Bu elementlar bir-biriga ta'sir etadi.

Boshlang'ich sinflarda o'qituvchi nasriy asarlarni ham, she'riy asarlarni ham darsda dastlab o'zi ifodali o'qib bersa, o'quvchilarga ham ifodali o'qish usullarini o'rgatsa, asar mazmuni to'liq o'zlashtiriladi. Ayniqsa, mustaqillik mavzusidagi matnlarni ko'tarinki ohanglarda o'qish tinglovchilarda ham yaxshi kayfiyat uyg'otadi.

Ifodali o'qishni o'rganishda suxandonlarning, so'z san'ati ustalarining badiy o'qishlarini eshitib borish, asar mazmunini keng tushungan holda holatga kira olishni o'zlashtirish ham katta samara beradi.

Har qanday asarni hech bir o'quvchi, hatto o'qituvchining o'zi ham birinchi o'qishda ifodali o'qiy olmaydi. Buning uchun asar bilan dastlab tanishish, so'ng matnni yod olish yoki ma'nosi qiyin so'zlarni izohlash, ovoz sozlash mashqlarini o'tkazish talab qilinadi. Shu tarzda ifodali o'qishga tayyorlanadi.

Boshlang'ich sinflarda maqollarni ifodali o'qishga alohida ahamiyat beriladi. Maqollar- hayotiy tajribalar asosida yuzaga kelgan dono fikrlarning ixcham shakli. Ular she'riy va nasriy tuzilishga ega. Maqollar ona-Vatanni sevishga, uning har bir qarich yeri uchun kurashishga, kasb-hunar egallashga, mehnat qilishga, to'g'ri so'z bo'lishga, yaxshi odob va oliyjanob xulqli bo'lishga chaqiradi. Maqollar ustida ishlashning quyidagi turlaridan foydalanish yaxshi samara beradi.

a) maqollarni o'quvchilarga ifodali o'qishga va mazmunini ochib berishga o'rgatish.

O'quvchilar 3 guruhga bo'linadi. Har bir guruh 4-sinf darsligidagi maqollarni ifodali o'qishi va bitta maqolning mazmunini tushuntirib berishi kerak.

"Hunar bo'lsa qo'lingda, Non topilar yo'lingda", "Mehnatli non shakar, Mehnatsiz non zaxar", "Yoshlikdagi mehnat qarilikda davlat keltirar", "Hunarli er xor bo'lmas", "Ona yurting-oltin beshiging", "Vatanni qadrini bilmagan, O'z qadrini bilmas", "Oz so'zla-soz so'zla", "Ko'p bilgan oz so'zlar, Oz so'zlasa ham soz so'zlar", "Aql-yoshdan, odob-boshdan", "Odob bozorda sotilmas", "Ilm-aql chirog'i", "Bilim kuchda, Kuch bilimda", "Harchand o'qibsan-bilimdonsan, Agar amal qilmasang-nodonsan", "Do'stsiz boshim –tuzsiz oshim", "Yolg'iz otning changi chiqmas, Changi chiqsa ham dong'i chiqmas", "Do'sting ham til, dushmaning ham til".

b) maqollarni ifodali o'qish, mazmunini misollar bilan ochib berishga o'rgatish.

O'quvchilar 4 guruhga bo'linadi. Har bir guruh uchun ma'lum mavzudagi maqollarni o'qib o'rganish topshiriladi.

1-guruhga "Mehnatsevarlik" haqidagi maqollar.
"Ahmoqning kulgusi ko'p, Dangasaning-uyqusi"
"Baxt yalqovga begona"
"Bekorchidan el bezor, so'zidan ko'ngil ozar"
"Baxtingga ishonma, barmog'ingga ishon"
"Bir qo'llab eksang, Ikki qo'llab o'rasan"
"Bor-bor, ishda bor, Ishlamagan nonga zor"
"Bersang-olasan, eksang-o'rasan"
"Birovning bergani-ko'rgulik, Mehnatning bergani-to'ygulik"
"Gap desang qop-qop, Ish desa-betob"
"Daraxt yaprog'i bilan ko'rkam, Odam –mehnati bilan"

2-guruhga "Vatanparvarlik" haqidagi maqollar.
"Baliq suvi bilan tirik, Odam-eli bilan"
"Begona tuproq-devona tuproq"
"Bulbul chamanni sevar, Odam- Vatanni"
"Bulbulga bog' yaxshi, Kaklikka-tog'"
"Vatan gadosi-kafan gadosi"
"Vatan uchun o'lmoq sharaf"
"Vatan qadrini bilmagan o'z qadrini bilmas"
"Vatandan yiroqlashgan-nomusdan o'lar"
"Vatani borning baxti bor, Mehnati borning taxti"
"Yigit g'ami elida, Elning g'ami dilida"

3-guruhga "To'g'riso'zlik" haqidagi maqollar.
"Dili to'g'rining yo'li to'g'ri"
"Yoz yomg'iri loy bo'lmas, O'g'ri aslo boy bo'lmas"
"Zargar firibgar bo'lsa, oltin zanglar"
"Tilingni to'g'ri tutolmasang, Dilingni to'g'ri tut"
"To'ni yomonni it qopar, Ko'ngli yomonni haq topar"
"To'g'ri boshni egri qilich kesmas"
"Oz so'zla- soz so'zla"

4-guruhga "Do'stlik" haqidagi maqollar.
"Asli dushman do'st bo'lmas, Etakni kessang, yeng bo'lmas"
"Asli dushman yon bermas, Yon qoziqdan son bermas"
"Asli ora oqarmas"
"Burgut kuchi-oyog'ida, Odamniki-do'stlikda"
"Vafoli do'st yo'lga solar, Ig'vogar do'st paydan olar"
"Davlating-do'sting"
"Daraxt-ildizi bilan, Odam-do'stlari bilan"
"Dushman chaqirsa borma, do'st chaqirsa qolma"
"Do'st achitib gapirar, Dushman-kuldirib"

c) ifodali o'qish mashqi.

Guruhdagi har bir ishtirokchi bittadan maqolni ifodali o'qib beradi. O'quvchilar o'qigan maqollariga darslikdan mos asarlarni tanlab, maqolning ma'nosi bilan asarda aytilayotgan fikrning bog'liqligini izohlab beradilar. Masalan, "Elidan ayrilgan yetti yil yig'lar, Vatandan ayrilgan o'lguncha yig'lar" maqoliga Bobur haqidagi "Hidi, tilimi va mazasidan" asarini misol qilib keltiradilar.

Demak, boshlang'ich sinf o'qish darslarida badiiy asarlarni ifodali o'qish o'qituvchidan ham, o'quvchidan ham alohida mahorat va tajriba talab qilar ekan. Bunung uchun har bir mutaxassis o'z ustida tinimsiz ish olib borishi zarur.

Demak, ifodali o'qishni amalga oshirishda yuqoridagi fikrlarimiz siz uchun metodik yordam bo'lib xizmat qiladi.

## Adabiyotlar

1. Matchonov S., Shojalilov A., G'ulomova X., Sariyev Sh., Dolimov Z. O'qish kitobi (4-sinf uchun darslik). -T.: «Yangiyul Poligraph Service», 2009.
2. Qosimova K. va b. "Ona tili o'qitish metodikasi" -T.: «Noshir», 2009.
3. To'xliyev.B. Ifodali o'qish. -T.: «O'qituvchi», 2013.

**REZYUME**

Boshlang'ich sinf o'qish darslarida badiiy asarlarni ifodali o'qish o'qituvchidan ham, o'quvchilardan ham alohida mahorat va tajriba talab qiladi.Maqolada ifodali o'qishning nutqiy ko'nikma va malakalarga bog`liq holda rivojlanib borishi ko'rsatib berilgan. Uni o'rgatishda texnik va logik vazifalarni bajarish yo'llari keng yoritilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В начальных классах выразительное чтение художественных произведений требует от преподавателя и учащихся специальных навыков и опыта. Статья показывает, что выразительное чтение связано с речевыми способностями и навыками. В ней конкретно показаны приёмы как выполнять технические и логические задачи в обучении.

**SUMMARY**

In elementary classes expressive reading of literary-artistic works requires special skills and experience from the teacher and students. The article demonstrates that expressive reading is connected with speech abilities and skills. The author of the article clearly shows how to perform technical and logical tasks in teaching.

# KASBIY TAYYORGARLIK DARAJASINI SHAKLLANTIRUVCHI MUHIM MAVZULARNI O'QITISH METODIKASI

**F.Q.Tugalov -** *katta o'qituvchi*
*Jizzax davlat pedagogika instituti*

**Tayanch so'zlar:** fizika, kimyo, fanlararo bog'lanish, zanjir reaksiya, atom, xlor, molekula, yorug'lik, neytron, radikal, sintez.
**Ключевые слова:** физика, химия, межпредметные связи, цепная реакция, атом, хлор, молекула, свет, нейтрон, радикал, синтез.
**Key words:** Physics, Chemistry, intersubject communications, chain reaction, atom, chlorine, molecule, light, neutron, radical, synthesis.

Bugungi kunda o'quv fanlarini integratsiyalash mazmuni, shakli, usul va vositalarini aniqlash, uning kelajak istiqbolini belgilash asosiy vazifa bo'lib turibdi.

O'quv fanlarini integratsiyalash turli o'quv fanlarini sun'iy ravishda bir-biri bilan birlashtirish degan gap emas. Integratsiyalash orqali amalga oshirilgan bilimlar fanlar o'rtasidagi umumiy o'xshashlikni, o'zaro uyg'unlik, uzviylikni o'rganish, har biriga xos xususiyatlarni va har birini hayotga tatbiq etish usullarini puxta, aniq bilib olgan taqdirdagina samarali bo'ladi. Shundagina o'quvchilarda ilmiy dunyoqarash shakllanadi, ular mehnat jarayonida, ijtimoiy hayot, tabiatda sodir bo'layotgan voqea va hodisalar o'rtasidagi uyg'unlik, uzviylikni chuqur anglab oladilar.

Shu jihatdan mazkur maqola ushbu dolzarb masalaning o'ziga xos qirralarini ochib berishga va shu asosda umumiy o'rta ta'lim maktablarida fizika o'qitish samaradorligini oshirishga, fizika va kimyo fanlaridan integrallashgan bilimlar mazmuni, mazkur predmetlar bo'yicha o'quvchilarning puxta va samarali bilim, ko'nikma va malakalarni o'zlashtirishiga, ilmiy dunyoqarashlarini kengayishi hamda olamning fizik manzarasi haqida yetarli darajada to'liq tasavvurga erishishlariga xizmat qiladi.

Ushbu maqolada fizikaning kimyo fani bilan integratsiyasiga doir ishlarning yechimlarini topishga va uni o'quv jarayonida qo'llashga harakat qildik.

Ma'lumki, fizika va kimyo fanlari orasida chuqur o'zaro bog'lanish mavjud bo'lib, buni o'rta umumta'lim maktablarida fizika va kimyo kurslarini o'qitish jarayonida albatta hisobga olishimiz kerak. Fanlararo bog'lanishni amalga oshirish umumiy tushuncha va qonunlarni izohlashda uyg'unlikni talab qiladi. Ammo shu paytgacha uslubiy adabiyotlarda kimyo va fizika kurslaridagi bir qator fizik va kimyoviy hodisalar yuz berishining yagona mexanizmini xarakterlovchi universal tushuncha bo'lgan "zanjir reaksiyasi" ni shakllantirish imkoniyati muhokama qilinmagan. Shu bilan birga bu tushunchani "fanlararo daraja"da qarash o'quv materialini umumlashtirish, bo'laklarga bo'linishni oldini olish imkonini beradi, o'quvchilarda bilimlarni tizimlashtiradi hamda zamonaviy kimyoviy texnologiya va yadro energetikasi uchun katta amaliy ahamiyatga ega bo'ladi.

Quyida maktab fizika va kimyo kurslaridagi zanjir reaksiyasiga oid ma'lumotlar tahlil qilinadi, ularni umumlashtirish bo'yicha ko'rsatmalar beriladi va bu kimyoviy bilimlarni chuqurlashtirilgan takrorlash asosida fizikani o'rganishga bo'lgan qiziqishlarini oshiradi.

Maktab fizika kursida zanjir reaksiyasining keng qatlamidan faqat neytronlar bilan uran yadrosining yadro bo'linishi reaksiyasini qarash an'anaga aylanib qolgan. Maktab fizika kursida bu jarayon bo'linishning har bir elementar holatida neytronlarning ozod bo'lishi natijasida yadrolar parchalanishida o'z-o'zidan ushlanib turiluvchi (ma'lum sharoitlarda) zanjiri sifatida qaraladi. Ammo o'qitish metodikasida o'quvchilarning zanjir reaksiyasi masalasiga kimyo kursida duch kelganligi hisobga olinmaydi.

O'quvchilar vodorod xlorid (I. R. Asqarov, M. X. To'xtaboyev, K. G'ofurov. Kimyo, 8-sinf (darslik). Yangiyo'l poligraf servis nashriyoti. Toshkent, 2014 yil. 35-§. 128-bet) va metan mavzusi (I. R. Asqarov, M. X. To'xtaboyev, K. G'ofurov. Kimyo, 9-sinf (darslik). O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi nashriyoti. Toshkent, 2010 yil. 31-§.112-bet) zanjirli fotoximik reaksiyalarini o'rganishgan.

***Kimyoviy xossalari***: Yonish: $CH_4+2O_2 \rightarrow CO_2+2H_2O+880$кЖ

Tabiiy gazning 90-98% metandir.

***Parchalanishi***: Kuchli qizdirilganda (1000 $^0$C) metan vodorod va uglerodga parchalanadi: $CH_4 \rightarrow C+2H_2$

Ultrabinafsha nur ta'sirida metan xlor bilan portlab reaktsiyaga kirishadi:

$CH_4+2Cl_2 \rightarrow C+4HCl$.

Biz kimyodagi bu bilimlarni eng avvalo, yorug'likning kimyoviy ta'siri va uning qo'llanilishini ("Yorug'lik hodisalari", "Yorug'likning ta'siri" mavzulari) o'rganuvchi fizika darslarida foydalanishni taklif qilamiz. Chunki, maktab fizika kursida yorug'lik ta'sirida yuz beruvchi kimyoviy reaksiyalarga aniq misollar keltirilmagan. Yorug'lik ta'siri tushuntirilayotganda "Yorug'lik ta'sirida molekulalar parchalanishidan so'ng tez-tez kimyoviy aylanishlarning butun zanjiri hosil bo'lishi boshlanadi" deb berilgan tushuntirish izohga muhtoj. Bu darsga kimyoviy reaksiyalar o'tishining zanjirli mexanizmi kashf qilinishi tarixi haqidagi hikoya foydali qo'shimcha bo'ladi. Ushbu ma'lumot yorug'likning kvant tuzilishi tadqiqotlari bilan to'g'ridan-to'g'ri bog'liq.

Maktab kimyo kursidagi xlorlanish zanjiri haqidagi ma'lumotlardan foydalanish fizika kursida zanjir reaksiyasi haqidagi tushunchalarni zanjirli jarayonlar haqidagi bilimlarning faollashuvi va faollashtirilganligini shakllantirishning dastlabki bosqichini o'z ichiga oladi. Bu yerda biz retrospektiv, ya'ni bizga avvaldan tanish bo'lgan fanlararo bog'lanish bilan ish ko'ramiz.

Fizika kursida uran yadrosining neytronlar bilan parchalanish jarayoni xususiyatlarini bayon qilishda ("Zanjirli reaksiya" masalasi "Atom va atom yadrosi" mavzusi) o'qituvchi eng avvalo o'quvchilar e'tiborini kimyo kursidan tanish bo'lgan "zanjirli reaksiya" atamasiga qaratadi. Uran bo'linishi zanjirli reaksiyasi va xlorvodorod hosil bo'lishini solishtirish taklif qilinadi. O'quvchilar qiynalmasdan bu jarayonlar rivojlanishida umumiylikni topishadi. Bunda reaksiyalarni halqalar ko'rinishi shaklida berish mumkin: har bir halqada hech bo'lmaganda shunday halqani hosil qiluvchi bitta faol zarracha (neytron, xlor, atom) vujudga keladi. Ko'rsatilgan reaksiyalar o'tishi mexanizmlarining farqi shundan iboratki, uranning bo'linish zanjiri halqasida o'rtacha 2-3 ta faol zarrachalar shoxalash reaksiyasini vujudga keltiradi. Xlorlanish zanjiri esa bittadan faol zarraning chiqib ketish ketma-ketligida amalga oshiriladi.

Uranning bo'linish halqasi quyidagi ko'rinishga ega:

U+n→ bo'linish bo'lagi +n+n…n, xlorlanish halqasi ko'rinishi esa quyidagicha bo'ladi: [1]

1) $Cl+H_2=HCl+H$ 2) $H+Cl_2=HCl+Cl$

1) Maktab kimyoviy bilimlar tizimida zanjirli reaksiya tushunchasi yo'qligi uchun bu yerda hali fanlararo bog'lanish haqida gapirish erta hisoblanadi.

2) Kimyoviy elementlar belgisi tepasidagi nuqta radikalning bog'lanmagan elektronini ifodalaydi (radikal-molekulada bir kimyoviy birikmadan ikkinchi kimyoviy birikmaga o'zgarmasdan o'tadigan atomlar guruhi).

Bundan keyin zanjirli jarayonlar kabi yuz beruvchi voqeyalar bo'yicha bilimlarni kengaytirish haqida harakat qilish kerak, shuning uchun o'quvchilar zanjirli reaksiyalarning tabiatda tarqalganligini baholashsinlar. Hodisalar tahlilini zanjir reaksiyalarining qanday aniqlanishiga, mohiyatini tushunishga qarab olib borish maqsadga muvofiq bo'ladi. Zanjir reaksiyalari – bu kimyoviy yoki fizikaviy jarayonlar hisoblanib, bu jarayonlarda paydo bo'lgan faol oraliq zarracha molekula yoki atomlarning ko'p miqdordagi (zanjir) asosiy bo'lmagan aylanishlarini keltirib chiqaradi, bu reaksiyaning (zanjirning har bir halqasida) har bir elementar aktida faol zarrachaning regeneratsiyasi (asliga qaytish, tiklanish) natijasida sodir bo'ladi. Ushbu ta'rifni tushunib, o'quvchilarga quyidagi topshiriqni berish mumkin: "Zanjir halqasi" atamasini qanday tushunishingizni tushuntirib bering". Bundan keyin aytiladigan gaplar: bitta halqada faol zarralarning kengaytirilgan holda qayta ishlab chiqarish reaksiyasi tormozlangan degan nomni oldi. Zanjir reaksiyasi rivojida uchta holatni ajratishadi: paydo bo'lish, davomiylik (bir andozali halqalar ketma-ketligi) va uzilish. Misol, vodorod yoki metanning tayyorlanishi halqasi paydo bo'lishi xlor molekulasi fotodissosasiyasida bo'ladi, ya'ni yorug'lik ta'sirida xlor molekulasining parchalanishida: $Cl_2 \rightarrow 2Cl$ zanjir uzilishiga sabab idish devorlarining tarkibida gaz yoki molekula aralashmasi bo'lgan Cl atomini qamrab olish bo'lishi mumkin. Yadroning zanjirli bo'linish reaksiyasi paydo bo'lishi, misol uchun uran yadrosining spontan ravishda bo'linishdan neytronlarning (ularni birlamchi deyiladi) ozod bo'lishi natijasida amalga oshirish mumkin.[2]

Bizning nazarimizda, kimyo darslarida zanjirli kimyoviy reaksiyalarini alohida diqqat bilan qarash maqsadga muvofiq bo'ladi. Gap shundaki, maktab kimyo darslarida bir qator zanjirli jarayonlar uchun faqat natijaviy tenglamalar berilgan bo'lib, ulardan faqat qaysi moddalar va qancha miqdoriy munosabatda reaksiyaga kirishishi ma'lum. Ularda reaksiya mexanizmi namoyon qilinmagan bo'lib, uning ochilishi bilimlarni anglash, fikrlash uchun muhim zahira hisoblanadi.

O'quvchilarga maktab kimyo o'quv kurslaridan tanish bo'lgan bir nechta yakuniy tenglamalar ma'nosini ochib berishni keltiramiz.

***Vodorodning oksidlanishi*** – reaksiya $H_2$ va $O_2$ aralashmasida erkin vodorod atomi paydo bo'lganda yuz beradi. Bu atomlar $H_2$ molekulasining dissosiasiyasi, yuqori temperatura sharoitida va gazlarda elektr razryadi paytida hosil bo'luvchi elektronlar ta'siri natijasida sodir bo'ladi. Bundan keyin reaksiya quyidagicha kechadi:

1) $H+O_2=OH+O$

2) $OH+H_2=H_2O+H$

3) $O+H_2=OH+H$

3-reaksiyada hosil bo'lgan OH radikali H atomini hosil qilgan holda 2-tipdagi reaksiya qatnashadi. Hosil bo'lgan H atomlari 1-tipdagi reaksiyalarda ishtirok etadi. Vodorod oksidlanish reaksiyasining tarmoqlanish xarakteriga ega ekanligidan bu jarayonning rivojlanishi portlash yoki chaqnash ko'rinishidagi jalasimon bo'lishi mumkin. Agar portlovchi aralashma joylashtirilgan idishga grafitli sterjen kiritilsa chaqnash sodir bo'lmaydi. Paydo bo'layotgan vodorod atomlari grafitning ustki qismida adsorbsiyalanadi (shimiladi), shuning uchun sistemada to'planishga ulgurmaydi. Agar sterjen olinsa aralashma birdan alangalanadi. Vodorod yonishi boshqaruvi yadro reaktori tarkibida bor mavjud material yoki kadmiyli sterjenlar yordamida uran yoqilg'isi parchalanish jarayoni boshqaruvini eslatadi.

Ftorning vodorod bilan ta'sirlashuvida ham zanjir reaksiyasi sodir bo'ladi. Zanjirning tarmoqlanishi uyg'ongan holatdagi $HF^*$ molekulalarining hosil bo'lishi hisobiga sodir bo'ladi, bular $H_2$ molekulalari bilan ta'sirlashganda ularga ortiqcha energiyani beradi:

1) $F_2 \xrightarrow{h\nu} 2F$

2) $F+H_2=HF^*+H$

3) $H+F_2=HF^*+F$

4) $HF^*+H_2=HF+H_2^*$

5) $H_2^*+F_2=HF+H+F$ energetik tarmoqlanish

***Azotning oksidlanishi*** – yana bir zanjir reaktsiyasi yuqori energiyada sodir bo'ladi. Reaksiya kislorod molekulasi ($O_2=2O$) dissotsatsiyasida tug'iladi va tarmoqlanmagan zanjirli mexanizm orqali amalga oshiriladi, halqa ko'rinishi quyidagicha bo'ladi:

1) $O+N_2 =NO+N$

2) $N+O_2=NO+O$

Metan mavzusi misolida kimyo darsliklarida (I. R. Asqarov, M. X. To'xtaboyev, K. G'ofurov. Kimyo, 9-sinf (darslik). O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi nashriyoti. Toshkent, 2010 yil. 31-§. 113-bet) kimyoviy reaksiyalarning erkin radikal mexanizmi tushuntiriladi. Kimyo bo'yicha dasturga asosan bu o'quv materiali "Kovalent bog'lanishning (ion va radikal) hosil bo'lish va uzilish" masalasiga taalluqli. (Mavzu: "Organik birikmalarning kimyoviy tuzilish nazariyasi") (I. R. Asqarov, M. X. To'xtaboyev, K. G'ofurov. Kimyo, 9-sinf (darslik). O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi nashriyoti. Toshkent, 2010 yil. 29-§.103-bet). Bu jarayonning chizmasi fizika darslarida foydalanish uchun qulay bo'lgan quyidagi ko'rinishga ega:

1) $Cl_2 \xrightarrow{h\nu} 2Cl$

2) $Cl+CH_4=HCl+CH_3$

3) $CH_3+Cl_2=CH_3Cl+Cl$ ва бошқалар [3].

***Termik kreking*** (neftni qayta ishlash va uning fraksiyalari, ya'ni har xil temperaturada qaynatiladigan suyuq birikmalarning tarkibiga ajralgan qismlari) ham zanjirli reaksiya hisoblanadi. Yuqori temperatura ta'siri ostida og'ir uglevodorodlarning organik moddalar yemirilishi tarmoqlanmagan zanjirli reaksiyalar rivojlanishini insenerovkalovchi erkin radikallarga bo'linishi sodir bo'ladi.

Kimyoviy zanjir reaksiyalari muhokamasini tugatish borasida shuni aytish mumkinki, oltingugurt bug'larining uglerod, serouglerod, fosfor, uglevodorodlar oksidi, oksidlanish jarayoni organik molekulalar tarkibiga galogenlar kiritilish jarayonlari "zanjirli mexanizm" bo'yicha kechadi. O'quvchilarni zanjir reaksiyalari nazariyasining yaratilishi kimyoda katta voqea hisoblanganligi xulosasiga keltirish lozim. Ta'kidlash joizki, dastlab kimyoviy reaksiyalar uchun ishlab chiqilgan bu nazariya keyinchalik xilma-xillikdagi fizik jarayonlarni tushuntirishda ham foydali bo'ldi.

Endi fizika o'qitish metodikasida zanjir reaksiyalari haqidagi tushunchalarni rivojlantirish uchun foydalanilmagan imkoniyatlarni qarab chiqamiz. O'rganilishi maktab dasturiga kiritilgan "zanjir mexanizmi" bo'yicha rivojlanadigan fizik hodisalarni ko'rsatamiz. Ularning barchasi tarmoqlangan reaksiyalarga taalluqli.

***Kristallarda dislokatsiya rivojlanish***. Ammoniy kristallarining (ammoniy tuzlari) sekin termik tarqalish jarayonini muhokama qilishni taklif qilamiz. Kristall holatida bu moddaning tarqalishi juda qiyin. Qizdirilganda u defektlarda, birinchi navbatda dislokatsiyalarda boshlanadi. Tarqalish (yoyilish) reaksiyalari natijasida dislokatsiyalarda yangi dislokatsiyalarni vujudga keltiruvchi mexanik kuchlanish vujudga keladi. Dislokatsiyalar tarqalishi tarmoqlangan zanjir reaksiyasiga o'xshash kechadi.

***Mustaqil gaz razryadi yoki dielektrikning elektronli teshigida (yorig'ida) elektron jalalarining rivojlanishi***. Zanjir reaksiyasini ushbu misolda qarab, ta'kidlash kerak: bu jarayonda faol zarralar bo'lib, elektr maydonida tezlashtirilgan elektronlar hisoblanadi. Bu yerda qo'shimcha qilib yorug'likning kuchsiz chaqnashini elektr signaliga aylantirib kuchaytirib beruvchi fotoelektron ko'paytirish qurilmasida (FKQ) elektronlarning jala tarzda ko'payishining qo'llanilishi haqida hikoya qilish mumkin.

***Lazerlar.*** Lazerlar haqida gapirganda kimyoviy lazerlar haqida eslatish kimyoviy to'ldirilish bo'lardi. Ularning nurlanishi ishchi moddada uyg'ongan molekulalar kimyoviy to'ldirilish hosil bo'lishiga olib keluvchi kimyoviy reaksiyalarning kechishi natijasida vujudga keladi. Ammo, uyg'ongan molekulalar mavjudligi lazer generatsiyasi uchun yetarli emas. Bu yerda kimyoviy to'ldirilish vaqtining uyg'ongan molekulalar yashash davridan kichik bo'lishligi shart. Ko'rsatilgan sharoit birlamchi insinirovaniyadan keyin jalasimon rivojlanuvchi tarmoqlangan zanjirli reaksiyalar kechishida hosil bo'lish mumkin va qisqa vaqtda reaksiyaga kirishuvchi moddaning butun hajmini qamrab oladi. Impulsli ta'sirdagi ftorovodorod lazerlarida yuqorida batafsil qaralgan uyg'ongan HF* molekulalari hosil bo'lishiga olib keluvchi $H_2$ va $F_2$ aralashmasidagi reaksiyadan foydalaniladi. Kimyoviy impulsli lazerlarning qiziqarli xususiyatiga e'tibor qaratamiz: ulardagi "kimyoviy zanjir" fotonlar jalasi - "fizikaviy zanjir" ning rivojlanishiga zamin yaratadi.[4]

***Uyg'ongan muhitdagi indutsirlangan nurlanish*** – ham zanjirli jarayon hisoblanadi; aynan u lazerning kogerent nurlanishini ta'minlaydi. Bu yerda faol zarrachalar sifatida metastabil (uzoq yashovchi) uyg'ongan holatdan asosiy holatga molekula va atomlar kvant o'tishlarini keltirib chiqaruvchi fotonlar ishtirok etadi.(Kvant generatorlari animatsiyasi).

***Yadrolar bo'linishining zanjir reaksiyasi.*** Og'ir $_{92}^{233}U$, $_{92}^{235}U$, $_{92}^{238}U$, $_{94}^{239}Pu$ yadrolarning bo'linish jarayonlarini qarashdan tashqari o'quvchilar e'tiborini yana bir yadro reaksiyasi – neytronlar ta'sirida bo'ladigan reaksiyalarga qaratish maqsadga muvofiq bo'ladi: $_4^9Be+_0^1n \rightarrow 2_2^4He+2_0^1n$ bu yerda neytronlarning ko'payishi sodir bo'ladi va katta miqdordagi energiya ajraladi. Berilliy-9 bo'linishining zanjirli jarayoni amalga oshirish mumkin bo'lmasada, bu reaksiya tretiy ishlab chiqarish muammosi nuqtai nazaridan ahamiyatga ega. Ma'lumki, yadro energiyasi nisbatan istiqbolli bo'lib, $_1^2H+_1^3H \rightarrow _2^4He+n_0^1$ reaksiya muhim ahamiyatga ega. Bu reaksiyada ishtirok etuvchi deyteriy($_1^2H$) ning tabiiy vodoroddagi konsentratsiyasi 0,015 % ni tashkil qilib, uni dengiz suvini qayta ishlash orqali ajratish mumkin. Tretiyning tabiatdagi miqdori juda kam bo'lib, u turg'un emas ($\beta^-$ radioaktivlik, yarim yemirilish davri 12,4 yil), ammo ularni litiy-6 ni neytronlar yordamida urish yordamida olish mumkin: $_3^6Li+_0^1n \rightarrow _1^3H+_2^4He$ . Bu yerda kerak bo'lgan neytronlar termoyadroviy jarayonlarda hosil bo'ladi, ammo reaktorda tretiy ishlab chiqarishni oshirish maqsadida neytronlar chiqishini ko'paytirish uchun berilliy-9 ni qo'llash mumkin. G'oya vujudga keldi: asosiy energiya ajralishi sodir bo'luvchi reaktorning faol zonasini berilliy-9 dan tashkil topgan qobiq bilan o'raymiz, undan keyin litiy-6 dan tashkil topgan qobiqni joylashtiramiz. Birinchisi termoyadroviy neytronlarning ko'payishi uchun xizmat qilishi kerak, ikkinchisida tretiy to'planadi. Litiyli qobiqdan ajratilgan tretiyni yana termoyadroviy yoqilg'i "tayyorlash" uchun ishlatish mumkin.

Zanjirli reaksiya halqasini eslatuvchi tretiyli ishlab chiqarish – texnologik sikli yuqoridagidek bo'ladi.

***Elementlar sintezi.*** Fizika darslarida termodinamik jarayonlarni o'rganib, o'quvchilar yer bag'ridagi (qaridagi) elementlar sintezi bilan batafsil tanishadilar: "... yulduzlar ilk rivojlanish davrida u asosan vodoroddan tashkil topgan. Yulduzlar ichkarisida temperatura shunchalik yuqoriki, u yerda protonlarning qo'shilish reaksiyasi geliy hosil bo'lishi bilan kechadi. Keyin geliylarning qo'shilishidan yanada og'irroq elementlar hosil bo'ladi...".[5] Ushbu o'quv materiali astronomiya kursiga ham taalluqli. Bu dastur "yulduz plazmasining kimyoviy tarkibi" va "yulduzlar energiyasi manbalari" masalalariga mos keladi.

Yulduzlardagi vodorodning yonish jarayonlari ham zanjir reaksiyasi kabi kechadi. O'quvchilarni maktab fizika kursida eslatiladigan proton-protonli sikl bilan tanishtirish kerak. Bu siklda termoyadro reaksiyalari hosil bo'ladi va buning natijasida Quyoshning mavjud bo'lishi uchun asosiy zarur bo'lgan energiya ajraladi:

$_1^1H+_1^1H \rightarrow _1^2H+_1^0e+\nu$,

$_1^1H+_1^2H \rightarrow _2^3He+\gamma$,

$_2^3He+_2^3He \rightarrow _2^4He+_1^1H+_1^1H$,

Termoyadroviy reaksiyalar sikli bu bosqichda tugamaydi, u yana davom etishi mumkin:

$_2^3He+_2^4He \rightarrow _4^7Be+\gamma$,

$_4^7Be+_{-1}^0e \rightarrow _3^7Li+\nu$,

$_3^7Li+_1^1H \rightarrow _2^4He+_2^4He$,

$_4^7Be+_1^1H \rightarrow _5^8B+\gamma$,

$_5^8B \rightarrow _4^8Be+_1^0e+\nu$,

$_4^8Be \rightarrow _2^4He+_2^4He$

***Nurlanish kasalligi.*** ("Nurlanishning yutilish dozasi va uning biologik ta'siri. Nurlanishdan himoyalanish"). Bu mavzuni muhokama qilishda o'quvchilarga nurlanish kasalligi inson organizmiga yadro nurlanishi ta'siridan keyin vujudga kelishi va biologik hujayralarda zanjirli kimyoviy reaksiyalar natijasida rivojlanishi tezlashishini tushuntiriladi. Radiatsiya bu reaksiyalarning faqatgina tashabbuskori hisoblanadi, madomiki murakkab organik molekulalar kimyoviy bog'lanishlarini uzadi va regeneratsiya xususiyatiga, yuqori darajada reaksiyaga kirishish qobiliyatiga ega bo'lgan erkin radikallarni vujudga keltiradi. Shuning uchun nurlanish kasalligini terapevtik davolash bu radikallarni organizmdan chiqarish yoki "bog'lash"ga asoslanadi va bu inson hayotini to'xtatishga olib keladigan zanjir reaksiya rivojlanishini to'xtatadi. Psixologlar tadqiqotlariga ko'ra tushunchani shakllangan deb hisoblash mumkin, qachonki umumlashtirilgan va yakkalikda ajratib qo'yilmagan, uning hosil bo'lishida tayanch bo'lib xizmat qiladigan hamda uning boshqa tushunchalar bilan mustaxkam bog'liqligi aniqlangan bo'lsa.

Fizika va kimyodan o'quv materiallari to'plami maktab o'quvchilari bitiruvchilarida zanjir reaksiyalari haqida tushunchalarni shakllantirish imkonini beradi. Bu yerda shunday taklif berish mumkin: "Atom va atom yadrosi" mavzusini tugatgandan so'ng anorganik va organik kimyo kurslaridagi ma'lumotlarga tayangan holda o'quvchilarda fizik va kimyoviy jarayonlarda zanjirli reaksiyalar haqidagi bilimlarni umumlashtirish maqsadga muvofiqdir. Bunday umumlashtiruvchi mashg'ulotni tayyorlash jarayonida kimyo kursidan kerakli ma'lumotni tanlash alohida o'quvchilar tomonidan bajarilishi mumkin. Ularga referatlar yozish va qisqacha xabarnomalar bilan chiqish topshiriladi. Bizningcha optimal variant bo'lib, zanjir reaksiyasi haqidagi masalalarni birlashgan fizkimyo seminarida yakuniy muhokama qilish hisoblanadi. Shuningdek, fakul'tativ yoki to'garak mashg'ulotlari, "Fizika va kimyoda zanjir reaksiyalari" mavzulari bo'yicha fanlararo anjumanlar o'tkazish mumkin.

Ta'kidlash mumkinki, bugungi kunda "zanjir reaksiya"si ifodasi fanda, sanoat texnologiyalarida ko'p ishlatiladi va u kundalik hayot, badiiy adabiyotga va gazeta sahifalariga o'tadi. Fizika bilan qiziquvchilarga F.Kedrovning "G'oyalar zanjir reaksiyasi" (M.:Znaniye, 1986) kitobini taklif qilish mumkin.

Xulosa sifatida ta'kidlaymizki, qarab chiqilgan metodika – aniq misollardan abstrakt "zanjir reaksiyasi" tushunchasigacha o'rganilsa, agar yangi, universal, ko'rgazmali o'quv qo'llanma yaratilib, bu yerda zanjirli jarayonlarning alohida misollari bilan tanishtirishdan ularning umumiy belgilarini tushuntirib berishga o'tilsa – sezilarli darajada samarali bo'ladi. Bugungi mavjud ko'rgazmali vositalardan foydalanib, kompyuter texnologiyalarini qo'llagan holda zanjir reaksiyalarini modellashtirishni mukammallashtirish, umumlashgan tushunchani yanada shakllantirish kerak. Bularning barchasi o'quvchilar ilmiy dunyoqarashining zamonga mos ravishda shakllanishiga, rivojlanishiga xizmat qiladi.

**Adabiyotlar**

1. Asqarov I. R., To'xtaboyev M.X., G'ofurov K. Kimyo, 8-sinf (darslik). Yangiyo'l poligraf servis nashriyoti. -Toshkent: 2014.
2. Политехнический словарь. -М.: "Наука", 1976. -С.553.
3. Asqarov I.R., To'xtaboyev M.X., G'ofurov K. Kimyo, 9-sinf (darslik). O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi nashriyoti. -Toshkent: 2010.
4. Берулава М.Н. Интеграция содержания общего и профессионального обучения в профтехучилищах: теоритический-методический аспект. -Томск: Томский университет. 1988. -С. 222.
5. Habibullayev P., Boydadayev A., Bahromov A., Yuldasheva M. Fizika, 9-sinf (darslik). -Toshkent: «G'.G'ulom», 2014.



**REZYUME**

Mazkur maqolada fizika va ximiya fanlariga oid integrallashgan bilimlar mazmuni yoritilgan. Shular asosida fizikani o'qitish orqali mazkur predmetlar bo'yicha o'quvchilarning yuqori darajada bilimlarni o'zlashtirishlari, dunyoqarashlari kengayishi va olamning fizik manzarasi haqidagi tasavvurlarga ega bo'lishlari uchun xizmat qilishligi bayon etilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются содержание интегрированных знаний по физике и химии. На примере преподавания физики, показано, освоение учащимися знаний на высоком уровне, расширение их мировоззрения и представления о физической картине мира по этим предметам.

**SUMMARY**

The article is devoted to the study of he content of integrated knowledge in Physics and Chemistry. On the basis of teaching Physics, it is shown, the development of knowledge on a high level, expansion OFoutlook and mastering representation about a physical picture of the world.


## TALABALAR O'RTASIDA MILLIY XALQ HARAKATLI O'YINLARI ESTETIK ASOSLARINI IDROK ETISH QOBILIYATLARINI SHAKLLANTIRISH


**A.O.Utemisov** - *mustaqil tadqiqotchi*
**T.T.Utebaev** – *pedagogika fanlari doctori, dotsent*
*Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti*



**Tayanch so'zlar:** axloqiy va estetik asoslar, estetik madaniyat, milliy xalq harakatli o'yinlar, jismoniy rivojlanish, hissiy va estetik soha.

**Ключевые слова:** нравственно-эстетические основы, эстетическая культура, национальные подвижные игры, физическое развитие, эмоционально-эстетическая сфера.

**Key words:** moral and aesthetic foundations, aesthetic culture, national outdoor games, physical development, emotional and aesthetic sphere.


O'zbekiston pedagogikasida yosh avlodning umuminsoniy e'tiqodlarini ta'minlash usullarini va usullarini, shaxsiy madaniyatni shakllantirish va qadriyatlarga hurmat bilan munosabatni o'rganishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Ushbu yo'nalishda muhim ahamiyatga ega bo'lgan vosita yosh avlodni tarbiyalashda milliy pedagogika tajribasini, shu jumladan, milliy xalq harakatli o'yinlarning estetik madaniyatni shakllantirishga, talabalarning xarakteri va ongiga ta'sirini tushunishi kerak.

Milliy xalq harakatli o'yinlari jismoniy tarbiya va sportning tarkibiy qismlaridan biri bo'lib, bugungi kunda ular jismoniy tarbiya mashg'ulotlarida foydalanishga e'tibor qaratishmoqda. Bundan tashqari, o'quvchilar o'rtasida jismoniy madaniyatni shakllantirish jarayonida, shuningdek, axloqiy, intellektual va estetik ta`limning imkoniyatlari bilan milliy xalq harakatli o'yinlar ulkan imkoniyatlar ochib berilgan. Milliy xalq harakatli o'yinlarda ishtirok etish jarayonida talabalar ijobiy his-tuyg'ular va ruhiy fazilatlarni namoyon etadilar: birgalikdagi harakatlar, intizom, kamtarlik, hurmat, adolat, do'stlik va do'stlik, bir ovozdan, bajarilish uchun mas'uliyat; jasorat, qat'iylik, o'ziga ishonch, qiyinchiliklarni bartaraf etish, sabr-toqat, chidamlilik va boshqalar.

Milliy xalq harakatli o'yinlarda tarbiya estetik jihati ham muhimdir. O'rta asrlarda estetik ta`lim juda murakkab, shuning uchun boshlang'ich maktab yoshidan boshlab uning asoslarini yaratish kerak. Taniqli olim - o'qituvchi B.T.Lyachchev bu haqda shunday yozadi: Bolalarning estetik madaniyatini shakllantirish va rivojlantirish uchun boshlang'ich sinflarda ta'lim davri eng munosib vaqt hisoblanadi, chunki bu davrda shakllangan dunyodagi haqiqatlarga munosabat shaxsning mulkiga aylanadi. Bolalikda uzoq vaqt davomida shakllangan ma'naviy va estetik hissiyotlar saqlanib qoladi va keyingi hayotda aks etadi. Haqiqatan ham, yosh talabalar tomonidan yaratilgan estetik g'oyalar estetik ta`limni yanada rivojlantirish uchun asos bo'lib xizmat qiladi.

Talabalarning ijobiy munosabatini, odamlarga samimiy va samimiy munosabatlarini rivojlantirish, noxush ruhiy holatni bartaraf etishda muhim ahamiyatga ega. Ushbu masala bo'yicha oqilona tashkil etilgan, modernizatsiya qilingan milliy xalq harakatli o'yinlar jismoniy tarbiya mashg'ulotlarida didaktik yordam beradi, bu esa darslarning samaradorligini oshirish va talabalarning estetik asoslarni o'rganish uchun sharoit yaratish imkonini beradi.

Shunday qilib, talabalarning estetik ta'mi milliy xalq harakatli o'yinlar jarayonida, tashqi dunyoda chiroyli, oqlangan, ingichka shakldagi tushunchalar, badiiy qadriyatlarga estetik munosabat, xulq-atvorning aniqligi va madaniyati, so'zlar, noto'g'ri xatti-harakatlarga yo'l qo'yilmasligi shakllantirilmoqda.

Barcha inson hayoti harakatga o'tadi, chunki harakat hayotiy zaruratdir. Ayniqsa, boshlang'ich maktab yoshidagi bolalarda jismoniy harakatga muhtoj. Shu ma'noda milliy mobil o'yinlarni joriy etish katta ahamiyatga ega, chunki u o'quvchilarning jismoniy tarbiya sohasiga bo'lgan qiziqishini oshiradi va ularni faollashtiradi. Albatta, o'yinlar asosan bolalarning jismoniy rivojlanishi vazifasiga asoslanadi; ular chopish, sakrash, ko'tarish, to'plash va boshqa narsalarni otishadi. Shu bilan birga, jarayonning estetik tomonini unutmaslik va jismoniy tarbiya o'qituvchisining pedagogik mahoratini oshirish talabalarning harakatlarning go'zalligiga, kuchi, qobiliyati, qobiliyatliligi, reaktsiyasi va to'g'ri, jismoniy harakatlariga mos kelishiga e'tibor qaratadi.

Qoraqalpoq xalqi yoki an'anaviy hunarmandlarning faol o'yinlari va tanlovlari orqali bolalarni ota-bobolarimizning turmush tarzi bilan tanishtirishingiz mumkin.

Yuqorida ta'kidlanganidek, milliy xalq harakatli o'yinlar jismoniy tarbiya mashg'ulotlarini qiziqarli shaklda o'tkazishga, jismoniy va ma'naviy go'zallikni o'rganish va tushunish qobiliyatlarini shakllantirishga yordam beradi. Shu bilan birga, talabalar, o'yin ishtirokchilari uchun aniq vazifalar (talablar) belgilanadi:

- O'yinni bayram sifatida tayyorlash;
- o'yinning maqsadini, uning mazmunini, qoidalarini tushunish. harakatlar;
- o'yinning estetik tomonini eslab qoling;
- o'yin qoidalarini buzmaslik;
- yolg'on so'zlardan, nohaq harakatlardan qochish;
- qo'pollikdan qochish, o'zingizni xushmuomala tuting;
- zukkolikni (saxiylikni) ko'rsating, ziyon keltiruvchilarga kulib boqmang;

• qoraqalpoq xalqining an'analarini o'zlashtirib, huquqiy vositalar bilan g'alaba qozonish.

Har bir milliy xalq harakatli o'yin qoraqalpoq bolalarining kelib chiqishi (paydo bo'lishi), xususiyati va xarakteri, tasvirlari (ramzlari), jismoniy faoliyati, axloqiy va estetik mazmuni haqida kichik suhbatlar bilan boshlanadi. Talabalar o'yinni kuch-qudrat, tezkorlik, tezkorlik, qobiliyatlilik, go'zallik hissi, xalqiga va vataniga bo'lgan mehr-muhabbatni rivojlantirishi kerakligini bilishlari kerak.

Tadqiqot natijalari shuni ko'rsatdiki, talabalarning milliy xalq harakatli o'yinlaridan foydalanish quyidagi tamoyillar bilan ta'minlanishi kerak:

• talabalarning yoshi va psixologik xususiyatlari bilan tutashgan o'yinlarning muvofiqligi;

• milliy an'analar, mahalliy (mintaqaviy) tarixiy an'analar va madaniy meros bilan aloqa o'rnatish;

• turli harakatlar va yo'nalishlardagi o'yinlarda ishtirok etish, ularning aylanmasi;

• o'yinning psixologik jihatlari;

• estetik fikrlash va estetik qobiliyatlarni shakllantirish imkoniyati;

• o'yinlarni tahlil qilish, ishtirokchilarning tavsifi, rag'batlantiruvchi omillar.

Binobarin, talabalarning keng qamrovli (aqliy, axloqiy, ma'naviy, estetik) ta'limi uchun milliy xalq harakatli o'yinlar muhim ahamiyat kasb etadi va shuning uchun talabakarni kompleks rivojlantirishning eng samarali vositalaridan biridir.

Jismoniy tarbiya mashg'ulotlarida milliy xalq harakatli o'yinlardan foydalanish talabalarning turli to'siq va qiyinchiliklarni bartaraf etish qobiliyatini rivojlantirish bilan bog'liq (keyinchalik bu ko'nikma ushbu qiyinchiliklarga duch kelgan bolalar uchun foydali bo'ladi). O'yin tasvirlari bolalarni o'z-o'zini nazorat qilish, ularning jismoniy faoliyati uchun qobiliyatini shakllantiradi. Ko'pgina o'yinlarda talabalar o'zlari uchun emas, balki ularning hamkasblari uchun mas'uliyat hissi, maqsadga erishish uchun ixtiro, qat'iylik ko'rsatishi kerak.

Aytish kerakki, milliy o'yin bilan tanishish vaqtida nafaqat uning mazmuni va ma'nosini, balki etnopedagogika, antropologiya, tarix, nazariya va jismoniy tarbiya metodikasi bilan bog'liq bo'lgan tashqi ko'rinishini ham bilish kerak. O'zbekistonda bu borada qiziqarli tadqiqotlar olib borildi va maqolaning kitoblari, qo'llanmalari va tavsiyalari chop etildi. Mualliflar orasida olimlar va o'qituvchilar T.S Usmonxodjaev, F.Xodjaev, X.Meliev va boshqalar ishtirok etishdi. Ularning ikkitasi talabalar bilan o'ynash faoliyati bilan bog'liq: birinchi navbatda, o'yinda bolalar ishtiroki jismonan rivojlanadi, mustaqil harakatlar uchun ko'nikmalar rivojlanadi, ikkinchidan, o'yin davomida o'quvchilar "ma'naviy ozuqani" Dunyo haqidagi tushunchalarini chuqurlashtirish. Milliy xaliq harakatli o'yinlarni ishlatishning asosiy vazifasi o'zgarishsiz qolmoqda - bu bolalarning jismoniy holatini yaxshilash va ularning salomatligini mustahkamlashdir, chunki o'yin jarayoni butun organizmning funktsional faoliyatini yaxshilaydi va yaxshilaydi:

Milliy xalq harakatli o'yinlar estetik vazifasi talabalarning estetik bilimlarini va estetik ehtiyojlarini (talablarini) shakllantirishdan iborat. Estetik hislar murakkab jarayondir va turli odamlar turli xil tuyg'ularning namoyon bo'lishiga, turli assotsiatsiyalarga aloqasi bor.

Estetik ehtiyojlarni shakllantirish va estetik hissiyot, ayniqsa dastlabki bosqichda muayyan qiyinchiliklar bilan bog'liq. Va bu holatda, milliy xalq harakatli o'yinlar qutqarilishga keladi, unda ritm, musiqiylik, tavsiflovchi she'riyat, tashkilot, xorni e'lon qilish va boshqalar mavjud. Bularning barchasi keyinchalik zaruratga aylanadigan estetik tuyg'ularning paydo bo'lishiga asos bo'lib xizmat qiladi. - Chiroyli, oqlangan. Shunday qilib, estetik ta'm, estetik baholash, estetik ideal yaratildi. Ma'lumki, inson madaniyatining darajasi, uning ma'naviy salohiyati estetik ehtiyojlar bilan o'lchanadi. Estetik ehtiyojlar moddiy, iqtisodiy, ijtimoiy-siyosiy va boshqa ob'ektlar doirasidan «beparvolik» va maxsus imtiyozlarga befarqlik bilan ajralib turadi. Estetik ehtiyojlar va estetik tuyg'ular bir-biriga bog'lab turadi, estetik ehtiyojlar estetik tuyg'ularni uyg'otadi va estetik ehtiyojlarning paydo bo'lishidan oldin estetik hissiyotlarni keltirib chiqaradi [1:83-84].

Estetik idrokning shakllanishi uzoq jarayon bo'lib, uni bir nuqtada to'xtatish mumkin emas. Estetik hislar hayot tajribasi, bilim va ko'nikmalar orqali asta-sekin boyitiladi. Bundan tashqari, estetik hislar ijtimoiy rivojlanishning muayyan sohasidagi aniq maqsadga qaratilgan faoliyat bo'lib xizmat qiladi. Ta'lim jarayonida estetik hislar turli xil faoliyat turlari natijasida shaxslar yoki guruhlar ichida o'zini namoyon qilishi mumkin [2:65-66]. Shundan kelib chiqqan holda, milliy xalq harakatli o'yinlar estetik hissiyot va estetik ehtiyojlarni shakllantirishning samarali vositasi bo'lishi mumkin.

Jismoniy tarbiya o'qituvchisidan, milliy xalq harakatli o'yinlar boshqaruvini boshqaradigan, asosiy estetik tushunchalarni bilishni talab qiladi. R.N.Ergashev fikrisha rivojlantirishda pedagogik estetikaning o'ziga xos xususiyatlariga ko'ra, jismoniy tarbiya darslarining samaradorligi uchun ovoz, yuz ifodasi, testlar, nutq, nutq, tashqi ko'rinish va o'qituvchilik odobi juda muhim ahamiyatga ega.

Ovoz aloqa o'rnatish vositasidir. N yumshoq, xushbo'y, muayyan darajada sehrlangan, hissiy rangda bo'lishi kerak. Talabalar qiziqarli, diqqat bilan, chidamsiz chiroyli ovozni tinglashadi. Ovoz uzatiladi «vokal yuzlari». Ovozning dinamik tomonlari - bu intonatsiya, timbre, ritm, tebranish, lekin ovozdagi asosiy narsa noto'g'ri eshitilmasligi kerak.

Yuzni ifoda qilish, kayfiyat, his-tuyg'ular va fikrlar ifodalashning o'ziga xos san'atidir. Bu - bosh harakati, yuzning mushaklari, ko'zlar, qoshlar, shuningdek kulgi va tabassum bilan namoyon bo'lgan muloqotning tarkibiy qismlaridan biridir. Eng asosiysi, bularning barchasi chiroyli va o'lchovga muvofiq bo'lishi kerak. Misol uchun, boshini qimirlatish shartnomani, fikrlarni qo'llab-quvvatlashni anglatadi. O'qituvchining ko'zlari «ruhning ko'zgusi» sifatida ichki dunyomizni, mehribonlik va bolalarga hurmatni namoyon qilishi kerak.

Ustozning yuzi, uning yuzlari har doim ham go'zal bo'lishi mumkin emas (tabiat kabi), lekin uning ruhiy qiyofasi, ichki tarkibi aloqa uchun yoqimli bo'lishi kerak, shuning uchun insonni chiroyli deb bilishadi. Aytgancha, siz ko'zlaringizning jozibali ifodasini yaratish, yuz harakati va boshqalarni yuzma-so'z va yuz ifodalarida va «mashq qilish yo'llari» da ishlashingiz mumkin. Imo-ishoralar hissiy holatini ifodalash uchun qo'shimcha vositadir. Belgilarda «til» bor. Masalan, qo'llarning yumshoq, hatto harakati tinchlikni, tinchlikni, keskin va qat'iy harakatni talab qiladi - talab qilish, qurol-yaroqsiz o'tish, harakatni to'xtatish. Ustoz bu ma'noda bir dirijorga o'xshaydi - u toza, erkin, chiroyli yaratilishni yaratishi kerak.

O'qituvchining nutqi talabalarning fikr va hissiyotlariga ta'sir o'tkazish vositasidir. Uning hissi bir qator operatsiyalar (jarayonlar) bajarilishi bilan bog'liq: munosabat, e'tibor, faoliyat, taqdimot, fikr. Agar o'qituvchining ma'ruzasi informatsion, boyitilgan, jozibali, hissiy, u nafaqat hissiyotlarga, balki talabalarning estetik sohasiga ham ta'sir qiladi.

O'qituvchining nutqi nafaqat bilim va ta`lim ta'sirini o`zgartirish vositasi, balki modeli ham.

O'qituvchining nutqi uchun asosiy talablar quyidagilar:

• mavzusini chuqur o'rganish, o'rganilayotgan narsalar, hodisalar;

• ularning moddiy, maqsad va vazifalariga munosabatini ifoda etish;

Nutq tarkibi, tarkibiy qismlari, uning tarkibiy qismlariga muvofiqligi: psixologiyaning aniqligi, axborot;

Talabalarning estetik va hissiy sohalarini boyitishga, o'z fikrlarini kengaytirishga qaratilgan qiziqarli dalillar, kelishilganlik, mavjudlik, sharhlar, qarashlar, hissiylik, boylik;

• talabalar va ularning psixologik va yosh xususiyatla-

rini inobatga olgan holda, talabalarga hurmat va hurmat ko'rsatish;

Tinglovchilarning diqqatini jalb qilish, yorqin misollar bilan ularning motivatsiyasini oshirish, kelgusi uchrashuvni qiziqarli va ajoyib narsalar bilan va'da qilish;

Estetik bilimlarni egallashga qiziqish uyg'otadigan turli uslublar va vositalardan foydalanish;

• o'quvchilarning hayotiy tajribasiga murojaat qilish, hayotdan misollar va haqiqatlarni o'rganish, hissiy va estetik vaziyatlarning paydo bo'lishiga yordam berish;

• lingvistik vositalardan foydalanish, so'zlar va so'zlarni ifodalashni ifodalovchi frazeologik birliklardan foydalanish - metafora, giperbole, maqollar, so'zlar, masallar, mashhur ifodalar, folklor va boshqa.

• mavzu bo'yicha tasviriy materialni namoyish qilish, estetik vositalar, jismoniy harakatlarning go'zalligini tasvirlash;

• estetik kontseptsiyalarni ularning to'liq mahoratini oshirish, so'zning badiiy-tasviriy funksiyasini (jumla, jumlalar) oshkor qilish maqsadida aniqlashtirish.

Estetik ta'mga ega bo'lgan talabalarni tarbiyalashda o'qituvchining ko'rinishida katta ahamiyatga ega. O'qituvchining anatomik va fiziologik xususiyatlari juda jozibali bo'lsa ham, uning soch turmagi, kostyumlari, harakati, nutq tarzi, plastika, imo-ishoralar, yurish va hokazolar oddiy va ayni paytda qiziqarli, toza bo'lishi va vaziyatga mos kelishi kerak. O'qituvchi aql-idrok va ayni paytda hissiy va muloyim (tishlari orqali emas) salomlashish uchun javob berishi kerak, o'quvchilarni qattiq so'zlardan, qichqiriqdan, to'satdan harakatlardan (eshikni siqib, o'rindiqda flopping, stol ustida imo-ishora yoki qo'lni taqillatib, va hokazo). Agar ushbu talablar bajarilgan bo'lsa (kamida ularning aksariyati), bunday o'qituvchi estetik ideal yoki rol modelidir. (Men bu erda o'qituvchining pedagogik mahorati haqida gapirmayapman, bu alohida mavzudir).

Biroq, o'qituvchining ko'rinishi, uning xulq-atvori pedagogik madaniyatning muhim tarkibiy qismi va pedagogik estetika deb tan olinishi kerak.

Yuqorida aytilganlarning hammasi jismoniy tarbiya o'qituvchisi uchun amal qiladi va milliy xalq harakatli o'yinlarini tashkil etishda yosh talabalarning estetik tuyg'ularini shakllantirish jarayoniga birlashadi.

**Adabiyatlar**


1. Шер А., Умаров Э., Хусанов Б. Эстетика. –Ташкент: 2000, -С. 83-84.
2. Носирхужаева Г. Этика. Эстетика. Учебное пособие. -Т.: 2006, -С. 65-66.



**REZYUME**

Maqolada jismoniy tarbiya mashg'ulotlarida milliy xalq harakatli o'yinlariga ishtirok etish jarayonida talabalar o'rtasida estetik hissiyot va estetik hissiyotlarni shakllantirish, ushbu yoshdagi bolalarda estetik tushunchalarni shakllantirishning o'ziga xos xususiyatlari, ommaviy tashqi o'yinlar yordamida jismoniy tarbiya mashg'ulotlari vazifalari, talabalarning shaxsiy fazilatlarini rivojlantirish va takomillashtirishga alohida e'tibor qaratiladi. Ustoz talablari, uning tashqi ko'rinishi, nutqi, uslubi, xulq-atvori va boshqalar ta'kidlanadi.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются вопросы, связанные с формированием эстетического восприятия и эстетических чувств у младших школьников в процессе их участия в национальных подвижных играх на уроках физического воспитания. Отмечаются особенности формирования эстетических понятий у детей данного возраста, обозначены функции уроков физкультуры с использованием народных подвижных игр, их направленность на развитие и совершенствование личностных качеств учащихся. Особое внимание уделяется требованиям к учителю, его внешнему облику, речи, стилю, поведению и т.д.

**SUMMARY**

The article discusses issues related to the formation of aesthetic perception and aesthetic feelings among younger schoolchildren in the process of their participation in national outdoor games at physical education classes. The author defines the features of the formation of aesthetic concepts in children of this age, the functions of physical education lessons using popular outdoor games, their focus on the development and improvement of personal qualities of students. Much attention is also paid to the requirements for the teacher, his appearance, speech, style, behavior, etc.


## МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ЖАСТАҒЫ БАЛАЛАРДЫ КӨРКЕМ-ӨНЕР ДӨРЕТПЕЛЕРИ МЫСАЛЫНДА ЭСТЕТИКАЛЫҚ ТӘРБИЯЛАЎ


**Т.В.Уразимова -** *көркем-өнертаныў илимлериниң кандидаты*

*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*



**Таянч сўзлар:** педагогика, мактабгача тарбия, эстетик тарбия, инновациялар, ижодкорлик.

**Ключевые слова:** педагогика, дошкольное воспитание, эстетическое воспитание, инновации, творчество.

**Key words:** pedagogics, preschool education, aesthetic education, innovations, creative activity.


Баланы тәрбиялаўдың ең әҳмийетли ўазыйпалары-ның бири – бул оның ақыл-есин, сана-сезимин раўажландырыў, онда жаңалықларды аңсатлық пенен өзлестире алыў мүмкиншилигин беретуғын ойлаў уқыплылығын қәлиплестириў. Мектепке шекемги жастағы баланың ойлаў қәбилетин мектепте оқыўға таярлаўдың усыллары ҳәм мазмуны, мине, усы мәселени шешиўге бағдарланыўы тийис. Бул ўазыйпалар балалар искерлигиниң ҳәр қыйлы түрлерин: ойнаў, оқыў, көркемлик искерлиги, ҳәрекет етиў, мийнет етиўди – әмелге асырыў барысында орынланады. Балалар искерлигиниң түрлериниң бири көркем-эстетикалық тәрбиялаў болып табылады. Бул бөлим балаларды көркем өнер менен таныстырыўды, раўажланып баратырған орталық эстетикасын, сүўретлаў искерлигин (сүўрет салыў, мүсинлер ислеў, аппликация), мәдений дем алыў, конструкция ислеў ҳәм қол мийнети, музыкалық тәрбияны өз ишине алады. Көркемлик тәрбияның мақсети – көркем өнерди түсинип қабыл етиўди, сезимлер ҳәм қызғын тәсиршеңликти, ойлаўды, есте сақлаўды, сөйлеўди раўажландырыў: көркем өнер тараўындағы басланғыш, әпиўайы билимлерди билиўге тартыў; көркем өнер дөретпелерине қызығыўшылық сезимин қәлиплестириў; балалардың көркем дөретиўшиликтиң ҳәр қыйлы түрлериндеги дөретиўшилик уқыплылықларын раўажландырыў; жеке тулғаның көркем-эстетикалық мәдениятлылық тийкарларын қәлиплестириў [1:68].

Көркем-эстетикалық тәрбия ўазыйпалары төмендеги жағдайларда бир қанша ең қолайлы түрде әмелге асырылады: 1. Балалардың жеке өзине тән ҳәм жасы бойынша өзгешеликлерин барынша жоқары дәрежеде есапқа алыў. 2. Көркем-эстетикалық тәрбияның тийкары көркем өнер ҳәм қоршап турған өмир болып табылады. 3. Балалардың өзлериниң көркем-дөретиўшилик жумысларының, түсинип қабыл етиўди, образлық түсиниклерди, көз алдына келтириўди ҳәм дөретиўшиликти раўажландырыў ушын рәңбәреңлик беретуғын оқыў-тәрбиялық жумыс пенен өз ара байланысы. 4. Ҳәр қыйлы көркем өнер түрлерин ҳәм ҳақыйқый өмирди, көркем өнерди ҳәм өзиниң көркем дөретиўшилигин бир қанша тереңирек эстетикалық түсиниўге жәрдем беретуғын ҳәр түрли көркем-дөретиўшилик жумысларды интеграциялаў. 5. Балалардың дөретиўшилигиниң нәтийжелерине ҳүрмет пенен қараў, олардың шығармаларын мектепке шекемги билимлендириў мәкемесиниң өмирине кеңнен қосып барыў. 6. Эстетикалық тәрбияның ҳәр түрли бағдарлары бойынша балалар менен ислесиў усылларының вариантлылығы. 7. Балалар бақшасының барлық жастағы топарлары, сондай-ақ балалар бақшасы ҳәм баслаўыш мектеп арасында көркем-

эстетикалық тәрбиялаўдың избе-из даўам еттирилиўи. 8. Балалар бақшасының хожалықлар (семьялар) менен тығыз өз ара байланыста ҳәм бирге ислесиўи.

Баланың дөретиўшилигин марапатлай отырып, оның көп нәрселерди өзинше, бизлерден басқаша түсинетуғынлығын есапқа алыў зәрүр. Кишкене баланы үйрете отырып, ҳәттеки өзиңизге танысларда «тап усылай үйретиў»диң унамлы тәжирийбеси бар болса да, қайталанатуғын қәлиплерди қолланбаң. Өзиңиздиң балаңыздың уқыплылығынан келип шығың. Себеби, ең баслысы – талантлы адамды ямаса данышпанды тәрбиялап шығарыў емес – ал баланың ишки дүньясы бай ҳәм рәңбәрең бола ма, оның мүмкиншиликлери жүзеге шығарыла ала ма, ол дөретиўшиликке уқыплы ма, мине усында.

Дөретиўшилик негизлер балада жанлы қыялшыллықты, жанлы фантазияны пайда етеди. Дөретиўшилик өзиниң тәбияты бойынша саған шекем ҳеш ким ислемеген нәрсени ислеўге, ямаса бурыннан бар болған нәрсени өзинше, жақсырақ ислеўге ҳәўесликке тийкарланады. Басқаша айтқанда, адамдағы дөретиўшилик негизлер – бул бәрқулла алға, ең жақсысына, прогресске, жетикликке ҳәм әлбетте, бул түсиниктиң жоқары ҳәм кең мәнисиндеги гөззаллыққа умтылыў. Дөретиўшилик, адамда, нәтийжеде өзиниң жаңалығы, айрықшалығы, сийрек гезлесетуғынлығы менен ажыралып туратуғын өним жаратылатуғын уқыплылықлардың, шеберликтиң, билимлердиң бар болыўын нәзерде тутады.

Мектепке шекемги жас, усы жастағы баланың жасы үлкенлер дүньясы тәрепинен тәрбиялық тәсир көрсетиўине ийкемлилиги себепли, жеке адамға бағдарланған моделдиң унамлы әдеп-икрамлылық мүмкиншиликлерин жүзеге шығарыў ушын ең қолайлы ўақыт болып табылады. Искерликтиң мектепке шекемги түрлери, балалардың ойнаўында, бир-бири менен қатнасында ҳәм искерликтиң нәтийжели түрлеринде өзлериниң жеке дөретиўшилик қызығыўшылықларының ашылыўына жәрдемлесе отырып, баланың жеке тулға сыпатында раўажланыўы ушын «ең ыңғайлы шараят» жаратады.

Эстетикалық тәрбияда ҳәм классикалық, ҳәм халықлық көркем өнер оғада үлкен әҳмийетке ийе. Ол балалардың өмирине дәслепки балалық шақтан ақ кириўи тийис. Мектепке шекемги тәрбия мәкемелеринде көркем өнер дөретпелери үш бағдарда қолланылады. Жергиликли материалға, ҳәм классикалық, ҳәм халықлық көркем өнерге, оның өзине тән айрықшалығына, тәбиятына кеңнен сүйениў. Ҳәзирги заман көркем өнери, оның аўылларда, қалаларда ислеўши дөретиўшилери менен танысыў. Балалардың оларды қоршап турған, дыққатқа ылайықлы орынларды, белгили ўақыяларды үйренип, билиўи. Биринши бағдар – көркем өнер, соның ишинде халықлық көркем өнер де, балалардың күнделикли турмысына, эстеткалық орталықтың ажыралмас бөлеги сыпатында киргизиледи. Екинши бағдар – көркем өнер билимлендириўдиң мазмунын қурайды: балаларды көркем өнердиң ҳәр қыйлы түрлери менен, сүўретшилер тәрепинен ашып көрсетилген ўақыялар, қубылыслар, объектлер менен, олардың шығармаларындағы сазенделер, жазыўшылар ҳәм шайырлар менен; өмир ҳақыйқатлығының жарқын образларын жаратыўға мүмкиншилик беретуғын тәсир етиўши усыллар менен таныстырады. Үшинши бағдар – көркем өнер көркемлик искерликтиң ҳәр қыйлы түрлеринде қолланылады, балалардың көркем дөретиўшилигиниң раўажланыўына хызмет етеди. Көркем өнер образлары гөззаллықтың эталоны болып табылады.

Көркем тәрбияның мақсети – мектепке шекемги жастағы балалардың эстетикалық ҳәм көркемлик раўажланыўын тәмийинлеў. Көркемлик тәрбияның мазмуны, сондай-ақ халықлық көркем өнер тараўынғы билимлер ҳәм көнликпелерди үйретиў, фольклор, көркем өнерментшилик буйымлары, халықтың миллий кийимлери менен таныстырыўды өз ишине алады. Кем-кемнен халықлық көркем қол өнериининң шеңбери кеңейеди.

Көркем өнер түрлери менен таныстырыўды төмендеги басқышларға бөлиўге болады: 1. Көркем өнер түрлери менен улыўма танысыў (көркем өнер дөретпелерин көрсетиў, үлкенлер ҳәм балалар атқарыўындағы шығармаларды тыңлаў; тийкарғы тәсир көрсетиўши усылды, мысалы сеслер, даўыслар, сөзлер, ҳәрекетлер, реңлер). 2. Көркем өнердиң анаў ямаса мына түриниң пайда болыў тарийхы гүрриң. 3. Образлар жаратыў ушын пайдаланылатуғын материаллар ҳәм затлар ҳаққында гүрриңлесиў, оларды көрсетиў. 4. Көркем өнердиң усы түри бойынша дөретилген шығармаларды көрсетиў (айрықша белгилерин көрсетиў). 5. Көркем өнердиң ҳәр қыйлы түрлериниң дөретпелерин салыстырыў, көркем өнердиң ҳәр қыйлы түрлериндеги затлардың ҳәм қубылыслардың сүўретлениўиниң айырмашылықларын атап көрсетиў. 6. Балаларды қоршап турған дүньядағы көркем өнер жумысларын айырып таныўға алып келиў; балаларға дәстүрий көркем өнерди сақлаўға ҳәм оларға әлпешлеп ғамхорлық етиўди түсиндириў.

Солай етип, көркем өнер менен таныстырыў оның айырым түрлеринен, балалар ушын аңсат түсинилетуғынларынан, балалардың дөретиўшилик искерликтиң ҳәр қыйлы түрлериндеги уқыплылықларын жүзеге шығара отырып таныстырыўдан басланады. Көркем өнер ҳаққындағы билимлериниң кеңейип барыўы менен, балаларға «көркем өнер» түсинигиниң қоршап турған дүньяның көркем образлардағы сәўлелениўи екенлиги түсиндириледи.

Дөретиўшиликти раўажландырыў мақсетинде балалар бақшасында мектепке шекемги жастағы балаларды сүўретлеў ҳәм халықлық көркем өнер буйымлары менен таныстырыўды даўам еттириў, олардың билимлерин тереңлестириў, пайдаланылатуғын материаллардың ҳәр түрлилигине ҳәм орынланыўының пухталығына ерисе отырып декоратив реңлеп сүўрет салыў өнери мотивлери бойынша сүўретлер салыўға (реңлик дүзилиси, композиция элементлери) үйретиў зәрүр.

Сүўретлеў ҳәм декоратив-әмелий искерлик сабақларында балаларда көркем өнер усталарының шеберлиги ҳаққында түсиниклерди қәлиплестириў тийис болады.

Әмелге асырылған жумыслар тийкарында балалар сүўретлеў ҳәм халықлық декоратив-әмелий көркем өнер шығармаларын тек ғана түсинип қабыл етиўге емес, ал өзлери де анаў ямаса мынаў өнердиң реңлеп салынған сүўретлери мотиви бойынша избе-излилик пенен шығарма дөрете алыў уқыбына ерисиўи тийис. Балалар сүўретлеў ҳәм халық қол өнери мотиви бойынша да, сондай-ақ өзлериниң ойы бойынша да сүўретте, мүсин жасаўда, аппликацияда (қурастырып ислеў) декоратив композициялар жаратыўы мүмкин. Оларға сүўретлеў ҳәм декоратив композицияларды жаратыўда ылайдан, қағаздан, гезлемеден, ағаштан, металлдан ҳәм басқа да материаллардан пайдаланыў мүмкин екенлиги ҳаққында түсиник бериў керек. Бул балалардың толығы менен алғанда, халықлық декоратив-әмелий көркем өнер ҳаққындағы түсинигин раўажландырады, оларда көркемликти түсиниў сезимин, эстетикалық қызығыўшылығын қәлиплестиреди. Балаларды сүўретлеў ҳәм халық декоратив-әмелий көркем өнери менен таныстырыўда, биринши гезекте ҳақыйқый предметлерден – көркем өнер усталарының ислеген буйымларынан пайдаланыў зәрүр. Буның ушын турақлы түрде музейлерге, көргизбе залларына, сүўретшилердиң ҳәм өнерментлердиң устаханаларына экскурсиялар шөлкемлестирип турыў, сүўретлеў ҳәм декоратив-әмелий көркем өнер бойынша әдебиятлардан пайдаланыў зәрүр.

**Әдебиятлар**

1. Уразимова Т.В., Надырова А. Эстетическое воспитание основа формирования личности. // Научные исследования 2017, №1 (12). Россия, -Москва: -С. 68-69.

**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақола ҳозирги давр мактабгача ёшдаги болаларнинг эстетик, ижодкорлик қобилиятини тарбиялаш масалаларига бағишланган. Ўқитишни ташаббускорлик асосида амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга, чунки ўкитиш ва ривожлантириш харакатчанлик сифатига эга ва у ўқитувчиларни ўқитишнинг сифатига боғлиқ.

**РЕЗЮМЕ**

Статья посвящается вопросам эстетического, духовно-творческого воспитания современных детей дошкольного возраста. Так как в современном обществе возросло внимание к проблеме формирования всесторонне развитой, духовно богатой и креативной личности, личность человека, его духовный и моральный облик формируются, прежде всего, в процессе воспитания.

**SUMMARY**

The article is dedicated to the issues of aesthetic, spiritual-creative education of children of the preschool age. Since attention increased in modern society to the problem of the shaping all-round developed, spiritually rich and creative personality, the personality, his spiritual and moral look are formed, first of all, in the process of the education.

## БЎЛАЖАК ТАРИХ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА ИЖОДИЙ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ КОМПОНЕНТЛАРИ

**Р.Б.Ярматов** – *педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори*
*Жиззак давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** дунёқараш, маънавият, ўзликни англаш, иқтидор, қобилият, кузатувчанлик,замонавий билим, инсон омили.
**Ключевые слова**: мировоззрение, духовность, самооценка, талант, способность, наблюдение, современные знания, человеческий фактор.
**Key words**: worldview, spirituality, self-esteem, talent, abilities, observation, modern knowledge, human factor.

Дунё мамлакатлари тарихидан маълумки, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий куч-қудрати, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни олий ва ўрта махсус таълим тизимининг мукаммаллиги ва самарадорлиги билан бевосита боғлиқ. Жадал ривожланиш ва тараққиётни танлаган ҳар бир давлат, энг аввало, ёш авлодни комил ва ҳар жиҳатдан етук инсонлар қилиб тарбиялашга урғу беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев илгари сурган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ижтимоий соҳа ривожига доир тегишли йўналишда таълим тизимини ривожлантириш устувор вазифалар сифатида белгиланган. Жумладан, унда жисмонан соғлом, руҳсан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигин ошириш муҳим масала сифатида белгиланган [1].

Дарҳақиқат, ҳар қайси замонавий давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши биринчи навбатда илмий-техникавий тараққиётга, бу соҳадаги илғор ўзгаришлар эса, аввало, мутахассис кадрлар ижодий қобилиятлари даражасига боғлиқ.

Таълимнинг замонавий глобаллашув ва ахборотлашув шароитида ривожланиши ва такомиллашувини, инновацияларнинг турли шаклларини тадқиқ этмасдан, бугунги кунда мутахассини нимага ва қандай тайёрлашга доир бир қатор ёндашув ва муносабатларни тамойиллар асосида кўриб чиқмасдан амалга ошириш мумкин эмас [4]. Шу билан баргаликда, олий мактаб педагогик таркиби жадал ривожланаётган инновацион таълим тизими, биринчи навбатда, ижодий қобилиятлар, ижод потенциали, ўз-ўзини ижодий ривожлантириш, ижодий идивидуаллик ва креативлик талабларига жавоб бериш муаммосига катта эътибор қаратиш лозим.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, умумтаълим мактабларида тарих фанини ўқитишни ривожлантиришнинг замонавий ҳолати ва истиқболлари бўлажак тарих ўқитувчисини тайёрлашга янгича ёндашувларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Зеро, бугунги кунда тарихчилар ўтмишни ўрганишга кўпроқ фанлараро алоқадорлик нуқтаи назаридан ёндашмоқдалар. О.М.Медушевская “Фанлараро алофадорлик шароитларида гуманитар таълимнинг профессионаллиги” ишида қуйидагича таъкидлайди: “Фанлараро алоқадорлик тарихчилар ва бошқа гуманитар, ахборот, табиий илмий фанлар вакиллари ўртасидаги ўзаро фаол муносабатлар мазмунида – ҳақиқатга айланди ва келгусида янада кенг тарқалиш истиқболларига эгадир”.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, тарих фанида, шунингдек замонавий тарих таълимининг структураси ва мазмунида юз берган сезиларли ўзгаришлар туфайли бўлажак тарих ўқитувчиларини касбий тайёрлашга ёндашувларни қайта кўриб чиқиш зарурати мавжуд. Жумладан, педагогика олий таълим муассасаси тарих факультети талабалари билан ўқув-илмий-тадқиқот ишининг структураси ва мазмунига ўзгартиришлар киритиш йўли билан уни ташкил этишга ёндашувларни такомиллаштириш зарур.

Прогностик хусусиятга эга бўлган ва жамият ривожланиши тенденциялари, шунингдек, тарих фани ўқитувчиси мутахассислигига талабаларни назарда тутган педагогика олий таълим муассасасида тадқиқот иши доирасида ҳар бир талабани илмий ижодга жалб этиш комплекс тизимларини лойиҳалаштириш ва амалга ошириш соҳасига педагогик вазифаларни ечишга кўпгина ёндашувларни қайта кўриб чиқиш лозим.

Чунончи, замонавий тарих ўқитувчиси фаол илмий тадқиқот ва методик фаолиятга тайёр бўлиши, ўзи тадқиқотчи бўлиши ва ўқувчиларанинг тадқиқотчилик фаолиятларини лойиҳалаштиришни билиши зарур ва бунинг учун олий таълим муассасасида яна қуйидагилар зарур:

-ўзида илмий адабиётлар билан мунтазам танишиш эҳтиёжини тарбиялаш;

-ижодий тафаккур қобилиятини тарбиялаш;

-турли хил илмий ишларни бажариш кўникмаларини ҳосил қилиш;

-фан ривожланиши тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда оқилона ва узоқни кўзловчи қарорлар қабул қилиш санъатини ўрганиш ва ҳ.к.лар.

Шахснинг ижодкорлик имкониятларини тадқиқ этишга бўлган ижтимоий буюртма креативлик муаммосининг алоҳида муҳимлигини белгилайди. Шахсий ижодкорликнинг динамик (ривожланиб, ўсиб борувчи) таснифланиши креативлик ва унинг асосий қирраларида акс этади. Ўнлаб илмий ижодкорликнинг у ёки бу қирраларига турлича ёндашиб, ҳар хил даражада қамраб олинаётганлигига қарамасдан, ҳозиргача на муаммонинг ўзига ва на унга тааллуқли бўлган амалий саволларга нисбатан ягона тўхтам мавжуд эмас [2].

Креативлик – лотинча атама бўлиб, “ижод” ёки “йўқ нарсадан яратиш” каби маъноларни англатади. Кўпчилик “ижодкорлик” ва “креативлик” тушунчаларини синоним деб ўйлашади, бу албатта

нотўғри. Ижодкорлик жараёни муаллифининг илҳомланишига, унинг қобилиятига, анъаналарига асосланади.

Креативлик жараёни ҳақида гапирадиган бўлсак, азалий тушунчаларнинг борлиги, ниманидир нима учун, ким учун ва қандай яратиш ва айнан нимани яратиш унинг асосий ташкил этувчи прагматик элементи ҳисобланади [4].

Креативлик фаолиятда намоён бўлади ва шаклланади, яъни ўқув соҳаларни ўрганиш жараёнида талабалар фаолиятини мақсадга мувофиқ ташкил этиш орқали ижодий қобилиятларини шакллантиришга эришиш мумкин.

Бўлажак тарих ўқитувчиларининг креативлигини ривожлантиришнинг асосий компонентларига:

-мотивацион – ижодий фаолиятга миллий муносабатда бўлиш, қизиқишлари, мотивларини ижодий фаолиятга йўналтириш;

-мазмунли – билим ва кўникмаларни, умуминсоний, касбий ва махсус характердаги компоненцияларни қамраб олади;

-фаолиятли – ҳаракат усулларини қамраб олади, фикрлашга оид мантиқий жараён шунингдек, амалий фаолият усуллари;

Таҳлиллар кўрсатишича, ўқув-тарбиявий жараён доирасида талабаларда ижодий қобилиятлар ва кўникмаларнинг шаклланиши умумий методологиясига етарли эътибор қаратилмайди, бўлажак мутахассиснинг тадқиқотчилик компонентлиги юзага келишига ёрдам берувчи шароитлар яратилмаган. Олий таълим муассасаси педагогик амалиётида қўлланиладиган талабларни илмий ижодга жалб этиш методи ва унга асосланган таълим олувчиларнинг ижодий меҳнатларини ташкил этиш ишлари замонавий талаблар ва жамият эҳтиёжлари билан зиддиятли муносабатларга эга.

Ўтказилган таҳлил кўпгина талабаларда (67%) қуйидаги кўникмалар илмий тадқиқотлар ўтказиш кўникмаси, турли тарихий жараёнларни моделлаштириш кўникмаси, динлараро алоқаларни ўрнатиш ва уларни тарихий жараёнлар ҳамда ҳодисаларни ўрганиш учун қўллаш кўникмаси, тарих фанининг долзарб масалалари бўйича илмий маърузалар, рефератлар, мақолалар, маълумотларни ишлаб чиқиш кўникмаси, педагогик амалиёт вақтида таълим олувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш кўникмаси етарлича шаклланган.

Хулоса қилиб айтганда, талабалар ижодий фаоллигини орттириш учун ўқитувчи, аввало, ўзининг асосий креативлигини намоён қилиши лозим [3].

Педагог таълим олувчиларда хотира, тафаккур, ақлоқ ва муносабатларда ривожлантирилган зарурий ўзгаришларни юзага чиқариш учун шароит яратиши ва уни амалга ошириш қобилиятига эга бўлиш, ижодий шахс сифатида намоён бўлиши ва ўз фаолияти билан уларга ўрнак бўлиши зарур.

Бўлажак тарих ўқитувчиларини ижодий ривожлантириш шароитлари, методларини таншалш ва дарсларни лойиҳалаштириш педагогдан юқори касбий маҳорат, ижодий изланиш ҳамда кўп вақт талаб этади. Бу ижодий изланишлар натижасида олий ўқув юртининг битирувчилари келажакда республикамиз тараққиётига ҳисса қўшадиган, касбий тўсиқлар ва муаммоларни ижодий фикрлаш даражасида олган билимларига таянган ҳолда ҳал этадиган етук муассасалалар бўлиб етишишга замин хозирлайди.

**Адабиётлар**


1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. -Т.: / “Халқ сўзи”, 2017 йил 8 февраль.

2.Мавлонова Р., Рахмонқулова Н. Бошланғич таълимда педагогика, инновация, интеграция. Ўқув қўлланма. -Т.: “Ғ.Ғулом” номидаги
нашриёт матбаа ижодий уйи. 2013. 270-б.

3.Информационно-коммуникационные технологии в образовании и профессиональной деятельности: Курс лекций: Учеб.пособие // А.Н.Сергеев, А.В.Сергеева, П.Н.Медведев, Д.В.Малий. Тула: Изд-во Гул.гос.пед.ун-та им.Л.Н.Толстого, 2014.

4. “Халқ таълими”, 2017 йил 5-сон. 45-б.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада бўлажак тарих фани ўқитувчиси ўқувчилар онгида тарихий манба ва адабиётлар билан ишлаш кўникмасини шакллантириш ҳамда ўқувчиларда қўшимча адабиёт ва манбалардан фойдалана олиш, тарихий-бадиий асарлар, оммавий ахборот воситаларида берилаётган маълумотларга тарих фанидан олган билимлари асосида муносабат билдира олиш компетенцияларини шакллантириш каби масалалар ёритиб берилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье учат будущего учителя истории развивать у студентов способность работать с историческими источниками и литературой, а также предоставлять студентам доступ к дополнительной литературе и ресурсам, историческим и художественным произведениям и способность общаться со средствами массовой информации на основе их знаний истории.

**SUMMARY**

The article teaches a future history teacher to develop students' ability to work with historical sources and literature, and to provide students with access to additional literature and resources, to historical and artistic works, and the ability to communicate to the media on the basis of their knowledge of history.


## TARIXIY-MOLIYAVIY RAMZLARNI NAMOYISH ETISH ORQALI FIZIKA MASHG’ULOTLARI SAMARADORLIGINI OSHIRISH


**B.Ya.Yavidov** - *fizika-matematika fanlari doktori*

**M.R.Otajonova** – *talaba*

*Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti*



**Tayanch so’zlar**: fizika, o’qitish metodikasi, tarixiy va moliyaviy ramzlar.

**Ключевые слова**: физика, методика преподавания, исторические и финансовые символы.

**Key words**: Physics, teaching methods, historical and financial symbols.


Keyingi ikki yil ichida mamlakatimiz ta’lim tizimida tarixiy islohotlar olib borilmoqda. Islohotlarni dasturiy shaklda va izchillk bilan amalga oshirish maqsadida Harakatlar strategiyasi qabul qilingan [1:25]. O’zbekiston Respublikasi Davlat ta’lim standartlariga muvofiq har bir fan mutaxassislar va vakolatga ega kengashlar muhokamasidan o’tib tavsiya etilgan hamda vakolatga ega ta’lim boshqaruvi muassasasi tomonidan tasdiqlangan o’quv dasturi, o’quv rejasi va ishchi reja asosida, ilg’or pedagogik metodlarni hamda zamonaviy axborot-aloqa texnologiyalarni qo’llagan holda o’qitilishi nazarda tutilgan. Rejaga muvofiq dars o’tishda esa fanning xususiyatlarini inobatga olish, har bir mavzuni tushuntirishda mavzuga doir alohida o’qitish metodikasi tanlash lozimligi alohida muhim, va har doimgidan-da dolzarb, masala ekanligi ko’pchilik pedagoglar tomonidan tan olingan. Ammo, shunday umumiy, an’anaviy va ammoviy tarzda qo’llaniladigan metod ham borki, u

hozirga qadar, yangi pedagogik texnolgiyalar zamonida ham samarali qo’llanilib kelinmoqda. Bu metod –biror fan sohasida ishlab, kashfiyotlari bilan insoniyat uchun buyuk xizmatlar qilgan, shaxslar siymosi aks ettirilgan ramz (rasm, fotosurat, pochta markasi va h.,) lardan foydalanish metodi hisoblanadi. Ushbu maqolada, fizika fanini o’qitishda haligacha qo’llanilmagan, ammo qo’llanilsa, katta samara berishi mumkin bo’lgan o’qitish metodi – ***tarixiy-moliyaviy ramzlar***ni qo’llash metodi bayon etiladi. Ushbu metod davomiyligi bo’yicha butun dars jarayonini qamrab olgan bo’lmay, balki boshqa metodlar bilan birga, ularga uyg’un ravishda, qisqa vaqt davomida darsliklarda berilgan ma’lumotlarni to’ldirish, olingan bilimlarni yanada mustahkamlash va bu orqali mashg’ilot samaradorligini oshirish uchun qo’llaniladi. Metod fizika mashg’ulotlarining barcha turlarida (ma’ruza, amaliy, seminar, tajriba) va barcha bo’limlarida qo’llash mumkin.

Odatda, ta’lim muassasalaridagi fizika o’quv xonasi buyuk fiziklar rasm (portret) lari bilan jihozlalangan bo’ladi. Xronologik tartibda, ya’ni qadim zamondan boshlab hozirgi qadar, qaraydigan bo’lsak, bu rasmlar antiq Yunoniston faylasuflari Ptolomey, Aristotel, Arximed, Platon, Gipparx va b., dan boshlanadi. Keyingi o’rinda o’rta asrlarda yashab ijod qilgan fizika va astronomiya fanlari rivojida salomoqli ulush qo’shgan olimlar rasmlarini ko’rish mumkin. Ikkinchi mingyillik boshlanishidan uning o’rtasigacha bo’lgan davrda yashab o’tgan va ijod qilgan Markaziy Osiyo nomoyondalaridan Abu Ali inb Sino, Abu Rayhon Beruniy, Al Farobiy, Umar Xayyom, Al Tusiy, Mirzo Ulug’bek kabi buyuk ajdodlarimiz rasmlari ham mustaqillik yillaridan keyin o’quv xonalarida joy oldi. Keyingi davrda ya’ni O’rta asrlarda fizika ovrupa qit’asida rivojlanganligi bois, o’sha davr fiziklari orasida ham ovrupa mintaqasi vakillari juda ko’pchilikni tashkil qiladi. Bular Isaak Nyuton, Robert Guk, Blez Paskal, Ivanjelista Torrichelli, Gyugens, Frenel, Leonid Eyler va b. XIX-XX asrlarda yashagan buyuk fiziklardan Vilgelm Rentgen, Aleksandr Stoletov, Albert Eynshtein, Mariya Skladovskaya Kyuri, Kamerling Onnes, Nils Bor, Ernest Rezrerford, Chedvik, Lev Landau, Pyotr Kapitsa va b., portretlari fizika xonasidan joy olgan. Mustaqillik davrida mamlakatimiz fiziklaridan U.A.Arifov, U.Gulamov, P.Habibullayev, M.Musaxonov, M.Saidov va boshqa akademiklarimizning portretlari ham fizika xonasidan joy olmoqda. Muxtasar qilsak, fizika o’quv xonasi buyuk fiziklar portretlari bilan ta’minlangan va ulardan o’quv maqsadlaridan foydalaniladi. Masalan, dinamika bo’limi o’tilayotganida o’quvchilar Nyuton qonunlari bilan tanishadilar. Darsning qiziqarli o’tishi va olingan bilimdan o’quvchi xotirasida yanada mustahkam qolishini ta’minlash maqsadida o’qutuvchi Isaak Nyuton hayotigan qiziqarli ma’lumotlarni soz’lab berishi [2:71] va shu o’rinda o’quvchilarga o’quv xonasi devoridan joy olgan Isaak Nyuton portretini ko’rsatishi mumkin. Boshqa mavzularni o’tganda mavzudagi qonun yoki qoidalarga aloqador fizik-olimlarning portretlari namoyish qilinadi. Ming marta eshitgandan bir marta ko’rgan afzal deganidek, o’qitishning bu metodi darsning samarali o’tishini ta’minlaydi. Dars samaradorligini yanada oshirish mumkin. Buning uchun biz, fizika mashg’ulotlarini o’tish jarayonida haligacha ishlatilmagan yana bir metodni tavsiya qilamiz. Bu metod monini “***Tarixiy-Moliyaviy Ramzlarni Qo’llash***” metodi deb atash mumkin. Metod mohiyati quyidagicha: yuqoridagi kabi mavzudagi qonun va qoidalarga aloqador olimlarning portretlarini namoyish qilish bilan bir qatorda o’sha olimlarning jamiyatda turgan o’rni, ularning ibratga loyiq shaxsiy fazilatlari, ular yaratgan ixtirolarining tan olinishi va qo’llanilishi haqida so’z yuritiladi. Metodning eng asosiy jihati bu olimlar mehnati doim munosib qadrlanganligi va buning ramzi sifatida olimlar siymosining davlatlar pul birliklarida aks ettirilganligini ta’kidlash va ularni namoyish etish hisoblanadi. Fizik-olimlar o’z xalqiga qilgan buyuk xizmatlari qadrlanib ularning siymosi davlatlar pul birliklarida o’z aksini topgan. Quyida ba’zi fizik olimlar siymosining davlat pul-qog’ozida aks ettirilganiga misollar keltiramiz.

**Isaak Nyuton (1643-1727)**

U matematika, mexanika astranomiya, fizika fanlarining taraqqiyotiga katta hissa qo’shgan mutafakkir olim. U yorug’likning korpuskular nazariyasini, difiraksiya, dispersiya hodisasi butun olam tortishish qonuni mexanik qonunlarni kashf etgan. Shunday ishlari bilan dunyoni lol qoldirgan bu olim sharafiga o’z davlati pul birligiga uning suratini qo’yib shu orqali uning xizmatlari munosib qadrlangan va nomini abadiylashtirishga hissa qo’shgan. Buyuk Britaniyaning 1 funt sterling kupyurasida Isaak Nyutonning rasmi qo’yilgan. Kupyurada Isaak Nyuton qo’lida kitob bilan tasvirlangan.



1-rasm. **Isaak Nyuton**




2-ram. Angliya 1 funt sterlingi (1978-1984) bir tomonining ko’rinishi.

**Maykl Faradey (1791-1867)**

Ingiliz fizigi 1824-yili birinchi bo’lib xlorni suyiltirdi. 1837-yili fanga dielektrik singdiruvchanlik tushunchasini kiritdi. Shunga o’xshagan til bilan ta’riflab bo’lmas yangiliklarni fanga kiritib fizika faniga juda katta hissasini qo’shgan. Ulug’ xizmatlari uchun olimning portreti davlat pulida bosilib chiqilgan. Maykl Faradey siymosi aks ettirilgan 20 funtlik sterling 1990-yildan 2006-yilgacha ya’ni o’n olti yil davomida qo’llanilgan.



3-rasm. **Maykl Faradey**




4-rasm. Angliya 20 funt sterlingi bir tomonining ko’rinishi.

### Karl Fridrix Gauss (1777-1855)

Olmon fizigi va matematigi. U Ostrogradskiy bilan elektrostatik maydon uchun elektr maydon induksiya oqimi qonunlarini kashf qilgan. Veber bilan birgalikda ilk bor elektromagnit telefonni qurdi. Shunday xizmatlari uchun o'z davlati uning hurmatiga davlat pul birligiga uning suratini joylashtirgan.



5-rasm. **K.F. Gauss**




6-rasm. Germaniya Federativ Respublikasining 20 markali puli (hozir qo'llanishdan chiqgan) ko'rinishi.

### Ervin Shryodinger (1887-1961)

Ervin Shryodinger 1887- yil 12- avgustda Avstriya-Vengriya imperiyasiga qarashli Vena shahrida tug'ilgan. Ervinning otasi Rudolf Shryodinger Vena Botanika-Zoologiya jamiyatining Vitse-prezidenti bo'lib ishlagan. Avstriyalik fizik Ervin Shryodinger kvant mexanikasiga asos solgan. Fizika bo'yicha Nobel mukofoti sovrindori. Berlin, Oksford universitetlarining professori,u materiyaning to'lqin nazariyasini ishlab chiqqan. 1956- yilda Avstriya fanlar akademiyasida Ervin Shryodinger mukofoti tashkil etilgan. Uni birinchi oluvchisi Shryodingerning o'zi bo'lgan. 1983 yilda Avstriyada 1000 shillinning Shryodiger rasmlariga tegishli pul birligi chiqarildi. Ular mamlakatning EUS ga o'tishigacha ishlatilgan



7-rasm. **Ervin Shryodinger**




8-rasm. Avstriya 1000 shilling pulining ko'rinishi.

Yuqorida keltirlgan fizik olimlar va ularning siymosi aks ettirilgan moliyaviy pul birliklari yakka hol bo'lib qolmay,balki dunyoning boshqa davlatlarida ham ko'p uchraydi. Davlatlar tarixiy davrdan kelib chiqib o'z millatiga, xalqiga mansub buyuk doholar siymosini o'z pullarida gavdalantirganlar.

### Albert Eynshteyn (1879-1955)

Nisbiylik nazariyasi asoschisi, fotoeffekt qonuniyatlarini nazariy jihatdan tushuntirib bergan olmoniyalik fizik-olim. Eynshteyn siymosi Isroil davlat pulining 5 shekel kupyurasida aks ettirilgan (9-rasm).

### Jeyms Uatt (1736-1819)

Shotlandiya ixtirochisi. U 1784-yilda tejamli va effektiv universal bug' mashinasini ixtiro qildi. To'yingan bug' bosimi modda turiga bog'liqligini tekshirdi. Bug' mashinasini takomilashtirdi, porshen harakatining uzatilishi mexanizimini ishlab chiqdi, ot kuchi quvvat birligini kiritdi, simobli monometr, simobli vakuummetr bosim indikatirini ishlab chiqdi. Xalqaro birliklar tizimida quvvat o'lcham birligi uning sharafiga qo'yilgan. Angliya 50 funt pulida Jeyms Uaat siymosi Metyu Bolton bilan birgalikda tasvirlangan (10-rasm).




9-rasm. Isroil 5 shekel pulining ko'rinishi.




10-rasm. Angliya 50 funt pulining ko'rinishi.

### Nils Xendrik David Bor (1885-1962)

Daniyalik olim. U o'zining nazriy fizika, ayniqsa, atom fizikasi ustida olib brogan ishlari bilan tanildi. Uning surati 2002-yili Daniyaning 500 kron kupyurasida aks ettirilgan (11-rasm).

### Ernest Rezerford (1871-1937)

Kelib chiqishi Buyuk Britaniya mustamlakasi hisoblangan Yangi Zellandiya bo'lgan ingliz fizigi. Atom va yadro fizikasi asoschisi, atomning planetar modelini taklif qilgan. Uning surati Yangi Zellandiyaning 100 dollorida tasvirlangan (12-rasm).




11-rasm. Daniya 500 kroni pulining ko'rinishi




12-rasm. Yangi Zeellandiya 100 dollarining ko'rinishi

**Galileo Galiley (1564-1642)**
Italiyalik fizik va astronom. U ilk bor tekis harakat, erkin tushish, jismning qiya tekislikdagi harakati, maytnik harakati kuchlarni qo’shish harakatning nisbiyligi, tezliklarni qo’shish qonunlarini o’rgangan. Uning surati 1973-yilda Italiyaning 2000 lirasida bosib chiqarilgan (13-rasm).

**Aleksandro Volta (1745-1827)**
Italiyalik fizik va fiziolog. 1775-yilda elektroskopni, 1781-yilda elektrometrni ixtro etti. Bu olimning sharafiga Italiyaning 10000 Lirasida surati aks ettirilgan. Bu pul birligi 1984-yilda joriy etilgan (14-rasm).




13-rasm. Italiya 2000 lirasi pulining ko’rinishi




14-rasm. Italiya 10000 lirasining ko’rinishi

**Blez Paskal (1623-1662)**
Fransiyalik matematik, fizik va falsafa olimi. Uning ishlari gidrostatikaga bag’ishlangan. O’z nomi bilan mashhur bo’lgan gidrostatikaning asosiy qonuni - Paskal qonuni 1653-yilda bayon qilingan. Gidravlik pressning ishlash tamoyilini yaratdi. Atmosfera bosimi mavjudligini isbotladi. Xalqaro birliklar tizimi (SI) da bosim birligi Paskal sharafiya atalgan. Fransiya davlati o’zining 1977-yilda bosib chiqarilgan 500 frank pulida Blez Paskal siymisuni aks ettirgan (15-rasm).

**Xristian Gyugens (1629-1695)**
Gollandiyalik fizik, mexanik, matematik, astronom. 1657-yilda mayatnikli soatni birinchi bo’lib ixtiro qildi. Yorug’likning to’lqin nazariyasi tarafdori. Gyugens siymosi Gollandiyaning 25 gulden pul birligida aks ettirilgan (16-rasm).




15-rasm. Fransiya 500 franki pulining(1977 y.) ko’rinishi




16-rasm. Gollandiya 25 guldenining ko’rinishi

**Mariya Skladovskaya Kyuri (1867-1934)**
Fransuz fizigi va kimyogari. U polshada tug’ulgan. Radioaktivlik hodisasini o’rgangan. Yangi radioaktiv elementlar Poloniy va Radiyni kash etti va bu ishlari uchun eri P’er Kyuri bilan birga Nobel mukofotini olgan. Fransiyaning 1989- yilda muomalaga kiritilgan pul birligida ikkalasining suratlari aks ettirilgan (17-rasm).

**Nikolo Tesla (1857-1943)**
Serb elektrotexnigi. Elektrotexnikaning turli sohalarida bir necha ixtirolar qilgan. Ko’p fazali generator, elektr divigatel, transformatrlar, ko’p fazali toklarni taqsimlash sxemalari va boshqalar. Uning bu xizmatlarini munosib bohalagan holda Yugoslaviya davlati o’z pul birligiga uning suratini joylashtirgan. Uning suratlari bir emas balki besh marotaba har turli kupyuralarda bosib chiqarilgan. Xususan, uning suratini turli yillar davomida muomilaga kiritilgan 5, 100, 5000000 va 10000000 dinor pullarda ko’rish mumkin (18-rasm).




17-rasm. Fransiya 500 franki (1989 y.) pulining ko’rinishi.




18-rasm. Yugoslaviya 5 dinori (1994 y.) pulining ko’rinishi.




19-rasm. Qozog’iston Respublikasi 1 tenge pulining (1993 y.) ko’rinishi.




20-rasm. Armaniston Respublikasi 100 drami (1998 y.) pulining ko’rinishi.

Buyuk ajdodlari siymosini davlat pullarida aks ettirish faqat evropa mamlakatlariga xos bo’lmay, sharq mamlakatlarida ham uchramoqda. Bunga misol tariqasida qo’shni davlat Qozog’iston Respublikasining 1993-yili muomolaga kiritilgan 1 tenge pul birligini keltirish mumkin. Bu pulda nafaqat qozoq millatiga yoki Qozog’iston xalqiga, balki butun turkiy qavmlar o’z ajdodi deb hisoblasa bo’ladigan buyuk qomusiy olim Abu Nasr al-Forobiy (873-950) siymosi aks ettirilgan (19-rasm). “Al-Muallim as-Soniy” ya’ni “Ikkinchi muallim – Sharq Aristoteli” nomi bilan mashur a-Farobiy fanga riyoziyod, falakiyot, tabobat, musiqa, falsafa, tilshunoslik va

adabiyotga oid jami 160 dan ortiq asarlar muallifi hisoblanadi [4:238] va fanga "bo'sh fazo" yan'ni vakuum tushunchasini kiritgan [3]. Xuddi shunday tarzda, Armaniston Respublikasi 1998-yili muomolaga kiritgan 100 dram pulida arman millatiga mansub dunyo miqyosida tanilgan astrofizik olim, Byurakan astrofizik observatoriya-si asoschisi (1946-y.) va yulduzlar to'plami (assosiatsiyasi) ixtirochisi (1947-y.) [5:48], V.A.Ambartsumyan siymosini gavdalantirgan. Bu ro'yxati, albatta, davom ettirish mumkin. Fizik olimlar siymosi tarixiy-moliyaviy ramzlarda aks ettirilishi haqida yanada to'liqroq ma'lumotni [3] internet sahifasidan olsa bo'ladi.

Fizika mashg'ulotlarini o'tishda yuqoridagi ma'lumotlardan maqsadli foydalanib o'quvchilar xotirasida o'rganilayotgan mavzuning yanada mustahkam qolishini ta'minlash va ularni fizika faniga bo'lgan qizig'ishini yanada oshirish mumkin. Oxir oqibat bu fizizka mashg'ulotlarining samaradorligini oshirishga xizmat qilishi tayin. Shu bilan birga berilgan ma'lumotlar asosida yuqori sinf o'quvchilari uchun fakultativ ravishda dars ham tashkil etish va unda fizik-olimlar siymosining tarixiy-moliyaviy ramzlarda aks ettirilishi haqida axborot berish mumkin. Muhokamadagi masala yosh avlodni barkamol etib tarbiyalashda, ularda fizika faniga bo'lgan qizig'uvchanlikni yanada oshirishda, jahon miqiyosida raqobatbardosh kadrlar etib tayyorlashda, va albatta, ularni vatanparvarlik ruhida tarbiyalshda naqadar muhim ekanligini inobatga olib quyudagini taklif qilamiz: bizning mamlakatimizda ham milliy pullarimizda buyuk ajdodlarimiz siymosini aks ettirish lozim. Jahonga dong'i ketgan olimlarimiz etarlicha. Muhammad ibn Muso al-Xorazmiy, Ahmad Farg'oniy, Abu ali Ibn-Sino, Abu Rayhon ibn Ahmad Beruniy, Mirzo Ulug'bek va boshqa ko'plab olimlar yurtimizdan yetishib chiqgan.

Dunyo davlatlari xalqi, vatandoshi yoki millati orasidan yetishib chiqqan buyuk olimlar siymosini davlat pullarida aks ettirish orqali olimlar xotirasini abadiylashtiribgina qolmay, balki o'z fuqarolarini, jumladan, o'quvchi yoshlarini vatanparvarlik ruhida tarbilaydi, ularda fan bilan shug'ullanishni qandaydir ma'noda rag'batlantiradi. Bu esa oxir oqibat shaxsning, jamiyatning, mamlakatning rivojini ta'minlaydi, uning buguni va kelajagini belgilaydi. Buyuk ajdodlar bilan faxrlanish, ular siymosi aks etgan ramzlarni, jumladan tarixiy-moliyaviy ramzlarni, ta'lim jarayonida qo'llash esa ko'p qirrali muhim va doim dolzarb bo'lgan tarbiyaviy masalani hal etadi. Tarbiyani ta'limdan ajratib bo'lmasligini eslasak, ushbu maqolada taklif etilgan, fizika mashg'ulotlarida tarixiy-moliyaviy ramzlarni namoyish etish metodini qo'llash nafaqat fizika mashg'ulotlari samaradorligini oshiradi, balki o'quvchilarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashga yordam beradi.

**Adabiyotlar**

1. "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida" O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni / O'zbekiston Respublikasi qonun hujjaatlari to'plami 6(766)-son, 70 modda, 2017.

2. Голубь П.Д. Физики от А до Я: Биографический справочник. – Барнаул: Изд-во БГПУ, 2002. –С. 141.

3. http://www2.physics.umd.edu/~redish/Money/

4. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи: Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари учун қўлланма. 1-китоб. -Т.: "Ўқитувчи", 1997. 528-б.

5. Советский энциклопедический словарь / Гл.ред. А.М.Прохоров, 3-е изд. -М.: Сов. Энциклопедия, 1984. –С.1600.

**REZYUME**

Maqolada fizika mashg'ulotlari samaradorligini oshirishning metodlaridan biri haqida so'z yuritiadi. Fizika mashg'ulotlari samaradorligini oshirish uchun o'qitishning yangi metodi – "tarixiy-moliyaviy ramzlarni namoyish etish" metodini qo'llash tavsiya etiladi. Metodning tamoyili fizik-olimlar va ular nomi bilan bog'liq jarayon yoki qonunlarni o'sha fizik-olimlar siymolari aks ettirilgan tarixiy-moliyaviy ramz (pul) larni namoyish etib va ular haqida qisqa axborot berib o'qitishdan iborat. Metodni fizika fanining ma'ruza, amaliy va seminar mashg'ulotlarida qo'llash mumkin.

**РЕЗЮМЕ**

В статье речь идёт об одном из методов повышения эффективности занятий по физике. Для повышения эффективности занятий по физике предлагается использовать новый метод преподавания – метод «демонстрации исторически-финансовых символов». Принцип метода заключается в демонстрации исторически-финансовых символов (денежных знаков), в которых изображены физики-учёные при изучении физических явлении и законов, связанных их именами. Метод может быть применен в лекционных, практических и семинарских занятиях по физике.

**SUMMARY**

The article deals with one of the methods for increasing the effectiveness of classes in Physics. To improve the efficiency of classes in Physics, it is proposed to use a new teaching method - the method of "demonstrating historico-financial symbols". The principle of the method is to demonstrate the historico-financial symbols (banknotes), in which physicists-scientists are depicted in the study of physical phenomena and the laws related to their names. The method can be applied in lectures, practical and seminar lessons in physics.

# PSIXOLOGIYA

## ҚОРАҚАЛПОҚ ОИЛАЛАРИДАГИ АЖРАЛИШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК САБАБЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Р.Ж.Ибрагимова** – *таянч докторант*

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** оила, ажралиш, ижтимоий психологик сабаб, ўрганиш, долзарблик, аҳамиятлилик, халқ, этнопсихологик хусусият.

**Ключевые слова:** семья, развод, социально психологическая причина, изучить, актуальность, важность, народ, этнопсихологические особенности.

**Key words:** family, divorce, socially psychological reason, to study, actuality relevance, importance, people, ethno- psychological features.

*Оила – кичик бир жамият. Мавжуд жамиятнинг дахлсизлиги оиланинг жипслигига боғлиқ*

Оила инсон ҳаётини турли тартибсизлик ва келишмовчиликлардан, бемаъни ахлоқлардан, салбий иллатлардан ва уларнинг ёмон оқибатларидан асрагувчи қалъадир [2:8]. Оила ҳақида шу каби маъноли илмий қарашлар жуда кўп.

Замонавий олимлар оилани эр-хотинлар ўртасидаги,

ота-она ва болалар ўртасидаги аниқ тарихий тизим сифатида ифодалайди. Бу изоҳнинг маъносини кенгроқ очиб қарайдиган бўлсак, оиланинг тарихийлиги шундаки, у вақт ўтиши билан ўзгаради, ижтимоий муносабатларнинг ўзгаришига кўникади. Шу билан бир қаторда оила кичик гуруҳ сифатида ҳам қаралади, чунки у ўзига хос (ўта шахсий) бирлашган характерга эга, лекин у ҳар доим жамиятга эҳтиёж сезади, ўз навбатида жамият ҳам оиладан маълум бир вазифаларни бажаришини кутишга ҳақли, булар бир бири билан боғлиқ бўлган иккита вазифа: тарбиявий ва репродуктив. Тарбиявий вазифага тўхталадиган бўлсак, бизнинг болаларимиз айнан оила орқали жамиятга кириб келади. Оилада бола ўзини қуршаган дунёни тушуниб, ўзининг биринчи қадамини қўяди. Психолог ва педагогларнинг тадқиқотлари натижаларига кўра, ҳеч қайси бир тарбия муассасаси болаларга яхши, соғлом оилавий муҳит, ота-онаси билан мулоқатичалик тарбия бера олмаслиги исботланган. Энди иккинчи муҳим вазифага келсак, бу репродуктив вазифа бўлиб, бу ерда асосийси оилада болалар сони, туғилишлар қандай, болаларнинг ота-оналари борми ёки нотўлиқ оилами ва ҳ.масалалар кўрилади [1:125]. Оилалар мана шу репродуктив вазифасини қай даражада бажаряпти, тўғрими ёки нотўғрими, бу ҳам катта муаммо ҳисобланади.

Оилаларнинг бу вазифаларни қандай бажариши ҳар жойнинг ўз урф-одатларига, ижтимоий муҳитига боғлиқ тарзда ўзига хосликга эга бўлади. Масалан: Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида, унинг шаҳарлари, туман, қишлоқларида, шу ҳудудда яшовчилар қайси миллат вакиллари бўлмасин юқорида айтилган вазифаларни бажаришда шу ернинг яшаш тарзи, ўзига хос одати ўз таъсирини ўтказади. Агарда оилаларда ажралишлар юз берса ушбу иккала функция сўзсиз бузилади, бу дегани тарбиявий функцияда болаларнинг руҳиятига катта зарба бўлади, чунки бола тарбиясида ота ва онанинг ўз ўрни, ўзига хос тарбиявий функциялари мавжуд ҳисобланади, репродуктив функцияда ҳам жуда жиддий ўзгаришлар рўй беради, ажралишлар сабабли эр ва хотин ҳаётида соғлом турмуш тарзи бузилади, болаларнинг ҳар томонга ажратиб юборилиши, бошқа турмуш қурилиб оилада бошқа отадан ёки бошқа онадан туғилган болаларнинг пайдо бўлиши ва ҳ., буларнинг барчаси оиланинг репродуктив ва тарбиявий функцияларининг тўлиқ бажаралишига ўз салбий таъсирини ўтказади. Бу дегани, бундай сабаблар мамлакатимиз келажаги бўлган баркамол авлоднинг соғлом муҳитда дунёга келишига, камол топишига ёмон таъсир қилади. Шундай экан оилалардаги ажримларнинг сабабларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бугунги кунда жуда аҳамиятли масала ҳисобланади.

Ажрим муаммоси ҳар доим бўлган, оила, никоҳ институтлари қанча тажрибага эга бўлса, ажрим ҳам улар билан тенгдош эканлар. Жамият тарихида ажримлар бўлмаган давр бўлмаган, унинг шакллари ҳар хил ва кўп сонли бўлган, шунингдек ажрим мотивацияси турлича. Кўпинча ажримларга мотив сифатида эр-хотинларнинг хиёнати хизмат қилар экан. Айнан шу каби бевафоликларга ҳар хил халқларда ҳар хил қонун қоидалар мавжуд. Масалан, Африканинг динка қавми эркаклари агарда хотини ақлсиз, яна овқатни яхши пишира олмаса ажрашишга ҳақли эканлар, лекин хотинининг хиёнат қилиши аҳамиятсиз экан. Ассаманинг маҳаллий халқи бўлган моранлар эса бевафо хотин билан фақатгина унинг ўйнаши хотинининг табақасидан ҳам паст табақадан бўлсагина ажрашар эканлар. Айрим халқларда бўлса хотинининг хиёнатига салгина гумон туғилиши биланоқ ажрашар экан. Ўтган асрда Сербияда эрлар уйида тунамаган хотинни қувиб солишга ҳақли бўлган. Американинг Кентукки штатида ҳозиргача шундай қонун ишлар эканки, агарда хотинини кимдир пивохонада ўтирганини кўрган бўлса ҳам, эрлар ажрим давоси қўзғашга ҳақли. Ирландияда эса умуман ажрим бўлмас экан! Бу католиклар дастури . . . Агар католик ажрашишни жуда хохласа Рим папасидан рухсат олиш керак бўлади. Дунёда ажрашишнинг энг осон амали Муҳаммад пайғамбар томонидан мусулмон эркаклар учун белгилаб берилган деб тан олинган. Эр учун фақат гина «Мен сен билан ажрашаман» - дейиш кифоя. Эр уни гувоҳлар олдида ёки гувоҳларсиз, уйда ёки кўчада айтса ҳам бўлар экан, агар хотин ажрашишни хохласа ҳеч қанақасига илож йўқ саналган [3:473]. Ажримлар ҳақида турли халқларнинг, турли миллатларнинг одатларидан кўплаб мисоллар келтирса бўлади, чунки улар ўзига хос этнопсихологик хусусиятларга эга, лекин бизнинг мақсадимиз ажримларнинг сабабларини ўз ҳудудимизда, айнан қорақалпоқ оилаларида қанақалигини аниқлаб, олдини олиш йўлларини ишлаб чиқишдан иборат, чунки биз учун оила муқаддас даргоҳ.

Оила алоҳида психологик тизим сифатида жамият ижтимоий ва иқтисодий тараққиётининг асосий негизидир, чунки у жамиятнинг асоси бўлмиш инсонни дунёга келтиради, ўстиради, тарбиялайди ҳамда қайта шакллантиради. Шу сабабли республикамизда ҳар бир хонадоннинг тинч-тотувлигини, оилаларда фарзандларнинг бахтли, баркамол ўсишини таъминлашга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий сохаларда тараққиёт учун имкониятлари кун сайин кенгаймоқда. Бу имкониятлардан фойдаланиш кўп жиҳатдан инсон омилига, у эса оила институтининг мустаҳкамлигига боғлиқ. Оила мустаҳкам бўлмас экан мамлакатнинг ҳар томонлама ривожланишига ўз салбий таъсирини ўтказмай қўймайди.

Ҳозирги вақтда нафақат республикамиз балки бутун дунёда оила никоҳ муносабатларининг энг жиддий муаммоларидан бири – оиланинг бузилиши, ажралиш ҳисобланади. Ажралиш сабабларига, ва унинг олдини олишни психологик нуқтаи назардан тадқиқ этиш масалаларига катта эътибор берилаётганининг асосий сабаби ажралиш билан боғлиқ бўлган бир қатор нохуш ижтимоий-психологик ҳодисаларнинг рўй бераётганлиги, нотўлиқ оилалар сонининг ортиб бориши, тирик етим ва тарбияси оғир болалар, ота ёки она меҳрига зор бўлиб улғояётган болаларнинг кўпайиб бориши каби салбий воқеаларнинг кузатилаётганидир. Носоғлом оилаларнинг мавжудлиги хамда уларга боғлиқ ҳолда эр билан хотин ажралишининг болалар камолотига, тарбиясига салбий таъсирининг кучайиши, болалар ўртасида жиноятчилик, ёмон йўлларга кириб кетишлар, ажралиш туфайли собиқ эр-хотин ва уларнинг ота-оналари ҳамда қариндош-уруғлари орасида келишмовчиликлар, зиддиётли муносабатларнинг юзага келиши, оилавий низолар оқибатида содир этилаётган айрим қотилликлар, айрим вақтларда ўз жонига қасд қилишдек ёқимсиз ҳодисаларнинг кузатилиши, ўз вақтида оила-никоҳ масалалари, айниқса ажралишларнинг сабабларини ва унинг олдини олиш йўлларини ишлаб чиқишни ижтимоий психология, этнопсихология предмети сифатида ўрганиш заруратини келтириб чиқарди.

Оила мустаҳкамлиги муаммоси масаласи деярли дунёнинг барча мамлакатлари: АҚШ, Франция, Англия, Германия, Болтиқ бўйи давлатлари, Россия, Украина ва бошқа давлатларда кузатилмоқда. Ажрашиш оқибатида содир қилинган нохушликлар шу кунларда кўпгина ижтимоий психологик муаммоларни юзага келтирмоқда. Бу муаммони психологик жиҳатдан чет эл олимларидан Алешина Ю.Е., Аргудаева Ю.В., Аристова А.Г., Аронс К., Борман Р., Войнова М.К., Говрилова Т.П., Гайдис В., Голофаст В., Кент М., Королев Ю.А., Лонгуева А., Навайтис Г., Соловьев Н.Я., Солодников В.В., Сысенко В.А., Чуйко Л.В., Юм Д.О., Ясная Л.В. лар ўрганганлар.

Бу борада Ўзбекистон психологлари томонидан ҳам бир қатор мувоффақиятли илмий изланишлар олиб борилган ва уларда ўзбек ва бошқа миллат оилаларининг этнопсихологик хусусиятлари, оилавий низоларнинг ижтимоий психологик сабаблари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Бу муаммони ўрганишда олимлардан Давлетшин М.Г.(1993), Шоумаров Ғ.Б., Моршинина Е.А. (1986), Шоумаров Ғ.Б. (1990, 1993, 2000, 2001), Каримова В.М. (1989), Ғозиев Э.Ғ. (1992), Каримов Х.К.(1994), Утепбергенов М.А. (1999), Жўраева Ш.Ш. (1994), Самаров Р.С. (1997), салаева Н. (2002), Ядгарова Г.Т. (2004), Файзиева М. (2005), Душанов Р.Х. (2006), Лутфуллаева Н.Х. (2006), Кадирова А.Т. (2007), Сарибаева У.С. (2007), Ниязметова Г. (2010), айнан ажралишлар муаммоси Рўзиқулов Ф.И. ишида ҳар томонлама таҳлил қилиниб, унинг асоратларининг ижтимоий психологик хусусиятлари ўрганилган.

Шунга қарамай худудий ўрганилганлик жиҳатидан илмий манбалар шархи шуни кўрсатадики, қорақалпоқ оилаларида ажралишларнинг ижтимоий психологик сабаблари ва профилактикаси тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаган.

Мамлакатимизда оила мустаҳкамлигига ҳар доим эътибор бериб келинган, ҳозирги кунда оила мустаҳкамлиги масаласининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши бежиз эмас, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар билан мулоқатидаги ажримлар масаласига алоҳида тўхталиб, айнан ёшлар орасида ажралишларнинг юқорилигини таасуф билан тилга олганлигини айтишимиз мумкин.

Бу муаммоларни ечиш учун давлатимиз бир қанча ишларни амалга оширмоқда. 2018-йил Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг айрим моддаларига ўзгартиришлар киритилган, шу жумладан 7 бобининг тегишли моддаларига, айнан ажралиш механизмига ўзгартиришлар киритилган.

Ўзгартиришлар Оила кодексининг айнан 40 ва 128-моддаларига нисбатан қўлланилган. Бу чоралар суд томонидан ярашиш учун ажратилган вақтдан мақсадли фойдаланилмаётганлиги сабабли қўлланилмоқда экан. Шундай экан, ажралишларнинг олдини олиш ишларини жадаллаштириш кераклигини кўрсатади.

Мамлактимизда оила институтини мустаҳкамлаш бўйича кўпгина ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларни қўллаб қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон Фармонига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида 2018 йил 26 мартдаги 229-сон Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилинган.

Бундан ташқари «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг масъулиятини янада оширди. Ҳозирги вақтда Республикамизнинг ҳар бир вилоятида, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасида ҳам «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази бошқармаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг фаолияти, бир сўз билан айтганда оилаларнинг муаммоларини ўрганиш, уларнинг сабабларини аниқлаш, муаммоларнинг олдини олишдан иборат.

Республика бўйича ажримларнинг асосий сабаблари ҳақида берилган маълумотларга қараганда, бугунга келиб ажрим ҳолатларининг умумий кўрсаткичлари -31930 та, бир йил аввалги кўрсаткич эса -29647 тани кўрсатган, уларнинг аксариятига оиладаги ўзаро келишмовчиликлар сабаб қилиб кўрсатилган, лекин бу кўрсаткичлар айрим худудларда пасайганлиги ҳам айтилган.

Республикамизда 2017 йилда қайд этилган ажримларнинг сабаблари қуйидагича деб аниқланган:

- ўзаро келишмовчилик -67, 4 %
- бошқа оила қуриб яшаётганлиги -6 %
- фарзандсизлик -4,7 %
- тарафнинг бошқа давлатга чиқиб кетганлиги -3,8 %
- узоқ вақт бирга яшамаганлиги -2,9 %
- хиёнат ва бошқа сабаблар -2,8%

Бундан ташқари расмийлаштирилмаган оилаларнинг кўплиги ҳам аниқланган, бу эса ўз навбатида ажрим кўрсаткичларининг ошиб кетишига сабаб бўлаятганлиги айтилган. Айнан бундай ҳолат қорақалпоқ оилаларида ҳам кўплаб учрайди.

Ҳар бир халқ, миллат ўзининг этнопсихологик хусусиятларига эга, шундай экан уларнинг оилаларининг ҳам яшаш тарзи, урф-одатларидан келиб чиқиб оилавий муносабатларида ҳам ўзига хослик мавжуд бўлади, шундай экан қорақалпоқ оилалари ҳам ўзига хос этнопсихологик хусусиятга эга. Айнан қорақалпоқ оилаларида ажралишларнинг ижтимоий психологик сабабларини алоҳида аниқлашнинг аҳамиятлилиги шундаки, бу қуйидагича муаммоларнинг олдини олишга ҳаракат демакдир, масалан, республика бўйлаб урбанизация жараёни натижасида аҳолининг ҳаёт тарзининг ўзгариши, эр-хотин муносабатларида эркинликнинг кучайиб бориши, бу эса, барча давлатларда кузатилаётганидек ажралишлар сонининг ортишига олиб келмоқда, оилада эр ёки хотиннинг оилани боқиш учун миграцияси, шу сабабдан эр ёки хотиннинг узоқ вақт бирга яшамаётганликлари, эр ёки хотиннинг бирга яшамаётганликлари учун хиёнат қилишлари, ажралишларнинг болаларнинг руҳий ҳолатига, уларнинг тарбиясига салбий таъсири, ажралишларнинг кўпчилик одамлар учун фожиа сифатида идрок этилмай қўйилганлиги, ажралишларнинг эр-хотиннинг меҳнат фаолиятига салбий таъсири, умуман олганда ажралишларнинг соғлом турмуш тарзига салбий таъсир этиши ва б.

Бу каби таҳминий сабабларнинг қай бири ажримларга энг кўп сабаб бўлаётганлигини аниқлаш, ажримларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга катта ёрдам беради.

Изланишлар натижасида Қорақалпоғистон Республикаси бўйича қуйидагича демографик кўрсаткичларга эга бўлдик.

| | Халқ сони(минг) | | Никоҳдан ўтганлар | | Ажрашганлар | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2017-й. | 2018-й. | 2017-й. | 2018-й. | 2017-й. | 2018-й. |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1842,3 | 1869.7 | 14109 | 14450 | 1309 | 1340 |
| Нукус шаҳри | 310,9 | 315,1 | 1904 | 2151 | 291 | 331 |
| Туманлар: | | | | | | |
| Амударьё | 191,6 | 195,2 | 1481 | 1710 | 93 | 106 |
| Беруний | 183,9 | 187,6 | 1827 | 1849 | 111 | 138 |
| Қораўзак | 52,0 | 52,4 | 331 | 323 | 32 | 23 |
| Кегейли | 88,9 | 89,4 | 571 | 570 | 65 | 53 |
| Қўнғирот | 126,8 | 128,3 | 939 | 881 | 116 | 107 |
| Қонликўл | 49,7 | 50,3 | 354 | 323 | 38 | 33 |
| Мўйноқ | 30,9 | 31,3 | 171 | 175 | 25 | 23 |
| Нукус | 48,2 | 49,1 | 370 | 407 | 37 | 34 |
| Тахиатош | 71,9 | 72,8 | 494 | 474 | 67 | 69 |
| Тахтакўпир | 39,7 | 39,9 | 268 | 299 | 19 | 15 |
| Тўрткул | 206,4 | 210,3 | 1978 | 1758 | 114 | 105 |
| Ходжейли | 119,7 | 121,2 | 834 | 947 | 98 | 110 |
| Чимбой | 113,8 | 115,2 | 756 | 903 | 78 | 72 |
| Шўмоной | 55,1 | 55,6 | 314 | 306 | 33 | 33 |
| Элликқалъа | 152,8 | 156 | 1517 | 1374 | 92 | 88 |

*) *Қорақалпоғистон Республикасининг статистик ахборотномаси*

Жадвал кўрсаткичларига кўра ажримларда умумий ўсиш мавжуд, шу билан бир қаторда туманлар кесимида кўрсаткичлар ҳар хил, айрим туманларда ажримлар сони камроқ бўлса, айримларида эса кўпроқни ташкил қилган. Бу маълумотлардан келиб чиқиб, айнан бу кўрсаткичларнинг аксарияти қандай сабабдан эканлигини аниқлаш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз ҳисобланади, шундон сўнг ажримларга айнан кўпроқ сабаб бўлаётган муаммоларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай чора-тадбирлар мустаҳкам оилаларни барпо қилишга, соғлом муҳитли оилада баркамол авлодни дунёга келтириб, ўстириб улғайтиришга, камолотга етказишга, мустақил, эркин фикрловчи жамиятни, энг илғор ривожланган мамлакатни қуришга ёрдам беради.

**Адабиётлар**

1.Ковалев С.В. Психология семейных отношений. - Фрунзе: 1990.
2.Турсун А. Мустаҳкам оила асослари. -Т.: 2012.
3.Шнейдер Л.Б. Психология семейных отношений. -М.: 2000.

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада қорақалпоқ оилаларидаги ажралишларнинг сабабларини ўрганишнинг аҳамиятлилиги ва долзарблиги ёритиб берилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются актуальность и важность изучения причин разводов в каракалпакских семьях.

**SUMMARY**

The article discusses the relevance and importance of studying the causes of divorces in Karakalpak families.

## ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАНИШДА ПСИХОЛОГИК ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ

**Д.У.Каипбергенова** - *ассистент ўқитувчи*
*Ўзбекистон жахон тиллари университети*

**Таянч сўзлар:** психология, жараён, ёндашув, хотира, мантиқ, полилог, лойиҳа, фаолият, машқ, маълумот.
**Ключевые слова**: психология, процесс, подход, память, логика, полилог, проект, деятельность, упражнения, информация.
**Key words:** psychology, process, approach, memory, logics, polylog, project, activity, exercises, information.

Мамлакатимизнинг ҳар бир жабҳаларида уни тубдан яхшилаш, янгилаш ва такомиллаштириш жараёнлари олиб борилмоқда. Бу йўналишда 1997 йил 19 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисида” ги қонунларнинг қабул қилиниши таълим соҳасида муҳим бурилиш ясади. Бундан кўзланган асосий мақсад таълим тизимини модеринизация қилиш, таълим-тарбия мазмунини тубдан янгилаш, юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва ўқув жараёнига замонавий инновацион ва ахборот коммуникатив технологияларни жорий этишдир. Президентимиз томонидан 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида; 2017 йил 11 августдаги 610-сонли “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларида айнан белгиланган вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Таълим тизимида ўқувчи ва талабаларга билим беришда нафақат турли методлар, информацион технологиялар, балки уларнинг психологик жиҳатлари ҳам асосий рол ўйнайди.

“Психология” сўзи грекча “псюхэ” (жон, руҳ) ва “логос” (сўз, илм) сўзидан олинган бўлиб, унинг маьноси, ”жон, рух илми” демакдир. Психология – табиий ва ижтимоий фан сифатида воқеликнинг алоҳида соҳаси бўлган психикани ўрганади [1:4].

Психология фанининг тараққиётида муҳим ўрин тутган Б.Г.Ананев, П.П.Блонский, Л.С. Выготский, А.В. Запорожес, К.Н. Корнилов, Г.С.Костюк, А.Н.Леоньтев, А.Р.Лурия, С.А.Рубенштейн, А.А.Смирнов, Б.М.Теплов, Д.Н. Узнадзе ва бошқалар илмий ишлар олиб борганлар [2:11].

Таьлим беришда, яьни чет тилларини ўрганишда ҳам психологик ёндашув муҳим ҳисобланади. Унда хотира асосий ўринни эгаллайди. Индивиднинг ўз тажрибасида эсда сақлаб қолиши ва кейинчалик уни яна эсга тушуриши хотира деб аталади [3:347]. Тил ўрганувчилар кўпинча сўзларни хотирада яхши сақлаб қолмаётганликларидан азият чекадилар. Бугун ёдланган сўз, сўз бирикмалари эртасига унутиб қўйилатганликларини айтадилар. Бунинг асосий сабаби нимада деб бош қотирадилар. Маьлумки, баьзи маьлумотлар хотирада узоқ сақланади, аммо баьзилари меҳнат фаолиятимиз учун муҳим бўлган маьлумотлар эса тез хотирамиздан ўчади. Уни қанча эслашга уринмайлик ярим чала эслаймиз ёки батамом эслай олмаймиз. Бунинг учун хотира машқларининг ўрни беқиёсдир.

Хотира - бу тажрибамизга алоқадор ҳар қандай маь-

лумотларни эслаб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушуриш ва унутиш билан боғлиқ мураккаб жараёндир [3:96]. Буюк бобокалонларимиз А.Темурнинг хотираси ҳақида афсоналар юради. У ўз қўл остидаги бекларнинг нафақат исмини, балки отасининг исмларини ҳам ёддан биларкан, учрашувларда бевосита номини айтиб мурожаат қиларкан. Бу фазилат ҳам унинг ўз қўл остидагилар орасида обрўйининг баландлигига таьсир кўрсатган. Хотиранинг қуйидаги турлари мавжуд [4: 98].

- *Кўргазмали хотира.* Бундай турга кирувчилар бирор нарсани ёки ҳолатни ўз кўзлари билан кўрмагунларича яхши эслаб қолалмайди ва моҳиятини ҳам тўлиқ англай олмайдилар.
- *Мантиқий хотира.* Бу турдаги хотира эгалари ўзича фикрлаб, нарсаларнинг номини қайта-қайта айтиб, ҳаёлида мавҳум тарзда тасаввур қилмагунча эслаб қолишлари қийин бўлади.
- *Эмоционал хотира.* Бу типдагилар эса ҳис қилган ва эмоционал образ қолдирган нарсаларни яхши эслаб қоладилар.
- *Феноменал хотира.* Ушбу хотира эгалари бир вақтнинг ўзида жуда катта ҳажмдаги маьлумотларни хотирада узоқ вақт сақлаб қоладилар ва керагида эсга туширадилар. Бундай хотира эгаларининг эслаб қолиш услублари бўлар экан.

Демак, инглиз тилини ўқитиш жараёнида хотиранинг кўргазмали, мантиқий ва эмоционал турларидан фойдаланамиз. Жумладан, дарс мавзуларини тушунтиришда кўргазмали хотира муҳим ўрин тутади. Чунки талабаларга мавзу бўйича турли хил расмлар, диаграммалар, харита, видеолар каби кўргазмали материаллардан унумли фойдаланилса ва шу ҳақда уларга гаплар туздирилса, амалиётда фойдаланилса маьлумотлар узоқ вақт эсда сақланади. К.Г.Маркварт (1981) фикрича "билим" тушунчасининг асл моҳияти хотирада сақланувчи ахборот сифатида қаралади [5:16]. Мантиқий хотирада эса кўпроқ мушоҳада юритилса, танқидий фикрланса, ўқиган матнларни ҳаёлан сурати чизилса, эслаб қолиш осонроқ бўлади. Эмоционал хотира ўрганган билимларини кичик саҳна кўриниши, диалог, полилог ва проект ишларида намоён этиш орқали яхши эслаб қоладилар. Қуйида биз хотирани мустаҳкамлашга доир машқлардан намуна келтирдик.

| Кўргазмали хотира машқлари | Мантиқий хотира машқлари | Эмоционал хотира машқлари |
|---|---|---|
| Brainstorming, picture description, photo, jumbled story, posters, activities, puzzles, card and word games. | Jigsaw reading, case study, book reviews, survives, guessing games, imaginative writing. | Role play, dialog, conversation, project work, presentation, talk show. |

Одатда хотирани муайян турларга ажратишда асос қилиб унинг характеристикасини, яьни эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, қайта эсга тушириш, эслаш, таниш сингари жараёнларни амалга оширувчи фаолиятнинг хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда олинади. Э.Ғозиев хотирани асосан 5 та муҳим мезонга, турларга, кўринишга ажратади.

- Руҳий фаолиятнинг фаоллигига кўра: ҳаракат ёки матор ҳаракат хотираси, образли хотира, ҳис-туйғу ёки ҳиссиёт хотираси, сўз-мантиқ хотираси;
- Руҳий фаолиятнинг мақсадига биноан: ихтиёрий, ихтиёрсиз ва механик хотира;
- Руҳий фаолиятнинг давомийлигига кўра: қисқа муддатли, узоқ муддатли ва оператив хотира;
- Руҳий фаолият қўзғатувчисининг сифатига кўра: мусиқий, эшитиш хотираси;
- Руҳий фаолиятнинг инсон касбий йўналишига қараб: феноменал, касбий хотира [3:239].

Демак, руҳий фаолиятнинг фаоллигига кўра, тил ўрганувчи талабалар эсларида яхши сақлашлари учун дарс жараёнида рангли расмлар, турли хил шаклдаги диаграмма ва жадваллар, товушлар орқали бажариладиган машқлар, воқеа ҳодисаларни ифодалаб ёзиш ёки гапириб бериш; руҳий фаолиятнинг мақсадига биноан турли хил интерактив, интегратив, коммуникатив машқ ва топшириқлар, ўйинлар амалга оширилади; руҳий фаолиятнинг давомийлигига кўра эртак, ҳикоя ёки асарларни ўқиш, уларни гапириб бериш, уни кўчириб ёзиш, ижодий фикр юритиш; руҳий фаолият қўзғатувчисининг сифатига кўра мавзуга доир мусиқа тинглаш ва янги сўзлари билан ишлаш, матн тинглаш ва бир-бирларига матннинг мазмун ва моҳиятини гапириб бериш назарда тутилади; руҳий фаолиятнинг инсон касбий йўналишига қараб тил ўрганувчилар касбга доир атама ва терминлар иштирокида ролли ўйинлар, интервью ва муҳокамалар уюштириш хотирада сақлаб қолишга ёрдам беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, хотирани мустаҳкамлаш ва хотирада узоқ сақлаб қолиш дарс жараёнини ташкиллаштириш, яьни мавзу бўйича хотира турларига мос машқ ва топшириқларининг тўғри танланганлигига ва дарсни самарали ташкиллаштиришга боғлиқ деб ҳисоблаймиз.

**Адабиётлар**


1. Зуфарова М.Э. Умумий психология. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. -Т.: 2010, 304-б.
2. Сирлиев Б.Н., Бекназаров А.А., Арзиқулов Д.Н. Психология. .–Т.: 2005, 136- б.
3. Ғозиев Э.Ғ. Психология: Ўрта махсус, касб ҳунар таълими маркази. -Т.: "Ўқитувчи" НМИУ. 2008, 352- б.
4. Каримова В. Психология. Ўқув қўлланма. А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. -Т.: 2002, 203- б.
5. Фарберман Б.Л. Илғор педагогик технологиялар. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. -Т.: "Фан", 2000. 127-б.



**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада инглиз тилини ўрганишда психологик ёндашувнинг аҳамияти ҳақида фикр юритилган. Муаллиф тил ўрганишда хотиранинг ўрни ва уларнинг турларини мисоллар билан ёритган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье обсуждаются вопросы важности психологического подхода к изучению английского языка. Автор описывает роль памяти в изучении языка и её типы.

**SUMMARY**

The article is devoted to the discussion of the importance of the psychological approach to learning English. The author of the article describes the role of memory in language learning and its types.


## КРИТЕРИИ ГОТОВНОСТИ К БРАКУ


**М.А.Утепбергенов –** *кандидат педагогических наук, доцент*

*Научно-практический исследовательский центр «Оила»*

*при Кабинете Министров Республика Узбекистан, управление Республики Каракалпакстан*



**Таянч сўзлар:** никоҳга тайёргарлик омиллари, мулоқот маданияти, турмуш ўртоғи, эр-хотин муносабатлари, никоҳ мустаҳкамлиги.

**Ключевые слова:** критерии готовности к браку, культура общения, брачный партнёр, конфликтные ситуации, супружеское общение, устойгивость брака.

**Key words:** criteria of readiness to the marriage, culture of communication, marriage partner, conflict situations(marital conflict), matrimonial communication, firmness of marriage.


С первых минут рождения ребёнка на протяжении всей его жизни до последних минут предания его тела земле о человеке судят, оценивают, определяют по множеству критериев. Новорождённый согласно росту, весу, психофизическому и соматическому состоянию оценивается, насколько он в пределах нормы или имеет

отклонение в ту или иную сторону. В младенческом возрасте в зависимости от того, в какие месяцы он начал садиться, ходить, говорить судят о психомоторике. В зависимости от развития речи в 3 года можно судить о его мышлении и речевом развитии. В 6-7 лет определяют его готовность к обучению в школе.

После завершения обязательного 12-летнего (в разных странах по-разному) образования по его желанию проверяют уровень его знаний на претендуемый факультет избранного им вуза.

Выпускника и имеющего определенный опыт работы работника, выдвигают по административной лестнице, по ряду параметров изучают соответствие его личности предполагаемой должности.

Согласно количеству лейкоцитов, гемоглобина, билирубина, мочевины, сахара, артериального давления и других маркёров определяют наличие или отсутствие определённых болезней в организме человека.

Прожив долгую жизнь, перед преданием его земле публично обозначаются возраст, свершённые им дела и оценка как человека (по мусульманским обычаям).

Как видим, с первых и до последних минут нашей жизни наша личность, деятельность, изменения в организме оцениваются определёнными критериями. Критерии существуют и при определении готовности молодежи к браку, т.е. началу личной семейной жизни. До сегодняшнего дня основными формальными критериями являются возраст девушки и юноши, предусмотренные законом, и состояние их здоровья.

Нами впервые сделана попытка разработки социально-психологических критериев определения готовности молодёжи к браку, что, на наш взгляд, может способствовать укреплению семьи и стабилизации семейных отношений.

Эти критерии выражаются в следующем:

1. Наличие образования и определённой профессии, которые позволят экономически обеспечить семью. Это один из ведущих критериев, который во многом определяет качество жизни супругов и их детей.

2. Состояние здоровья молодых, позволяющее иметь здоровых детей.

3. Умение рационально вести бюджет семьи.

4. Сформированность навыков по выполнению хозяйственно-бытовых работ.

5. Готовность к выполнению воспитательной функции семьи, от которого будет зависеть уровень воспитания детей.

6. Наличие элементарных санитарно-гигиенических знаний в профилактике заболеваний ребёнка.

7. Наличие соответствующих знаний и представлений об изменениях в женском организме при нормальном протекании беременности.

Это необходимо знать не только девушкам, но и юношам, для грамотной заботы о беременной супруге и здорового развития плода, а также предупреждения супружеских конфликтов.

8. Сформированность культуры общения со старшими и младшими в новой семье для становления молодой семьи и формирования хороших межличностных отношений с членами семьи брачного партнёра.

9. Знание основных традиций, связанных с семейной жизнью.

10. Знание основных средств контрацепции и их использования.

11. Если брачный партнер представитель другой национальности или из другого региона, то готовность учитывать этнопсихологические и этнорегиональные особенности брачного партнера.

12. Умение эмоционально поддержать брачного партнёра в трудную минуту, снимать стресс у члена семьи посредством эмоциональной поддержки, т.е. навыки по выполнению психотерапевтической функции в семье.

13. Соответствующий уровень культуры речи и сформированность нравственности, устойчивость морально-этических особенностей личности.

14. Отсутствие вредных привычек (злоупотребление алкоголем, курение, наркомания, токсикомания и др.) и ведение здорового образа жизни.

15. Позитивная направленность жизненных ценностей.

16. Сформированность навыков культурной организации досуга.

17. Учёт иерархии в семье, почтительное отношение к старшим и уважение младших.

18. Достаточная выраженность в личности юноши и девушки таких качеств как терпимость, толерантность, немногословность (неболтливость), продуманность суждений, вежливость, искренность, жизнерадостность, улыбчивость, благодарность, тактичность и умение их использовать в интересах себя и семьи в целом.

19. Для девушек: умение содержать дом в чистоте, особенно кухню и туалет; умение красиво сервировать стол для гостей, искренне встречать и обслуживать гостей, при необходимости поддерживать беседу; умение со вкусом одеваться и подбирать соответствующий наряд.

20. Для юношей: умение экономически обеспечивать семью, не быть иждивенцем для своих родителей, наличие в характере целеустремлённости, силы воли и умения мобилизации воли, наличие жизненной программы, решительность, умение выдерживать испытания судьбы, не пасовать перед трудностями, трудолюбие, уважение к женщине, любовь к детям, умение держать эмоции и чувства в уздах разума, под контролем рассудка.

21. При наличии трений и конфликтной ситуации между свекровью и невесткой молодой муж не должен занимать одну из позиций (жены или матери), не должен обижать ни мать родную, ни мать своих детей. Он должен быть дипломатом, уравновешивать и «мирить» обе стороны, при этом подсказывать невестке о необходимости терпимости, толерантности, выдержки, даже если она права.

Молодой муж должен делать всё для предупреждения конфликтов и формирования уважения друг к другу свекрови и невестки. Молодой человек, собирающийся жениться, должен быть готов выполнять на должном уровне функции семейного дипломата, точнее, функции дипломата в семье.

22. Молодые невестки должны быть лишены привычки при часто встречающихся в ряде семей конфликтах с мужем бежать в родительский дом и "изливать душу" матери и подругам.

Они должны уметь быстро ликвидировать конфликт, умело пользуясь психологическими особенностями личности мужчины. Надо уметь посредством мелких, «быстротечных», но нечастых конфликтов обострять чувства любви, использовать конфликт для любви, как перчинку для аппетита. Девушка, собирающаяся замуж, должна овладеть этими умениями и навыками.

23. Невестки должны быть готовы выражать особую уважительность в отношениях со свекровью и свёкрам и втройне усилить внимание, в случае их болезни при уходе за ними.

24. Молодые люди (женихи) должны быть готовы терпеть отдельные капризы своих жён, особенно в период беременности, удовлетворять их неожиданные потребности, связанные с беременностью, развитием плода, понимать и учитывать возможные психоэмоциональные изменения в личности жён в послеродовой период (послеродовая депрессия) и проявлять особую внимательность, ещё больше выражать любовь и ласку в таких случаях.

25. Наличие достаточных знаний, а мужчинам - знаний, умений и навыков в вопросах половой жизни. Молодые люди должны быть готовы к формированию из теоретически знающей девушки практически и искусно умеющей женщины, раскрывая в ней неизвестные для неё самой потенциальные возможности. Обе стороны должны быть готовы делать все, чтобы преду

предить факторы, способствующие внебрачным связям.

26. В семейной жизни, особенно при нестандартных ситуациях, когда судьба семьи висит на волоске, супругам крайне необходима такая черта как умение прощать брачного партнёра. Поэтому как личности мужчин, так и женщин, крайне важна выраженность умения прощать. В этом выражается мудрость, человечность, психологическая точнее эмоциональная уравновешенность, душевная щедрость, сила воли и гибкость характера личности. Супругам следует помнить, что умение уступать, прощать, не предаваться эмоциям, умение выслушать и оставаться самим собой свойственно сильным личностям, зачастую лидерам.

27. После создания семьи не забывать о родителях, не конфликтовать с родителями под воздействием брачного партнёра, необходимо сполна выполнять сыновий и дочерний долг, прикладывая все усилия для повышения рейтинга, авторитета двух фамилий (рода жениха и невесты). Юноши и девушки, готовящиеся к заключению брака, должны быть предварительно готовы к этому.

28. Жизнь так устроена, что по истечении лет родители покидают детей, уходя в иной мир. Нередки случаи, когда распределение наследства среди наследников приводит к раздорам, конфликтам, судебным разбирательствам среди самых близких друг другу людей.

Вступающим в брак молодым людям должны быть чужды такие принципы жизни. Жадность, алчность, зависть и готовность разорвать отношения с близкими по роду и крови людьми на почве распределения наследства не должны иметь место в жизненных ценностях молодых людей, собирающихся начало семейной жизни.

29. Брак, делая одного мужем, другую женой, роднит очень много людей. Посредством двух молодых родственниками оказываются сотни людей. Потому молодые должны воспринимать их как своих родных родственников и быть искренними в отношениях с ними.

30. Нельзя давать повода для ревности, поскольку она может нарушить не только супружеские отношения, но и семью в целом.

31. Вступающие в брак должны хорошо знать следующие правила и быть готовыми следовать им в се мейной жизни:

1. Не посягать на свободу общения брачного партнёра с одноклассниками, однокурсниками, друзьями и подругами. Не относиться критично к друзьям, подругам, коллегам (если, конечно, они не страдают алкоголизмом, наркоманией, не занимаются проституцией и другими асоциальными явлениями).

2. Не критиковать брачного партнёра в присутствии родителей, друзей, подруг, родственников, коллег.

3. Не противопоставлять себя, семью (семейную жизнь) формам досуга (спорт, рыбалка, мальчишники-девичники на природе, традиционная встреча с друзьями, подругами и т.п.) и хобби брачного партнёра.

4. Не конфликтовать часто и по мелочам, не затягивать во времени разрешение, т.е. благополучное завершение конфликта, по возможности не привлекать много советчиков (поскольку у Ваших советчиков могут быть совершенно разные мотивы вплоть до распада Вашей семьи), не делать скоропалительных выводов и не принимать на их основе ошибочных решений. Лучшим, профессиональным советчиком для Вас может быть психолог, который профессионально и грамотно разрешит Ваш конфликт. Будьте готовы обратиться к психологу.

5. Не пытайтесь перевоспитывать (можете только тактично и этично подсказывать супруг(е) брачного партнера, умело направляйте его деятельность, поведение с учётом его (её) индивидуально-психологических особенностей личности.

6. В супружеском общении часто отмечайте его достоинства, способности, достижения, потенциальные возможности и не зацикливайтесь на недостатках его личности.

Вышеизложенные могут служить критериями в определении готовности к браку молодых. Если на 2/3 критериев обе стороны молодых отвечают положительно, то они готовы к браку и брак будет относительно устойчивым. Такая семья не распадётся. Вместе с тем следует отметить что алкоголизм, наркомания и любовь вне семьи может привести к кризису любую идеальную пару.

Предлагаемые критерии могут быть успешно использованы молодыми супругами как руководство к действию, т.е. в качестве методических рекомендаций в становлении упрочении семьи и супружеских отношений.

Вышеизложенное может быть эффективно использованы психологами, а также родителями при подготовке молодежи к семейной жизни.

**РЕЗЮМЕ**

Бу мақолада ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш тўғрисида сўз боради. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича ижтимоий-психологик мезонлар ва уларнинг оила мустаҳкамлиги ва оилавий ҳаётга тайёрлаш борасидаги ҳаракатлар илк бор қадам оила муносабатлари барқарорлигини таъминлашдаги роли ҳақида мақолада сўз қилинган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье говорится о подготовке молодёжи к семейной жизни. Впервые сделана попытка разработки социально-психологических критериев определения готовности молодёжи к браку, что может способствовать укреплению семьи и стабилизации семейных отношений.

**SUMMARY**

The article deals with the process of preparation of the youth to the family life. For the first time the attempt was made to work out the social-psychological criteria of defining of the youth's preparation to the marriage which can be the basis of the firmness and stability of family relationships.

## СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ И ДИНАМИКА УДОВЛЕТВОРЁННОСТИ БРАКОМ У МУЖЧИН И ЖЕНЩИН В КАРАКАЛПАКСКОЙ СЕМЬЕ

**М.А.Утепбергенов** – *кандидат педагогических наук, доцент*

*Научно-практический исследовательский центр «Оила» при Кабинете Министров Республика Узбекистан, управление Республики Каракалпакстан*

**Таянч сўзлар:** этнопсихологик хусусиятлари, никоҳдан қониқиш даражаси, никоҳ мустаҳкамлиги, ҳис-тўйғулар динамикаси, шаҳар оиласи, қишлоқ оиласи.

**Ключевые слова:** этнопсихологические особенности, уровень удовлетворённости браком, устойчивость брака, динамика чувств, городская семья, сельская семья.

**Key words:** ethno psychological peculiarities, the degree of satisfaction by marriage, firmness of marriage, dynamics of feelings, urban family, rural family.

В целях определения этнопсихологических особенностей удовлетворённости браком в каракалпакской семье, для более точной дифференциации супружеских отношений в городских супружеских парах мы использовали адаптированный вариант методики "Тест на удовлетворённость браком" (авторы Л.Я.Гозман, Ю.Е.Алёшиной, О.О.Ерёмичевой, 1986, адаптация Г.Б.Шоумарова и Н.А.Согинова).

Для удобства восприятия экспериментального материала они были условно переименованы нами следую

щим образом;

1. Динамика чувств.
2. Удовлетворённость выбором брачного партнера.
3. Дружность семьи.
4. Оценка друзей.
5. Отношение к родителям.
6. Наличие серьёзных конфликтов.
7. Ролевые взаимодействия супругов в семье.
8. Финансовые вопросы.
9. Создание нервозной обстановки.
10. Тяга к семейному очагу.
11. Совместное проведение досуга вместе с женой (мужем).
12. Мысли о разводе.
13. Спокойствие и уют в доме.
14. Нежность к жене (мужу), проявляемое мной(ю).
15. Нежность в отношениях супруга(ги) ко мне.
16. Желание уехать куда-нибудь одной (одному).
17. Оценка своего брака.

Результаты теста, т.е. уровни удовлетворённости браком респондентов отражены в таблицах 5.1. и 5.2.

